

**М.Қ.ПАРДАЕВ
Д.А.ЗУЛУНОВА**

ФУНКЦИОНАЛ
КИЙМАТ
ТАҲЛИЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

М.Қ.ПАРДАЕВ, Д.А.ЗУЛУНОВА

ФУНКЦИОНАЛ ҚИЙМАТ ТАҲЛИЛИ

Самарқанд -2007

Пардаев М. Қ., Зулунова Д. А.
Функционал қиймат таҳлили.
Маърузалар курси. Самарқанд, Сам ИСИ, 2007. 192 бет

Тақризчилар:

Р.А.Абдуллаев - СамИСИ профессори,
Самарқанд вилояти бухгалтерлар ва
аудиторлар миллий Ассоциацияси директори

К.Б.Уразов - СамИСИ доценти, иқтисод фанлари номзоди.

1.

Маъруза курси функционал қиймат таҳлили(ФҚТ)га бағишланган биринчи асар бўлиб, унда ФҚТнинг мазмуни, предмети, объекти, вазифалари, методи, турлари, босқичлари, қўлланиладиган усуллари, кўрсаткичлари, ахборот манбалари ёритилган. ФҚТнинг ҳар бир босқичига алоҳида тўхталган. Шунингдек, ушбу ишда ФҚТнинг бошқа айрим назарий ва амалий жиҳатлари ҳам кўрсатиб ўтилган.

Маъруза курси олий ўқув юртларининг «Иқтисодий таҳлил» мутахассислиги бўйича магистрларга ва "Иқтисодиёт", "Молия", "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит", "Менежмент", "Маркетинг", "Банк иши" каби ўқув йўналишлари бўйича бакалаврларга мўлжалланган. Ушбу ишдан мутахассислар ва ФҚТ усуллари билан қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Маърузалар курси СамИСИ Илмий кенгашининг 2006 йил 22 январдаги мажлисида кўриб чиқилган ва чоп этишга тавсия қилинган.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти.
М.Қ.Пардаев, Д.А.Зулунова. 2007.

К И Р И Ш

ФҚТнинг аҳамияти Ўзбекистонда бозор муносабатлари шаклланиётган шaroитда янада ошди, чунки бу иқтисодиёт ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ўз фаолиятини мукамал таҳлил қилиб маҳсулоти, иши ва хизмати сифатини узлуксиз ошириб боришини талаб қилмоқда. Бу тадбирлар шу субъектнинг эркин рақобат шaroитида унинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган асосий омиллардир. Zero, иқтисодий эркинлик ўз навбатида иқтисодий масъуллиكنи ҳам келтириб чиқаради.

Бозор муносабатлари шaroитида мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган товар (иш, хизмат)ларнинг рақобатбардошлиги, сифати ва баҳоси муҳим аҳамиятга эга. Бунга амалиётда ФҚТни қўллаш орқали эришиш мумкин. Шу туфайли, мазкур ишда ФҚТнинг назарий ва амалий масалаларни қараб чиқилган. У йиғирма бобдан иборат бўлиб, унда ФҚТнинг моҳияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари ҳам қисқа сатрларда ёритилган. Бу борада ҳар хил қарашлар мавжудлигини инобатга олиб муаллифлар тадқиқотлар натижасида шаклланиган ўзларининг фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашган. ФҚТнинг вазифаси, айниқса Ўзбекистон иқтисодиёти учун бекиёсдир. Буни инобатга олиб ушбу бобда айнан шу масалага ҳам алоҳида аҳамият берилган.

Ишда ФҚТнинг вужудга келиш тарихи қисқа қилиб ёритилган. Ушбу бобда ФҚТ услубиятини яратишда ҳисса қўшган олимлар ва унинг амалиётда қўлланилиш тарихи кўрсатиб берилган. ФҚТнинг Ўзбекистонда яратилишига ҳам тўхтаб ўтилган.

Маъруза матнида функционал қиймат таҳлилининг иқтисодий таҳлил тизимидаги ўрни ва ўзига хос хусусиятлари, уларни амалга ошириш босқичларига ҳам етарли даражада ўрин берилган. Чунки, ФҚТни амалга ошириш ва унинг натижасида таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун унинг ҳар бир босқичини яхши тушуниб олиш лозимдир.

ФҚТ иқтисодий таҳлилининг алоҳида шакли сифатида қаралган бўлиб, уни амалга ошириш ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги таъкидланган. Унинг ўзига хослиги ишнинг ҳар бир босқичларида намоён бўлади. Шу туфайли махсус параграф ФҚТни ўтказиш босқичларига бағишланган.

Функционал қиймат таҳлилининг босқичлари бирқанча бўливлардан иборатдир, яъни булар тайёргарлик кўриш босқичи, ахборотларни тўплаш босқичи, масаланинг моҳиятини ўрганиш босқичи, ижодий босқичлардир. ФҚТда ноанъанавий усуллар қўлла-нилади. Шулардан энг муҳимлари эвристик таҳлил ва "фикрлар ҳужуми" усулларига алоҳида тўхталган. Чунки, ФҚТда қўлланилади-ган ноанъанавий усуллардан энг муҳимларига эвристик усуллар, "Фикрлар ҳужуми" каби ижодий усуллар киради.

Функционал қиймат таҳлилининг амалиётда қўллашда, унинг сама-радорлигини таъминлашда тадқиқот-босқичи муҳим ўрин тутати. Шу туфайли ушбу масалага ҳам ишда алоҳида боб бағишланган.

Функционал қиймат таҳлилининг ўтказиш асосий мақсади, уни

ABSTRACT RESUME

№ 59893

ишлаб чиқаришга қўллаш ва жорий қилишдир. ФҚТ хўжалик дастакларининг энг самарали турларидан биридир. Шу туфайли унинг самарадорлигига ҳам алоҳида ўрин берилган. Энг муҳими, ушбу бобда назарий масалалар фақат амалий маълумотлар билан эмас, балки чизмалар йўли билан ҳам кўрсатиб берилган.

Шунингдек, ишда функционал қиймат таҳлилининг хизмат соҳасида, бошқаришда қўлланилишига ҳам аҳамият берилган.

Ҳар қандай иқтисодий механизмдан самарали фойдаланиш учун уни яхши ташкил қилишни таъминлаш лозим. Бу эса, функционал қиймат таҳлилни ташкил қилишни тақозо қилади. Буни инобатга олиб ишда ушбу масалага ҳам тегишли тарзда ўрин берилган.

Барча соҳаларда масалани етарли даражада ҳал қилиш учун шу соҳага муносиб кадрларни танлаш лозим. Буни инобатга олиб ишда функционал қиймат таҳлили учун кадрларни танлаш ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари қараб чиқилган.

қилинган тадбирлар бозор муносабатлари шароитида тегишли кўзда тутилган самарани беришлари лозим. Шу туфайли ишда функционал қиймат таҳлилининг самарадорлиги ва уни баҳолаш усуллари кўриб чиқилган. Шунингдек, алоҳида бобда функционал қиймат таҳлилни режалаштириш ва унга кетадиган харажатларни баҳолаш усуллари ҳам ёритилган.

Функционал қиймат таҳлилининг харажатларни бошқаришдаги ва бошқарув қарорларини қабул қилишдаги ролига ҳам алоҳида аҳамият берилган.

ФҚТ масаласи бу жуда кенг ва ҳали Ўзбекистон олимлари томонидан етарли даражада ўрганилмаган соҳа. Ушбу иш муаллифларнинг ўзбек тилидаги биринчи иши бўлганлиги туфайли унда баъзи камчиликлар, мунозарали жихатлар бўлиши табиий. Шу туфайли муаллифлар ФҚТнинг назарий ва амалий масалалари бўйича ҳурматли ўқувчиларнинг барча таклиф ва тавсияларини, таъкид ва эътирозларини бажонидил қабул қилади. Булар дастлаб ишнинг такомиллашувига туртки бўлса, энг муҳими, унинг амалиётда қўлланилиши ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг кўтарилишига, Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилаётган миллий маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги ва нуфузининг ошишига асос бўлади.

1-Мавзу. ФУНКЦИОНАЛ ҚИЙМАТ ТАҲЛИЛИНИНГ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЗАРУРЛИГИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Р Е Ж А:

1.1. Функционал қиймат таҳлили (ФҚТ)нинг бозор муносабатлари шароитида объектив зарурлиги

1.2. Функционал қиймат таҳлилининг бозор муносабатлари шароитида корхоналар самарадорлигини оширишдаги роли

1.3. Функционал қиймат таҳлилининг бозор муносабатлари шароитидаги вазифалари

А С О С И Й қ И С М:

1.1. Функционал қиймат таҳлили (ФҚТ) нинг бозор муносабатлари шароитида объектив зарурлиги

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг ишлаб чиқараётган маҳсулоти, хизмати ва ишларининг рақобатбардошлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, рақобатбардошликни таъминлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сони билан бирга сифати, нархи ва унинг яшовчанлиги юқори бўлиши лозим. Бундай ҳолатни ФҚТ орқали таъминлаш мумкин.

Эркин иқтисодиёт шароитида хўжалик субъектлари кўзда тутилмаган ҳодиса ва жараёнларга кўплаб дуч келиши муқаррар. Бу шароитда ҳар бир корхона, фирма ўз фаолиятини чуқур таҳлил қилиб ноанъанавий қарорлар қабул қилишни, кўзда тутилмаган чора - тадбирларни қўллашни талаб қилади. Бунга эришиши учун ҳам функционал-қиймат таҳлили (ФҚТ) дан самарали фойдаланиш лозимдир.

Функционал қиймат таҳлили (ФҚТ) деганда ҳар бир бажариладиган функцияни (бош, асосий, ёрдамчи, нокерак ва зарарли) қиймат жиҳатидан баҳолаб, маҳсулот (иш, хизмат)нинг сифатини оширган ҳолда нокерак ва зарарли функцияларни бартараф қилиш эвазига ички имкониятларни (резервларни) топиш ва ишга солишга қаратилган тадбирлар мажмуэси тушунилади.

ФҚТ жаҳон амалиётида, айниқса тараққий этган мамлакатларда кенг қўлланиб келинмоқда. Унинг самарадорлиги бекқис эканлигини жаҳон амалиёти такрор ва такрор исботлаб

қолмоқда, чунки маҳсулот (иш, хизмат)нинг сифатини унга сарф қилинадиган харажатларни камайтириш эвазига эришиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида корхонанинг ички ва ташқи бозордаги рақобатда ютиб чиқишини, унинг молиявий барқарорлигининг мустаҳкамлигини таъминламоқда.

ФҚТ иқтисодиётнинг барча соҳалари (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, хизмат, савдо кабилар) да қўлланилиши мумкин. Унинг аҳамияти беқиёсдир, чунки жамиятда ФҚТ маҳсулотнинг таннархини камайтириб сифатини сақлаб қолган ҳолда, ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва истеъмолчиларнинг манфаатлари муштараклигини таъминлайди. У энг аввало, меҳнаткаш манфаатига мос, уларни самарасиз ишлардан, ноқерак функцияларни амалга оширишдан ҳоли қилади ва шу йўл билан барча қилинадиган меҳнатнинг фойдалилигини таъминлайди. Шу орқали улар бир хил меҳнатга бир вақт бирлигида кўп меҳнат ҳақи олишга эришади.

ФҚТ мулк эгаси, инвесторлар манфаати учун ҳам хизмат қилади. У энг аввало, маҳсулот сифатини яхшилаш эвазига мулк эгасининг истеъмол бозоридаги нуфузини оширади. Иккинчидан эса, корхонада ортиқча сарф-харажатларни камайтириш эвазига унинг иқтисодий самарадорлигининг ошишига, фойданинг кўпайишига замин яратади. Корхонанинг фаолиятида молиявий барқарорлик таъминланиб, унинг рақобатга бардошлилиги ошади.

Бозор муносабатлари шароитида ФҚТ давлат манфаатини ҳам ўзида акс эттиради. Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш, у ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги нуфузи ошганлиги, биринчидан, давлатни ташқи мамлакатларга танитади ва иккинчидан, унинг бюджетига ҳар хил солиқли ва солиқсиз тўловлар орқали тушумларини кўпайтиради. Демак, ФҚТ бутун манфаатлар муштараклигини ва мувофиқлигини таъминлайди. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий фаолиятнинг асосий тамойилларидан бири эканлигидан далолатдир.

1.2. Функционал қиймат таҳлилининг бозор муносабатлари шароитида корхоналар самарадорлигини оширишдаги роли

Функционал қиймат таҳлилининг бозор муносабатлари шароитида корхоналар самарадорлигини оширишдаги роли беқиёсдир. Чунки, кўзда тутилган харажатлар, уларнинг сарфи ва тежамлилиги ҳали иқтисодий жараёнларнинг содир бўлмасидан

олдин аниқ бўлади. Бунда ҳар бир функцияга кетадиган вақт ва шу билан боʻлиқ моддий харажатлар олдиндан белгиланган бўлади. Бироқ, амалиётда ҳамиша кўзда тутилгандек ҳолатлар бўлмаслиги мумкин. Бу эса, ФҚТ усулларида фойдаланишни бироз қийинлаштиради. Лекин ФҚТнинг қўлланилиши ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг ҳам тартибли, интизомли бўлишини тақозо қилади. Тежамкорлик бор жойда, тартиб-интизом бор жойда самарадорликнинг бўлмаслиги мумкин ҳам эмас. Шу туфайли ФҚТни ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишда асосий самарали усуллардан деб баҳолаш мумкин.

Масалан, ФҚТ битта буюмни тайёрлашда қўлланилди, деб фараз қиламиз. Шу буюмни яратишда функциялар бирқанча босқичларда таснифланади. Буларга:

- шу буюмни лойиҳалаштириш жараёни;
- шу буюмни тайёрлаш жараёни;
- шу буюмни ишлатиш ва ундан фойдаланиш жараёни;
- шу буюмни таъмирлаш жараёни;
- шу буюмни тайёрлаш, ишлатиш, фойдаланиш ва таъмирлашни биладиган кадрларни тайёрлаш каби жараёнлар киради.

Ушбу жараёнларнинг ҳар бирини амалга оширишда бажариладиган функциялар яна алоҳида функцияларга, яъни зарур, ёрдамчи ва ноқерак функцияларга бўлиб олинади. Лойиҳалаштириш жараёнидаёқ ноқерак функциялардан воз кечилади. Бу ҳам вақтни ва маблаъларни тежаш имконини тўдиради. Бу ҳолат ҳам самарадорликни оширишнинг асосий омилларидан биридир.

Функционал қиймат таҳлилининг корхоналар самарадорлигини оширишдаги яна бир роли унинг маҳсулот (иш, хизмат)лар сифатини ошириш билан белгиланади. Маълумки, сифатли маҳсулотнинг харидори ҳамиша топилади. Харидоргир маҳсулотларнинг сотилиши ҳам осонроқ кечади. Бу ҳам ўз навбатида, корхоналар самарадорлигини ошириш имконини яратади.

Функционал қиймат таҳлилининг асосий вазифаларидан бири, унинг харажатларни тежашда намоён бўлади. Иқтисодий таҳлилнинг бошқа шаклларида харажатлар сарф бўлгандан кейин аниқланади ва уни бартараф қилиш масаласи келгуси давр учун аҳамиятли бўлади. Бироқ, ФҚТда харажатлар миқдори иқтисодий жараёнларнинг содир бўлмасидан олдин аниқланганлиги туфайли, бунда шу жорий даврнинг ўзидаёқ реал тежамкорликка

эришилади. Бу ҳам ФҚТнинг самарадорлиги юқори эканлигидан далолатдир.

Функционал қиймат таҳлилининг бозор муносабатлари шароитидаги самарадорлиги, уни лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлатиш, ундан фойдаланиш, таъмирлаш каби жараёнлари-нинг ҳар бирида эришилади.

Агар у иқтисодий жараёнларга қўлланиладиган бўлса, шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳали уни режалаштириш пайтида қанча тежамкорликка эришиш мумкинлиги ва буни амалга ошириш учун нималар қилиш лозимлиги аниқ бўлади. Бунда ҳам кўпгина нокерак ва зарарли функциялар олдиндан бартараф қилиниб борилади. Буларнинг ҳаммаси ФҚТ қайси соҳага қўлланилмасин жуда самарали иқтисодий дастак эканлигидан далолат бериб турганлигини кўрсатади.

1.3. Функционал қиймат таҳлилининг бозор муносабатлари шароитидаги вазифалари

Функционал қиймат таҳлилининг бозор муносабатлари шароитидаги вазифалари жуда катта, чунки бу дастакни амалиётга қўллаш мисли кўрилмаган самарадорликка эришиш имкониятини бериши мумкин. Зеро, ФҚТ эркин бозор муносабатлари шаклланаётган ва шаклланган шароитида иқтисодиётнинг ҳамма соҳасида қўлланилиши мумкин. Ундан лойиҳалаштиришда, бирор объектни такомиллаштиришда, техника ва технологик жараёнларни таҳлил қилишда, иқтисодиётнинг ҳамма бўлиларида, бошқаришда, хизмат соҳаси кабиларда фойдаланиш мумкин. Ушбу иш бевосита иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишга бағишланганлиги туфайли биз ФҚТнинг фақат шу иқтисодиёт соҳасида қўлланилишига тўхталамиз, ҳолос.

Функционал қиймат таҳлилининг бозор муносабатлари шароитидаги вазифалари моҳияти жиҳатидан икки гуруҳга, яъни глобал ва локал гуруҳларга бўлинади.

ФҚТнинг глобал вазифаси маҳсулот (иш, хизмат)нинг сифатини пасайтирмаган ҳолда, унинг қийматини арзонлаштириш ва харидоргирлигини оширишга қаратилган тадбирлардан иборатдир.

Ҳар қандай маҳсулот (товар), бажарилган иш, кўрсатилган хизмат истеъмолчига мўлжалланган бўлади. Истеъмолчи учун эса уларнинг энг аввало, сифати, сўнгра нархининг арзонлиги керак.

Айнан ана шу кўрсаткичларга ФҚТ ни қўллаш орқали, унинг глобал вазифасини бажаришда эришилади. Демак, ушбу таҳлилнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти ва вазифаси янада ошади.

ФҚТнинг локал вазифаси деганда унинг глобал вазифасидан келиб чиқиб аниқ тадбирларни амалга оширишга қаратилиш тушунилади.

ФҚТ нинг асосий локал вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. ФҚТ қўлланилиши мумкин бўлган хўжалик субъектининг иқтисодий фаолиятини, товар, иш, хизмат каби жараёнларини аниқлаш.

2. Таҳлил қилинадиган объектда бажариладиган функцияларни (асосий, ёрдамчи, нокерак) ва уларнинг ҳар бирига кетадиган харажатларнинг миқдорини (пул, вақт бирлигида) аниқлаш.

3. Нокерак функцияларни бартараф қилиш йўли билан товар, иш, хизмат сифатини яхшилаган ҳолда, уларга кетадиган харажатларни камайтириш эвазига, корхонанинг (хўжалик юритувчи субъектнинг) умумий молиявий аҳволини яхшилашни таъминлаш.

4. Шу йўл билан хўжалик юритувчи субъектнинг умумиқтисодий самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

5. Самарадорликни ошириш эвазига ушбу субъектнинг молиявий барқарорлигини, унинг рақобатга бардошлилигини таъминлаш, ишдаги ва бозордаги фаоллигини кўтариш кабилардан иборатдир.

Ушбу вазифаларни бажариш корхоналарда бир ёки икки кишининг иши эмас. Иқтисодий таҳлилни бир киши амалга ошириши мумкин. Аммо ФҚТни бундай қилиб бўлмайди. Буни бажариш учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда ФҚТ ўтказиладиган гуруҳ бўлишини тақозо қилади. Бу гуруҳга иқтисодчилар, менежерлар, маркетинглар, бухгалтерлар, молиячилар, ички аудит ходимлар, илмий ходимлари (маслаҳатчилар) кириши лозим. Бунда “фикрлар ҳужуми”, “етти марта ўлча”, эвристик, мантиқий, синектика каби кўплаб усуллардан фойдаланиш лозим.

1.4. Таянч иборалар ва муҳим атамаларнинг таърифлари

Функционал қиймат таҳлили (ФҚТ) деганда ҳар бир бажариладиган функцияни (бош, асосий, ёрдамчи, ноқерак ва зарарли) қиймат жиҳатидан баҳолаб, маҳсулот (иш, хизмат)нинг сифатини оширган ҳолда ноқерак ва зарарли функцияларни бартараф қилиш эвазига ички имкониятларни (резервларни) топиш ва ишга солишга қаратилган тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Функционал қиймат таҳлилининг бозор муносабатлари шароитида корхоналар самарадорлигини оширишдаги роли кўзда тутилган харажатлар, уларнинг сарфи ва тежамлилиги ҳали иқтисодий жараёнларнинг содир бўлмасидан олдин аниқланиши билан белгиланади.

Функционал қиймат таҳлилининг бозор муносабатлари шароитидаги самарадорлиги, уни лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаатиш, ундан фойдаланиш, таъмирлаш каби жараён-ларининг ҳар бирида эришилганлиги билан аҳамиятлидир.

Функционал қиймат таҳлилининг бозор муносабатлари шароитидаги вазифалари моҳияти жиҳатидан икки гуруҳга, яъни глобал ва локал гуруҳларга бўлинади.

ФҚТнинг глобал вазифаси маҳсулот (иш, хизмат)нинг сифатини пасайтирмаган ҳолда унинг қийматини арзонлаш-тириш ва харидоргирилангини оширишга қаратилган тадбир-лардан иборатдир.

ФҚТнинг локал вазифаси деганда унинг глобал вазифасидан келиб чиқиб аниқ тадбирларни амалга оширишга қаратилиши тушунилади.

1.5. Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича ўзини-ўзи назорат қилиш учун билиши лозим бўлган ва семинар дарсида муҳокама қилинадиган саволлари

1. Функционал қиймат таҳлилининг бозор муносабатлари шароитида объектив зарурлиги нима билан белгиланади?
2. Функционал қиймат таҳлили бозор муносабатлари шароитида қандай соҳаларда қўлланилади?
3. ФҚТ кимларнинг манфаатларини ўзида ифода этади ва нима учун?
4. Функционал қиймат таҳлилининг бозор муносабатлари

шароитида корхоналар самарадорлигини оширишдаги роли қандай?

5. Бирорта буюмни яратишда ФҚТдан фойдаланилган тақдирда функцияларни таснифлашнинг қандай босқичлари мавжуд?

6. Функционал қиймат таҳлилининг бозор муносабатлари шароитидаги вазифалари нималардан иборат?

1.6. Таянч иборалар ва муҳим атамаларнинг таърифлари

Асосий функциялар объектнинг фаолият кўрсатишини, ҳаракат қилишини белгиловчи, унинг асосий вазифасининг бажарилишини таъминлайдиган функциялардир.

Ёрдамчи функциялар деганда ўрганилаётган объектнинг бош функциясини бажариш учун зарур бўлган асосий функцияларнинг қаракатини таъминлайдиган функциялар тушунилади.

Нокерак функциялар деганда бажарилаётган функцияларнинг олиб ташланиши ёки ишлатилмаслиги танланган объектнинг асосий функциясини бемалол бажарилишига, сифатига, ишлатилишига, кўринишига таъсир қилмайдиган функциялар мажмуаси тушунилади.

Юқори даражали функциялар деганда асосий ва бош функциялар тушунилади.

Қуйи даражали функциялар деганда нокерак ва зарарли функциялар мажмуини тушунилади.

ФҚТда ўз объектини ўрганишда, унинг катта-кичиклигидан қатъий назар, уни бир бутун деб қараб, маълум деталларга бўлиб, ҳар бир детални яна функцияларга бўлиб ва уларни ҳам параметрлари бўйича алоҳида кўрсатган ҳолда амалга оширилади.

Алоҳида харажатлар деганда битта функциянинг бажарилишига мўлжалланган ва уни бутун ҳаётий даврида таъминлайдиган харажатлар тушунилади.

Ўсиб борувчи харажатлар деганда шундай харажатлар тушуниладики, бир функцияни бажаришга мўлжалланган функциялар вақт ўтиши билан бошқа функцияларни ҳам бемалол бажараверади ва харажатлар ҳам олдинги харажатларга қўшилиб бораверади.

Улушли харажатлар деганда ҳар бир объектнинг барча харажатлари ичида ҳар бир функцияга кетган харажатларнинг улуши умумий харажатнинг қанча қисмини ташкил қилиши тушунилади.

1.7. Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича билиши лозим бўлган ва ўзини-ўзи назорат қилиш учун лозим бўлган саволлари

1. Ўрганилаётган объектда мавжуд функциялар қандай аниқланади?
2. Ўрганилаётган объектда мавжуд функциялар қандай таснифланади?
3. Ўрганилаётган объектда мавжуд функциялар қандай тавсифланади?
4. Ўрганилаётган объектнинг ташқи муҳит билан бо'лиқ функциялари нималардан иборат?
5. Ўрганилаётган объектда ички муҳит билан бо'лиқ функциялари нималардан иборат?
6. Функцияларни таҳлил қилишнинг қанақа босқичлари мавжуд?
7. Функцияларни таҳлил қилишнинг қанақа йўллари мавжуд?
8. ФҚТда харажатларни калькуляцияси бўйича туркумлаш ва уларни функциялар бўйича тақсимлаш қандай амалга оширилади?
9. Функциялар қанақа гуруҳларга тавсифланади?
10. Ишчи функцияларга нималар киради?
11. Умумобъект (ташқи) функцияларга нималар киради?
12. Ичкиобъект (ички) функцияларга нималар киради?
13. Эстетик функцияларга нималар киради?
14. Асосий функцияларга нималар киради?
15. Ёрдамчи функцияларга нималар киради?
16. Нокерак функцияларга нималар киради?
17. Зарарли функцияларга нималар киради?

1.6. Ушбу мавзу бўйича амалий масалалар ва топшириқлар.

Ушбу мавзу бўйича семинар кўзда тутилганлиги учун олдинги 6 та савол муҳокама қилинади. Муҳокама жараёнида талабалар (магистрлар) ҳар бир савол бўйича ўзларининг фикрларини ҳаётдан олинган амалий фикрлар билан изоҳлайди. Зеро, ўқувнинг бакалавриатура босқичида талабалар бор нарсаларни, билимларни ўрганадилар. Магистратура даврида эса, мавжуд

билимларни ҳаёт билан болаб ўз фикрлари билан мушоҳада қилган ҳолда ушбу соҳанинг ижобий ва салбий тамонларига баҳо берадилар. Аспирантурада ҳар бир жабҳада мавжуд билимларни эгаллаш билан бирга, унинг назарий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш йўларини билиш даражасига етилади. Докторантурада таълимотнинг янги, истиқболли йўналишлари белгилаб берилади ва шу соҳанинг назарий ва методологик муаммоларини ҳал қилиш даражасига етилади.

1.7. Мавзуларни ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди, масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, калитли сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, агар шу мавзу бўйича янги адабиётлар чоп этилиб қолгудай бўлса конспект қилади ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади. Ушбу мавзу бўйича жорий, оралик ва якуний назоратлар ўтказилади. Назорат шакли ёзма, оʻзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

1.8. Мавзу устида мустақил ишлаш жараёнида талабаларнинг (магистрантларнинг) амалга оширадиган тадбирлари ва уларнинг назорати

Мазкур мавзу устида мустақил ишлаш учун талаба (магистр)лар қуйидаги ишларни бажаришлари лозим:

1. мавзу бўйича дарсда қилган конспектини ўрганади;
2. мавзу бўйича тарқатма материаллар билан танишиб чиқади;
3. мавзу бўйича чоп қилинган адабиётларни ўрганади ва конспект қилади;
4. ўқитувчи топшириқ берса ушбу мавзу бўйича реферат ёзади ва уни ёқлайди;

Мустақил ишнинг назорати ҳам одатдагидек ёзма, оʻзаки ва тест саволлари билан амалга оширилади. Натижа рейтинг асосида 100 баллик тизим билан баҳоланади.

1.9. Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

2. Моисеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении. - М.: Машиностроение. - 1987. - 320 бет.

3. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001. - 272 бет. 12-Боб. Функционал-қиймат таҳлили методологияси. - 207-233 бетлар.

4. Пардаев М.Қ., Пардаев И.Р. Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари. Самарқанд. СамДУ, 2004.- 81 бет, 9-савол. Бошқаришда функционал-қиймат таҳлилидан фойдаланиш. - 46-75 бетлар.

5. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. "Методика функционально-стоимостного анализа" -172-187 бетлар.

6. Справочник по функционально стоимостному анализу. Под ред. М.Г.Карпунина, Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988.- 432 бет.

7. Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. проф. А.Д.Шеремета. М.: Прогресс, 1982.- & 3.7. "Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)" -231-236 бетлар.

8. Функционально-стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1985.- 472 бет.

2.-Мавзу. Функционал қиймат таҳлиlining шаклланиш ва ривожланиш тарихи

Р Е Ж А:

2.1.Функционал қиймат таҳлиlining шаклланиш тарихи

2.2.Функционал қиймат таҳлиlining жаҳон амалиётида вужудга келиш тарихи

2.3.Функционал қиймат таҳлиlining Ўзбекистонда яратилиш тарихи

А С О С И Й Қ И С М:

2.1. Функционал қиймат таҳлиlining шаклланиш тарихи

ФҚТ иқтисодий таҳлиlining энг илор шаклларида бири сифатида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи асосий дастак ва омиллардан биридир. Шу туфайли ушбу таҳлил усули ҳам аста секиналик билан шаклланиб ривож топмоқда.

ФҚТнинг вужудга келиш тарихи XX асрнинг 40-йилларига тўри келади. Бу таҳлиlining пайдо бўлиши объектив заруратдан келиб чиққан. Иқтисодиётда шундай вазият вужудга келадик, энди мақсадсиз харажатларни бартараф қилиб корхона фаолиятининг самарадорлигини ошириш эвазига кўпроқ фойда

олиш зарурати туғилди.

Бунга эришиш учун иқтисодий таҳлилни техник таҳлил билан қўшиб олиб боришга тўри келди. Чунки бу таҳлилда ҳамма соҳа ва жиҳатлар комплекс тарзда ўрганишни тақозо қилди.

ФҚТнинг методологияси биринчи марта собиқ иттифок даврида 40-йилларда яратила бошланди. Рус олимларидан Н.А.Бородачев раҳбарлигида олиб борилган тадқиқотларда ушбу таҳлилнинг биринчи марта назарий асоси яратилди ва у амалиётга тадбиқ этилди. Ушбу олим раҳбарлигидаги гуруҳ ФҚТни битта приборга жорий қилиб 22% самарадорликка эришди. Шу йилларда ФҚТ усуллари Пермлик Ю.М.Соболев ишларида ҳам ўз аксини топа бошлади. Шу даврда АҚШда ҳам бир гуруҳ олимлар ФҚТ методологиясини яратиш бўйича мухандис А.Майлсон раҳбарлигида иш олиб бордилар. Сўнгги таҳлилнинг бу тури Фарбий Европа ва тараққий этган йирик капиталистик мамлакатлар (Англия, Германия, Япония ва ҳ.к.)га тарқалди.

Ю.М.Соболев томонидан яратилган усулга чет элларда, хусусан, Германияда катта қизиқиш уйғонди. Бу олим ишларига таяниб Х.Эберт ва К. Томослар ҳам тадқиқот олиб бордилар. Натижада ФҚТ усуллари Фарб мамлакатлари амалиётига ҳам жорий қилина бошланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ФҚТ собиқ иттифокда биринчи марта яратилишига қарамасдан унинг амалиётда қўлланилиши орқада қолди. Бунга эҳтимол иккинчи жаҳон уруши сабаб бўлгандир. Шу туфайли АҚШда таҳлилнинг бу тури амалиётга биринчилар қатори жорий қилиниши билан характерланади. Бу эса ФҚТнинг ватани АҚШ деган тушунчани вужудга келтирди.

Собиқ Иттифокда ФҚТдан амалиётда фойдаланиш 60-70 - йилларга тўри келади. Ўтган асрнинг 60 - йилларида ФҚТ Воровский номи Свердлов машинасозлик заводида, Харьковда жойлашган электрсозлик БИТИда, Москва "Электролуч" ишлаб чиқариш бирлашмасида, Чебоксар электроаппарат заводида жорий қилина бошланди.

70-йиллардан бошлаб у электротехника саноатида қўлланила бошланди. 80-йилларда эса машинасозлик саноатида қўлланилди. Шу йилларда ФҚТ амалиётга кенг жорий қилиниши билан биргаликда у халқаро миқёсга кўтарила бошлади. Шу йилларда ФҚТ билан шуғулланадиган бирқанча бутуниттифок ва халқаро ташкилотлар вужудга кела бошлади.

Шундай қилиб ФҚТнинг такомилланиши шу асрнинг 80-

йилларга тўри келади. Бу даврда шу соҳа бўйича жуда кўплаб адабиётлар яратилди. Бунда олимлардан Б.И.Майданчик, М.Г.Карпунин, Н.К.Моисеева, В.П.Салтикова, Р.Влчек, А.Д.Шеремет, А.П.Селезнев кабилар катта ҳисса қўшдилар. Бу олимлар ФҚТ бўйича монография, дарслик, ўқув ва амалий қўлланмалар яратдилар. Хуллас, XX асрнинг охирига келиб ФҚТнинг назарий ва амалий асоси яратилди.

2.2. Функционал қиймат таҳлилининг жаҳон амалиётида вужудга келиш тарихи

ФҚТ жаҳон амалиётида ҳам 1940 йилларда пайдо бўлди. Собиқ иттифокда Ю.М.Соболев ушбу соҳа бўйича тадқиқот олиб борган бўлса, америкалик олимлардан муҳандис Л.Майлз шуғулланган. Унинг тадқиқоти америкадаги «Дженерал электрик» номли электротехник фирмаси мисолида олиб борилди. Бу тадқиқот қимматли металлларнинг ўрнига арзонроқ металллардан фойдаланиш заруратидан келиб чиқди. Бунга муваффақиятли эришди. Шу туфайли у ўзининг таҳлил усулини «муҳандис - қиймат таҳлили» деб атадилар ва уни «амалий фалсафа» дейишни тавсия қилди. Л.Майлзнинг хизмати маҳсулотнинг сифатига, кўринишига, фойдалигига, ишлатилишига, муддатига таъсир қилмайдиган нокерак функцияларга кетадиган харажатларни камайтириш йўллари ишлаб чиққанлиги билан характерлидир.

Ю.М.Соболев усули бирорта детални арзон, кам харажат билан ишлаб чиқишни тавсия қилган бўлса, Л.Майлз тадқиқоти қимматроқ нарсаларнинг ўрнига, унинг сифатига, ишлатилишига путур етказмаган ҳолда арзонроқ нарсаларни яратиш устида борди. Л.Майлз тавсияси амалиётга тадбиқ қилиниши натижасида ФҚТга қилинган ҳар бир АҚШ доллари миқдоридаги харажат 10 доллар самара бера бошлади.

АҚШда 1959 йилда ФҚТни амалиётга қўллаш бўйича ва компаниялар ўртасида тажриба алмашиш мақсадида махсус жамият тузилди. 60 - йилларга келиб америкада бир қанча илмий тадқиқот марказлари тузилди ва улар университетлар таркибида ҳам ташкил бўла бошлади.

ФҚТ турли мамлакатларда қўлланила бошланди. Жумладан, Англияда ФҚТни қўлаган биринчи компания 100 минг киши ишлайдиган «Ассошэйтед Электрикал Индастриз Лимитед» компанияси бўлди. Бу жуда катта гигант корхоналардан бири эди.

ФҚТ Францияга ҳам АҚШ мутахассисларнинг кўмаги билан

жорий қилинди. Бу мамлакатда автомобил, электротехник, приборсозлик саноатларида, кейинчалик маиший техникаларни ишлаб чиқаришда қўлланилди.

ГФРда ҳам ФҚТдан фойдаланиш 50-йилларнинг охирларида, аниқроғи 1959 йилда "Опель", БМВ фирмаларида қўлланилиши билан бошланди. 60-йилларнинг охирларига келиб ГФРда фаолият кўрсатаётган фирмаларнинг 51 фоизиди ФҚТ қўлланиладиган бўлди. ГФРда фаолият кўрсатаётган муҳандислар иттифоқи 1969 йилда ФҚТни қўллаш бўйича йўриқнома ишлаб чиқди. 1973 йилда ФҚТ бўйича саноат стандарти ишлаб чиқилди.

Японияда ФҚТ 1973 йилги нефт инқирозидан кейин жуда тезлик билан жорий қилина бошланди. Японияда ФҚТ янги яратилаётган маҳсулотларнинг 80-90 фоизини, олдиндан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг эса, 50-85 фоизини қамраб олганлар.

ФҚТ Чехия ва Славакция мамлакатларида ҳам муваффақият билан қўлланилмоқда. Ушбу давлатларда уни биринчи бўлиб Адамов шахридаги "Адаст", Брно шахридаги ЗКА машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмалари қўлладилар.

Польшада ФҚТ 1966 йилларда вагонсозлик саноатида қўлланилиши билан бошланган эди. Ҳозирги маълумотларга қараганда Польшада ФҚТдан кенг қўламда фойдаланилмоқда.

Венгрияда биринчи марта ФҚТ 1969 йилда тажриба тариқасида қўлланилган бўлса, ҳақиқий самарани 70-йилларнинг ўрталарида бера бошлади.


Руминияда ҳам ФҚТ 70-йилларнинг бошларида жорий қилина бошланди. Ушбу давлатда 1979 йилдан буён ФҚТдан фойдаланиш бўйича давлат стандарти қўлланилиб келинмоқда.

Болгарияда ФҚТ бошқа Европа мамлакатлари сингари 1979 йилдан бошлаб қўлланилиб келинмоқда. Бу ерда ҳам унинг қўлланилиш кўлами нафақат ишлаб чиқаришда, балки хизмат ва бошқа соҳаларда ҳам сезилмоқда.

ФҚТдан Россияда ҳам кенг қўламда фойдаланилмоқда. Бу биринчи марта электротехника саноатида фойдаланилган бўлса, ҳозирги кунда ундан фойдаланиш деярли ҳамма соҳани қамраб олган.

Ҳозирги кунда ФҚТдан фойдаланадиган мамлакатларнинг рўйхати жуда узун. Кимки юқори самарадорлик билан ишлашни мақсад қилиб қўяр экан, улар ФҚТдан самарали фойдаланишлари лозимдир.

ФҚТдан Болтиқ бўйи мамлакатларида ҳам кенг қўламда



фойдаланилмоқда. 1985 йилда Рига шаҳрида ФҚТдан фойдаланиш бўйича иккинчи Бутуниттифоқ симпозиуми, 1986 йилда Чехославакияда ФҚТни қўллашга бағишланган тўққизинчи Халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Бу конференция ҳар йили бир марта ўтказилиши ҳамон давом этмоқда.

Собиқ иттифоқ даврида Вазирлар Маҳкамаси қошида “ФҚТни жорий қилиш қўмитаси” тузилди. Бунга йирик олимлар ва амалиётчи мутахассислар раҳбарлик қилдилар.

Бу тадбирлар ФҚТнинг иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг қўламда қўлланиш имконини берди. Шундай қилиб, 90-йилларга келиб ФҚТ ўзининг назарий асосига, амалий тажрибасига эга бўлди ва иқтисодий таҳлиlining бир шакли сифатида мустаҳкамланди.

2.3. Функционал қиймат таҳлиlining Ўзбекистонда яратилиш тарихи

Функционал қиймат таҳлиlining Ўзбекистонда яратилиш тарихи ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу бобда ФҚТнинг жаҳон амалиётида ва Ўзбекистонда вужудга келиш тарихи қисқа қилиб ёритилган. Бунда ФҚТ методологиясини яратишда ҳисса қўшган олимлар ва унинг амалиётда қўлланилиш тарихи кўрсатиб берилган. Унда ФҚТнинг моҳияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари ҳам қисқа сатрларда ёритилган. Бу борада ҳар хил қарашлар мавжудлигини инобатга олиб муаллифлар тадқиқотлар натижасида шакланган ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашган. ФҚТнинг вазифаси, айниқса, Ўзбекистон иқтисодиёти учун беқиёсдир. Буни инобатга олиб ушбу бобда айнан шу масалага алоҳида аҳамият берилган.

Мамлакатимизда ФҚТга оид адабиётлар деярли чоп қилинган эмас. 2001 йилда М.Қ.Пардаевнинг «Иқтисодий таҳлил назарияси» дарслиги чоп қилинди. Унда дастурга асосан битта боб ажратилган эди. 2003 йилга келиб Б.А. Ҳасанов ўзининг «Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт» номли монографиясида битта 1.2.5. параграф “Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси” номи билан чоп этилди. Аммо таҳлилга оид жуда кўп адабиётлар чоп этилишига қарамасдан ушбу масала ҳамон ўз ечимини кутмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам юқори иқтисодий самарадорликка ички имкониятларни ишга солиш эвазига эришиш кўзда тутилган бўлса албатта ФҚТдан фойдаланиш лозимдир. Зеро, ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатиш ва иш

базаришга ФҚТ жорий қилинмас экан, кўзланган самарадорликка эришиб бўлмайди. Чунки «миқдор - сифат - баҳо - истеъмолчи талаби» тамойили бузилган жойда бозор муносабатлари самарали ишламаслиги жаҳон амалиётида жуда кўп бор синалган. Шу туфайли ФҚТ иқтисодий таҳлилнинг бир муҳим ва ўта зарур шакли сифатида мамлакатимизда ривож топмоғи лозим.

Таҳлилнинг ушбу соҳасининг қанчалик муҳимлигига қарамасдан, ҳукуматимиз ушбу масалага ҳамон аҳамият берган эмас. Жаҳон амалиётида, ФҚТ билан шуғулланадиган ва уни амалиётга тадбиқ қиладиган жуда кўп жамғармалар, нодавлат ташкилотлари фаолият кўрсатади, уларга буюртмалар ва эҳтиёжлар мавжуд.

Ҳозирча бизнинг мамлакатимизда бирор нарсанинг шаклланиши ва ривожланиши учун олдин давлатимизнинг бирорта қарори ёки кўрсатмаси бўлишини тақозо қилади. Чунки давлат бош ислохотчи сифатида бутун янгиликларнинг ташаббускоридир.

Мамлакатимизда таҳлил мактаблари шаклланмоқда. Буларга Самарқандда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтидаги мактаб, Тошкентда Тошкент молия институтидаги мактаб, Тошкет Давлат иқтисодиёт университетларидаги мактабларни мисол келтириш мумкин. Келажакда ушбу мактаблар олимлари биргалашиб ФҚТ муаммосининг ҳал бўлиши учун жонбозлик кўрсатишлари лозим. Токи унинг ўзимизга хос иқтисодиётимизга мос назарияси шакланмас экан, амалиётда уни ривожлантириб бўлмайди.

Бу масалаларни ҳал қилиш учун ФҚТни турли соҳаларга қўллаш бўйича бирқанча диссертацияларнинг ёқланишини, мамлакатимиз олимлари ва амалиётчилар ҳамкорлигида турли илмий-амалий конференциялар ўтказилишини, доимий ишлайдиган семинарларнинг ташкил қилиниши каби кўплаб тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

2.4. Таянч иборалар ва муҳим атамаларнинг таърифлари

ФҚТнинг вужудга келиш ва шаклланиш тарихи XX асрнинг 40-йилларига тўғри келади.

ФҚТнинг пайдо бўлишига объектив зарурият иқтисодиётда мақсадсиз харажатларни бартараф қилиб корхона фаолиятининг самарадорлигини ошириш эвазига кўпроқ фойда олишга эришиш зарурати вужудга келганлиги бўлди.

Кимки юқори самарадорлик билан ишлашни мақсад қилиб қўяётган бўлса, улар ФҚТдан самарали фойдаланиш йўллари ахтариб топишлари лозимдир.

90-йилларга келиб ФҚТ ўзининг назарий асосига, амалий тажрибасига эга бўлди ва иқтисодий таҳлиlining бир шакли сифатида тўлиқ шаклланиб бўлди ва мустақамланди, унинг назарий ва методологик асослари ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда ФҚТга оид адабиётлар деярли чоп қилинмаган.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам юқори иқтисодий самарадорликка ички имкониятларни ишга солиш эвазига эришиш учун албатта ФҚТдан фойдаланиш лозимдир. Чунки «миқдор - сифат - баҳо - истеъмолчи талаби» тамойили бузилган жойда бозор муносабатлари самарали ишламаслиги жаҳон амалиётида жуда кўп бор синалган.

2.5. Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича ўзини-ўзи назорат қилиши ва билиши лозим бўлган саволлари

1. Функционал қиймат таҳлиlining шаклланиш тарихи
2. ФҚТнинг пайдо бўлишига объектив сабаблар нимада?
3. Функционал қиймат таҳлиlining жаҳон амалиётида вужудга келиш тарихи қачон ва қаерда бошланган?
4. АҚШда ФҚТнинг пайдо бўлиши.
5. Европа мамлакатларида ФҚТ қандай пайдо бўлган ва ривожланган?
6. Функционал қиймат таҳлиlining Ўзбекистонда яратилиш тарихи қачон бошланган?
7. Ўзбекистонлик олимлардан кимлар ФҚТ билан шуғулланган?

2.6. Ушбу мавзу бўйича амалий масалалар ва топшириқлар

Ушбу мавзу бўйича талабалар (магистрлар) реферат ёзиб келадилар. Унда қуйидаги саволларни қараб чиқиш кўзда тутилади:

1. Функционал қиймат таҳлилининг шаклланиш тарихи
2. Функционал қиймат таҳлилининг жаҳон амалиётида вужудга келиш тарихи
3. Функционал қиймат таҳлилининг Ўзбекистонда яратилиш тарихи

2.7. Мавзуларни ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди, масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, калитли сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, агар шу мавзу бўйича янги адабиётлар чоп этилиб қолгудай бўлса конспект қилади ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади. Ушбу мавзу бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилади. Назорат шакли ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат кўпинча реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

2.8. Мавзу устида мустақил ишлаш учун саволлар ва уларнинг назорати

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича семинар ёзадилар.
2. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда бештадан тест тузадилар.
3. Ўзбекистонда ФҚТ бўйича чоп этилган адабиётлар, мақолалар ва бошқа асарларнинг рўйхатини тузадилар ва уларнинг қисқагина мазмунини ёзиб топширадилар.

2.9. Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. Моисеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении. - М.: Машиностроение. - 1987. - 320 бет.
2. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001.- 272 бет. 12-Боб. Функционал-қиймат таҳлили методологияси.- 207-233 бетлар.
3. Пардаев М.қ., Пардаев И.Р. Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари. Самарқанд. СамДУ, 2004.- 81 бет. 9-савол. Бошқаришда функционал-қиймат таҳлилидан фойдаланиш. - 46-75 бетлар.
4. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. "Методика функционально- стоимостного анализа" -172-187 бетлар.

5. Справочник по функционально-стоимостному анализу. Под ред. М.Г.Карпунина, Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988.- 432 бет.

6. Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. Проф. А.Д.Шеремета. М.: Прогресс, 1982.- & 3.7. "Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)" -231-236 бетлар.

7. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. - Т.: Молия, 2003.- 248 бет. (Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси 81-90 бетлар).

8. Функционально-стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1985.- 472 бет.

3.-Мавзу. Функционал қиймат таҳлилининг иқтисодий таҳлил тизимидаги ўрни, ўзига хос хусусиятлари ва унда қўлланиладиган тамойиллар

Р Е Ж А:

3.1. Функционал қиймат таҳлили иқтисодий таҳлилнинг шакли эканлиги

3.2. Функционал қиймат таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари

3.3. Функционал қиймат таҳлилида қўлланиладиган тамойиллар

А С О С И Й Қ И С М :

3.1. Функционал қиймат таҳлили иқтисодий таҳлилнинг шакли эканлиги

ФҚТни қўллашдан мақсад корхонанинг харажатларини камайтириш эвазига унинг фаолиятида юқори самарадорлик ва сифат кўрсаткичига эришишдан иборатдир. Бунга иқтисодий ҳодиса, жараён ва фаолиятни содир бўлмасдан олдин системали равишда таҳлил қилиш орқали эришилади. Натижада маҳсулотнинг юқори сифати, ишнинг юксак самарадорлиги таъминланади. Шу туфайли ФҚТ иқтисодий таҳлилнинг энг самарали ва илғор шаклларида бири бўлиб ҳисобланади.

Таҳлилнинг бу шакли асосан микро-иқтисодиёт даражасида қўлланилади. Бунда ҳам аниқ бўғинларни, маҳсулотни, жараённи, фаолиятни объект қилиб олади. Масалан, бирор маҳсулотни ишлаб чиқариш, ёки товар ҳаракатини бошқариш, ёки бирор мутахассис фаолиятини такомиллаштириш кабилар ФҚТнинг

объекти ҳисобланади. Демак, ФҚТнинг қўлланилиш доирасида қисқа ва аниқ мақсадлар кўзда тутилади.

Шундай қилиб, ФҚТ деганда ишнинг, фаолиятнинг, меҳнатнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида, уларни системали равишда, содир бўлмасдан олдин, мантиқий (эвристик) йўл билан таҳлил қилиш орқали маҳсулотни ишлаб чиқаришда, унга сарфланадиган харажатларни ва бажариладиган функцияларни камайтириш эвазига унинг фойдалилиги ва рентабеллигини кўпайтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш жараёни тушунилади.

ФҚТ бир вақтнинг ўзида товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчилар билан бирга истеъмолчилар манфаатини ҳам кўзлаб иш тутадилар. Ишлаб чиқарувчиларнинг манфаати ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш эвазига ишнинг самарадорлигини оширишда намоён бўлса, истеъмолчиларнинг манфаати эса товарнинг сифатида, нархининг арзонлигида, ундан узоқ муддат фойдаланишда, унинг мустаҳкамлигида намоён бўлади. Бу билан давлатнинг ҳам манфаати муштараклашади, чунки товар арзон ва сифатли бўлса бу жаҳон бозорида ҳам ўз харидорларини топади. Шу орқали давлат ўз нуфузига эга бўлиш билан бирга, унинг иқтисодий қудрати ҳам мустаҳкамланади. ФҚТни қўллаш орқали ҳамма манфаатлар муштараклигини ва мувофиқлигини таъминлайдиган кўрсаткичларга, товар (иш, хизмат)нинг сифати, арзонлиги, мустаҳкамлигига эришилади.

3.2. Функционал қиймат таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари

ФҚТнинг ўзига хос хусусиятлари бевосита унинг табиатидан келиб чиқади. Чунки мазкур таҳлил ўзининг ноанъанавийлиги, илмий тадқиқотларга асосланиши, уни ўтказишда бир киши эмас, балки жамоа меҳнати ва тафаккур маҳсулидан фойдаланиши билан фарқ қилади. ФҚТнинг ушбу жиҳатлари унинг ўзига хослигини белгилайди. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Таҳлил қилинаётган объект ҳали ишга тушмаган, фаолият кўрсатмаётган, лойиҳалаштириш, режалаштириш босқичида бўлиши мумкин. Шу туфайли ФҚТ, аксарият ҳолда, иқтисодий жараён содир бўлмасдан олдин ўтказилади.

2. Ҳар бир таҳлил қилинаётган объектда бирорта ҳодиса ёки иқтисодий жараённинг тўлиқ содир бўлиши учун у қандай функциялардан иборатлиги ва ҳар бир функциянинг вақт ёки қиймати жиҳатидан қанча харажат талаб қилиниши аниқланади. Бундай таҳлилда абстракт тафаккур, “Фикрлар ҳужуми”,

эвристик таҳлил каби илғор усуллардан фойдаланиш мумкин.

3. ФҚТда барча функциялар бешга бўлиб ўрганилади: бош, асосий, ёрдамчи, нокерак ва зарарли. Таҳлил қилинадиган объект фаолиятини режалаштириш ва лойиҳалаштиришда нокерак функция-ларни бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқилади. Бу эса харажатнинг иқтисодий жараёнларнинг содир бўлмасидан олдин камайишини таъминлайди.

4. Ҳар бир асосий ва қўшимча функцияларнинг қандай амалга ошиши белгиланади. Имкони борича бу функциялар ҳам тежамли йўллар билан маҳсулот (иш, хизмат) сифатини, яроқлилиқ муддатини, фойдаланишга қулайлигини оширадиган даражада бажарилишини таъминлайди.

5. ФҚТ самарадорлиги олдиндан аниқланади, чунки таъкидланганидек, олдиндан аниқланган нокерак функциялар содир бўлмасдан, уларга маблағ, вақт йўқотилмасдан бартараф қилинади. Бу ҳам мазкур таҳлилнинг ўта самарали иқтисодий дастак эканлигидан далолатдир.

6. Ушбу таҳлилда ахборот манбаи бўлиб ўтган, содир бўлган иқтисодий жараённи ифодаловчи ҳисоботлар эмас, балки бажарилиши лозим бўлган, кўпроқ илмий ва мантиқий йўл билан аниқланган, ҳали содир бўлмаган функциялар тизими ҳисобланади.

7. Фаолият кўрсатаётган объектларда ФҚТ бизнес-режани тузишда қўлланилади. Унинг ҳар бир кўрсаткичини асослаш учун функцияларни таркиблаш (бош, асосий, қўшимча, нокерак, зарарли) тамойилига асосланади. Бу эса иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳам яхшиланишини, иқтисодий ўсишни самарали йўллар билан таъминлаш имконини беради.

ФҚТда таҳлилнинг ҳам, таҳлил қилинаётган объектнинг ҳам мақсадини, кутилаётган натижасини, функциясини, моҳиятини, таъсирини ва алоқасини аниқлаб олишни тақозо қилади. Объектнинг мақсадида у орқали нимага эришилиши кўзда тутилса, натижада шу объект нимага эришилганлиги кўрсатилади. Унинг функциясида шу объектнинг нима қилиши кўзда тутилса, моҳиятида шу объект нима қила олишини кўрсатади. Объектнинг таъсири деганда объектнинг нимани ўзгартира олиши тушунилса, унинг алоқасида ФҚТ бошқа кўрсаткичларга таъсир қилиш нималар орқали амалга ошиши кўрсатилади. Шу туфайли ФҚТни амалга ошириш жараёнида ушбу иборалардан тўғри ва аниқ фойдаланиш лозимдир.

3.3. Функционал қиймат таҳлилида қўлланиладиган тамойиллар

Функционал қиймат таҳлили иқтисодий таҳлилнинг илғор шакли сифатида жуда қўп ноанъанавий тамойилларга таянади. Бу тамойиллар ўзларининг мазмун ва моҳияти жиҳатидан таҳлилнинг бошқа шаклларида фарқ қилади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- функционал ёндошув;
- тизимли ёндошув;
- жамият нуқтаи назаридан ёндошув;
- истеъмолчи нуқтаи назаридан ёндошув;
- комплекс ёндошув;
- функциялар ва харажатлар мувофиқлигини таъминлаш;
- ижодий тафаккурни фаоллаштирган ҳолда ёндошув;
- жамоавий тафаккур ва меҳнатдан фойдаланиш;
- янги илмий, техникавий ва иқтисодий билимларни омукта қилган ҳолда ёндошув;
- фанлараро ютуқларни қўллаган ҳолда ёндошув.

Ушбу функцияларнинг ҳаммасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир, чунки уларни билмасдан туриб, ушбу таҳлил усуллари қўллаган ҳолда тадқиқотларни ўтказиш ва таҳлил натижасида бирорта жўяли хулосага келишнинг имкони бўлмайди.

Функционал ёндошув ФҚТнинг асосий тамойилларидан биридир. Унинг моҳияти шундаки, ўрганилаётган объектга оддий объект сифатида эмас, балки шу объект функциялар мажмуасидан иборат деб қаралади. Ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришда қанча функция бажарилиши кўзда тутилса, шу маҳсулотни ишлатишда ҳам қандай функциялар бажарилиши инобатга олинади. Бунда биринчи навбатда, истеъмолчиларнинг талаблари инобатга олинади. Ушбу тамойил ФҚТнинг барча тамойиллари учун асос ҳисобланади.

Тизимли ёндошув тамойили ФҚТда кенг қўлланиладиган тамойиллардан биридир. Чунки, ўрганилаётган объект бир система сифатида қаралса, шу объект ўз навбатида яна системанинг бир бўлаги (подсистема) сифатида қаралади. Бунинг моҳияти, иқтисодий ва у билан боғлиқ бўлган техник, эргономик каби жараёнлар бир-бири билан ўзаро боғлиқликда деб қаралади. Шу ўринда бир предметнинг яхлитлиги тизимлар мажмуаси деб қараладиган бўлса ҳар бир функцияга кетадиган харажатларни ҳам шундай тизимга келтирган ҳолда ўрганиш мумкин. Бунда «миқдор - сифат - харажат» алоқадорлиги ҳам

алоҳида эмас, балки ўзаро боғлиқликда қаралади. Пировардида, маҳсулотни ишлаб чиқаришда ФҚТдан фойдаланиш юқори самарадорликка эришиш билан бирга маҳсулот сифатини сақлаб қолган ҳолда харажатларнинг ҳам кескин камайишини таъминлайди.

Жамият нуқтаи назаридан ёндошув ушбу таҳлилнинг жамият учун нафлидигидан далолат беради. Ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқаришда сифатнинг яхшиланиши ижтимоий сифатнинг, харажатларнинг камайиши ижтимоий нафлилигининг, жамиятга зарурлиги ижтимоий истеъмол қийматининг мувофиқлигини оширишга олиб келади. Агар маҳсулотни ишлаб чиқаришда ушбу тамойилга асосланса, шу маҳсулотнинг сони кўпайиб унинг рақобатбардошлиги ошади. Бу жамият миқёсида умумий самарадорликка олиб келади.

Истеъмолчи нуқтаи назаридан ёндошув ҳам ФҚТнинг муҳим тамойилларидан биридир. Пировардида ҳар қандай маҳсулотнинг харидори истеъмолчи. Агар маҳсулот уларнинг талабига жавоб бермаса ишлаб чиқаришдан фойда эмас, балки жуда катта зарар кўрилиши мумкин. Шу туфайли ФҚТни қўллаганда яратилаётган маҳсулотларнинг истеъмолчи талабига қанчалик жавоб бериши нуқтаи назаридан қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Комплекс ёндошув ўрганилаётган объектга макон ва замон нуқтаи назаридан тизимли ёндошувдир. Бунинг моҳияти ўрганилаётган объектга технологик, ташкилий, ҳуқуқий каби жиҳатларда ёндошув билан бирга, унга вақт нуқтаи назаридан кунлик, ҳафталик, ойлик, чорақлик, йиллик каби даврларни инобатга олган ҳолда таҳлил қилишдан иборатдир. Агар ўрганилаётган объектга ресурс нуқтаи назаридан ёндошилса, унда асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш масалалари кўрилади. Булардан фойдаланиш биринчидан тежамли бўлиш билан бирга яратилаётган маҳсулотларнинг сифатини сақлаб қолишга эришишлари лозим.

Функциялар ва харажатлар мувофиқлигини таъминлаш ўрганилаётган объектни функциялар тизимидан иборат, деб қараиш билан бирга ҳар бир функциянинг объектга нисбатан муҳимлиги инобатга олинади. Бунда функцияларнинг бош, асосий, ёрдамчи, зарарли ва ноқераклиги, аксарият ҳолда шу ерда аниқланади. Шу билан бирга ҳар бир функция баҳоланади. Бу экспертлар ёрдамида амалга оширилади. Ушбу тамойилнинг моҳияти шундаки, ўрганилаётган объектга ФҚТ орқали иқтисоий жиҳатдан ташхис қўйиш мумкин.

Ижодий тафаккурни фаоллаштирган ҳолда ёндошув ҳам ФҚТнинг зарур тамойилларидан биридир. Чунки ФҚТда ўрганилаётган объектни яхшилаш учун бир қанча вариантлар ишлаб чиқилади. Кўп варианты қарор қабул қилишда ижодий тафаккурдан кенг фойдаланилади. ФҚТнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳар бир объектни ўрганганда уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндошишни талаб қилади. Бу эса одатдаги анъанавий таҳлил усулларидак бир хил ёндошувда эмас, балки ҳар бир объектни таҳлил қилишда уларга янгидан ижодий ёндошувни талаб қилади. Ижодий ёндошувнинг жуда кўп усуллари бор. Булар ҳақида келгуси бобларда батафсил айтилади.

Жамоавий тафаккур ва меҳнатдан фойдаланиш тамойили ФҚТнинг табиатидан келиб чиқади. Чунки бу таҳлилни амалга ошириш учун жуда кўп мутахассислар иштирок этишлари лозим. Хусусан, иқтисодчилар, техник муҳандислар, ҳуқуқшунослар, руҳшунослар, менежерлар каби кенг қамровли ходимларнинг иштирок этишлари лозимдир. Тадқиқот жараёнида кўп мутахассисларнинг иштироки ўрганилаётган объектни ҳар томонлама кўриб чиқиб, пухта ишланган қарорларнинг қабул қилинишини таъминлайди. Бу эса, ФҚТда жуда муҳимдир.

Янги илмий, техникавий ва иқтисодий билимларни омухта қилган ҳолда ёндошув тамойили ҳам ФҚТнинг муҳим жиҳатларини белгиловчи тамойиллардандир. Агар ўтган даврда содир бўлган жараёнлар ўрганилганда эди, унга бир хил яхши ишланган таҳлил усуллари билан ёндошиш мумкин эди. Аммо ФҚТда асосан келгуси бажариладиган функциялар ўрганилганлиги туфайли ҳар бир таҳлил чуқур тадқиқотга таянади. Бу эса, энг янги усулларни, фан ва техника ютуқларини қўллашни тақозо қилади. Ўз навбатида бундай ёндошув янги илмий, техникавий ва иқтисодий билимларни омухта қилган ҳолда ёндошувни талаб қилади.

Кўриниб турибдики, ФҚТ ҳам иқтисодий таҳлилнинг алоҳида шакли бўлиш билан бирга жуда кўп ўзига хос тамойилларга ва жиҳатларга эга экан.

1.4. Таянч иборалар ва муҳим атамаларнинг таърифлари

ФҚТ деганда ишнинг, фаолиятнинг, меҳнатнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида, уларни системали равишда, содир бўлмасдан олдин, мантиқий (эвристик) йўл билан, таҳлил қилиш орқали маҳсулотни ишлаб чиқаришда, унга сарфланадиган харажатларни ва бажариладиган функцияларни камайтириш эвазига унинг фойдалилиги ва рентабеллигини кўпайтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш жараёни тушунилади.

ФҚТнинг ўзига хос хусусиятлари унинг ноанъанавийлиги, илмий тадқиқотларга асосланиши, уни ўтказишда бир киши эмас, балки жамоа меҳнати ва тафаккури маҳсулидан фойдаланиши билан белгиланади.

Функционал қиймат таҳлилининг тамойили деганда ўрганилаётган объектга таҳлилнинг ноанъанавий илмор шакллари қўлаб ёндошишлар натижасида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун қўлланиладиган услублар мажмуаси тушунилади.

Функционал қиймат таҳлилининг тамойилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- функционал ёндошув;
- тизимли ёндошув;
- жамият нуқтаи назаридан ёндошув;
- истеъмолчи нуқтаи назаридан ёндошув;
- комплекс ёндошув;
- функциялар ва харажатлар мувофиқлигини таъминлаш;
- ижодий тафаккурни фаолаштирган ҳолда ёндошув;
- жамоавий тафаккур ва меҳнатдан фойдаланиш;
- янги илмий, техникавий ва иқтисодий билимларни омухта қилган ҳолда ёндошув;
- фанлараро ютуқларни қўллаган ҳолда ёндошув.

3.5. Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича билиши лозим бўлган ва ўзини-ўзи назорат қилиш учун мўлжалланган саволлари

1. Функционал қиймат таҳлили иқтисодий таҳлилнинг қандай шаклларига киради?

2. Функционал қиймат таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари нимада?

3. Функционал қиймат таҳлилида қўлланиладиган тамойилларни санаб беринг.

4. Функционал ёндошув тамойили қанақа тамойил?

5. Тизимли ёндошув нима?

6. ФҚТга жамият нуқтаи назаридан ёндошувни қандай тушунасиш?

7. Истеъмолчи нуқтаи назаридан ёндошув тамойили қандай тамойил?

8. ФҚТда комплекс ёндошув нима?

9. Функциялар ва харажатлар мувофиқлигини таъминлаш тамойилини тушунтириб беринг.

10. Ижодий тафаккурни фаоллаштирган ҳолда ёндошув қандай тамойил?

11. Жамоавий тафаккур ва меҳнатдан фойдаланиш қандай тамойил?

12. Янги илмий, техникавий ва иқтисодий билимларни омукта қилган ҳолда ёндошув тамойилини тушунтириб беринг.

13. Фанлараро ютуқларни қўллаган ҳолда ёндошув қандай тамойиллигини тушунтириб беринг.

14. Ушбу тамойиллар ФҚТда қайси соҳаларни ўрганишда қўлланилиши мумкинлигини асосланг.

3.6. Ушбу мавзу бўйича амалий масалалар ва топшириқлар

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича учтадан масалаларни тузадилар.

2. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда биттадан объект танлайди ва шу объектни ўрганиш учун тегишли тамойилларни қўллаб ишлаш усуллари кўрсатиб берадилар.

3. Талабалар (магистрлар) Ўзбекистонда ФҚТ бўйича чоп этилган адабиётлар, мақолалар ва бошқа асарларда мазкур мавзу ўрганадилар ва уларнинг қисқача мазмунини ёзадилар. Унда турли олимларнинг ФҚТ тамойиллари бўйича қарашлари ўрганилади. Олимларнинг турли қарашлари назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, уларнинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатиб берилади. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ўзларининг фикрларини шакллантирадилар.

4. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ўзлари танлаган объектни батафсил ўрганиб, уни яхшилаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қиладилар. Ушбу қарорларини асослаб берадилар.

3.7. Мавзуларни ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди, масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, калитли сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, агар шу мавзу бўйича янги адабиётлар чоп этилиб қолмудай бўлса конспект қилади ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади. Ушбу мавзу бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилади. Назорат шакли ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат кўпинча реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

3.8. Мавзу устида мустақил ишлаш учун саволлар ва уларнинг назорати

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ёзилган маърузаларни ўрганадилар. Унинг назорати оғзаки савол-жавоб билан 100 баллик тизимда аниқланади.

2. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда бештадан тест тузадилар.

3. Ўзбекистонда ФҚТ бўйича чоп этилган адабиётлар, мақолалар ва бошқа асарларнинг рўйхатини тузадилар ва уларнинг қисқагина мазмунини ёзиб топширадилар.

3.9. Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

1. Моисеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении.- М.: Машиностроение. - 1987. - 320 бет.

2. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001.- 272 бет. 12-Боб. Функционал-қиймат таҳлили методологияси.- 207-233 бетлар.

3. Пардаев М.Қ., Пардаев И.Р. Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари. Самарқанд. СамДУ, 2004.- 81 бет. 9-савол. Бошқаришда функционал-қиймат таҳлилидан фойдаланиш. - 46-75 бетлар.

4. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. "Методика функционально-стоимостного анализа"-172-187 бетлар.

5. Справочник по функционально стоимостному анализу. Под ред. М.Г.Карпунина, Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988.- 432 бет.

6. Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. проф. А.Д.Шеремета. М.: Прогресс, 1982.- & 3.7. "Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)" -231-236 бетлар.

7. Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. - Т.: Молия, 2003.- 248 бет. (Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси 81-90 бетлар).

8. Функционально-стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1985.- 472 бет.

4.-Мавзу. Функционал қиймат таҳлилини амалга ошириш босқичлари

Р Е Ж А:

4.1. Функционал қиймат таҳлилини амалга ошириш шароитлари ва босқичларининг кетма-кетлиги

4.2. Функционал қиймат таҳлили ҳар бир босқичининг қисқача таснифи

А С О С И Й Қ И С М :

4.1. Функционал қиймат таҳлилини амалга ошириш шароитлари ва босқичларининг кетма-кетлиги

Бозор муносабатлари шароитида ФҚТдан фойдаланишнинг самарадорлиги шу билан белгиланадики, уни амалга оширишда бир вақтнинг ўзида нафақат иқтисодий, балки, таъкидланганидек, ташкилий, услубий, ҳуқуқий, ижтимоий-руҳий жиҳатлар ҳам инобатга олинади. Шунингдек, ушбу соҳага бир қанча мутахассисларни жалб қилиш билан бирга бошқарув қарорларини қабул қилишда ноанъанавий усуллардан ҳам фойдаланилади.

ФҚТнинг самарадорлиги уни қандай ташкиллаштирилганлигига ҳам боғлиқдир. Бу учун тегишли шароитлар яратилиши лозим. ФҚТнинг шароитлари мазмунини жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- 4) ташкилий шароит;
- 5) рекламани йўлга қўйиш;
- 6) ташвиқот ва тарғиботни олиб бориш;
- 7) услубий таъминотни йўлга қўйиш;
- 8) меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши;
- 9) ижтимоий-руҳий муҳит ва шароит;
- 10) иқтисодий шароит;
- 11) кетма-кет амалга оширишга эришиш.

Ушбу шароитларнинг яратилиши ФҚТнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир.

Функционал қиймат таҳлилини амалга оширишнинг ташкилий шароитида шуни кўзда тутиш керакки, ҳар бир йирик корхонада ёки бирлашмалар қошида, Савдо-саноат палаталари ихтиёрида ФҚТ билан шуғулланадиган махсус тадқиқотчилар гуруҳи бўлмоғи лозим. Бунга етакчи олимларни ва тажрибали мутахассисларни киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки, улар қилаётган ишининг нималиги ва қандай натижа билан тугашини ва шу жараённинг албатта ижобий самара беришини олдиндан биладиган бўлишлари лозим. Бундан ташқари, ФҚТ аъзоларининг

ҳар бири жамоа бўлиб ишлаш қобилиятига эга, бошқа кишиларнинг фикрига эътибор билан қарайдиган, уларни тушунадиган, ўзи ҳам ижодий ёндашадиган ва бошқаларни ҳам шунга йўналтира оладиган бўлиши лозимдир.

Ҳозирги пайтда амалиётга Функционал қиймат таҳлилини жорий қилиш учун унинг самарадорлиги ҳақида кенг оммага, айниқса тадбиркорлар ва мутахассисларга рекламани, улар ўртасида таъшиқот ва тарғиботни йўлга қўйиш лозим. Бу ишларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият вакиллариининг эътибор беришлари ҳам яхши самара бериши мумкин.

Функционал қиймат таҳлилини амалиётга жорий қилишнинг муҳим шартларидан бири унинг услубий таъминотини йўлга қўйишдир. Ҳозирги пайтда ФҚТ усуллариини нафақат мутахассислар, балки иқтисодчи олимларнинг ҳам ҳаммаси билишмайдилар. Шу туфайли, уни муваффақиятли амалга ошириш учун кадрларни тайёрлаш ва услубий материалларни ишлаб чиқадиган марказлар ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхонаниннг фаолияти босқичма-босқич эркинлаштирилаётган паллада ФҚТни амалиётга жорий қилиш бўйича тегишли меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиши ҳам муҳимдир, чунки бу тадбир маълум даражада харажатларни талаб қилади. Бу харажатлар, албатта солиққа тортиладиган харажатлар қаторига қўшилмаслиги лозим. Умуман иқтисодий тараққиётни таъминлайдиган харажатлар, ҳозирги ўтиш даврида, бизнинг фикримизча, солиққа тортилмаслиги иқтисодиётнинг ривожланиши учун яна бир омил бўлиши мумкин.

Функционал қиймат таҳлилини амалиётга жорий қилишнинг иқтисодий шароити ҳам мавжуд. Бу ушбу ишни режа асосида олдин у қўлланилиши осонроқ бўлган соҳаларга жорий қилиниб, сўнгра аста-секинлик билан кенг соҳаларга жорий қилинса, ушбу тадбирдан кўп йўқотишлар бўлмайди. ФҚТни жорий қилишда иқтисодий шароитнинг афзаллиги шундаки, унда мазкур тадбирнинг самарадорлигини аниқлаш билан бирга ҳар бир функцияни баҳолаш усуллари ҳам ишлаб чиқилади.

ФҚТни жорий қилишда ижтимоий-руҳий муҳит ва шароитнинг ҳам аҳамияти катта. ФҚТ билан шуғулланадиган ходимлар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш, бир-бирига итоат қилиш муҳити шаклланган бўлиши лозимдир. Чунки жамоавий меҳнат ҳамиша жамоавий яқдилликни тақозо қилади.

Агар шу ҳолат таъминланмаса кутилган самарага эришиш қийин кечади. Зеро, ФҚТ натижасида айрим анъанавий узоқ йиллардан буён қўлланилиб келинаётган нарсалардан, усуллардан воз кечишга, уларни илғор усуллар билан алмаштиришга тўғри келади. Албатта, ҳамиша анъанавий, ўрганилган нарсалардан воз кечиш қийин кечади.

Функционал қиймат таҳлилни амалга оширишнинг муҳим шароитларидан бири уни кетма-кет амалга оширишга эришишдир. Барча соҳаларни амалга оширишда кетма-кетлик муҳим ўрин тутати. Аммо ФҚТда бу ўта муҳим шароитлардан биридир. Зеро, ФҚТда кетма-кетлик бузилса кутилган натижага умуман эришиб бўлмайди.

ФҚТ иқтисодий таҳлилнинг бошқа шакллари сингари маълум кетма-кетликда амалга оширилади. Аммо бу ўзига хос хусусиятларга эга. Бу қуйидаги босқичларда ўз аксини топади:

- тайёрланиш босқичи,
- ахборотларни тўплаш босқичи,
- таҳлил қилиш босқичи,
- ижодий босқич,
- тадқиқот босқичи,
- хулоса ва таклифларни жорий қилиш босқичи.

ФҚТни тўғри ва тўлиқ англаш учун ҳар бир босқични мукамал кўриб чиқишни тақозо қилади.

4.2. Функционал қиймат таҳлили ҳар бир босқичининг қисқача таснифи

ФҚТга тайёрланиш босқичида энг аввало таҳлил қилинадиган кўрсаткич, жараён, ҳодиса фаолият каби таҳлил объекти аниқланади. Масалан, битта фирмада фақат бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни, ёки унга жорий қилинадиган янги технология, ёки шу фирмани бошқарувчи фаолият кабилар таҳлил учун объект сифатида танлаб олиниши мумкин. Баъзи ҳолларда фирманинг бугун фаолияти ҳам ФҚТ нинг объекти бўлиши мумкин. Бу таҳлил олдига қўйилган мақсаддан келиб чиқади.

ФҚТ ни ўтказиш учун бирқанча мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилади. Ишчи гуруҳи қайси объектни қай тарзда, қанча вақтда таҳлил қилиш режасини, унинг кутилаётган самарадорлигини аниқлаб оладилар ва шундан келиб чиққан ҳолда тегишли ахборотларни тўплашга киришадилар.

Ахборотларни тўплаш босқичида ишчи гуруҳи танланган

объектни таҳлил қилиш учун тегишли маълумотларни (иқтисодий кўрсаткичларни, конструктив ечимларни, технологик жараён ҳужжатларини, патентларни, илмий-техник тавсиялар кабиларни) тўплайдилар, уларни бир тизимга келтиради ва ўрганади. Ўрганиш жараёнида объектда бажариладиган функцияларни аниқлаб чиқади ва шу функцияларнинг асосий, ёрдамчи ёки ноқерак эканлигини аниқлаш билан бирга ҳар бир функциянинг бажарилиши учун кетадиган харажатлар миқдорини (сарф қилинадиган вақтда, пулда) ҳам аниқлайди.

ФҚТ нинг шу босқичида бажариладиган функцияларининг таркибий тузилиши ва ноқерак функцияларни бартараф қилишнинг самарадорлик кўрсаткичлари ҳам аниқланади. Ахборотларнинг таркиби, улардан фойдаланиш тартиби, уни кимларнинг амалга ошириши ҳам айнан шу босқичда кўрсатиб берилади. Тегишли ахборотлар йиғилиб, улар бир тартибга келтирилгандан кейин ФҚТ ни бошлаш мумкин.

Таҳлил қилиш босқичида тўпланган ва бир тизимга келган ахборот манбаларига асосан бажариладиган ҳар бир функциянинг муҳимлиги, уни қолдириш ёки бартараф қилишлиги аниқланади. Шу босқичда бажариладиган функцияларнинг бевосита корхонанинг ўзида (ичида) ва унинг ташқарисида қайсилари амалга оширилиши ҳам ўрганилади. Ўрганилаётган объектдан ташқарида бажариладиган ноқерак функциялар аниқланиб қолинадиган бўлса ҳам уларни бартараф қилиш йўллари кўриш лозим. Ноқерак функциялар хоҳ у ичкарида, хоҳ у ташқарида бўлмасин маҳсулотнинг миқдори ва сифатига ҳеч қандай ижобий таъсир қилмасдан унга сарфланадиган харажатларни кўпайтиради, таннархини оширади, нархини қимматлаштиради.

ФҚТ нинг ушбу босқичида ҳар бир бажариладиган функция ҳам мукамал системали равишда таҳлил қилиб борилади. Бу асосий функция бўлсин. Аммо уни ҳам такомиллаштириб шу функцияни кам харажат билан амалга ошириш йўллари ахтариб топиш лозим. Бунда таҳлилнинг барча усуллари (анъанавий ва иқтисодий математик) фойдаланилади.

ФҚТ орқали тежалган харажатлар энг аввало маҳсулот сифатининг ёмонлашиши эвазига амалга ошмаслиги лозим. Сўнгра бу орқали тежалган харажат ФҚТни ўтказиш учун кетган харажатдан кам бўлмаслиги лозим. Бунда шуни кўзда тутиш керакки, ФҚТни жорий қилиш пайтида харажат кўпроқ бўлиши мумкин. Аммо ундан кейинги фойдаланиш давомида келадиган фойда бу харажатларни жуда қисқа муддатда қоплайдиган

бўлиши керак. ФҚТнинг самарадорлиги фақат шу маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатлар миқдори билангина ўлчаниб қолмайди, энг муҳими унинг сифати ва рақобатбардошлигига ижобий таъсир қилади. Шу туфайли ФҚТнинг самарадорлигини ҳам бирқанча кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда аниқлашни тақозо қилади. Буларнинг ҳаммасини ФҚТ нинг ижодий босқичида аниқлаш мумкин.

Ижодий босқич. ФҚТнинг ўзига хос хусусиятлардан биридир. Ушбу босқичда ҳар бир зарур функцияларни бартараф қилиш бўйича ғоялар, тавсиялар туъланади. Энг муҳими ушбу босқичда бирор маҳсулотни яратишдаги функцияларни такомиллаштириш билан бирга шу яратилаётган нарсанинг ўзини ҳам такомиллаштиради. Масалан, кичик электрон ҳисоблаш машинасини олайлик (КЭХМ). Буни яратиш учун, таъкидланганидек, функциялар уч гуруҳга бўлинади. Ижодий гуруҳ нокерак функцияларни бартараф қилиб унга кетадиган харажатларни камайтиради, асосий функцияларни такомиллаштириб унинг сифатини оширади.

Энди эса иккинчи босқичда шу КЭХМнинг ўзини такомиллаштириш масаласи қўйилади. У биринчидан ихчам, қулай, енгил, энг муҳими барча зарур операцияларни бажара оладиган бўлиши керак. Бу учун унга қўшимча функцияларни бажаришни киритиш зарур бўлса шундай қилинади. Бу ижодий гуруҳ томонидан асосланади. Асосланиши учун ғоялар муҳокама қилинади. Бу ҳақда баённома тузилади. Ушбу баённомада бирқанча ғоя ва тавсиялардан энг яхшиси танлаб олинади ёки бирқанча ғоядан битта такомиллашган тавсия варианты ишлаб чиқилади.

Буни амалга ошириш учун ҳар бир вариантда ифодаланган ғояларни ҳам ижобий ва салбий гуруҳларга бўлиб чиқади. Сўнгра ижобий ғояларни ҳам яна энг юқори самарали, самараси пастроқ гуруҳларга бўлинади. Охир оқибатда ғояларнинг энг самаралиси танлаб олинади ва ўрганилаётган объектга жорий қилишга айнан шу варианты тавсия қилинади.

Агарда ижодий гуруҳ биринчи сафар таҳлил қилинаётган объектни такомиллаштириш бўйича янги ғояларни топмаса бу ҳақда фаолиятни қайтадан бошлайди. Агар бу сафар ҳам бирорта янги ғояни тавсия қилиш бўйича бирорта қарорга келинмаса ҳозиргача ўша мавжуд ҳаракатдаги вариант сақланиб қолади ва ижодий гуруҳ бу объектни қайтадан функцияларни янада майдалаштириб чуқур ўрганишга киришади. Айнан худди шундай кетма-кетлик ва усуллар билан технологик жараёнлар ҳам

ўрганилади ва такомиллаштирилади.

Таъкидланганидек, ФҚТ ҳаётнинг барча жабҳаларига қўлланилади ва самарали фойдаланилади. Масалан, Ўзбекистонда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг (айниқса мева-сабзовотларнинг) 35-30 фоизи нобуд бўлиб бормоқда. Бу жараёнга ФҚТни қўлласа, ўйлаймизки, ушбу маҳсулотларнинг нобудгарчилиги минимал даражагача қисқаради. Шў эвазига ФҚТ ни қўллашга кетган харажатлар юзлаб марта қопланиб кетади. Ҳозирги пайтда АҚШ, Япония, Англия каби йирик тараққий этган мамлакатларда таҳлилнинг ушбу шакли бежиз қўлланилаётган эмас. Буни Ўзбекистонда ҳам жорий қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

ФҚТ да тадқиқот босқичи ҳам муҳим босқичлардан биридир. Унда танлаб олинган энг самарали вариантларни қўллаш, урани амалиётта жорий қилиш йўл-йўриқлари ишланади. Айнан шу босқичда жорий қилинадиган тавсиянинг техник-иқтисодий самарадорлигига, унинг таҳлил қилинаётган объект сифати ва нархига қандай таъсир қилиши ўрганилади. Буларни амалга оширишда асосан эксперт усулидан фойдаланилади. Экспертлардан якка ва жамоа ҳолида фойдаланиш мумкин. Якка ҳолда бўлганда тегишли вазифани ҳар бир экспертга алоҳида топширилади ва уларнинг ёзма фикри кейин умумлаштирилади. Экспертлардан жамоа шаклида фойдаланилса унда қўйилган масалалар шу ернинг ўзида муҳокама қилинади ва бир қулай ечимга келинади.

Якка ҳолдаги экспертизанинг қулайлиги шундаки ҳар бир эксперт ўзича мустақил хулосага келади ва уни бирор ташқи фикр таъсирисиз қорозга тушуради. Аммо баҳо беришда ўзининг камчилигини илғамайди, жамоа усулида эса фикрлар ўртага ташланса ҳар бир киши ўз вариантининг камчиликларини англаб олиши мумкин. Бу яхши. Аммо кўп ҳолларда бирор бир яхши тавсия ўртага ташланса ҳаммаси шунга қўшилиб қўя қолиши мумкин. Бу эса ҳар бир экспертнинг ҳар бир вариант бўйича кенг фикрлаш имкониятини чегаралайди.

Экспертлар объектнинг вариантларини экспертиза қилганда математик усуллардан фойдаланмасдан оддий эксперт қилиши мумкин. Ҳозирги пайтда кўп ҳолларда математик усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса масалани ечиш учун жуда кўп қирралардан фойдаланиш ва ишни осонлаштириш имконини беради. Бу ишда кенг аввало экспертларнинг тафаккуридан ва электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланилади.

Хулоса ва таклифларни жорий қилиш босқичи ФҚТ нинг энг

охирги ҳал қилувчи босқичидир. ФҚТ нинг барча босқичлари орқали энг қулай ва самарали вариант танланади. Эндиги энг муҳим вазифа шу танланган вариантни жорий қилишдир. Бу ишни амалга ошириш бир киши ёки бирорта бўлимнинг иши бўлмасдан бутун жамоа ишидир. Бунда ФҚТ гуруҳи билан бирга барча мутахассислар, ишчи ва хизматчилар иштирок этадилар. Энг муҳими, ФҚТ ни амалга ошириш учун яна қандай қўшимча моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар кераклиги аниқланади.

Агар таҳлил қилинаётган объект технологик жараён бўлса яна қандай қўшимча жихозларни қайси йўналишда такомиллаштириш масаласи, бу учун қандай мутахассислар кераклиги (мавжудларини қайта ўқитиш ёки янги мутахассисни жалб қилиш), буларни амалга ошириш учун қанча пул маблағи зарурлиги каби масалалар кўрилади. Шу билан биргаликда ФҚТни жорий қилиш қанча самара бериши ҳам шу босқичда кўриб чиқилади. ФҚТни жорий қилишга кетган барча харажатлар улардан келадиган фойда эвазига бир неча марта қопланиши лозим. Шу туфайли ФҚТнинг самарадорлиги ҳам айнан ана шу босқичда асосланиши шарт. Бу учун ФҚТни амалга оширишга кетган харажатларнинг қопланиш даражаси, ундан келган фойда суммасининг (Φ) шу тадбирга кетган харажатга ($X_{ар}$) нисбати билан аниқланади.

Φ

$\text{ФҚТ}_{\text{кк}} \text{ к } \text{-----}$

$X_{ар}$

Масалан, ФҚТ ни жорий қилиш учун 100 минг сўмлик моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни талаб қилади. Экспертларнинг ҳисоб китоби бўйича ФҚТни жорий қилиш бир йилда 300 минг сўмлик фойда келтирди. Бу ҳолда ФҚТга кетган харажатларнинг қопланиш муддати 4 ой бўлади бир йилда харажатлар уч мартадан кўп фойда келтиради (300,0:100). Бу фақат пулдаги ифодаси. Бундан ташқари ФҚТнинг маҳсулот, иш, хизмат, фаолият сифатини ошириш эвазига унинг рақобатга бардошлик даражасини ҳам кучайтиради. Бу эса охир оқибатда корхонанинг молиявий барқарорлигини, рақобатбардошлигини таъминлайди.

ФҚТни қўллаш, жорий қилиш кетма-кетлигини аниқлаб олиш унинг муҳим жиҳатларидан биридир. Агар йирик концерн ёки фирма бўладиган бўлса унга тегишли барча корхоналар фаолияти иқтисодий таҳлил қилинади. Агар таҳлил қилинаётган объектда унинг қайси бўлимида харажатлар кўп бўлса, яъни бир сўм товар маҳсулотига тўғри келадиган таннархнинг даражаси юқори бўлса ФҚТни айнан шу корхонага қўллашдан бошлайди. Бордию шу

корхонада ё та фаолият бўлса улардан ҳам энг харажатдор фаолият танлаб олинади ва ФҚТ ни қўллашни шу фаолиятга тадбиқ қилишдан бошлайди. Шундай қилиб, корхонанинг ёки таҳлил қилинаётган объектнинг такомиллашуви учун ФҚТ нинг аҳамияти беқиёс эканлиги кўриниб турибди.

Келажақда ушбу таҳлилни барча босқичлари билан амалиётга жорий қилиш Ўзбекистонда нафақат макро, балки микро иқтисодиётнинг тез суръатлар билан ривожланиши учун энг муҳим дастаклардан бири бўлади. Бу албатта бир гуруҳ олимлар тавсияси ёки бир-икки фирмага унинг усуллари жорий қилиш билан чегараланиб қолмаслик керак. Бу давлат аҳамиятига молик масала. Буни чет мамлакатлар тажрибаси ҳам исботлаб турибди.

ФҚТ методологиясини жуда кўп йўналишлар бўйича ишлаб чиқиш лозим. Хусусан, бошқарув, ишлаб чиқариш (ҳамма қирралари билан), хизмат каби йўналишлар кўзда тутилмоқда. Бу келажақда маҳсулот, иш, хизмат сифатини ошириш, улар бўйича “Сифатнинг мутлоқ даражасига” эришиш учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

4.3. Таянч иборалар, таснифлар ва муҳим атамалар

ФҚТнинг самарадорлигини таъминлаш учун тегишли шароитлар яратилиши лозим. ФҚТнинг шароитлари мазмун жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- 1) ташкилий шароит;
- 2) рекламани йўлга қўйиш;
- 3) ташвиқот ва тарғиботни олиб бориш;
- 4) услубий таъминотини йўлга қўйиш;
- 5) меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши;
- 6) ижтимоий-руҳий муҳит ва шароит;
- 7) иқтисодий шароит;
- 8) кетма-кет амалга оширишга эришиш.

ФҚТ иқтисодий таҳлилнинг бошқа шакллари сингари маълум кетма-кетликда, яъни қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- тайёрланиш босқичи,
- ахборотларни тўплаш босқичи,
- таҳлил қилиш босқичи,
- ижодий босқич,
- тадқиқот босқичи,
- хулоса ва таклифларни жорий қилиш босқичи.

4.4. Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича билиши лозим бўлган ва ўзини-ўзи назорат қилиш учун мўлжалланган саволлари

1. Функционал қиймат таҳлилини амалга ошириш шароитларининг кетма-кетлиги.
 1. Ташкилий шароитнинг мазмуни.
 2. Рекламани йўлга қўйиш шароити нима?
 3. Ташвиқот ва тарғиботни олиб бориш шароитини тушунтириб беринг.
 4. Услубий таъминотни йўлга қўйишни қандай тушунасиз?
 5. Меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши нима учун зарур?
 6. Ижтимоий-руҳий муҳит ва шароитда нималарга аҳамият берилади?
 7. Иқтисодий шароит қанақа шароит?
 8. Кетма-кет амалга оширишга эришишни қандай тушунасиз?
 9. ФҚТ шароитлари ва босқичларининг ўзига хос хусусиятлари.
 10. Функционал қиймат таҳлилини амалга ошириш босқичларининг кетма-кетлиги қандай тартибда амалга оширилади?
 11. Тайёрланиш босқичи нима?
 12. Ахборотларни тўплаш босқичини тушунтириб беринг.
 13. Таҳлил қилиш босқичи қандай босқич?
 14. Ижодий босқичда қандай масалалар ҳал қилинади?
 15. Тадқиқот босқичи қанақа босқич?
 16. Хулоса ва таклифларни жорий қилиш босқичини тушунтириб беринг.
 17. Функционал қиймат таҳлили ҳар бир босқичининг қисқача таснифини изоҳланг.

4.5. Ушбу мавзу бўйича амалий масалалар ва топшириқлар

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича тўртта масала тузадилар. Икkitаси ФҚТнинг шароитига ва икkitаси унинг босқичларига оид бўлмоғи лозим.
2. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда биттадан объект танлайди ва шу объектни ўрганиш учун тегишли шароит ва босқичларни ва шароитларни қўллаб ишлаш усулларини кўрсатиб берадилар.
3. Талабалар (магистрлар) Ўзбекистонда ушбу мавзу бўйича

чоп этилган адабиётларни, мақолалар ва бошқа асарларни кўриб чиқади, ўрганади ва уларнинг қисқача мазмунини ёзадилар. Олимларнинг турли қарашлари назарий жиҳатдан таҳлил қилинади. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ўзларининг фикрларини шакллантиради. Мавжуд қарашларнинг ижобий ва мунозарали томонларини муҳокама қилиб бир тўхтамга келадилар.

4. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ўзлари танлаган объектни батафсил ўрганиб, уни яхшилаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қиладилар. Ушбу қарорини семинар тарзида асослаб берадилар.

4.6. Мавзуларни ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди, масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, калитли сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, агар шунинг мавзуси бўйича янги адабиётлар чоп этилиб қолгудай бўлса конспект қиладди ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади. Ушбу мавзу бўйича жорий, оралик ва якуний назоратлар ўтказилади. Назорат шакли ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат кўпинча реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

4.7. Мавзу устида мустақил ишлаш учун саволлар ва уларнинг назорати

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ёзилган маърузаларни ўрганадилар. 4.5 банддаги масалаларни охиригача етказадилар ва ушбу мавзу бўйича маълум билимга эга бўладилар.

2. Мустақил иш — унинг назорати оғзаки савол-жавоб билан 100 баллик тизимда аниқланади.

3. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда бештадан тест тузадилар.

4. Ўзбекистонда ФҚТ бўйича чоп этилган адабиётлар, мақолалар ва бошқа асарларнинг рўйхатини тузадилар ва уларнинг қисқачина мазмунининг ушбу мавзуга тегишли қисмини ёзиб топширадилар.

4.8. Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

1. Моисеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении. - М.: Машиностроение. - 1987. - 320 бет.

2. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Арафшон, 2001.- 272 бет. 12-Боб. Функционал-қиймат таҳлили методологияси.- 207-233 бетлар.

3. Пардаев М.Қ., Пардаев И.Р. Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари. Самарқанд. СамДУ, 2004.- 81 бет. 9-савол. Бошқаришда функционал-қиймат таҳлилидан фойдаланиш. - 46-75 бетлар.

4. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. Методика функционально- стоимостного анализа -172-187 бетлар.

5. Справочник по функционально стоимостному анализу. Под ред. М.Г.Карпунина, Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988.- 432 бет.

6. Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. Проф. А.Д.Шеремета. М.: Прогресс, 1982.- & 3.7. "Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)" -231-236 бетлар.

7. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. - Т.: Молия, 2003.- 248 бет. (Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси 81-90 бетлар).

8. Функционально стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1985.- 472 бет.

5-Мавзу. Функционал қиймат таҳлилга тайёргарлик кўриш босқичи

Р Е Ж А:

5.1. Функционал қиймат таҳлилга тегишли объектларни танлашдаги ёндошувлар ва мезонлар

5.2. Функционал қиймат таҳлилга танланган объектларни таҳлилга тайёрлаш

5.3. Функционал қиймат таҳлилини ўтказадиган гуруҳларни тузиш тартиби

А С О С И Й қ И С М:

5.1. Функционал қиймат таҳлилга тегишли объектларни танлашдаги ёндошувлар ва мезонлар

Ҳар қандай таҳлилнинг объектини аниқлаб олиш унинг муҳим босқичларидан биридир. Зеро таҳлилнинг усуллари, кетма-

кетлиги бевосита қандай объектда олиб борилиши билан белгиланади.

ФҚТнинг объекти ҳам турли бўлиши мумкин. Булар биринчи раунда, унинг қўлланилишига қараб, техник ёки нотехник тизимлар бўлиши мумкин. Техник тизимга маълум бир предметни ясаш, ундан фойдаланиш жараёнлари тушунилади. Нотехник тизимга эса ахборотларни тизимлаштириш, бошқаришнинг таъсирчанлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш каби жараёнлар киради.

Ишлаб чиқариш соҳасидан ФҚТга объектни ахтариш ва танлашда 3 та ёндошувдан фойдаланилади: муаммовий, предметли, тадқиқотли.

Муаммовий ёндошувда бирорта муаммони ҳал қилишга қаратилган бўлади. Масалан, ишлаб чиқарилажак маҳсулотнинг сифатини янада ошириш муаммоси. Ҳали унинг бирорта йўналиши аниқ бўлмаслиги мумкин. ФҚТ жараёнида ушбу муаммолар ҳал қилиниши лозим бўлади. Маҳсулотни ишлатишнинг кафолатли муддатини узайтириш муаммоси бўйича ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Ишлаб чиқаришга илмий-техник ютуқларни жорий қилиш муаммоси. Буна эса, ҳали ишлаб чиқаришга жорий қилиниб синалмаган фан-техника ютуқларини амалиётга жорий қилиш йўллари ишлаб чиқилади. Хуллас, ушбу ёндошувда ҳали ечилмаган масалалар, муаммолар ҳал қилинади.

Предметли ёндошувда маълум бир предмет маълум бир мақсад билан танланади. Масалан, маҳсулот сифатига путур етказмаган ҳолда унинг таннархини камайтириш масаласи. Бунда аниқ объектга аниқ вазифа билан киришилади. Бундай ёндошувда таҳлилчи муаммолар тизимидан энг зарур бўлган предметни танлаб олади.

Тадқиқотли ёндошувда таҳлилчи янгидан яратилаётган объектни ёки ҳали ҳеч ўрганилмаган жараённи олади. Бу объектларнинг сифатини сақлаб қолган ва оширган ҳолда, ушбу ёндошув орқали, минимал харажатлар билан ишлаб чиқаришга эришиш йўллари ишлаб чиқилади. Мазкур ёндошув натижасида ФҚТнинг бутунлай янги усули ишлаб чиқилади. Умуман олганда ФҚТни қўллашда ҳамisha бир стандартга амал қиладиган усул кам бўлади, чунки ҳар сафар таҳлил қилинганда ҳар сафар ушбу объектга янгидан ёндошилади ва янгидан тадқиқотлар ўтказилади. Шу жиҳатда ФҚТ ноанъанавий таҳлил шакли деб юритилади.

ФҚТ учун объектларни танлашда маълум мезонларга,

кўрсаткичларга таянилади. Буларнинг турлари жуда кўп:

- иқтисодий кўрсаткичлар;
- техник-конструкторлик кўрсаткичлари;
- экологик кўрсаткичлар;
- маҳсулотнинг меҳнатлилиги ва материаллилиги;
- сифатий кўрсаткичлар;
- истеъмолчи талабларини инобатга олувчи кўрсаткичлар.

Ушбу мезонларнинг тавсифини қисқача кўриб чиқамиз.

Иқтисодий кўрсаткичларни мезон қилиб олганда ушбу маҳсулотнинг ҳажми, таннархи, фойда ва рентабеллиги инобатга олинади. Биринчи гада шу маҳсулотга талаб бўлиши ва шу талабни сифатли арзон маҳсулот билан қондирилиши кўзда тутилади.

Техник-конструкторлик кўрсаткичлари жуда кўп масалаларни ўз ичига олади. Бунга яратилаётган маҳсулотнинг мураккаблик очимлари, унинг конструкцияси, технологик жараёни, ун ишлаб чиқариш дастгоҳларининг етарлилиги, материалларнинг мавжудлиги, истеъмолчиларнинг талаблари, тегишли сертификатларнинг ва уларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги каби масалаларни киритиш мумкин.

Экологик кўрсаткичлар ҳам ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Маҳсулот ўта зарур бўлсаю, аммо у атроф-муҳит экологиясига салбий таъсир қиладиган бўлса, ишлаб чиқарувчи корхона аҳоли учун экологик хавфли жойда жойлашган бўлса, бундай маҳсулотни ишлаб чиқаришга киришилмайди, агар олдин ишлаб чиқарилаётган бўлса ишлаб чиқариш тўхтатилади.

Маҳсулотнинг меҳнатлилиги ва материаллилиги ҳам асосий кўрсаткичлардан биридир. Агар маҳсулотни ишлаб чиқариш ўта кўп меҳнат ва материал харажатини талаб қиладиган бўлса, уни ишлаб чиқариш сотиб олишдан қимматга тушадиган бўлса, бундай маҳсулотни ишлаб чиқаргандан кўра ташқаридан сотиб олган яхшироқдир. Бу жараёнга ҳам алоҳида аҳамият бериш лозимдир.

Сифатий кўрсаткичлар маҳсулотни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган асосий мезонлардан биридир. Бунда олдин ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бўлса истеъмолчиларнинг ушбу маҳсулотга эътирози борми ёки йўқлиги, худди шундай маҳсулотнинг бошқа рақобатчилар томонидан ишлаб чиқарилаётганлиги ва уларнинг сифати ва нархи, сертификатга амал қилинаётганлиги, уни такомиллаштириш зарурлиги каби масалалар кўрилади. Агар маҳсулот янгидан ишлаб чиқарилиши кўзда тутилаётган бўлса, унга қандай нав берилиши, ҳар бир

навга қўйиладиган талабларнинг мезони, муаллифлик гувоҳнома-
сининг борлиги, ундаги талабларнинг бажарилиши, агар патент
олинган бўлса тегишли ҳужжатларнинг мавжудлиги ва тўғрилиги
каби масалаларга аҳамият берилади.

Истеъмолчи талабларини инобатга олувчи кўрсаткичлар
умуман ишлаб чиқаришда, айниқса бозор муносабатлари
шароитида катта аҳамият касб этмоқда. Агар маҳсулотга
олдидан буюртма берилса, унда истеъмолчилар талаблари
шартномада қандай кўрсатилган бўлса унга тўлиқ амал қилиш
лозим. Аммо маҳсулот ҳамиша ҳам шартнома асосида ишлаб
чиқарилавермайди. Бундай ҳолларда истеъмолчилар талабини,
унга қўйиладиган алоҳида талабларни тадқиқот натижасида
аниқлаб уларга тўлиқ амал қилиш лозим.

5.2. Функционал қиймат таҳлиliga танланган объектларни таҳлилга тайёрлаш

Жаҳон амалиётида танланган объектларни таҳлилга тайёрлаш
бирқанча усулларда олиб борилади. Бундай усуллар бизнинг
мамлакатимиз учун ҳам муҳим ва қўлланилиши мумкиндир.
Бундай усулларга қуйидагилар киради:

- тадқиқот билан шуғулланадиган вақтинча ташкил қилинган
ишчи гуруҳи;
- ФҚТ билан доимий равишда шуғулланадиган алоҳида
бўлинмалар;
- ФҚТ гуруҳи кўмагида шуғулланадиган лабораториялар,
бўлинмалар, конструкторлик бюrolари, секторлар;
- ихтирочилар томонидан яқка тартибда тадқиқот олиб бориш;
- жамоавий ижодий ёндошув.

Тадқиқот билан шуғулланадиган вақтинча ташкил қилинган
ишчи гуруҳи бир марта бажариладиган иш, хизмат ёки
қандайдир бир маҳсулот ишлаб чиқаришда алоҳида корхона ёки
компания раҳбарининг буйруғи билан ташкил қилинади.

ФҚТ билан доимий равишда шуғулланадиган алоҳида
бўлинмалар йирик корхона, компания ёки фирмаларнинг қошида
ташкил қилинади. Унинг вазифаси танлаб олинган объектларни
таҳлил қилишга тайёрлаш ва таҳлил қилишдан иборатдир.

ФҚТ гуруҳи кўмагида шуғулланадиган лабораториялар,
бўлинмалар, конструкторлик бюrolари, секторлар ҳам борки,
улар доимий равишда ФҚТ билан шуғулланади. Бироқ, бундай
бўлинмаларнинг асосий вазифаси бошқа ишларни бажаришга
қаратилган. Аммо, ФҚТни ўтказиш пайтида шу соҳанинг

мутахассисларини жалб қилган ҳолда амалга оширади.

Ихтирочилар ва рационализаторлар томонидан яққа тартибда тадқиқот олиб бориш ҳам жаҳон амалиётида қўлланиб келинаётган усуллардандир. Бу усулнинг афзаллиги харажатларнинг камлиги ва топшириқнинг тез бажарилишини таъминласа, камчилиги шундаки, қабул қилинажак қарорнинг асоси бир кишининг фикридан ва тавсиясидан иборат бўлиб қолади.

Жамоавий ижодий ёндошув ҳам танланган объектларни таҳлилга тайёрлаш билан шуғулланади. Бу ёндошув ФҚТ билан шуғулланадиган гуруҳнинг бу борадаги фаолиятига ўхшайди. Бунда қабул қилинаётган қарорларнинг такомиллашувида жамоанинг фикри инобатга олинади. Бунинг афзаллиги ўз-ўзидан маълумки, ўрганилаётган объектнинг жуда кўп томонлари инобатга олинади.

Ўрганилаётган объектга жамоавий ёндошувда бир қанча тадбирлар кўзда тутилади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тадқиқот билан шуғулланадиган ишчи гуруҳини ташкил қилиш, қўйилган вазифадан келиб чиқиб қўшимча кимларни таклиф қилиши ҳам кўзда тутилади;

- ушбу гуруҳнинг ҳаракат қилиш режаси тузилади;

- тузилган режани бажариш бўйича аниқ иш дастури тузилади ва унда нима қилиниши, кимларни жалб қилиш ва қандай тадбирлар, қаерларда ўтказилиши тегишли бўлинмалар ва раҳбарлар билан келишиб олинади;

- таҳлил қилиш бўйича қанақа ахборотлар кераклиги, уларни қаердан ва қандай олиш лозимлиги аниқ кўрсатилган режа тузилади;

- ФҚТни ўтказиш учун кетадиган харажатлар сметаси тузилади;

- сметада кўрсатилган харажатларнинг манбалари, уларни молиялаштириш йўллари ишлаб чиқилади.

Шундай қилиб, ФҚТни ўтказишда анча тадбирлар фақат тайёргарлик босқичида ҳам амалга оширилар экан. Агар ФҚТ орқали бирор топшириқни ёки вазифани бажариш кўзда тутиладиган бўлса аниқ жадваллар, чизмалар, диаграммалар, тадбирлар режаси каби қўшимча ва ёрдамчи ахборот тизимлари шакллантирилади ва тузилади. Масалан, ФҚТ олдига маҳсулот таннархини маълум фоизга камайтириш вазифаси қўйилган бўлса, у ҳолда қуйидаги жадвал тузилиши мумкин (5.1.- жадвал)

5.1.- жадвал

Маҳсулот таннархини 5 фоизга туширишга ФҚТ орқали
эришишнинг ҳисоб-китоби

ФҚТ мақсади: электр чойнагининг таннархини 5% га
камайтириш;

Талаб: мазкур чойнакнинг сифатини тўлиқ (камида 80 фоиз)
сақлаб қолиш ва кўринишини янада яхшилаш;

Тадқиқотнинг бошланиши _____

Тадқиқотнинг тугаши _____

Кўрсаткичлар	Амалдаги қиймати	ФҚТдан кейинги режалаштирилган қиймат
1. Бир йиллик ишлаб чиқариш ҳажми, дона	250 500	290 000
2. Улгуржи баҳоси, сўм (1 донасиники)	7 400	-
3. Таннархи, сўм	5 800	5 400
4. Асосий материалларга кетадиган харажатлар, сўм	3 200	3 150
5. ФҚТ га кетадиган харажатлар, сўм (1 донаси учун)	-	56
6. ФҚТни қўллашдан олинган йиллик самара, сўм	-	240
7. ФҚТнинг самарадорлиги, сўм (6 : 5 =)	-	4,29

Агар ушбу маҳсулот бўйича ФҚТни қўллашдан олинадиган
бир йиллик самарадорликни аниқлайдиган бўлсак, қуйидаги
натижаларга эришган бўламиз.

Барча харажатлар суммаси амалдаги қийматда:

$$250\,500 \times (5\,800 + 3\,200) = 2\,254,5 \text{ минг сўм.}$$

Барча харажатлар суммаси, ўтган йилги ишлаб чиқариш
ҳажми доирасида, ФҚТни қўллашдан кейинги қийматда:

$$250\,500 \times (5\,400 + 3\,150 + 56) = 2\,155,8 \text{ минг сўм.}$$

Бунга яна ФҚТни қўллашдан олинадиган самарадорликни
кўшиш лозим:

$$250\,500 \times 240 = 60,2 \text{ минг сўм.}$$

Барча самаранинг қиймати:

$$2\,254,5 - 2\,155,8 + 60,2 = + 158,9 \text{ минг сўм.}$$

Кўриниб турибдики, ФҚТни қўллаш корхоналар учун

яхшигина самара берар экан. Шу туфайли ушбу усулни барча соҳаларда қўллаш орқали мавжуд ички имкониятларни ишга солган ҳолда кўп самара олиш имкони туғилади.

5.3. Функционал қиймат таҳлилини ўтказадиган гуруҳларни тузиш тартиби

Функционал қиймат таҳлилини ўтказадиган гуруҳларни тузиш тартиби унинг танлаб олинган объектига ва унинг ҳарактерли хусусиятларига боғлиқ. ФҚТни ўтказиш даври аниқ бўлгач шу даврда кимларни жалб қилиш ва қанча вақтга жалб қилиш масаласи унча мураккаб масала эмас. Бироқ, мутахассис ФҚТга тўлиқ жалб қилинса шу даврда у асосий бажариб турган ишидан тўлиқ ёки қисман озод этилади. Агар у яхши малакали мутахассис бўлсаю, лекин ФҚТни ўтказиш тартиби ва тамойилларини билмаса у маълум тайёрлов курсидан ўтади, чунки ФҚТни амалга ошириш ўзига хос, айнан шу соҳа бўйича малакани талаб қилади.

ФҚТни ўтказадиган муваққат гуруҳ ФҚТ ўтадиган корхона ёки компания раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ушбу буйруқда ҳамма жиҳатлар кўзда тутилиши лозим: кимни қанча вақтга, қайси соҳага, қанча ойлик маош билан ва ҳ.к. Гуруҳнинг раҳбари тайинланади, унинг ва бошқа аъзоларининг функцияси белгилаб берилади.

5.4. Таянч иборалар ва муҳим атамаларнинг таърифлари

ФҚТ объектининг техник тизими деганда маълум бир предметни ясаш, ундан фойдаланиш жараёнлари тушунилади.

ФҚТ объектининг нотехник тизими деганда ахборотларни тизимлаштириш, бошқаришнинг таъсирчанлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш каби жараёнлар тушунилади.

Муаммовий ёндошув деганда ФҚТ орқали бирорта муаммони ҳал қилишга қаратилган тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Предмети ёндошув деганда ФҚТ орқали маълум бир предметни маълум бир мақсад билан танлаб уни батафсил ўрганишга қаратилган тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Тадқиқотли ёндошув деганда ФҚТ орқали янгидан яратилаётган объектни ёки ҳали ҳеч ўрганилмаган жараёни, унинг сифатини сақлаб қолган ва оширган ҳолда, ушбу ёндошув орқали, минимал харажатлар билан ишлаб чиқаришга эришиш йўллари кўрсатиб берадиган тадбирлар мажмуаси тушунилади.

ФҚТ учун объектларни танлашда маълум мезонларга, кўрсаткичларга таянилади. Буларга қуйидагилар киради:

- иқтисодий кўрсаткичлар;
- техник-конструкторлик кўрсаткичлари;
- экологик кўрсаткичлар;
- маҳсулотнинг меҳнатлилиги ва материаллиги;
- сифатий кўрсаткичлар;
- истеъмолчи талабларини инобатга олувчи кўрсаткичлар.

Жаҳон амалиётида танланган объектларни таҳлилга тайёрлаш бирқанча усулларда олиб борилади ва улар бизнинг мамлакатимиз учун ҳам муҳимдир. Бундай усулларга қуйидагилар киради:

- тадқиқот билан шуғулланадиган вақтинча ташкил қилинган ишчи гуруҳи;
- ФҚТ билан доимий равишда шуғулланадиган алоҳида бўлинмалар;
- ФҚТ гуруҳи кўмагида шуғулланадиган лабораториялар, бўлинмалар, конструкторлик бюрolari, секторлар;
- ихтирочилар томонидан яқка тартибда тадқиқот олиб бориш;
- жамоавий ижодий ёндошув.

5.5. Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар

1. Функционал қиймат таҳлилга тегишли объектларни танлашда қанақа ёндошувлар мавжуд?
2. ФҚТ объектининг техник тизими деганда нима тушунилади?
3. ФҚТ объектининг нотехник тизими деганда нима тушунилади?
4. Муаммовий ёндошув деганда нима тушунилади?
5. Предмети ёндошув деганда нима тушунилади?
6. Тадқиқотли ёндошув деганда нима тушунилади?
7. ФҚТ учун объектларни танлашда қанақа мезонларга ва кўрсаткичларга таянилади?
8. Иқтисодий кўрсаткичларни тушунтириб беринг.
9. Техник-конструкторлик кўрсаткичларини тушунтириб беринг.
10. Экологик кўрсаткичларни тушунтириб беринг.
11. Маҳсулотнинг меҳнатлилиги ва материаллигини ифодаловчи кўрсаткичларни тушунтириб беринг.
12. Сифатий кўрсаткичларни тушунтириб беринг.

13. Истеъмоли талабарини инобатга олувчи кўрсаткичларни тушунтириб беринг.

14. Функционал қиймат таҳлилга танланган объектларни таҳлилга тайёрлаш босқичлари қандай кетма-кетликда олиб борилади?

15. Танланган объектларни таҳлилга тайёрлаш усулларига қандай усуллар киради?

16. Тадқиқот билан шуғулланадиган вақтинча ташкил қилинган ишчи гуруҳи нима билан шуғулланади?

17. Алоҳида ФҚТ билан доимий равишда шуғулланадиган бўлинмаларнинг вазифаси нимада?

18. ФҚТ гуруҳи кўмагида шуғулланадиган лабораториялар, бўлинмалар, конструкторлик бюrolари, секторларнинг вазифаси нималардан иборат?

19. Ихтирочилар томонидан яқка тартибда тадқиқот олиб бориш деганда нима тушунилади?

20. Жамоавий ижодий ёндошув нима?

5.6. Ушбу мавзу бўйича амалий масалалар ва топшириқлар

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича бешта масала тузадилар.

2. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда олдинги танлаган объектнинг мукамал ўрганиш учун ушбу босқичда қиладиган ишларини кўрсатиб беради.

3. Талабалар (магистрлар) Ўзбекистонда ушбу мавзу бўйича чоп этилган адабиётларни, мақолалар ва бошқа асарларни кўриб чиқади, ўрганади ва уларнинг қисқача мазмунини ёзадилар. Олимларнинг турли қарашлари назарий жиҳатдан таҳлил қилинади. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ўзларининг фикрларини шакллантиради. Мавжуд қарашларнинг ижобий ва мунозарали томонларини муҳокама қилиб бир тўхтамга келадилар.

4. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ўзлари танлаган объектнинг батафсил ўрганиб, уни яхшилаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қиладилар. Ушбу қарорини семинар тарзида асослаб берадилар.

5.7. Мавзуларни ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди, масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, калитли сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, агар шу мавзу

бўйича янги адабиётлар чоп этилиб қолгудай бўлса конспект қилади ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади. Ушбу мавзу бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилади. Назорат шакли ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат ушбу мавзу бўйича ҳам кўпинча реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

5.8. Мавзу устида мустақил ишлаш учун саволлар ва уларнинг назорати

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ёзилган маърузаларни ва чоп этилган адабиётларни ўрганадилар. 5.5 банддаги масалаларни охиригача етказадилар ва ушбу мавзу бўйича маълум билимга эга бўладилар.

2. Унинг назорати оғзаки савол-жавоб ва айрим ҳолларда тест билан 100 баллик тизимда аниқланади.

3. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда бештадан тест тузадилар.

4. Ўзбекистонда ФҚТ бўйича чоп этилган адабиётлар, мақолалар ва бошқа асарларнинг рўйхатини тузадилар ва уларнинг қисқагина мазмунининг ушбу мавзуга тегишли қисмини, унга ўз фикрини билдирган ҳолда ёзиб топширадилар.

5.9. Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

1. Моисеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении. - М.: Машиностроение. - 1987. - 320 бет.

2. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001. - 272 бет. 12-Боб. Функционал-қиймат таҳлили методологияси. - 207-233 бетлар.

3. Пардаев М.Қ., Пардаев И.Р. Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари. Самарқанд. СамДУ, 2004. - 81 бет. 9-савол. Бошқаришда функционал-қиймат таҳлилидан фойдаланиш. - 46-75 бетлар.

4. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. «Методика функционально- стоимостного анализа» -172-187 бетлар.

5. Справочник по функционально стоимостному анализу. Под ред. М.Г.Карпунина, Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988. - 432 бет.

6. Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. Проф. А.Д.Шеремета. М.: Прогресс, 1982. - & 3.7. «Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)» -231-236 бетлар.

7. Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.

Монография. - Т.: Молия, 2003.- 248 бет. (Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси 81-90 бетлар).

8. Функционально стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданика. М.: Финансы и статистика, 1985.- 472 бет.

6.-Мавзу. Функционал қиймат таҳлилида ахборотларни тўплаш босқичи

Р Е Ж А:

1. ФҚТда қўлланиладиган ахборотларни тўплаш ва уларни маълум даражада тартибга келтириш
2. ФҚТда қўлланиладиган ахборотлар тизими.

А С О С И Й қ И С М:

6.1. ФҚТда қўлланиладиган ахборотларни тўплаш ва уларни маълум даражада тартибга келтириш

Ўрганилаётган объект тўғрисида тегишли ахборотларни тўплаш ва уларни маълум даражада тартибга келтириш босқичи таҳлил учун жуда катта аҳамиятга эга. Чунки тўғри ва сифатли ахборот тўпланмас экан, ҳеч маҳал тўғри хулоса чиқариб бўлмайди. Тўғри хулоса бўлмаган жойда таъсирчан бошқарув қарорларини ҳам қабул қилиб бўлмаслиги ҳаммага аён. Шу туфайли таҳлил жараёнида, айниқса ФҚТда ушбу масала ўта муҳимдир. Шу туфайли ушбу босқични, одатда ҳал қилувчи, ФҚТнинг пайдевори ҳам деб атайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ўзининг бир қанча маърузаларида қайта-қайта таъкидламоқдаки, мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида асосий вазифаларимиздан бири иқтисодиёт соҳасида янада эркинлаштиришга эришиш ва жамиятни модернизациялашдан иборатдир. Бунинг мазмунига тўхталар экан, Президентимиз хусусий секторга давлатнинг аралашувини чегаралаш лозимлигини уқтиради: “Биринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлигини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш демакдир”

Бундан кўриниб турибдики, иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг роли маълум даражада чегараланиши кўзда тутилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш билан бирга, уларнинг ўз

хўжалигини бошқаришда мустақиллигини ва масъулиятини ҳам оштиради. Бундай шароитда юртбошимиз иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш вазифасини қўймоқда. Бу эса ўз-ўзидан мулкдор ва унинг тасарруфида ишловчилар ўртасида содир бўладиган иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига, такомиллашишига олиб келади. Бунинг асосий тамойили ишонч асосида қурилмоғи лозим.

Бир-бирига ишонч иқтисодиётда «САҲТХОБ» тамойили орқали эришилади. Бунинг мазмуни нимадан иборат деган саволнинг туғилиши табиий. Бу энг аввало софлик (С) дегани. Софлик орқали ишончга сазовор бўлинади. Бир-бирига ишонган кишилар ўртасида соф, самимий муносабат бўлади. Иккинчиси эса, ахборотларнинг ҳаққонийлиги (АХ). Бунга ахборотлар ҳаққоний бўлган жойдагина эришиш мумкин. Ахборотлар оддий рақамлар эмас, уларнинг ҳар бири қандайдир, кимнингдир манфаатини ифодалайди.

Ушбу тамойилдаги учинчи бўгин - бу тўғри хулоса (ТХ). Ахборотлар ҳаққоний бўлмаган жойда тўғри хулоса чиқариш қийин. Тўғри хулоса ҳаққоний, тўғри ахборотлар маҳсули эканлигини унутмаслик лозим.

Ушбу тамойилдаги тўртинчи бўгин бу одилона бошқариш (ОБ). Тўғри хулоса бўлмаган жойда одилона бошқаришга эришиб бўлмайди. Шу туфайли ушбу тушунчалар бир-бирига занжир-симон, диалектик боғлиқликка эга.

Шундай қилиб, САҲТХОБ тамойили (С) софлик, (АХ) ахборотлар ҳаққонийлиги, (ТХ) тўғри хулоса ва (ОБ) одилона бошқарувдан иборатдир.

Ушбу тамойилни эркинлашаётган иқтисодиётнинг барча унсурларига, хусусан, иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми ва мураккаб шакли бўлган ФҚТга ҳам қўллаш мумкин. Чунки иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти бозор муносабатларининг шаклланиши билан янада ошмоқда. Энди хўжалик юритувчи субъектлар ўзларига мақбул, тўғри ва фойдали йўл танлаб олиши учун ўз фаолиятини, қилган ва қилажак ишларини фақат таҳлил қилмоғи лозим. Таҳлил ҳар томонлама бўлишини тақозо қилади. Энг аввало, ҳозирги пайтда қилинадиган иш оддиндан таҳлил қилиниб кўрилиши лозим. Сўнгра қилинаётган иш таҳлил қилинади ва ниҳоят қилинган иш атрофлича ўрганилади.

Таҳлилнинг, шу жумладан ФҚТнинг ҳам мақсади тўғри хулоса чиқариш, одилона бошқарув қарорларини қабул қилиш учун

тегишли ахборотларни тайёрлаб беришдан иборатдир. Аммо тўғри-хулоса чиқариш учун ахборотлар ҳаққоний, реал бўлишини талаб қилади. Ахборотларни ким тўплайди, ким унинг ҳаққонийлигига жавоб беради? Албатта мутахассислар, бошқарув идораси (аппарати)да ўтирган ходимлар. Агар улар ҳалол-пок бўлмаса, ахборотлар тўғри бўлмаслиги мумкин. Чунки ҳар бир ахборотнинг замирида, юқорида таъкидланганидек, манфаат ётади. Агар ходим ахборотларни жамлаш ва шакллантиришда ўз манфаатини устун қўядиган, маънавияти паст бўлса у берган ахборотлар ҳаққоний бўлмаслиги мумкин.

Ҳақиқий бўлмаган ахборот ҳамиша чалкаш ва нотўғри хулосаларга олиб келади. Бу эса ўз навбатида оқилона бошқаришга ҳам салбий таъсир қилади. Шу туфайли таҳлил жараёнида, айниқса ФҚТда ишонч ва САХТХОБ тамойилига доимо амал қилиш лозимлигини яна бир бор таъкидлаймиз.

Ушбу тамойил таҳлил учун ахборотларни етказиб берувчиларнинг энг аввало, софлигини талаб қилади. Улар соф кишилар, ходимлар бўлсагина ахборот ҳаққоний бўлади. Агар ахборотлар ҳаққоний бўлмаса тўғри хулоса чиқариш қийин. Хулоса чалкаш, нотўғри бўлса одилона бошқарув қарорларини ҳам қабул қилиб бўлмайди. Шу туфайли таҳлилда тўғри ва изчиликни таъминлаш учун САХТХОБ тамойилига доим амал қилиш лозим.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мазмун ва моҳияти жиҳатдан бутунлай янги бошқарув тизими таркиб топди ва изчилик билан такомиллашмоқда. Аммо Президентимиз таъкидлаганидек: «Тўрачилик, ўз вазифасига совуққонлик билан қараш, порага сотиш ҳоллари бу тизим асосларига нечоғли зарар етказмоқда?» Минг афсуски, бу зарарнинг моддий ва маънавий қийматини ҳисоблаб чиқиш қийин. Агар нотўғри ахборотлар ФҚТда тўпланадиган бўлса бунинг зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида «Ишонч ва САХТХОБ» тамойилларидан фойдаланишга эҳтиёж янада кучаяди. Чунки юртбошимиз таъкидлаганидек: «Иқтисодиётни эркинлаштириш - хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиятини ошириш демакдир». Бундан кўриниб турибдики эркинлик ҳамиша масъулият билан узвий боғлиқ бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Ҳар бир инсонда масъулият туйғуси уйғонганлиги тўғрисида энг аввало ўзида, кейин ўзгаларда ишонч ҳосил қилиши лозим.

Ишонч бор жойда самимийлик бор. Айнан шу ҳолатда «САҲТХОБ» тамойилини қўллаш мумкин. Ушбу тамойил бугунги кун талабидан келиб чиққан иқтисодиётда ва унинг барча унсурларида, хусусан, ФҚТда ҳам қўлланилиши лозим бўлган мазмун-моҳияти жиҳатидан янги тамойилдир.

6.2. ФҚТда қўлланиладиган ахборотлар тизими.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида (1981 йил) ахборотга иккита изоҳ берилган:

1) Хабар, хабарлар, маълумот, информация. 2) Вақти-вақти билан чиқиб турадиган баъзи тўпламларнинг номи. Буларнинг ичида иқтисодий таҳлилга мосроқ атама - бу маълумотдир.

Ушбу китобда «Маълумот» атамасига ҳам иккита изоҳ берилган:

1) Ўқиш-ўрганиш натижасида олинган билим даражаси. 2) Хабар, ахборот. Далил бўладиган хужжат, рақам ва шу каби материаллар.

Кўриниб турибдики, бу икки ҳолда ҳам ахборотларнинг мазмуни иқтисодий таҳлил, айниқса, ФҚТ ва бошқарув нуқтаи назаридан етарли даражада очиб берилмаган.

Бизнинг фикримизча, ахборотлар табиат, жамият ва инсон тафаккурида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган жараёнлар тўғрисида доимий равишда олиниши мумкин бўлган маълумотлар мажмуасидан иборатдир. Уларга қуйидагилар киради:

- иқтисодий ахборотлар;
- оғзаки ахборотлар;
- ёзма, яъни хужжатларда ифода этилган ахборотлар;
- ҳисоблаш машиналарида ифода этилган ахборотлар;

Лекин иқтисодиётни бошқариш ва таҳлил қилиш учун бизга барча ахборотлар ичидан ижтимоий иқтисодий жараёнларни ўз ичига олган иқтисодий ахборотлар зарур.

Иқтисодий ахборотлар иқтисодиётда содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган жараёнлар тўғрисидаги маълум бир ҳуқуқий кучга эга бўлган маълумотлар мажмуидан иборатдир. Масалан, ўтган даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми тўғрисидаги ахборотни биз ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг ўтган даврдаги ҳисоботидан оламиз. Ҳисобот қонуний кучга эга бўлади қачонки, унинг тўғри тузилганлигини кафолатловчи ташкилот раҳбарининг ва бош бухгалтернинг ёки бошқа масъул шахсларнинг имзоси ва шу имзоларни тасдиқловчи юмалоқ муҳри босилган бўлса. Ушбу кўрсаткичнинг ҳозирги ҳолати ва

кедуси истиқболдаги ҳажми ҳам тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилиниб, масъул шахслар томонидан тасдиқлансагина улардан иқтисодий таҳлилда, шу жумладан ФҚТда фойдаланиш мумкин.

Табиат, жамият ва инсон тафаккурида содир бўлаётган жараёнлар тўғрисида, одатда инсон беҳабар бўлади. У тўлиқ маълумотга эга бўлади, қачонки шу жараёнлар тўғрисидаги тегишли ахборотларга эга бўлса. Ахборотлар қанчалик тўлиқ, қанчалик ҳаққоний бўлса ундан чиқариладиган хулосалар ҳам шунчалик тўлиқ ва тўғри бўлади.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, ахборотлар зарур миқдорда бўлиши лозим. Унинг кам бўлиши тўлиқ ва тўғри хулоса чиқариш имконини бермайди, кўпи эса улардан тез ва соз фойдаланишда қийинчиликлар туғдириши, ортиқча вақтни олиши мумкин. Ахборотларнинг кўпи яхши, лекин улар ортиқча бўлмаслиги лозим. Шу туфайли ҳар бир жараёни таҳлил қилганда, айнан шу жараёнга тегишли ахборотларни олишни тақозо қилади.

Иқтисодий таҳлилда, шу жумладан, ФҚТда қўлланиладиган маълумотлар ва ахборотларни бир-биридан фарқламоқ лозим.

Маълумотлар деганда содир бўлган ҳодиса ва жараёнларни ўзида ифода этган бирламчи ҳужжатлар ва бошқа воситаларда акс этиладиган рақамлар, белгилар, хабарлар тушунилади. Масалан, 15 киши бир ой ишлади, деган маълумот табелда, 2 киши касаллик варақасида, шунча маҳсулот сотилди деган маълумот счёт-фактурада, қанча пул ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот тўлов-буюртмасида ифодаланади. Буларнинг ҳаммаси у ёки бу ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тўғрисида аниқ маълумотлар беради.

Ахборотлар деганда, юқорида таъкидланганидек, шу маълумотларни жамлаш, уларни ишлаш орқали маълум тизимга келтириш натижасида ҳосил бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ифода этадиган маълумотлар мажмуи тушунилади. Иқтисодий таҳлилда асосан ахборотлардан кенгроқ фойдаланилади. Баъзан таҳлилни чуқурлаштириш, аниқлик киритиш учун бевосита бирламчи маълумотлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ахборотлар қаерда ифодаланишига қараб учга бўлинади: оғзаки, ҳужжатларда ва машинада.


Оғзаки ахборотлар кўпгина тезкор ҳисобда қўлланилади. ФҚТ ижодий гуруҳи ҳам бундай ахборотлардан кенг фойдаланишлари мумкин. У бевосита мулоқот, телефон ва бошқа воситалар орқали берилиши мумкин. Бозор муносабатлари шароитида оғзаки ахборотлар жуда кенг қўлланилади. Бунда ахборот берувчи ва

ушнинг истеъмоличиси ўртасида юксак ишонч бўлиши лозим.

Содир бўлган иқтисодий жараёнлар, ҳужжатларда ифода этилади. Булар энг аввало, бухгалтерия ҳисобида ўз ифодасини топади. Ҳар бир жараённинг қонунийлиги айнан шу ва шу каби ҳисобларда, ҳужжатларда ўз тасдиғини топади. Шу жиҳатдан жуда кўп ахборотлар иқтисодий таҳлил учун ҳужжатлардан олинади. Ҳар бир ҳужжат қонуний кучга эга бўлиши керак. Бу учун юқорида таъкидланганидек, ташкилот раҳбари, бонх бухгалтери каби масъул шахсларнинг имзоси ва муҳри қўйилган бўлиши керак.

Машиналарда ифода этилган ахборотлар ҳозирги пайтда жуда кенг қўлланилмоқда. Зеро компьютерлар барча ҳисоб-китоб жараёнига кириб бормоқда. Ҳозирги пайтда компьютерлардан бевосита ахборотларни узатишда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Масалан, Ўзбекистон «Интернет» га улашиб бутун дунё ахборот тизимига кирди ва улардан бемалол фойдаланилмоқда. Ёки ҳозир банк тизимлари бўйича ягона компьютер тармоғи ташкил қилинди. Бу ҳам банклар ўртасидаги мулоқотни компьютер орқали амалга ошириш имконини туғдиради.

Ахборотларнинг қаерда ифодаланиши бўйича таснифи қуйидаги чизмада кўрсатилган. (6.1. - чизма)



6.1.- Чизма. Ахборотларнинг қаерда ифодаланиши бўйича таснифи.


Ҳар бир гуруҳ ахборотлар ўз навбатида яна бирқанча турларини ўз ичига олади. Буларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Оғзаки ахборотлар бозор муносабатлари шаклланган шароитда кенг қўлланилади. Жаҳон амалиётида иқтисодий жараёнларни тез амалга ошириш, бир-бирининг ишончига сазовор бўлиши учун оғзаки шартномалардан ҳам фойдаланилмоқда. Бу эркин рақобат шароитида ҳар бир фирманинг ўзларига ҳамкор топиши ва ўзаро ишонч қозониши учун қулай воситадир.

Оғзаки ахборотлар ўз навбатида қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

сўровга жавоб тариқасида берилган ахборот, бевосита мулоқотда бериладиган ахборот, маъруза ва нутқлар орқали бериладиган ахборотлар, телефон орқали бериладиган ахборотлар кабилар.

Буларнинг таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (6.2. - чизма).



6.2.- Чизма.

Ог'закӣ иқтисодӣ ахборотлар таснифи.

Сўровга жавоб тариқасида бериладиган ахборотлар кўпинча мухбирларнинг, журналистлар, илмий ходимлар ва бошқа таҳлилчиларнинг интервьюлари орқали аниқланади ва олинади. Масалан, таҳлилчи иқтисодий ислоҳотнинг жадал боришини асослаш учун туман хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ташкилоти масъулларига бирқанча саволлар билан мурожат қилиб, уларнинг жавоблари асосида ўз хулосаларини янада бойитиши ва чуқурлаштириши мумкин.

Мулоқот пайтида бериладиган ахборотлар ҳам хулоса чиқариш ва маълум қарорлар қабул қилиш учун асос бўлади. Масалан, устоз-шогирд мулоқотида шогирд учун жуда кўп ахборот бериш мумкин. Ёки мутахассисларнинг деҳқонлар билан мулоқотини мисол келтирайлик. Деҳқонларга қачон, қанча

ўғит бериш, неча марта ҳайдаши, қачон ўриши, қандай ўриши каби кўргазмалар ҳам оғзаки мулоқот орқали берилиши мумкин.

Маъруза ва нутқлар орқали ҳам жуда кўп маълумотлар берилади. Масалан, Ўзбекистоннинг бошқа ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида тугган ўрни, аҳолининг ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари каби маълумотлар тингловчиларга жуда тўғри ва аниқ хулоса чиқариш учун жуда зарур маълумотлар бўлиб ҳисобланиши мумкин. Ёки нутқнинг бирон бир соҳада самарадорликни амалга ошириш учун олиб бориладиган ишлар кўлами ва натижалари тўғрисидаги маърузаси айнан шу соҳага кирувчи битта корхона раҳбари учун ўзининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилишда асос бўлиши мумкин.

Жуда кўп ахборотларни радио, телевидения каби оғзаки ахборотлар воситаларидан ҳам олиш мумкин. Телефонграмма ҳам бевосита оғзаки-ёзма ахборот воситаси сифатида кенг қўлланилмоқда.

Шундай қилиб, оғзаки ахборотлар, ҳозирги пайтда, таҳлил қилиш учун, маълум хулоса чиқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун кенг кўламда қўлланилмоқда. Келажакда эса унинг ривожланиши, қўлланилиш доирасининг кенгайиши, бошқарув учун асос бўлиши шак-шубҳасиздир.

Ҳужжатларда ифодаланадиган ахборотлар ҳозирги шароитда иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган асосий ахборотлардир. Таъкидланганидек, содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнлар, энг аввало, ҳужжатларда ифодаланади. Бу ҳужжатлар мулкдор, давлат, иш берувчи ва соҳибкорнинг манфаатини, ҳақ-ҳуқуқини ифода этиш билан бирга, уларни ҳимоялайди ҳам. Масалан, иш берувчи соҳибкорга қанча ишлаганига қараб иш ҳақи тўлайди. Мулкдор ўз мулкни бир кишига хатлаб ижарага берган бўлса ижарачи шу мулкни сон ва сифат жиҳатидан сақланиши учун жавобгар ва ҳ.к.

Демак, ижтимоий - иқтисодий ҳаётимизда ҳужжатларнинг, унда ифода этилган ахборотларнинг аҳамияти беқиёс. Ҳужжатлар ҳам жуда кўп, улар турли-туман. Бу ҳақида бухгалтерия ҳисоби фанида тўлиқ маълумотлар берилади.

Иқтисодий таҳлилда ҳужжатларнинг жамланган қисмларидан фойдаланилади. Улар кўпинча бухгалтерия, статистик ва тезкор ҳисоб-китобларда ифодаланади. Шундай қилиб, иқтисодий жараёнларни ўзида акс этадиган ҳужжатларда ифодаланадиган бирламчи ахборотлар, асосан, корхона режасида, бухгалтерия, статистик ва тезкор ҳисоб ва ҳисоботларда ўз аксини топади. Бу

қуйидаги чизмада ифодаланган.(6.3.-Чизма).




6.3.-Чизма.

Ҳужжатларда ифодаланган иқтисодий ахборотларнинг таснифи.

Ҳозирги пайтда ҳисоб-китоб ишлари аксарият ҳолларда, бевосита компьютерлар ва бошқа ҳисоблаш машиналарида бажариламоқда. Баъзи жойларда эса ушбу ишнинг аксарият қисми ҳамон қўл кучи билан анъанавий тарзда амалга ошириламоқда. Шу жиҳатдан, машиналаштириш даражаси бўйича ахборотлар икки гуруҳга бўлинади: машиналаштирилган ва ярим машиналаштирилган.

Машиналаштирилган ахборотлар, асосан, магнит тасмаларида, дискларда, дискетларда, бевосита компьютер файллари кабиларда акс эттирилади.

Ярим машиналаштирилган ахборотларнинг бир қисми ҳисоблаш машиналарида ва бир қисми анъанавий тарзда қўлда бажарилган тегишли ҳисоб ва ҳисоботларда ифодаланади. Ушбу ахборотларнинг ҳаммаси иқтисодиётни бошқариш ва таҳлил қилиш учун асосий ахборот берувчи маълумот бўлиб ҳисобланади. Буларнинг таснифи қуйидаги чизмада келтирилган:



6.4. - Чизма. Ахборотларнинг машиналаштириш даражаси бўйича таснифи.

Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, машиналаштирилган ахборотлар ҳам ҳозирги шароитда ўзига хос тарзда ривож топмоқда. Бундан 30-40 йил муқаддам асосий ахборотлар перфокарта ва перфотасмаларда ифодаланган бўлса, ҳозирги пайтга келиб булар дискеталарда, компьютар файлларида ифода этилмоқда. Мазкур ахборот манбалари шаклан ва мазмунан улардан фарқ қилади ва бирнеча баробар такомиллашгандир.

6.3. Таянч иборалар ва муҳим атамаларнинг таърифлари

САҲТХОБ тамойили деганда (С) софлик, (АХ) ахборотлар ҳаққонийлиги, (ТХ) тўғри хулоса ва (ОБ) одилонга бошқарув тушунилади.

Ахборотлар табиат, жамият ва инсон тафаккурида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган жараёнлар тўғрисида доимий равишда олиниши мумкин бўлган маълумотлар мажмуасидан иборатдир.

Иқтисодий ахборотлар деганда иқтисодиётда содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган жараёнлар тўғрисидаги маълум бир ҳуқуқий кучга эга бўлган маълумотлар мажмуи тушунилади.

Маълумотлар деганда содир бўлган ҳодиса ва жараёнларни ўзида ифода этган бирламчи ҳужжатлар ва бошқа воситаларда акс этиладиган рақамлар, белгилар, хабарлар тушунилади.

Жамлама ахборотлар деганда, маълумотларни жамлаш, уларни ишлатиш орқали маълум тизимга келтириш натижасида ҳосил бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ифода этадиган маълумотлар мажмуи тушунилади.

Оғзаки ахборотлар деганда тезкор тарзда бевосита мулоқот, телефон ва бошқа турли воситалар орқали овоз йўли билан бериладиган ахборотлар тушунилади.

Хужжатларда ифода этиладиган ахборотлар деганда содир бўлган, бўлаётган иқтисодий жараёнларнинг қонунийлиги таъминланадиган, яъни ташкилот раҳбари, бош бухгалтери каби масъул шахсларнинг имзоси ва муҳри қўйилган хужжатларда ифода этиладиган маълумотлар тизими тушунилади.

Машиналарда ифода этилган ахборотлар деганда ҳозирги пайтда жуда кенг қўлланилаётган ҳисоблаш техникаларида, хусусан компьютерларда ўз аксини топган маълумотлар мажмуи тушунилади.

6.4. Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича билиши лозим бўлган ва ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар

1. ФҚТда қўлланиладиган ахборотлар қандай тўпланади ва улар маълум тартибга қандай келтирилади?
2. Иқтисодий ахборотларга қандай ахборотлар киради?
3. Оғзаки ахборотларга қандай ахборотлар киради?
4. Сўровга жавоб тариқасида берилган ахборот қандай ахборот?
5. Бевосита мулоқотда бериладиган ахборот қандай ахборот?
6. Маъруза ва нутуклар орқали бериладиган ахборотлар қандай ахборот?
7. Телефон орқали бериладиган ахборотлар қандай ахборотлар?
8. Ёзма, яъни хужжатларда ифода этилган ахборотларга қандай ахборотлар киради?
9. Ҳисоблаш машиналарида ифода этилган ахборотларга қандай ахборотлар киради?
10. Машиналаштирилган ахборотларга қандай ахборотлар киради?
11. Ярим машиналаштирилган ахборотларга қандай ахборотлар киради?
12. Машиналаштирилган ахборотлар, асосан, қандай восита-

ларда ифода этилади?

13. Магнит тасмаларидаги ахборотлар қандай ахборот?

14. Дискларда, дискетларда, бевосита компьютер файллари кабиларда акс этириладиган ахборотларга нималар киради?

6.5. Ушбу мавзу бўйича амалий масалалар ва топшириқлар

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича бешта масала тузадилар.

2. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда олдинги танлаган объектини муқаммал ўрганиш учун ушбу босқичда қиладиган ишларини, хусусан, ахборот тўплаш усулларини кўрсатиб беради.

3. Талабалар (магистрлар) Ўзбекистонда ушбу мавзу бўйича чоп этилган адабиётларни, мақолалар ва бошқа асарларни кўриб чиқади, ўрганади ва уларнинг қисқача мазмунини ёзадилар. Олимларнинг турли қарашлари назарий жиҳатдан таҳлил қилинади. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ўзларининг фикрларини шакллантиради. Мавжуд қарашларнинг ижобий ва мунозарали томонларини муҳокама қилиб бир тўхтамга келадилар.

4. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ўзлари танлаган объектни батафсил ўрганиб, уни яхшилаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қиладилар. Ушбу қарорини семинар тарзида асослаб берадилар.

6.6. Мавзуларни ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди, масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, калитли сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, агар шу мавзу бўйича янги адабиётлар чоп этилиб қолгудай бўлса конспект қиладди ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади. Ушбу мавзу бўйича жорий, оралик ва якуний назоратлар ўтказилади. Назорат шакли ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат кўпинча реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

6.7. Мавзу устида мустақил ишлаш учун саволлар ва уларнинг назорати

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ёзилган маърузаларни ва чоп этилган адабиётларни ўрганадилар. 5.4 банддаги масалаларни охиригача етказадилар ва ушбу мавзу

бўйича маълум билимга эга бўладилар.

2. Унинг назорати орзак савол-жавоб ва айрим ҳолларда тест билан 100 баллик тизимда аниқланади.

3. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда бештадан тест тузадилар.

4. Ўзбекистонда ФҚТ бўйича chop этилган адабиётлар, мақолалар ва бошқа асарларнинг рўйхатини тузадилар ва уларнинг қисқагина мазмунининг ушбу мавзуга тегишли қисмини, унга ўз фикрини билдирган ҳолда ёзиб топширадилар.

6.8. Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

1. Моисеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении.-М.: Машиностроение. - 1987. - 320 бет.

2. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001.- 272 бет.

3. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. «Методика функционально- стоимостного анализа» -172-187 бетлар.

4. Справочник по функционально стоимостному анализу. Под ред. М.Г.Карпунина, Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988.- 432 бет.

5. Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. Проф. А.Д.Шеремета. М.: Прогресс, 1982.- & 3.7. «Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)» -231-236 бетлар.

6. Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. - Т.: Молия, 2003.- 248 бет. (Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси 81-90 бетлар).

7. Функционально стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1985.- 472 бет.

7.-Мавзу. Функционал қиймат таҳлилида масаланинг моҳиятини ўрганиш босқичи

Р Е Ж А :

7.1. Ўрганилаётган объектда мавжуд функцияларни аниқлаш,
таснифлаш ва тавсифлаш

7.2. Ўрганилаётган объектнинг ташқи муҳит билан боғлиқ
функциялари

7.3. Ўрганилаётган объектда ички муҳит билан боғлиқ
функциялари

7.4. Функцияларни таҳлил қилиш босқичи ва йўллари

7.5. ФҚТда харажатларни калькуляцияси бўйича туркумлаш ва
уларни функциялар бўйича тақсимлаш

А С О С И Й Қ И С М :

1. Ўрганилаётган объектда мавжуд функцияларни аниқлаш, таснифлаш ва тавсифлаш

Бирорта предмет ёки фаолият ташқаридан қараганда гуё яхлит
бир умумий бирликни ташкил қилади. Агар уларнинг моҳиятига
эътибор берилса, улар функциялар тизимидан иборат эканлигини
билишимиз. Масалан, дўппини олайлик. У материални танлаш,
бичиш, ипни танлаш, каштасини тикиш, уларни бириктириб
тикиш, елимлаб қотириш, сақлаш, ташиш, сотиш каби
функциялар мажмуасидан иборат. Агар дўппини арзон ва
сифатли қилиш йўлида бўлган одам уни тикишда ФҚТдан
фойдаланса анча тежамкорликка эришиши мумкин.

Функцияларни аниқлашда ўрганилаётган объектга қўйилган
мақсадга қараб функциялар аниқланади. Масалан, бирорта
объектнинг фақат сифатини ошириш мақсад қилиб қўйилса,
асосан, шу объектнинг сифатини белгиловчи функцияларни
олади. Агарда шу объектнинг нархини пасайтириш керак бўлса, у
ҳолда унинг нархи билан боғлиқ функциялар ўрганилади. Хуллас,
ФҚТни қайси мақсадда амалга оширилаётган бўлса
функцияларни танлашда, айнан шу мақсаддан келиб чиқилади.

ФҚТни инсон фаолиятининг барча жабҳаларида қўллаш
мумкин. Уни ҳатто, оилавий кундалик фаолиятда ҳам қўлласа
бўлади. Оилада тежамкорликка эришиш, қайси харажатлар бош
ёки асосий, қайсилари ҳозирча нокерак ёки зарарли, қайсилари
ёрдамчи ва ҳ.к. Ҳозирча муҳим бўлмаган нарсалар учун харажат
қилиш балки лозим эмасдир. Бироқ, бутунги кунда нокерак

бўлган харажат турлари эртанги кунда асосий бўлиши ҳам мумкин. Масалан, келин куёвга совға қилинадиган мебелни оладиган бўлсак, ҳали ўрлингиз ёки қизингиз фотиҳа қилинмаган бўлса, унга пул сарфлаб харид қилиш нокерак функция. Агарда, тўй қилиш арафасида турсангиз ушбу мебелни харид қилиш асосий функцияга киради ва унга албатта харажат қилиб харид қилиш лозим.

ФҚТда ҳар қандай мураккаб тизимлар ҳам функцияларга бўлиб ўрганилганда у анча осон кечади. Чунки, функцияларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ўрганилаётган объектнинг мураккаблигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан биридир. Агар улар функцияларга бўлинса, уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги тўғри анланса, ушбу объектни такомиллаштириш унчалик қийинчилик туғдирмайди.

Ҳар бир предметнинг функциясини аниқлашда уларни тўғри номлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унда мазкур объектнинг сони ва сифатига аҳамият бериш лозимдир. Таҳлил қилинаётган объектнинг нимани бажариши унинг сифатини белгиласа, қанча ҳажм ёки миқдордалиги унинг сонини белгилайди. Масалан, «юк ташийдиган автомашина». Унга тўғри ном қўйиш учун шу етарли. Лекин ФҚТда тўғри хулоса чиқариши учун шу юк ташийдиган автомашина неча тонналик, моторининг қуввати қандайлигини ҳам билади лозим. Буларни тўлиқ бир сўз билан ифодалаш қийин бўлганлиги учун уларни қисқартирилган сўзлар ва рақамларда ҳам номлаш мумкин. Масалан, “ЗИЛ - 154”. Демак ҳаммаси тушунарли, ушбу машина неча тонна юк кўтаради, моторининг қуввати қанча, қанча бензин сарф қилади ва ҳ.к. Муҳими, ФҚТда ҳамма номлар, айниқса функциялар қисқа ва тушунарли ифодаланиши лозим экан.

Функциялар бир қанча гуруҳларга тавсифланади:

- ишчи функциялар;
- умумобъект (ташқи) функциялар;
- ичкиобъект (ички) функциялар;
- эстетик функциялар;
- асосий функциялар;
- ёрдамчи функциялар;
- нокерак функциялар.

Уларнинг ҳар бирига тавсиф бериш лозим, деб топдик. Чунки, функцияларнинг мазмун ва моҳиятини билмасдан туриб, уларни тўғри ва аниқ таҳлил қилиб бўлмайди.

Ишчи функциялар ўрганилаётган объектнинг у ёки бу жиҳатини ўз ичига оладиган, унинг фаолиятини ва фаолият

натижасини ифода этадиган функциялар мажмуасидан иборатдир. Булар, биринчидан, ўрганилаётган объектнинг бевосита ўз фаолиятини ифодаласа, иккинчидан, шу объект фаолияти натижасида яратилаётган янги объектнинг ҳам ишчанлик функцияларини таъминлашга хизмат қилади. Масалан, бунга дастгоҳ ясайдиган дастгоҳни мисол келтириш мумкин. Олдин дастгоҳнинг ўзининг фаолияти ФҚТни қўллаган ҳолда батафсил ўрганилади, сўнгра унинг ёрдамида тайёрланадиган дастгоҳлар ўрганилади.

Ишчи функциялар ичкиобъект (ички) ва умумобъект (ташқи) функцияларига бўлинади.

Умумобъект (ташқи) функциялар ўрганилаётган объектнинг умумий функциясини ифодалайди. Масалан, енгил автомобилнинг умумий функцияси одам ташишдан иборатдир. Аммо, ушбу объект ўзининг умумий функциясини бажариши учун яна юзлаб ички функцияларни бажариши лозим.

Ичкиобъект (ички) функцияларга шу автомашинани оладиган бўлсак моторининг яхши ишлаши, балонларнинг бутлиги, аккумуляторнинг яроқлилиги, сигналининг мавжудлиги, рулининг яхши ишлаши кабиларни киритиш мумкин. Бу рўйхатни юзлаб давом эттириш мумкин. Мана бу, умумий функцияни бажариши учун юзлаб ички функцияларни бажаришига тўғри келар экан. Бу ҳолатни бевосита инсонга ҳам тадбиқ қилса бўлади. Инсоннинг нормал фаолияти учун унинг юраги, мияси, қўли, оёғи, ўпкаси, жигари каби барча органлари нормал ишлаши лозим. Агар ички функциялар яхши ишламаса ташқи функцияларнинг нормал ишлашини таъминлаб бўлмайди.

Шундай қилиб, ички функциялар деганда умумобъект функцияларининг ички тизимини ифода этувчи функциялар мажмуаси тушунилади.

Эстетик функциялар ўрганилаётган объектнинг фаолиятидан қатъий назар, унинг ташқи кўринишини тасвирлаш учун мавжуд бўлиши лозим бўлган функциялардир. Ушбу функциялар, асосан, истеъмолчилар талабидан келиб чиқади ва уларга эстетик завқ беришда хизмат қилади. Мазкур функциялар фақатгина эстетик завқ берибгина қолмасдан, объектнинг сифатига, унинг ишлатилишига ҳам катта ёрдам беради.

Асосий функциялар ФҚТда аниқланиши лозим бўлган муҳим функциялардир. Ҳар қандай объектнинг асосий функцияларини танлаб олинмас экан, унинг бош функциясини ҳал қилиб бўлмайди. Асосий функциялар объектнинг фаолият кўрсатиши, ҳаракат қилишини белгиловчи, унинг вазифасининг

бажарилишини таъминлайдиган функциялардир. Масалан, енгил автомобилнинг бош функцияси ҳаракат қилиш ва одамларни маълум манзилга етказиш. Айнан шу ҳолатни таъминлайдиган барча функциялар асосий функциялардир. Лекин у қулай, чиройли, хавфсиз каби ҳолатларга ҳам жавоб бериши лозим. Унинг бу жиҳати ёрдамчи функциялардан ташкил топади.

Ёрдамчи функциялар деганда ўрганилаётган объектнинг бош функциясини бажариш учун зарур бўлган асосий функцияларнинг ҳаракатини таъминлайдиган функциялар тушунилади. Буларга мисол қилиб енгил автомобил салонининг кенглигини, ўтиргичининг юмшоқ матолардан қилинишини, чиройли материаллардан фойдаланиб турли безаклар берганлиги, салонга радио магнитофон каби қулайлик туғдирадиган асбоблар билан жиҳозланиши кабиларни мисол келтириш мумкин. Буларнинг ҳаммаси ёрдамчи функцияларга киради.

Ёрдамчи функциялар ҳам фаолият, ҳаракат функциялари сингари ичкиобъект ва ташқиобъект функцияларига бўлинади. Ушбу функциялар объектнинг тўлақонли вазифасининг бажарилишини таъминлайди.

Жуда кўп функциялар асосий функцияларни бир бири билан боғловчи ёки асосий функциялар билан ёрдамчи функцияларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатини таъминловчи ҳам бўлиши мумкин. Бундай билвосита функциялар ёрдамчи функцияларга киради.

Бироқ, жуда кўп бажарилаётган функциялар объектнинг сифатига ҳам, ишлатилишига ҳам, кўринишига ҳам таъсир қилмаслиги мумкин. Уларни ишлатмаса ҳам объект ўзининг асосий функциясини бемалол бажарадиган бўлса бундай функциялар ноқеррак функцияларга киради. Булардан воз кечиш объектнинг нархини арзонлаштириш билан бирга жуда кўп бошқа тежамкорликларга ҳам сабаб бўлади.

Асосий, ёрдамчи ёки ноқеррак функцияларни аниқлашда, ҳар бир функцияни у ёки бу гуруҳга мансублигини белгилашда объектнинг бош ёки асосий функциясидан келиб чиқилади. Бунда қуйидаги тамойилларга асосланиши мақсадга мувофиқ:

- танланаётган функцияни қўллаш объектнинг асосий функциясининг бажарилишига ёрдам берса, уни қўлламайдиган бўлса, унинг асосий функцияси бажарилмаса бундай функцияларни асосий функцияларга киритиш лозим;

- агар танланаётган функциялар шу объект учун зарур, аммо уни қўлламаса ҳам асосий функциялари бажариладиган бўлса бундай функциялар ёрдамчи функциялардир;

- агар танланган функциялар қўлланилмасдан объектнинг

асосий функциялари бажарилса ва унинг қўлланилмаслиги объектнинг сифатига ҳам, кўринишига ҳам салбий таъсир қилмаса бундай функциялар ноқерар функциялардир.

ФҚТ натижасининг сифатли бўлиши ўрнатилаётган объектдаги функцияларни тўғри аниқлашга бевосита боғлиқдир.

7.2. Ўрганилаётган объектнинг ташқи муҳит билан боғлиқ функциялари

ФҚТда қўлланиладиган асосий усуллардан мақсад ўрганилаётган объектнинг сифатини яхшилашга, баҳосининг арзонлашишига, харидортирлигининг ошишига олиб келишга ҳаракат қилинади ва унга эришилади. Бунда қуйидагича ёндошилади:

- ўрганилаётган объект функциялар системасидан иборат, деб қаралади;

- улар бир-бири билан узвий боғлиқликда ўрганилади;

- функциялар ташқи муҳит билан ҳам узвий боғлиқлиги эътироф этилади;

- ташқи муҳит ташқи омилни, ички муҳит ички омилни келтириб чиқаради, улар ҳам бир бири билан узвий боғлиқликда қаралади;

- функцияларни аниқлаш, уларни таснифлаш билан бирга ҳар бирининг вазифаси аниқланади;

- ҳар бир функцияни маълум даражада ҳаражат талаб қилади, деб қаралади ва шу ҳаражатларни бартараф қилиш ва камайтириш вазифаси таҳлилчининг зиммасида эканлиги доимо эслатилиб турилади;

- ноқерар функцияларни аниқлаш ва йўқ қилишга қаратилган бўлади;

Ўрганилаётган объектнинг ташқи муҳит билан боғлиқ функциялари бозор муносабатлари шароитида йирик соҳаларда, бирлашмаларда, корпорация ва концерн каби йирик ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) соҳаларида қўлланилади. Буларни амалга ошириш йирик гуруҳлар, илмий-тадқиқот институтлари томонидан олиб борилади.

ФҚТнинг ушбу босқичида объектнинг янги аналог бўлмаганда бажариладиган функциялар, объектни модернизация қилиш жараёнида бажариладиган ишлар, мавжуд объектни таъмирлаш ва такомиллаштириш учун қилинадиган ишлар амалга оширилади. Буларнинг ҳаммасида йирик объект бўлишини тақозо қилади.

Бирорта объектни ўрганиш учун барча функциялар аниқлангач улар тизимлаштирилади. Унда:

- объектнинг функциялари кўрсатилади;
- объект функцияларининг вазифаси аниқланади;
- шу вазифалардан келиб чиқиб, улар турларга таснифланади;
- тахлил натижаси аниқланиб, уларнинг ҳолати кўрсатилади;
- уни такомиллаштириш бўйича ҳар бир функциядан фойдаланиш учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқилади;
- истеъмолчининг талаби қўйилади;
- унга жавоб бериш учун нима қилиш кераклиги кўрсатилади;
- мазкур функцияни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсия берилади;
- унинг қиймати ҳам белгиланади;
- самарадорлиги ҳисобланади.

Ишнинг энгил кўчиши учун одатда таснифлаш учун имкони борича амалдаги таснифий белгилар ва қўлланилаётган меъёрлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Агар объект янги бўлса, албатта ҳар бир ҳаракат, функциялар ва уларнинг қиймати илмий жиҳатдан асосланган бўлиши лозимдир.

Умуман олганда, ўрганилаётган объектнинг ташқи муҳит билан боғлиқ функциялари унинг умумий ҳолатини белгиловчи омиллар тизимидан иборат экан. Агар шу омилларни унинг бажарадиган функцияларига тенглаштириладиган бўлса, ўрганилаётган объектни тўлақонли тасвирлаш учун уни омиллар тизимидан иборат деб қараш ҳам мумкин экан.

7.3. Ўрганилаётган объектда ички муҳит билан боғлиқ функциялар

Ушбу усул ўрганилаётган объектнинг ташқи муҳит билан боғлиқ функцияларини изоҳлашда ва кичик функциялар тизимини тартибга келтиришда қўлланилади. Бу унинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

ФҚТ ҳамиша ўз объектини ўрганишда, унинг катта-кичиклигидан қатий назар, уни бир бутун деб қаралади. Аммо уни маълум деталларга бўлиб ўрганилиши кўзда тутилади. Ҳар бир детал бўйича функциялар ва уларнинг параметрлари алоҳида кўрсатилади. Буларга қуйидагилар киради:

- объектнинг алоҳида деталлари, бўлаклари;
- функцияларнинг номлари;
- функцияларнинг тавсифи;
- функцияларнинг сони;

- функцияларнинг турлари;
- ҳар бир функциянинг бевосита харажатлари;
- таҳлил натижаси бўйича тегишли тавсиялар бериш.

Таҳлил жараёнида ушбу кўрсаткичлар ифода этиладиган жадваллар тузилади. Унда бош, асосий, ёрдамчи, ноқерак ва зарарли функциялар кўрсатилади. Шунингдек, ҳар бир функция учун ресурсларнинг етарлилик даражаси ҳам ўз ифодасини топади.

Таҳлил натижаси бўйича тегишли тавсиялар беришда функцияни қандай йўналишда ўзгартириш, ўзгартирмаслик ёки бутунлай бартараф қилиш йўллари кўрсатилади. Бу аниқланган функциянинг қайси гуруҳга кирганлигига боғлиқ. Агар аниқланган функция ноқерак ёки зарарли бўлса, бундай функциялар бутунлай бартараф қилинади. Агар функциялар бош ва асосий функцияларга кирса унда улар маҳсулотнинг сифатига салбий таъсир қилмайдиган тарзда такомиллаштирилади ва ишланишини арзонлаштиришга ҳаракат қилинади ва ҳ.к.

Агар енгил автомашинага ФҚТни жорий қилиш лозим бўлса, уни алоҳида деталларга, қисмларга бўлиб ўрганилиши кўзда тутилади. Масалан, «Нексия» автомобилни ўрганишда уни, тахминан, қуйидаги бўлақларга бўлиш мумкин:

- автомобил кузови;
- мотори;
- электр тармоғи тизими;
- тормоз тизими;
- юриш тизими;
- ёқилғи-мойлаш тизими ва ҳ.к.

Уларнинг ҳар бирини яна функцияларга бўлиб ўрганилади. Мазкур функциялар ўз навбатида ҳар бири баҳоланиб ўрганилгандан кейин жамланади. Бу ҳолат ўрганилаётган объектнинг яхлитлигини таъминлайди. Бу ўрганилаётган объектнинг сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш учун ички имкониятларнинг ахтариб топилишига ва тежамкорлик режимининг жорий қилинишига асос бўлади.

ФҚТ жараёнида ички ва ташқи омиллар бир бири билан ўзвий боғлиқликда қаралади. Чунки иккала омил ҳам битта нарсанинг турли қирраларини ифода этади. Шу туфайли ФҚТда ушбу масалани ҳам ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим.

7.4. Функцияларни таҳлил қилиш босқичи ва йўллари

ФҚТнинг муваффақиятли қўлланилиши унинг мазкур

босқичда тўғри ва аниқ иш юритишига боғлиқ. Шу туфайли мазкур босқичга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

ФҚТга тизимли ёндошув таҳлилнинг чуқурлашувини ва мақсадга эришишнинг аниқ йўларини кўрсатиб беради. Чунки бу усул билан объектни ўрганишда нафақат иқтисодий, балки техник-иқтисодий таҳлил усулларидан ҳам фойдаланилади.

Танланган объектга тизимли ёндошувда қуйидаги ҳолатлар инobatга олинади:

1. Танланган объект хусусиятлари, унда нимани бажариш лозимлиги тўлиқ аниқланиб ёзиб чиқилади. Нимани бажарилиши унинг белгиланган вазифасидан, техник ҳолатидан келиб чиқилади. Бунда объектнинг функциялари кўрсатилади; объект функцияларининг вазифаси аниқланади; шу вазифалардан келиб чиқиб, улар турларга таснифланади; таҳлил натижаси аниқланиб, уларнинг ҳолати кўрсатилади; уни такомиллаштириш бўйича ҳар бир функциядан фойдаланиш учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқилади; истеъмолчининг талаби қўйилади; унга жавоб бериш учун нима қилиш кераклиги кўрсатилади; мазкур функцияни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсия берилади; унинг қиймати ҳам белгиланади; самарадорлиги ҳисобланади.

2. Таҳлил натижасида танланган объектнинг бош вазифаси шакллантирилади, уни такомиллаштириш учун қандай йўналишда тадқиқот олиб борилиши белгиланади.

3. Ўрганилаётган объект бўйича қўйилган мақсад асосида функционал-миқдорий модел тузилади ва бунда ушбу объектнинг яратилиши бўйича назарий концепциясидан ёки шунга ўхшаш мавжуд моделлардан фойдаланилади.

4. Ҳар бир аниқланган функциялар бўйича уларнинг вазифаси, амалга ошириш йўллари, уларнинг бир-бири билан миқдор ва сифат жиҳатидан боғлиқлиги қараб чиқилади.

5. Мазкур боғлиқликнинг ижобий ва салбий жиҳатлари, ижобий жиҳатларидан кенг фойдаланиш, салбий жиҳатларини бартараф қилиш йўллари, ҳар бир функцияни оптималлаштириш усуллари ишлаб чиқилади.

6. Барча тўтланган материаллар иқтисодий-техник жиҳатдан таҳлил қилинади, уларнинг функционал-миқдорий моделини амалга ошириш йўллари ишлаб чиқилади.

7. Танланган объектнинг таркибий-функционал чизмаси шакллантирилади, унда объектнинг қайси участкасида нимани ўзгартириш аниқ кўрсатилади ва шу жойда қаерда, қанча тежамкорликка эришиш мумкинлиги ҳам ҳисобланади.


8. Таҳлил натижасида илмий-техник тавсиялар ишлаб чиқилади ва ушбу тавсияларни амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилади.

9. Энг муҳими, ишлаб чиқилган тавсияларни амалга ошириш учун кимнинг масъуллиги, ушбу тадбирни қандай ва қачон амалга ошириш йўллари, аниқ кўрсатилади.

Ушбу ҳолатни тўлиқ ўрганиш учун ФҚТнинг бирқанча усулларида, шу жумладан математик усуллардан ҳам фойдаланилади. Шу туфайли ФҚТни амалиётга жорий қилиш учун нафақат иқтисодчилар, балки экологлар, муҳандислар, амалий математик мутахассислар сингари бир қанча ходимлар жалб қилинади.

Тизимли таҳлилда кўпинча Г.Байтуземнинг функцияларнинг тизимли таҳлил усули (FAST) қўлланилади. Агар ушбу усулни қўллайдиган бўлсак ҳамиша иккита саволга жавоб беришимиз лозим: биринчидан, таҳлил қилинаётган функция қандай амалга оширилади ва иккинчидан, ушбу функция нима учун амалга оширилади. Шу иккита саволга жавоб бериладиган бўлса ҳамиша функцияларнинг кераклиги, керак бўлганда ҳам нима учун кераклиги, унинг мазмуни ва моҳияти, кераклилик даражаси аниқ белгиланиб борилади. Бу учун қуйидаги чизмани келтириш мумкин. (7.1.-чизма)

7.1. - чизма. Функцияларни ўрганишда FAST усулидан фойдаланиш чизмаси



Ушбу боғлиқликни амалга оширишда таҳлилнинг дедукция услубидан фойдаланилади. Бунда функциялар ҳаммаси алоҳида карточкаларга ёзилади. Уларнинг ҳар бири алоҳида ажратилади. Олдин бош функциялар, кейин асосий функциялар, сўнгра ёрдамчи функциялар, ниҳоят нокерак ва зарарли функциялар сараланади.


Функциялар аниқлангач ФҚТнинг тегишли усуллари орқали мақсад амалга оширилади.

Функциялар тизимида бош ва асосий функциялар танланган объектнинг мақсадини ўзида ифода этади. Ёрдамчи функциялар шу бош ва асосий функцияларнинг ўз вазифасини бажариши учун тегишли ёрдамчи вазифасини бажаради. Нокерак ва зарарли функциялар умуман бартараф қилинади.

Булардан келиб чиқиб ҳамма мавжуд функцияларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: юқори даражали функциялар ва қуйи даражали функциялар. Юқори даражали функцияларга асосий ва бош функциялар кирса, қуйи даражали функцияларга ноқерак ва зарарли функциялар киради. Функциялар даражасини билиш учун, таъкидланганидек, ҳаммаша ушбу функция нима учун керак, у қандай амалга оширилади ва нима учун амалга оширилади деган саволларга жавоб топиш лозимдир.

ФҚТда амалга ошириладиган функциялар ўзларининг моҳияти жиҳатидан қуйидаги бешта гуруҳга бўлинади. Буларни қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин.

7.2. - чизма. Функцияларнинг турлари ва уларнинг ифодаланиши



7.5. ФҚТда харажатларни калькуляцияси бўйича туркумлаш ва уларни функциялар бўйича тақсимлаш

Амалдаги тартибда харажатлар калькуляцияси бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади. Буларга:

- хом ашё ва материаллар;
- сотиб олинган маҳсулотлар, ярим фабрикатлар, корхона ва ташкилотларга ишлаб чиқариш характеридаги кўрсатилган хизматлар;
- техник мақсадлар учун ишлатиладиган ёқилғи ва қувватлар (энергия);
- ишлаб чиқариш ходимларининг асосий иш ҳақи;
- ишлаб чиқариш ходимларининг қўшимча иш ҳақи;

- ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- жиҳозларни ушлаб туриш ва эксплуатация қилиш харажатлари;
- цех харажатлари;
- умумзавад харажатлари;
- брак бўлганлиги учун йўқотишлар;
- ишлаб чиқаришга оид бўлмаган харажатлар.

Ушбу харажатларнинг турлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш соҳаларига мос равишда ўзгаришлари мумкин. ФҚТда ҳар бир харажатнинг турларини яна бўлакларга бўлиб ўрганилади. Бунда қасрда харажатларни қисқартириш мумкинлигини аниқ белгиласа бўлади.

ФҚТда харажатларни самарали ўрганиш учун уларни ўзгарувчи ва ўзгармас гуруҳларга бўлиш мумкин. Ўзгарувчи харажатларни қисқартириш масаласи кўтарилса, ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни ўрганилиши лозим. Агар ўзгармас харажатларни камайтириш вазифаси қўйилса, унда бутун корхона масштабида сарф бўладиган харажатларни ўрганишга тўғри келади. Буларнинг бир-бирига мувофиқлиги ўта муҳим масалалардан биридир. Чунки, корхонанинг фойдалилик нуктаси айнан шу икки тур харажатларнинг қопланиши билан белгиланади.

ФҚТнинг оддий таҳлилга нисбатан афзаллиги шундаки, одатдаги иқтисодий таҳлилда харажатлар яхлит ҳолда ҳар бир моддалар бўйича алоҳида ўрганилса, ФҚТда ҳар бир моддалари яна алоҳида функциялар бўйича ҳам ўрганилади.

Ҳар бир функцияга кетадиган харажатларнинг минимал ва максимал чегараси аниқланади. Буни аниқлаш учун ҳар бир функцияга ҳақиқатда кетган харажатлар ҳисобланади. Бу шу функцияга кетадиган харажатларнинг максимал миқдорини белгилайди. Шу функцияга ФҚТ ни қўлаш орқали топишган миқдори шу функцияга кетган харажатнинг минимал миқдорини ташкил қилади. Одатда харажатларни белгилашда ҳар бир функцияга кетадиган харажатларнинг, имкон қадар, минимал чегараси олинади.

Масалан, «Нексия» автомобиллини ишлаб чиқариш жараёнида унга қўйиладиган балонларнинг дискларини четдан олиб келинар эди. Уларнинг ҳар бирининг нархи 20,0 минг сўмга тенг деб фараз қиламиз. Аммо локализациялаш дастури бўйича ушбу дискни ўзимизда ишлаб чиқариш масаласи қўйилди. Уни ишлаб чиқариш учун ФҚТдан фойдаланиб қиймати 15,0 минг сўмга туширди. У ҳолда ҳар бир дискдан 5,0 минг сўмдан тежалмоқда

ва бу битта автомобил учун 20,0 минг сўмни ташкил қилади. Агар бир йилда мазкур завод 50,0 мингта автомобил ишлаб чиқарадиган бўлса фақат шу балонларнинг дискидан тежалган маблағларнинг умумий қиймати 250,0 миллион сўмни (50,0 x 5) ташкил қилади.

Функцияга кетган харажатларни аниқлашда мазкур функциянинг ҳаётий даврида қилиниши лозим бўлган харажатлар инобатга олинади. Буни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$X_{if} = F_i + I_{ie} + I_{ir},$$

Бунда, X_{if} - f функция учун кетадиган барча харажатлар;

F_i - f функцияни амалга оширишга кетган харажатлар (инвестициялар);

I_{ie} - f функцияни эксплуатация қилишга кетган харажатлар (инвестициялар);

I_{ir} - f функцияни таъмирлашга кетган харажатлар (инвестициялар).

ФҚТнинг вазифаси шу функцияни ҳаётийлик даврида тежамли бажарилишини таъминлашдан иборатдир. Бу учун фақат тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш билан чекланиб қолмасдан, балки уни амалга оширишни бевосита назорат қилиб борилади. Қачонки бу масала бўйича қилинган саъй-ҳаракатлар ва харажатлар бекорга кетмасдан ўзини оқлашлари лозимдир.

Харажатлар функцияларнинг ўрганилишига қараб уч гуруҳга бўлинади:

- алоҳида;
- ўсиб боровчи;
- улушли.

Алоҳида харажатларга битта функциянинг бажарилишига мўлжалланган ва уни бутун ҳаётий даврида таъминлайдиган харажатлар киради. Бу функциялар кўп ҳолларда асосий ёки бош функциялар бўлиши мумкин.

Ўсиб боровчи харажатларга шундай харажатлар кирадики, бир функцияни бажаришга мўлжалланган функциялар вақт ўтиши билан бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин. У ҳолда олдинги функцияга сарф қилинган харажатларга кейинги функция учун қилинадиган харажатлар ҳам қўшилиб олиб борилади.

Улушли харажатларга шундай харажатлар кирадики, бирор бир объектнинг барча харажатлари аниқланади ва ҳар бир харажатларнинг улуши умумий харажатда неча фоизлиги

ҳисобланади. Сўнгга умумий харажатдан ҳар бир функцияга кетган харажатларни аниқлаш мумкин бўлади.

7.8. Ушбу мавзу бўйича амалий масалалар ва топшириқлар

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича саккизта масала тузадилар.

2. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда олдинги танлаган объектни мукамал ўрганиш учун ушбу босқичда қиладиган ишларини, хусусан таҳлил қилиш усулларини кўрсатиб берадилар. Буларни аниқ мисоллар билан ёритадилар.

3. Талабалар (магистрлар) Ўзбекистонда ушбу мавзу бўйича чоп этилган адабиётларни, мақолалар ва бошқа асарларни кўриб чиқади, ўрганади ва уларнинг қисқача мазмунини ёзадилар. Олимларнинг турли қарашлари назарий жиҳатдан таҳлил қилинади. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ўзларининг фикрларини шаклан-тиради. Мавжуд қарашларнинг ижобий ва мунозарали томонларини муҳокама қилиб бир тўхтамга келадилар.

4. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ўзлари танлаган объектни батафсил ўрганиб, уни яхшилаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қиладилар. Ушбу қарорнинг ҳар бир бандини семинар тарзида асослаб берадилар.

7.9. Мавзуларни ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди, масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, қалитли сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, мустақил равишда тестлар тузади. Агар шу мавзу бўйича янги адабиётлар чоп этилиб қолгудай бўлса, конспект қиладиган ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади.

Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича жорий, оралик ва якуний назоратларни топширадилар. Назорат шакли ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат кўпинча реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

7.10. Мавзу устида мустақил ишлаш учун саволлар ва уларнинг назорати

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ёзилган маърузаларни ва чоп этилган адабиётларни ўрганадилар. 5.8 банддаги масалаларни охиригача етказадилар ва ушбу мавзу

бўйича маълум билимга эга бўладилар.

2. Унинг назорати оғзаки савол-жавоб, ёзма ва айрим ҳолларда тест билан 100 баллик тизимда аниқланади.

3. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда саккизтадан тест тузадилар.

4. Ўзбекистонда ФҚТ бўйича chop этилган адабиётлар, мақолалар ва бошқа асарларнинг рўйхатини тузадилар ва уларнинг қисқагина мазмунининг ушбу мавзуга тегишли қисмини, унга ўз фикрини билдирган ҳолда ёзиб топширадилар.

7.11. Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

Моисеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении.-М.: Машиностроение. - 1987. - 320 бет.

Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001.-272 бет. 12-Боб. Функционал-қиймат таҳлили методологияси.- 207-233 бетлар.

Пардаев М.Қ., Пардаев И.Р. Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари. Самарқанд. СамДУ, 2004.- 81 бет. 9-савол. Бошқаришда фунеционал-қиймат таҳлилидан фойдаланиш. - 46-75 бетлар.

Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. «Методика функционально-стоимостного анализа»-172-187 бетлар.

Справочник по функционально стоимостному анализу. Под ред. М.Г.Карпунина, Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988.- 432 бет.

Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. Проф. А.Д.Шеремета. М.: Прогресс, 1982.- & 3.7. “Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)” -231-236 бетлар.

Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. - Т.: Молия, 2003.- 248 бет. (Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси 81-90 бетлар).

Функционально-стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1985.- 472 бет.

8.-Мавзу. Функционал қиймат таҳлилида ижодий босқич

Р Е Ж А :

1.1. Ижодий босқичнинг ўзига хос хусусиятлари

1.2. Ижодий босқичнинг турлари ва таснифи

А С О С И Й Қ И С М

8.1. Ижодий босқичнинг ўзига хос хусусиятлари

ФҚТнинг мазкур босқичидаги ўзига хос хусусиятлар, функцияларнинг ҳар бирига ижодий ёндошиш орқали амалий ишларни бажариш билан белгиланади. Бу қуйидаги йўналишларда амалга оширилади. Биринчидан, танланган объект учун нокерак функцияларни бартараф қилишга қаратилган тадбирлар амалга оширилади. Иккинчидан, юқори харажат талаб қиладиган функцияларни такомиллаштириш эвазига уларга кетадиган харажатлар камайтирилади. Учинчидан, функциялар бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш. Бу тадбирлар ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Уларнинг ҳар бирига ижодий ёндошишни талаб қилади.

Ижодий босқичнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, уни амалга ошириш учун бирқанча турли бўлим ва бўлинмалар мутахассисларидан иборат гуруҳ иштирок этади. Улар турли ғояларни маълум тартибга солади. Бу учун қуйидаги жавални тузиш мумкин:

Т/р	Функциялар бўйича ғояларнинг номлари	Изоҳ (ғояларни амалга ошириш бўйича белги)

ФҚТни ўтказувчи гуруҳ, иштирокчилари _____

Ижодий гуруҳ раҳбари _____ Котиб _____

ФҚТ бўйича масъул _____

Барча ғоялар жадвалга киритилгач, уларнинг ҳар бири ўрганилади ва энг кераклилари ва фойдалилари ажратиб олинади. Кўп ғоялар жуда керакли, лекин ҳозирги пайтда уни амалга ошириш имконияти чекланган ёки технологик, ташкилий жиҳатлардан амалга ошириш қийин кечадиган бўлса бундай ғояларни ҳам ажратиб қўйилади. Фақат амалга ошириладиган ва самара берадиган ғоялар ажратиб олинади ва уларни амалга ошириш бўйича тадбирлар тузилади. Бунда кенг мутахассисларнинг иштирок этиши масаланинг ойдинлашуви

учун жуда қулай вазиятни юзага келтиради. Натижада, ФҚТни амалга ошириш учун жуда кўп вариантли тадбирларни ҳам ишлаб чиқиш мумкин.

Кўпвариантли тадбирлардан энг қулайини танлаб олиш учун ҳар бир вариантнинг ижобий ва салбий томонлари ёзиб чиқилади. Уларнинг ичидан ижобий томонлари кўп бўлган вариантлар танлаб олинади. Танлаб олинган вариантларнинг ҳам салбий томонларини бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқилади. Натижада бу функция бўйича янги вариантлар пайдо бўлиши мумкин. Шу тариқа ФҚТ такомиллашиб бораверади.

Ҳар бир функциянинг ижобий ва салбий томонларини имкон қадар кўпроқ топишга ҳаракат қилинмоғи лозим, чунки бу танланган объектнинг такомиллашуви учун катта аҳамиятга эга.

Функциянинг ижобий томони деганда танланган объектнинг ўз вазифасини бажариши учун зарур бўлган функцияларнинг ижобий жиҳатлари тушунилади. Бунга танланган объектнинг бош, асосий ва айрим ҳолларда ёрдамчи функцияларини киритиш мумкин.

Функциянинг салбий томони деганда танланган объектнинг ўз вазифасини бажариши учун нокерак ёки зарарли бўлиб, ортиқча вақт ва харажатларни талаб қиладиган, лекин танланган объектнинг сифатига ҳеч қандай ижобий таъсир қилмайдиган жиҳатлари тушунилади.

Ҳар бир функциялар бўйича ғоялар тизимлаштирилгач, уларнинг энг илғорлари танлаб олинади ва улар бўйича таъсирчан қарорлар қабул қилинади. Бу қарор шундай функцияларга қаратилиши керакки, уларнинг биринчидан амалга оширилиши осон бўлсин, иккинчидан, энг арзон бўлсин. Шундагина ФҚТдан фойдаланиш яхши самара беради.

ФҚТнинг самарадорлигини ошириш учун танланган вариантларни яна бир бор экспертизадан ўтказилса, бошқа мутахассислар ҳам диққат билан кўриб чиқса, бу иш янада ишончли бўлади. Шу туфайли ФҚТни амалга оширишда ижодий босқич анча мураккаблиги ва масъулиятининг катталиги билан ҳам фарқ қилади. Чунки ушбу босқичда қабул қилинган қарорда хато кетилса, уни амалга ошириш босқичида бундай хатоликларни тузатгунча, анча нуқсонли маҳсулотларни ишлаб чиқишга улгурган бўлишимиз мумкин. Шу туфайли ФҚТнинг мазкур босқичи ўта масъулиятлилиги билан ҳам фарқ қилади.

Ижодий босқичнинг аҳамияти таҳлилчини ноанъанавий тарзда тафаккур қилишга ўргатиши билан белгиланади.

8.2. Ижодий босқичнинг турлари ва таснифи

ФҚТда бирқанча ижодий босқичларнинг турлари мавжуд. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ахборот ахтариш босқичи;
- эвристик (ижодий тафаккур) босқичи;
- «фикрлар ҳужуми» босқичи;
- синектика (ижодий фаолиятни рағбатлантириш) босқичи;
- назорат саволларни қўллаш усули;
- жамоавий дафтар тутиш усули;
- танланган объектни алоҳида элементлари бўйича ўрганиш усули;

- марфологик таҳлил усули;
- «матрицани очиш» усули;
- ихтирочилик вазифаларининг назарий ечими;
- ихтирочилик вазифаларининг алгоритм ечими;
- етти қарра ахтариш стратегияси;
- Р. Коллернинг конструкция қилиш назарияси;
- функцияларни ихтиро қилиш усули;
- имкониятларни тизимли ахтариш стратегияси.

Ушбу ижодий босқичларда функцияларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилади. Юқорида келтирилган босқичлар ФҚТни қўллашда жаҳон амалиётида қўлланилиб келинаётган усуллардир. Уларнинг айримларини бизнинг иқтисодиётимизда ҳам муваффақият билан қўллаш мумкин.

ФҚТни қўллашда ижодий босқичнинг аҳамияти шундаки, у бизни ноанъанавий тарзда тафаккурлашга ўргатади. Бу эса янги-янги вариантларни, ғояларни топиш имкониятларини туғдиради. Масалан, автомобил моторининг қувватини ошириб, унга кетадиган ёқилғининг миқдорини сақлаб қолган ҳолда, унинг тезлигини икки мартага ёки бир ярим мартага ошириш масаласи. Бир қарашда бу амалга ошмайдиган нарсасдек туюлади. Аммо унга ижодий ёндашиб йўлини топса бўлади.

Биринчи марта телефон ихтиро қилинганда сим орқали овозни етказиб бериш ва қабул қилиш масаласи қўйилган эди. Бу оламшумул воқеа. Узоқдан туриб одамлар бир-бири билан гаплашса, бунинг қулайлигини баҳолаш бениҳоя қийин эди. Энди-чи, худди шу функция симсиз амалга оширилмоқда. Олдин бунга катта аппаратлар ишлатилган бўлса, ҳозир уларни кафтга сиғадиган аппаратларга жойлаштирилган. Ҳозирча гаплашаётганлар бир-бирининг гапларини эшитмоқдалар, келажакда эса

булар бир-бирини кўриб ҳам турадилар. Бундай тажрибалар ҳозир Японияда ўтказилди. Бундай тараққиёт ва ихтироларнинг замирида ФҚТ усулларидан фойдаланишдек тадбирларнинг ётганлигини ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Бутун жаҳонда фан ва техника тараққиёти тафаккур маҳсулидир. Аммо тафаккурнинг нимага қаратилганлиги муҳимдир. Агар ФҚТни қўллаб тафаккур қиладиган бўлсак, олдин энг зарур ва керакли функциялар аниқланиб олинади. Демак, бундай ҳолатда тафаккур фақат энг керак ва зарур нарсаларга қаратилган бўлар экан.

Мамакатимизда ҳам ушбу усулларни амалиётга қўллаш учун ушбу усулларни биладиган мутахассисларни тайёрлаш лозимдир. Бу учун тегишли ФҚТни ўргатадиган марказлар ташкил қилинмоғи ва шу марказларда маълум қайта тайёрлаш жараёнлари кечмоғи лозимдир. Албатта, бу бошланишида анча харажатларни талаб қиладди, лекин инсон омилига қўйилган бу инвестиция, жуда қисқа вақтда, юз ва ундан ҳам кўпроқ баробар ҳажмда самара бериши тайин. Таъкидланганидек, ушбу ишни амалга оширишда ҳам давлатнинг эътибори ва кўмағи керак бўлади.

Иқтисодий, унинг таркибий қисмлари бўлган бошқарув ва молиявий таҳлилларни амалга оширишда маълум ахборотлар базасига таянилади. Аммо, ФҚТда асосан, рояга таянилади. Шу рояни амалга ошириш учун ижодий ёндошилиб, йўқ жойдан ахборотлар олинади, олдин бирор марта қўлланилмаган усуллар ишлаб чиқиладди. Бу ФҚТнинг нафақат ўзига хос хусусиятини, балки катта афзалликларини ҳам кўрсатади.

ФҚТ ўзининг мазмун-моҳиятига кўра у ижодий иш бўлиб, шуни амалга ошириш учун тузиладиган гуруҳга мутахассислар билан бирга шу соҳада шуғулланиб юрган олимларни ҳам жалб қилишни тақозо қиладди. Чунки ФҚТ билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда деярли ҳамма босқичда ҳам илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга тўғри келади.

Ахборот ахтариш босқичи ФҚТда муҳим босқичлардан бўлиб, унда аниқ вазифани бажариш учун тайёр ишланмалар ахтарилади. Тайёр ишланмаларга кўпинча бизнинг ва жаҳон амалиётида патентлар берилади. Шу туфайли ушбу босқичда патентлар ичидан ўзимизга керак ишланмаларни ахтарамиз.

Ахборот ахтариш босқичи деганда аниқ вазифаларни бажариш учун тайёр ишланмалар, яъни патентлар ахтарилиши тушунилади. Патентлар фонди мавжуд.

Ҳозирги пайтда патент фондлари жуда кенгайиб кетди. Бунга

тегишли ахборот манбаи сифатида интернетни ҳам олиш мумкин. Шу кенг фонддан ўзига керакли ишланма ва ихтироларни топиш шу босқичнинг асосий вазифасини ташкил қилади.

Патентлар фонди деганда дунё миқёсида ишлаб чиқилган ихтироларга берилган барча илғор ишланмалар учун олинган патентлар тўғрисида тегисли патент идораларида тўпланган ахборотлар манбаи тушунилади.

Ихтиролар тўғрисидаги маълумотда қуйидаги кўрсаткичлар ўз ифодасини топади:

- патентнинг библиографик қисми: бунда патент олинган мамлакат, уни берган идора, ихтирочининг фамилияси, ихтиронинг ҳисобга олинган вақти;

- кириш қисми: бунда мазкур ихтиронинг илмий янгилиги, олдинги ишланмалардан фарқи, унинг афзалликлари;

- ихтиронинг изоҳи: унда ихтиронинг нималардан иборат эканлиги тўлиқ ёзилади;

- ихтиронинг формулалари: бунда ушбу формулалар нимани ифода этиши, қачон қўлланилиши ва нимага қўлланилиши кўрсатилади;

- ихтиронинг чизмалари: бунда турли чизмалар, расмлар, жадваллар ўз ифодасини топади.

Кўпгина мамлакатларда ихтироларни ўзида ифода этадиган вақтга матбуот шаклидаги бюллетенлар чиқарилади. Ихтиролар тўғрисидаги ахборотларни шундай бюллетенлардан ҳам олиш мумкин. Ҳозирги шароитда «Ихтироларнинг халқаро тавсифи» номи ихтироларни ўзида ифода этган патентга оид журнал чоп этилади. Бу журналда ҳам барча ихтиролар келтирилади. Агар тайёр ишланмалар керак бўлса, бундай ахборот манбаларидан патентлар ахтарилади. Булардан ташқари, таъкидлаганимиздек, дунё миқёсидаги барча ишланмалар, ихтиролар ҳозирги пайтда интернетда ўз ифодасини топган.

«Ихтироларнинг халқаро тавсифи» 5та бир-бирига боғлиқ тизимдан, 8 та бўлинмадан, 20 та бўлимдан, 115 та синфдан, 607 та синфчалардан ташкил топган.

8 та бўлинма қуйидагилардан иборат:

A - инсонларнинг ҳаётини эҳтиёжларини қондириш;

B - турли технологик жараёнлар;

C - химия ва металлургия;

D - тўқимачилик ва қоғозсозлик;

E - қурилиш;

F - амалий механика, ёритиш, иситиш, двигателлар ва насослар, қуроллар ва қурол-яроқлар;

G - техник физика;

Н - электрчилик.

Ҳар бир бўлимларнинг ичида бирқанча бўлимлар ҳам мавжуддир. Бу бўлимлар ҳам ҳар бир бўлим бўйича алоҳида ифода этилади. Бўлимларнинг кетма-кетлиги кичик ҳарфлар билан белгиланади. Буларни қилишдан мақсад, ихтиро ва патентларни тезроқ топишга ёрдам беришдан иборатдир.

Мамлакатимизда Давлат фан ва технологиялар агентлиги қошида патент билан шуғулланадиган махсус марказ бор. Бундан патентга доир барча ахборотларни олиш мумкин. Аммо, бугунги вазият ушбу ташкилотнинг фаолиятини яхшилашни талаб қилади. Бизнинг фикримизча, ушбу ташкилот мамлакатимизда илмий-тадқиқотлар ва интеллектуал мулк бозорини ташкил қилиши лозим. қачонки бундай бозор ташкил бўлмас экан ИТИдан кутилган самарани олиш қийин кечади. Оқибатда, биринчидан, ИТИ натижасида турли ихтироларни яратишга рағбат туғилмайди ва иккинчидан, жуда кўп ихтиролар амалиётда қўлланилмасдан қолиб кетади.

Кўриниб турибдики, ҳали мамлакатимизда ихтиролар ва патентларни маълум даражада тартибга солиш учун қилинадиган ишлар жуда кўп экан. Бозор муносабатлари шароитида барча бозорлар сингари фан бозори ҳам ташкил қилиниши лозим, деб ҳисоблаймиз.

8.3. Таянч иборалар ва муҳим атамаларнинг таърифлари

Функциянинг ижобий томони деганда танланган объектнинг ўз вазифасини бажариши учун зарур бўлган функцияларнинг ижобий жиҳатлари тушунилади. Бунга танланган объектнинг бош, асосий ва айрим ҳолларда ёрдамчи функцияларини киритиш мумкин.

Функциянинг салбий томони деганда танланган объектнинг ўз вазифасини бажариши учун нокерак ёки зарарли бўлиб, ортиқча вақт ва харажатларни талаб қиладиган, лекин танланган объектнинг сифатига ҳеч қандай ижобий таъсир қилмайдиган жиҳатлари тушунилади.

Ижодий босқичнинг аҳамияти таҳлилчини ноанъанавий тарзда тафаккур қилишга ўргатиши билан белгиланади.

Ахборот ахтариш босқичи деганда аниқ вазифаларни бажариш учун тайёр ишланмалар, яъни патентлар ахтарилиши тушунилади. Патентлар фонди мавжуд.

Патентлар фонди деганда дунё миқёсида ишлаб чиқилган ихтироларга берилган барча илғор ишланмалар учун олинган патентлар тўғрисида тегишли патент идораларида тўпланган ахборотлар манбаи тушунилади.

8.4. Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича ўзини-ўзи назорат қилиш учун билиши лозим бўлган саволлари

1. ФҚТнинг ижодий босқичдаги ўзига хос хусусиятлари нимада?
2. Ижодий босқичда ФҚТни ўтказиш учун кимлар иштирок этади?
3. Тавсия қилинган ғояларни ўрганиш учун нима қилинади?
4. ФҚТ қай тариқа такомиллашиб боради?
5. Ижодий босқичнинг қанақа турлари мавжуд?
6. Ижодий босқичнинг аҳамияти нимада?
7. Мамлакатимизда ҳам ушбу усулларни қўллаш учун нима қилиш керак?
8. Ахборот ахтариш босқичида нималар амалга оширилади?
9. Ихтиролар тўғрисидаги маълумотда нималар акс эттирилади?
10. «Ихтироларнинг халқаро тавсифи» нима?
11. «Ихтироларнинг халқаро тавсифи»даги бўлинмаларни санаб беринг.
12. Патент идорасининг фаолиятини қандай йўналишда такомиллаштириш мумкин?

8.5. Ушбу мавзу бўйича амалий масалалар ва топшириқлар

1-масала. Фирма директори ва унинг котибасининг фаолият давомида бажарадиган функцияларини ёзиб чиқиш.

2-масала. Шу ходимлар бажарадиган функцияларни бош, асосий, ёрдамчи, ноқерат ва зарарли функцияларга бўлиш.

3-масала. Ноқерат ва зарарли функцияларни бартараф қилиш йўллариини ишлаб чиқиш.

4-масала. Бажарилган амаллар, ФҚТ натижалари бўйича ушбу босқични такомиллаштириш юзасидан бошқарув қарорларини қабул қилиш.

8.6. Мавзуларни ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди, масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, калитли сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, агар шу мавзу бўйича янги адабиётлар топ этилиб қолгудай бўлса конспект қилади ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади. Ушбу мавзу бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилади. Назорат шакли ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат кўпинча реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

8.7. Мавзу устида мустақил ишлаш учун саволлар ва уларнинг назорати

ФҚТда ижодий босқичнинг ўзига хос хусусиятларини фирма директорининг биринчи ўринбосари бажарадиган функцияларни тавсифлаш бўйича амалга оширади.

қилинган ишлар бўйича натижа реферат ёзиш билан тақдим этилади.

Ушбу мавзу бўйича магистрнинг билими ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Магистрнинг билими 100 баллик тизим билан баҳоланади.

8.8. Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

Моисеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении. - М.: Машиностроение. - 1987. - 320 бет.

Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001.- 272 бет. 12-Боб. Функционал-қиймат таҳлили методологияси.- 207-233 бетлар.

Пардаев М.Қ., Пардаев И.Р. Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари. Самарқанд. СамДУ, 2004.- 81 бет. 9-савол. Бошқаришда функционал-қиймат таҳлилидан фойдаланиш. - 46-75 бетлар.

Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. "Методика функционально-стоимостного анализа" -172-187 бетлар.

Справочник по функционально стоимостному анализу. Под ред. М.Г.Карпунина, Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988.- 432 бет.

Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. Проф. А.Д.Шеремета. М.: Прогресс, 1982.- & 3.7. "Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)" -231-236 бетлар.

Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. - Т.: Молия, 2003.- 248 бет. (Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси 81-90 бетлар).

Функционально-стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1985.- 472 бет.

9.-Мавзу. Функционал қиймат таҳлилида қўлланиладиган эвристик усуллар

Р Е Ж А :

9.1. Функционал қиймат таҳлилида қўлланиладиган эвристик усулларнинг турлари

9.2. Функционал қиймат таҳлилида қўлланиладиган эвристик усулларнинг тавсифи

А С О С И Й Қ И С М

9.1. Функционал қиймат таҳлилида қўлланиладиган эвристик усулларнинг турлари

Эвристика грекча сўздан олинган бўлиб «топаман» маъносини билдиради. Бу тушунча фанга тадбиқ қилинадиган бўлса бирор жараён, ҳодиса, фаолият, объектнинг айни моҳиятини аниқлаш учун назарий тадқиқотда қўлланиладиган мантиқий усуллар мажмуасидан иборат бўлади.

Мантиқий таҳлил ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида, хусусан иқтисодиётни бошқаришда, уни таҳлил қилишда ҳам қўлланилади. Барча янгиликлар, улкан тадқиқотларнинг яратилиши, энг аввало, мантиқий таҳлилга асосланади.

Мантиқий таҳлилни қўлланилиш тарихи жуда узоқ. У инсоният тафаккур қилган вақтдан бошланган десак хато бўлмайди. Аммо унинг фанга, оламни ўрганишда бир мустақил усул сифатида кириб келиши ва шаклланиши XX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Бу борада жаҳонда жуда кўп усуллар ишлаб чиқилган ва тўпланган. Улар қуйидагилардан иборат:

- Ўхшатиш усули .
- Тасаввур усули.
- Идеаллаштириш усули.
- «Йигирма тўрт»лик қоида.
- «Йигирма беш»лик қоида.
- Илғаб қолиш усули.
- Истеъмолчилар талабидан келиб чиқиш усули.
- «Сифатнинг мутлоқ даражаси»га эришиш усули.

Бу усуллар ФҚТ амалиётида маълум даражада қўлланилиб келинмоқда. Аммо Ўзбекистон шароитида уларнинг қўлланилиши айнан ФҚТ тарзида амалга ошмаяпти. Бунга барҳам бериш учун ФҚТнинг барча усуллари мутахассисларга кенг ўргатишни тақозо қилади. Бу усуллар қўлланилиши ва тушуниши бўйича ҳам унча мураккаб усуллар эмас.

9.2. Функционал қиймат таҳлилида қўлланиладиган эвристик усулларнинг тавсифи

Ўхшатиш усули. Бу усулда мавжуд усулларни ўрганиб шунга ўхшаш усулини ўз фаолиятида жорий қилишга айтилади. Ҳозирги пайтда корхона мутахассиси, менежерлари ўта зукко бўлишини талаб қилади, чунки бирор бир фирма жуда катта муваффақиятларга эришиши мумкин. Аммо унинг усули тижорат сири сифатида оммалаштирилмайди. Бу ҳолда шу фирма мутахассислари билан суҳбатлашиш, маслаҳатлашиш жараёнида асосий усуллариини илғаб олиши мумкин. Бундан айниқса чет эл сафарларида бўлганда, йирик фирмалар фаолияти билан танишганда муваффақиятга эришишнинг асосий, энг эътиборли томонларини ёдда сақлаб қолиш ва уни ўз фирмасида айнан шунга ўхшаш усулини қўллаш мумкин. Бу усулни жаҳон амалиётида ўхшатиш усули деб атайдилар. Ёки бир объектда (фирмада) юқори кўрсаткичга ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш усули билан эришмоқда. Айнан шу усулни ёки шунга ўхшаш усулни сиз ҳам қўллашингиз мумкин. Бу ўхшатиш усулидир.

Тасаввур усули. Бу усулда киши бирор нарсани яратаётган бўлса унинг ўрнига ўзини қўйиб кўради. Янгидан яратиладиган предмет бажарадиган барча функция ва жараёнларни бажариши мумкинлигини бутун тасаввуридан ўтказади. Агар бошқарув фаолиятига тавсия ишлаб чиқаётган бўлса ўзини бошқарувчи ўрнида кўради, агар тавсия қилинаётган фаолият бажарувчига мўлжалланган бўлса у ўзини бажарувчи сифатида тасаввур қилади. Барча бажариладиган жараёнларни, функцияларни айнан шу усул билан аниқлайдилар.

Тасаввур қилиш усулининг самарадорлиги кўп ҳолларда инсон тафаккури унинг яратувчанлик савияси ва малакасига боғлиқ. Шу туфайли яратилаётган предметни, қанча аниқ тасаввур қилса шунча унинг яратилиши осон кечади.

Идеаллаштириш усули. Бу усулда яратилаётган предметни, ҳодисани, фаолиятни, технология кабиларининг барча мақсадларга жавоб бериши, арзонлиги, мустаҳкамлиги, сифатлилиги жиҳатидан тасаввуримиздаги энг қулай варианты танланади. Идеал вариантни аниқлаб олиш учун ҳам шу ўрганилаётган объект устида ҳар бир мутахассис жуда кўп илмий тафаккур қилади. Идеаллигини исботлаш учун бу вариантдаги барча салбий жиҳатлар олиб ташланади.

Ҳар бир предметни яратишда ёки бирор жараёни

бошқаришда унинг идеал варианты аниқланади. Шу вариант амалиётда қўлланилади. қўлланилиш жараёнида ҳам у такомиллашиб боради. Оқибатда предметнинг (фаолиятнинг) идеал варианты вужудга келади. Демак бу усул ҳам иқтисодий жараёнларни такомиллаштиришнинг муҳим омилларидан биридир.

«Йигирма тўрт»лик қоида. Бунда янги объектни (технологияни, маҳсулотни, фаолиятни, бошқариш кабиларни) яратишга сафарбар қилинган мутахассислар ҳамма ташвишлардан озод қилинади. 24 соат давомида шу битта яратилаётган объект ҳақида ўйлайди, фикрлайди, тафаккур қилади. Янги туғилган ғояларни ёзиб боради. Шу йўл билан яратилаётган объектнинг мукаммаллашуви таъминланади.

«Йигирма беш»лик қоида. Бунда янги яратилаётган объектни яхшилаш учун камида 25 та ғоя ишлаб чиқиши шарт. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Шу туфайли бу вазифани ўз зиммасига олган мутахассислар ўзлари таҳлил қилаётган объектни жуда яхши билиши, шу борадаги чоп этилган ва этилаётган илмий-услубий адабиётлардан хабардор бўлиши лозим. 25 та ғоя битта объектни такомиллаштириш учун ўз-ўзидан туғилмайди. Келажақда бу усуллардан Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам кенг фойдаланилади. Бу эса ҳозирги тайёрланаётган мутахассисларнинг ўта билимдон бўлишларини тақозо қилади.

Илаб қолиш усули. Тадқиқотчига жуда кўп янги ғоялар уни ишлашга қаттиқ киришган, ўйлаган пайтда эмас, балки, бир эркин тасодифий ҳолатларда, айниқса дам олиб ўтирганда, йўлда кетаётганда, бирор киши билан суҳбатлашганда, бирорта ўйинни ўйнаётганда, ухлаётганда қилиши мумкин. Айни шу пайтда янги ғояни илаб қолиши лозим. Имкони борича шу пайт қовозга ёки диктофонга ёзиб қўйилса жуда яхши. Буларнинг имкони бўлмаса унинг ёнида шериги бўлса унга эслатасан деб айтиб қўйиши ёки ўзи уни қаттиқ эслаб қолишига ҳаракат қилиши лозим. Зеро жуда кўп янги ғоялар тасодифий туғиладию, аммо у ўз яшаш тарихига эга бўлмасдан, амалиётга қўлланилмасдан мутахассисларнинг, тадқиқотчиларнинг лоқайдлиги туфайли кўп ҳолларда йўқолиб кетади.

Ўзимизда одамлар илаб қолиш учун бир қанча усуллардан фойдаланганлар. Масалан, рўмолчасини тугиб қўйган, бормоғига ип боғлаб олган, чўнтагига бирор предметни солиб қўйган ва ҳ.к. Бу ҳолатлар кишига келган тасодифий ғояларни яна қайта ёдга тушириш имконини берган.

Истеъмолчилар талабидан келиб чиқиш усули. Бу усул ҳозирги Ўзбекистоннинг ўтиш шароитида жуда қўл келади, чунки у макро иқтисодиётни барқарорлаштиришга кўмаклашиши мумкин. Масалан, бирор товарни чет мамлакатларга чиқармоқчи бўлсак энг аввало унга шу товар қайси хусусиятга эга бўлиши, бунга товар олувчининг талаби нима ва қандай эканлиги инобатга оlinиши лозим. Ҳамма қилинадиган иш, бажариладиган хизмат ва яратиладиган товарлар бевосита истеъмолчи талабидан келиб чиқади. Бу усул Ўзбекистонни жаҳонга танитиш учун асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бундан микроиқтисодиётда ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи (таклиф қилувчи) хўжалик субъектини истеъмолчи (харидор) талабларини тўлиқ ўрганади ва шундан келиб чиқади. Барча бажариладиган функцияларни, зарур бўлса қўшимчаларни ҳам киритган ҳолда ўз товарининг истеъмолчига маъқул бўлиши учун ҳаракат қилинади. Бу эса товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчининг (таклиф қилувчининг) бозордаги нуфузини оширади, хўжалик фаолиятининг яхшилашни, молиявий жиҳатдан барқарорлашишни таъминлайди.

Истеъмолчи талабига қанча мос товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарилса шунча талаб кўпаяди, бозорда рейтинг ошиб боради. Бу бозор иқтисодиёти шароитида бозорни эгаллаш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

«Сифатнинг мутлоқ даражаси»га эришиш усули. Бу илмий-мантикий таҳлил натижасида эришиладиган кўрсаткич. Савдо хизмати сифатини аниқлаш учун асримизнинг 70-йиллари охириларида Самарқанд кооператив институти олимлари (шахсан ушбу мақола муаллифининг бевосита раҳбарлигида) томонидан тавсия қилинган эди. Бунда товар, маҳсулот, иш хизмати кабилар сифатининг мутлоқ даражаси қандай бўлишлиги ва унга эришиш учун нималар қилиш, қандай тадбирларни бажариш лозимлиги ишлаб чиқилади. Бундай андозани ишлаб чиқишга жаҳон талабидан келиб чиқмоқ лозим. Бунга эришиш макро- ва микроиқтисодиётда жуда катта самара беради. Сифат масаласи иқтисодиётнинг қайси шаклидан қатъий назар ҳамиша долзарб, ҳеч эскирмайдиган муаммо, мавзудир. Шу туфайли бу масалага Ўзбекистон, вилоят, туман, корхона иқтисодиётини бошқараётганлар ҳозирги шароитда жуда катта эътибор беришлари шарт.

Ушбу кичик мақолада эвристик таҳлилнинг жаҳон тажрибасида қўлланилаётган ва биз томондан ишлаб чиқилган айрим усулларига тўхтадик, холос. Бу жуда кенг қамровли муаммо, мавзу. Ушбу усуллардан фойдаланиш Ўзбекистон

иқтисодиёти тараққиётининг айниқса ҳозирги босқичида жуда муҳимдир, чунки биз ҳар кун, ҳар дақиқалар орқали жаҳон иқтисодиётига, жаҳон бозорига жадаллик билан кириб бормоқдамиз. Биз бу майдонда ўз ўрнимизни топишимиз лозим. Аммо у ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бошқаришнинг шунга ўхшаш илғор усулларида фойдаланишни тақозо қилади.

9.3. Таянч иборалар ва муҳим атамаларнинг таърифлари

Эвристик усули деганда бирор жараён, ҳодиса, фаолият, объектнинг айти моҳиятини аниқлаш учун назарий тадқиқотларда қўлланиладиган мантикий усуллар мажмуаси тушунилади.

Ўхшатиш усули деганда олдиндан мавжуд усуллари ўрганиб шунга ўхшаш усуллари ўз фаолиятида жорий қилишга айтилади.

Тасаввур усули деганда янгидан яратиладиган предметнинг бажарадиган барча функция ва жараёнларини бажариши мумкинлигини олдин тасаввуридан ўтказиш тушунилади.

Идеаллаштириш усули деганда яратилаётган предметнинг, ҳодиса, фаолият, технология кабиларнинг барча мақсадларга жавоб бериши, арзоналиги, мустаҳкамлиги, сифатлилиги жиҳатидан тасаввуримиздаги энг қулай вариантини танлаш тушунилади.

«Йигирма тўрт»лик қонда деганда янги объектни (технологияни, маҳсулотни, фаолиятни, бошқариш кабиларни) яратишга сафарбар қилинган мутахассислар ҳамма таъвишлардан озод қилиниб, 24 соат давомида шу битта яратилаётган объект ҳақида ўйлаб, фикрлаб ва тафаккур қилиб унинг энг қулай вариантини ишлаб чиқиш тушунилади.

«Йигирма беш»лик қонда деганда янги яратилаётган объектни яхшилаш учун камида 25 та роя ишлаб чиқилиши ва ундан энг қулайининг танлаб олиниши тушунилади.

Илғаб қолиш усули деганда тадқиқотчида жуда кўп янги рояларнинг тасодифий ҳолатларда, айниқса дам олиб ўтирганда, йўлда кетаётганда, бирор киши билан сўхбатлашганда, бирорта ўйинни ўйнаётганда, ухлаётганда келиши ва уни илғаб қолиш учун қўлланиладиган усуллар тушунилади.

Истеъмолчилар талабидан келиб чиқиш усули деганда ҳамма қилинадиган иш, бажариладиган хизмат ва яратиладиган товарлар бевосита истеъмолчи талабидан келиб чиққан ҳолда бажарилиши ва унга тўлиқ жавоб берилиши тушунилади.

«Сифатнинг мутлоқ даражаси»га эришиш усули деганда товар, маҳсулот, иш, хизмат кабилар сифатининг мутлоқ даражаси қандай бўлишлиги ва унга эришиш учун нималар қилиш, қандай тадбирларни бажариш лозимлигини ишлаб чиқиш тушунилади.

9.4. Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича ўзини-ўзи назорат қилиш учун билиши лозим бўлган саволлари

1. ФҚТда қўлланиладиган усулларнинг қанақа турлари мавжуд?
2. Ўхшатиш усули нима?
3. Тасаввур усулини қандай тушунасиз?
4. Идеаллаштириш усулини тушунтириб беринг.
5. «Йигирма тўрт»лик қоида қанақа қоида?
6. «Йигирма беш»лик қоидаччи?
7. Илғаб қолиш усули қандай усул?
8. Истеъмолчилар талабидан келиб чиқиш усули нима?
9. «Сифатнинг мутлоқ даражаси»га эришиш усули қанақа усул?

9.5. Ушбу мавзу бўйича амалий масалалар ва топшириқлар

1. ФҚТда қўлланиладиган усулларнинг қанақа турлари мавжудлигини санаб беринг ва яна қандай усулларни қўллаш мумкинлигини қўшимча қилинг.
2. Ўхшатиш усулига мисоллар келтиринг. Бунда предметларни, жараёнларни мисол келтиришингиз мумкин.
3. Тасаввур усулини қандай тушунасиз? Ўзингизни яна ўн йилдан кейин қандай бўлишингизни тасаввур қилиб кўринг.
4. Идеаллаштириш усулини ўзингизнинг атрофингиздаги бўлаётган жараён ва ҳодисалар мисолида тушунтириб беринг.
5. «Йигирма тўрт»лик ва «Йигирма беш»лик қоидаларга бирқанча мисоллар келтиринг ва булар қанақа қоидалиги хусусида тавсиф беринг, уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беринг.
7. Илғаб қолиш усули ҳаётингизда қачон қўлланилиши мумкинлигига батафсил тўхталинг ва унинг қандай усул эканлигини тушунтириб беринг.
8. Истеъмолчилар талабидан келиб чиқиш усули нималиги ва ушбу усулнинг фирманинг фаолиятида жуда катта аҳамиятта эга эканлиги хусусида батафсил изоҳ беринг.
9. «Сифатнинг мутлоқ даражаси»га эришиш усули нафақат фирма, балки жамият учун катта аҳамиятта эга эканлиги хусусида изоҳ бериб, унинг қўлланилиши бўйича бир қанча

мисоллар келтиринг.

10. Ҳар бир усул бўйича мустақил равишда иккитадан тестларни тузинг.

9.6. Мавзуларни ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди, масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, калитли сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, агар шу мавзу бўйича янги адабиётлар чоп этилиб қолгудай бўлса конспект қилади ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади. Ушбу мавзу бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилади. Назорат шакли ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

9.7. Мавзу устида мустақил ишлаш тартиби ва уларнинг назорати

Мазкур мавзу устида мустақил ишлаш учун талаба (магистр)лар қуйидаги ишларни бажаришлари лозим:

- мавзу бўйича дарсда қилган конспектини ўрганади;
- мавзу бўйича тарқатма материаллар билан танишиб чиқади;
- мавзу бўйича чоп қилинган адабиётларни ўрганади ва конспект қилади;
- ўқитувчи топшириқ берса ушбу мавзу бўйича реферат ёзади ва уни ёқлайди;

Мустақил ишнинг назорати ҳам одатдагидек ёзма, оғзаки ва тест саволлари билан амалга оширилади. Натижа рейтинг асосида 100 баллик тизим билан баҳоланади.

9.8. Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

Моисеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении. - М.: Машиностроение. - 1987. - 320 бет.

Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001. - 272 бет. 12-Боб. Функционал-қиймат таҳлили методологияси. - 207-233 бетлар.

Пардаев М.Қ., Пардаев И.Р. Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари. Самарқанд. СамДУ, 2004. - 81 бет. 9-савол. Бошқаришда функционал-қиймат таҳлилидан фойдаланиш. - 46-75 бетлар.

Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. «Методика функционально-стоимостного анализа» -172-187 бетлар.

Справочник по функционально стоимостному анализу. Под ред.

М.Г.Карпунина, Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988.- 432 бет.

Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. Проф. А.Д.Шеремета. М.: Прогресс, 1982.- & 3.7. «Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)» -231-236 бетлар.

Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. - Т.: Молия, 2003.- 248 бет. {Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси 81-90 бетлар}.

Функционально-стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1985.- 472 бет.

10.-Мавзу. Функционал қиймат таҳлилида қўлланиладиган «Фикрлар ҳужуми» ва бошқа ижодий усуллар

Р Е Ж А :

10.1. Функционал қиймат таҳлилида қўлланиладиган «Фикрлар ҳужуми» усулининг моҳияти ва унинг алоҳида турлари

10.2. Функционал қиймат таҳлилида қўлланиладиган «Фикрлар ҳужуми» усулларининг тавсифи

А С О С И Й Қ И С М :

10.1. Функционал қиймат таҳлилида қўлланиладиган «Фикрлар ҳужуми» усулининг моҳияти ва унинг алоҳида турлари

«Фикрлар ҳужуми» бирор бир муҳим масалани, муаммони ҳал қилиш учун ташкил қилинган бир қанча мутахассислар ва олимлардан иборат ижодий гуруҳнинг ғоялари мажмуасидир.

«Фикрлар ҳужуми» (ФХ) нинг яратилиш тарихи унча узоқ эмас. Бу функционал-қиймат таҳлили (ФҚТ)нинг вужудга келиши билан бирга асримизнинг 40-йилларида пайдо бўлган. Унинг назарияси олдин собиқ Иттифокда яратилган, аммо амалиётга қўлланилиши АҚШ да амалга оширилган. Кейинчалик ФХ ва ФҚТ дан кенг миқёсда фойдаланиш Фарбий Европа мамлакатлари ва Япония каби саноати ривожланган мамлакатларга ёйилган. Собиқ Иттифокда ФХ ва ФҚТ дан 70-80-йилларда машинасозлик ва электр асбоблари қурилиш саноати каби тармоқларда фойдаланила бошлаган. Ҳозир жаҳондаги саноати, умуман, иқтисодиёти тараққий этган барча мамлакатларда ФХ дан кенг фойдаланилмоқда.

ФХ ижодий гуруҳи йирик фирмалар, корпорация, концерн, тармоқ вазирликлари, ҳудудий маъмурият (ҳокимликлар) қошида

ташқил қилинади. Уларнинг олдига аниқ вазифа қўйилади. Масалан, фирманинг молиявий барқарорлигини таъминлаш. Бу борада гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ўз ғояларини ишлаб чиқади. Бу ғоялар натижасида фирманинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирқанча варианты пайдо бўлади. Сўнгра ҳар бир вариант муҳокама қилиниб улардан энг самарали жиҳатлари танлаб олинади ва битта вариант тузилади.

ФХни амалга оширишда жуда катта ишонч ва эркинлик берилади. Ҳар бир киши ўз вариантыни айтганда ҳеч ким эътироз билдирмаслиги керак, чунки унинг варианты яроқсиз бўлса ҳам ичида маълум ижобий тарафлари бор бўлиши мумкин. Шу туфайли ҳар бир киши ўз фикрини эркин ифода қилиши учун яхши муҳит яратилади. Бу билан биринчи учрашув якунланади.

Ҳаммаси ўртага қўйилган вариантларни муҳокама қилиш учун ўйлаб кўриш учун маълум вақтга (2,3 кун, ҳафта) тарқалишади. Ижодий гуруҳнинг иккинчи учрашувида ҳақиқий фикрлар ҳужуми бошланади. Ҳар бир вариант ва уларнинг йўл-йўриқлари муҳокама қилинади. Олдин ғоялар ичидан салбий таъсир қилувчи жиҳатлари чиқариб ташланиб фақат ижобий таъсир қилувчи ғоялар қолдирилади. ФХ нинг навбатдаги босқичида ижобий ғояларни ҳам бирқанча гуруҳларга бўлиш мумкин: энг юқори самаралиси, самаралиси ва самараси камроғи, лекин барча ҳолларда ҳам объектнинг сифати яхши бўлиши шарт. Энди корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун нима қилиш лозимлиги тўғрисида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

ФХ гуруҳи томонидан ушбу тавсия қилинган вариантни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилади. Бунда ушбу иш билан кимлар қайси вақтда, қачон, қаерда шуғилланиши лозимлиги, буларнинг назоратини ким амалга оширишини ва натижаси бўйича кимларни рағбатлантириш ҳамда кимларга жазо чораларини қўллаш масалалари ҳам аниқ белгилаб қўйилади.

ФХ гуруҳига киритилган мутахассислар ва олимларнинг доимий равишда, имкони борича бир вақтда учрашиб туришларини ташқил қилиш лозим. Масалан, ҳафтанинг ёки ойнинг маълум кuni ва соатида. Бу эса гуруҳ аъзоларининг самарали ишлаши учун асосий эргономик омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча Ўзбекистонда, хусусан Самарқанд вилоятида ҳам ушбу ФХ дан кенг фойдаланиш мумкин. Айниқса

ҳозирги ўтиш даврида бу ўта муҳимдир. Ҳозирча босиб ўтиладиган йўлимиз олдин синалмаган йўл. Бунда жуда кўп тўсиқлар, англашилмовчиликлар, хатолар бўлиши табиий. Аммо бу хато ва камчиликларни ҳар бир туман, шаҳар, вилоят ҳокимликларида эркин фикрлайдиган ФХ ни амалга оширувчи ижодий гуруҳ ташкил қилинса фойдадан ҳоли бўлмайди. Буларнинг таркибига олимлар, мутахассислар, ҳокимият ходимлари, тажрибали кишиларни киритиш мумкин. Буларга тўланадиган харажат улар ишининг самарадорлиги билан бирнеча юз мартага қопланиб кетади. Масалан, ҳозир эътироф этилмоқдаки етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 25-30 фоизи истеъмолчига етгунча нобуд бўлмоқда. Агар ФХ дан фойдаланиб уни 10 фоизга қисқартирилса вилоятимиз, республикамиз қанча фойда қилиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

10.2. Функционал қиймат таҳлилида қўлланиладиган «Фикрлар ҳужуми» усуллари

ФХнинг жаҳон тажрибасида синалган бирқанча усуллари мавжуд. Буларга якка ҳолдаги ФХ, оммавий ФХ, ёзма ФХ, қояларни баҳолаш ФХ ва бошқалар киради.

ФХнинг якка ҳолдаги усулида ҳам эвристик таҳлил усули сингари бир муаммони ҳал қилиш юзасидан фақат бир киши ёки бир хил мутахассислар гуруҳидан таркиб топган бир қанча кишилар иштирок этади. Масалан, фирма ишининг самарадорлигини ошириш учун фақат бухгалтерлардан иборат ижодий гуруҳ ташкил қилиниши мумкин. Ушбу гуруҳнинг бевосита вазифасидан келиб чиққан ҳолда улар олдига бирқанча муаммоларни ҳал қилиш вазифаси қўйилади. «Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш ва унинг кўрсаткичлари таҳлилни яхшилаш», «Иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш», «Бухгалтерия ҳисобидаги камчиликларни аниқлаш» ва ҳ.к. Менеджер ва маркетинглар бўлса «Корхонанинг ишдаги ва бозордаги ҳолатини ошириш», «Корхонанинг рақобатбардорлигини таъминлаш» каби муаммоларни қўйиши мумкин.

Булардан ташқари битта мутахассис олдига ҳам битта вазифани қўйиш мумкин, ҳозирги пайтда кўп ҳолларда корхона (ташкилот) раҳбари бош қотиради. Аммо унинг малакаси кенг қамровли фаолиятнинг барча соҳаси учун етарли бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли муаммоларни ҳал қилишда жамоатчилик фикридан ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Амалиётда шундай муаммолар борки уларни бир хил мутахассислар ҳал қила олмайди. Масалан, Вилоят иқтисодиётини барқарорлаштириш муаммоси. Бунга бирқанча соҳа мутахассислари, олимлар кабилардан таркиб топган нуфузли катта гуруҳ ташкил қилиш мумкин. Бундай ҳолда ФХ нинг оммавий усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ФХ нинг ёзма усули мутахассисларни бир жойга тўплаш имкони бўлмаган пайтда қўллаш мумкин. Бу усул жаҳон амалиётида кам қўлланилсада, унинг ижобий томонлари мавжуд. Хусусан, мутахассис ўз фикрини атрофлича эркин ҳолатда ифодалайди. Бу усул икки йўналишда амалга оширилиши мумкин. Биринчиси, мутахассис олдига аниқ савол қўйилади ва ёзма равишда жавоб ёзиб юбориш талаб қилинади. Иккинчи усул эса анкета усули бўлиб бирқанча қисқа саволлар қўйилади ва унга қисқа жавоб бериш талаб қилинади. Аммо бу усулнинг камчилиги ҳам мавжуд, чунки мутахассис фақат ўз фикри билан чегараланиб қолади, муҳокамада иштирок этмайди, бошқа вариантни эшитиб ўз тавсиясини бойитиш имконига эга бўлмайди. Лекин кам харажат талаб қилади.

ФХ нинг ғояларини баҳолаш усули жаҳон тажрибасида кенг қўлланилади. Бунда махсус ташкил қилинган, масалан ҳокимият қошидаги ФХ гуруҳи эксперт ролида иштирок этади. Бунда бир масала юзасидан анжуман (илмий-амалий конференция) ташкил қилинади. Бу уч қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмида бир соат ҳамма иштирокчилардан хоҳлаган киши ўз ғоясини 5 дақиқада қисқа баён қилади, ғоялар, таклифлар тутагач 45 дақиқа танаффус эълон қилинади. Бу анжуманнинг иккинчи қисмини ташкил қилади. Бунда мутахассислар бир бири билан ўз ғояларини ва бошқаларнинг энг яхши ғояларини ўртоқлашиш учун имконият яратилади.

Ғояларни баҳолашнинг учунчи босқичи яна расмий ҳолатда залда ўтказилади. Бунда анжуман бир соат давом этади ва энг яхши ғоялар муҳокамасига янги ғояларнинг ўртага ташланишига имконият яратилади. Буларнинг ҳаммасини махсус ФХ гуруҳи (экспертлар) ҳисобга олиб боради. Конференция натижаси бўйича экспертлар гуруҳи энг яхши ғояларни танлаб олади ва шу ғояни амалиётга тадбиқ этиш йўллариини ишлаб чиқади. Албатта, бу ерда яхши ғоя муаллифини рағбатлантиришни ёддан чиқармаслик керак. Яхши ғоя сотиб олиниб шу фирма ёки компаниянинг интеллектуал мулкига айланиши мумкин.

ФХ нинг мунозара усулини ҳам қўллаш мумкин. Бунда бирорта муаммо юзасидан матбуотда ёки кичик рисола (варақа)

тарзида ғоя баён этилади ва у кенг ўқувчилар, мутахассислар, олимлар ҳукмига ҳавола қилинадик, қайсики ҳар бир киши, мутахассис шу муаммо юзасидан ўз фикрини билдирсин. Фикрлар, тавсиялар экспертлар (махсус ФХ гуруҳи) томонидан ўрганиб чиқилади ва тегишли хулосаларга келиши мумкин. Агар муаммо жуда мураккаб бўлса экспертлар тегишли хулоса чиқариш имкони бўлмаса барча ғоялар ва тавсиялар махсус тўпламда чоп этилади ва яна ўша мутахассисларга, олимларга тарқатилади. Ҳаммаси маълум фикрга келгач яна тўпланиб илмий-амалий конференция ўтказиши мумкин.

Хуллас, бу усулларнинг ҳаммасида Ўзбекистон, хусусан вилоятимиз иқтисодиётини бошқаришда, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Фақат бунга маълум даражада эътибор зарур деб ҳисоблаймиз.

10.3. Таянч иборалар ва муҳим атамаларнинг таърифлари

«Фикрлар ҳужуми» бирор бир муҳим масалани, муаммони ҳал қилиш учун ташкил қилинган бир қанча мутахассислар ва олимлардан иборат ижодий гуруҳнинг ғоялари мажмуасидир.

ФХ нинг асосий тамойили катта ишонч ва эркинликка асосланади.

ФХ нинг якка ҳолдаги усулида ҳам эвристик таҳлил усули сингари бир муаммони ҳал қилиш юзасидан фақат бир киши ёки бир хил мутахассислар гуруҳидан таркиб топган бир қанча кишилар иштирок этади.

ФХ нинг ёзма усули мутахассисларни бир жойга тўплаш имкони бўлмаган пайтда ўз фикрини атрофлича эркин ҳолатда аниқ қўйилган саволга ёзма равишда жавоб ёзиш ёки анкетада берилган саволларга қисқа жавоб бериш орқали қўлланилади.

ФХ нинг ғояларини баҳолаш усули жаҳон тажрибасида кенг қўлланиладиган усуллардан бўлиб, бунда махсус ташкил қилинган ФХ гуруҳи эксперт ролида иштирок этади ва иштирокчилар бир масала юзасидан анжуман (илмий-амалий конференция) тарзида ўз фикрлари билан ўртоқлашадилар ҳамда улар асосида яхши ғоялар танлаб оlinиб бир тўхтамга келинади.

ФХнинг мунозара усулида бирорта муаммо юзасидан матбуотда ёки кичик рисола (варақа) тарзида ғоя баён этилади ва у кенг ўқувчилар, мутахассислар, олимлар ҳукмига ҳавола қилинади, сўнгра ҳар бир киши, мутахассис шу муаммонинг ечими юзасидан ўз фикрини билдиради. ниҳоят фикрлар, тавсиялар экспертлар (махсус ФХ гуруҳи) томонидан ўрганилиб тегишли хулосаларга келинади.

10.4. Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича билиши лозим бўлган ва ўзини-ўзи назорат қилиш учун ишлатиладиган саволлари.

1. Функционал қиймат таҳлилида қўлланиладиган «Фикрлар ҳужуми» усулининг моҳияти ва унинг алоҳида турлари
2. Якка ҳолдаги ФХ ни изоҳланг.
3. Оммавий ФХ ни изоҳланг.
4. Ёзма ФХ ни изоҳланг.
5. ғояларни баҳолаш ФХ ни изоҳланг.
6. Мунозара усулини изоҳланг.
7. Функционал қиймат таҳлилида қўлланиладиган «Фикрлар ҳужуми» усуллариининг тавсифини изоҳланг.
8. ФҚТнинг асосий тамойили нима?

10.5. Ушбу мавзу бўйича амалий масалалар ва топшириқлар

1-масала. Фирманинг бозорда кенг мавқега эга бўлиши учун нималар қилиш кераклиги тўғрисида гуруҳ бўлиб ФХ усулидан фойдаланган ҳолда бирқанча вариантлардаги ечимларни якка ҳолдаги усулни қўлаб ишлаб чиқинг.

2-масала. Шу масалани ҳал қилиш йўллариини ёзма усулларда, мунозарали усулда ва ғояларни баҳолаш усулларида гуруҳ бўлиб ечиш усуллариини кўрсатиб беринг.

3-масала. Масалани аниқ ҳал қилиш учун мисолни Самарқанднинг буюм бозорларини ва шаҳримиздаги бирорта корхонани олиш мумкин.

4-масала. Бажарилган амаллар, ФҚТ натижалари бўйича ушбу босқични такомиллаштириш юзасидан бошқарув қарорларини қабул қилинг ва унинг ҳар бир бандини асосланг.

10.6. Мавзуларни ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди, масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, калитли сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, агар шу мавзу

бўйича янги адабиётлар чоп этилиб қолгудай бўлса конспект қилади ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади. Ушбу мавзу бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилади. Назорат шакли ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат кўпинча реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

10.7. Мавзу устида мустақил ишлаш учун саволлар ва уларнинг назорати

ФҚТда «Фикрлар ҳужуми» ижодий босқичнинг ўзига хос хусусиятларини фирмада иқтисодий ўсишни таъминлаш, рентабеллигини ошириш бўйича амалга оширади.

қилинган ишлар бўйича натижа реферат ёзиш, турли ҳисоб-китобларни бажариш билан тақдим этилади.

Ушбу мавзу бўйича магистрнинг билими ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Магистрнинг билими 100 баллик тизим билан баҳоланади.

10.8. Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

Моисеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении.-М.: Машиностроение. - 1987. - 320 бет.

Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001.- 272 бет. 12-Боб. Функционал-қиймат таҳлили методологияси.- 207-233 бетлар.

Пардаев М.Қ., Пардаев И.Р. Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари. Самарқанд. СамДУ, 2004.- 81 бет. 9-савол. Бошқаришда функционал-қиймат таҳлилидан фойдаланиш. - 46-75 бетлар.

Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. «Методика функционально-стоимостного анализа» -172-187 бетлар.

Справочник по функционально стоимостному анализу. Под ред. М.Г. Карпунина, Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988.- 432 бет.

Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. Проф. А.Д.Шеремета. М.: Прогресс, 1982.- & 3.7. «Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)» -231-236 бетлар.

Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. - Т.: Молия, 2003. - 248 бет. (Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси 81-90 бетлар).

Функционально стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1985.- 472 бет.

11.-Мавзу. Функционал қиймат таҳлилида тадқиқот босқичи

РЕЖА:

11.1. Функцияларни амалга оширишни тадқиқ қилиш ва уларни баҳолаш усуллари

11.2. Функцияларни техник-иқтисодий баҳолаш ва уни амалга ошириш усуллари

11.3. Таркибий харажатдорлик усулининг моҳияти.

11.4. Элементаркоэффициенталик усулининг мазмуни.

АСОСИЙ ҚИСМ

1.Функцияларни амалга оширишни тадқиқ қилиш ва уларни баҳолаш усуллари

ФҚТ таҳлилида тадқиқот босқичи ўта масъулиятли босқичлардан биридир. Ушбу босқичда танланган объектнинг ҳар бир функциясини баҳолашдек мураккаб ишлар бажарилади. Бу албатта таҳлилчидан катта малака, тажриба ва билимни талаб қилади.

Функцияларни техник-иқтисодий баҳолаш деганда ФҚТ ёрдамида ҳар бир функцияни элементлари бўйича харажатларини техник-иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида истикболдаги миқдорини аниқлаш ва мазкур функцияни амалга оширишнинг энг самарали вариантини танлаш ва уни асослаш тушунилади. Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- функцияларнинг моҳияти аниқланади ва уларга кетадиган харажатлар баҳоланади;

- функцияларни сифатли амалга ошириш бўйича бирқанча вариантларнинг ичида энг қулайни аниқланади;

- функцияларнинг ҳар бирини амалга ошириш учун кетадиган харажатларнинг тахминий миқдори аниқланади.

ФҚТнинг ушбу босқичини тўлиқ тушуниш ва уни амалга ошириш учун келтирилган ҳар бир тадбирни алоҳида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топадик.


Функцияларнинг моҳиятини аниқлаш ва уларга кетадиган харажатларни баҳолаш усуллари. ФҚТда бошқа таҳлилар сингари ахборотларнинг етарли эмаслиги, уларни аниқлашда асосан ижодий ёндашиш заруратидан келиб чиқиб, таҳлилнинг ушбу босқичида ҳам илмий-тадқиқот, эксперт, мантиқий таҳлил усулларида кенг фойдаланилади. Буларнинг ичидан эксперт усулининг кенг фойдаланишига сабаб, жуда кўп

ноаниқликларнинг мавжудлигида. Функцияларни баҳолашда субъективликка йўл қўймаслик учун малакали экспертлардан фойдаланилади ва баҳолашда эксперт усуллари қўлланилади.

Эксперт усуллари ҳам жуда хилма-хил. Уларни ўрнинини осонлаштириш учун алоҳида гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Эксперт усулларини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Экспертизанинг қамраб олиш даражаси бўйича.
2. Функцияларни ишлаш характери бўйича.
3. Функцияларни алгоритмлаш ва автоматизациялаш имконияти бўйича.

Ушбу гуруҳларнинг ҳар бири ўз навбатида бир қанча усулларни қамраб олади. Уларни тегишли равишда таснифлаш мақсадга мувофиқдир (11.1-чизма).



11.1- чизма. Эксперт усулларининг таснифи.

Экспертнинг якка ҳолдаги баҳоси битта эксперт фикрининг инобатга олинганлиги билан белгиланади. У бошқаларнинг фикридан қатъий назар фақат ўз фикрини айтади. Шу фикр қарор қабул қилиш учун асос бўлиши мумкин. Якка ҳолдаги экспертнинг фикри ўзи берган ёзма фикр орқали, интервью орқали, суҳбат орқали ифода этилиши мумкин.

Ушбу ҳолда функцияларнинг муҳимлиги ҳам инобатга олинади. Бунда функциялар энг муҳим, муҳимроқ ва муҳим бўлмаган вариантларга ажратилади. Чунки, экспертлар биринчи келган фикрини айтиши мумкин. У ҳамisha ҳам ўрганилаётган объектнинг ҳамма жиҳатларини инобатга олмаган бўлиши табиий. Шунинг учун ҳар бир функция бир хил моҳиятга эга эмас. Улар объектнинг турли томонини ўзида ифода этганлиги

туфайли моҳияти ҳам турлича бўлади. Бу эса ҳар бир функциянинг моҳиятлилик коэффициентини аниқлашни ҳам тақозо қилади. Жаҳон амалиётида кўрсаткичларнинг, функцияларнинг моҳиятлилигини қўйилган вазифа ва мақсадга қараб экспертлар белгилайди. Бу тажрибани Ўзбекистонда ҳам бемалол қўллаш мумкин, чунки бундай мутахассислар ўзимизда ҳам шаклланиб бормоқда.

Экспертнинг, якка ҳолдаги баҳоси функцияларни баҳолашнинг бирқанча усуллари мавжуд. Улардан бири **жуфтлаб солиштириш** усулидир. Ушбу усул билан функцияларнинг моҳиятлилигини аниқлаш мумкин. Бу учун қуйидаги матрицани тузиш мумкин (11.1- жадвал).

11.1- жадвал

**Функцияларни баҳолашнинг жуфтлаб солиштириш усули
матрицаси**

Функциялар индекси	Функциялар индекси										Устуворлик берилган миқдор
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	
1		1	3	1	5	1	1	1	9	1	6
2	1		3	2	5	2	2	2	9	2	5
3	3	3		3	5	3	3	3	9	3	7
4	1	2	3		5	4	4	4	9	4	4
5	5	5	5	5		5	5	5	5	5	9
6	1	2	3	4	5		6	6	9	6	3
7	1	2	3	4	6	6		7	9	10	1
8	1	2	3	4	5	9	7		9	8	1
9	9	9	9	9	5	9	9	9		9	8
10	1	2	3	4	5	6	10	8	9		1

Манба: Справочник по функционально-стоимостному анализу. М.: Финансы и статистика, 1988. -190 бет.

Мазкур матрицада ҳар бир функция аҳамияти бўйича устун ва қаторига қараб жойлаштирилади. Агар қайси функция аҳамиятли бўлса матрицадаги рақам ўзининг тартиб рақамига тўғри келади. Масалан, 4-рақамли функция индексини оладиган бўлсак, унинг тўғрисидаги тўртларни санаймиз. Натижа 4 га тенг. Кўриниб турибдики жадвалнинг охириги устунига 4 рақамини ёзамиз. Мос равишда 5-функция учун устуворлик берилган миқдор 9 тани

ташкил қилади. Устуворлик берилган рақам матрицанинг қаторида ҳам ва устунда ҳам бир-бирига тўғри келиши керак. Жумладан, 10 - функциянинг устуворлиги 7 - функцияга тўғри келади. Ушбу рақам матрицанинг устунда ҳам қаторида ҳам бир марта учрайди. Демак, унинг устуворлиги бирга тенг. Шу туфайли охирги устунга бир ёзилади ва ҳ. к.

Ушбу матрица орқали функцияларнинг устуворлигини тартиб билан жойлаштириш имконияти туғилади. Бу учун энг юқори устуворликка эга бўлган функцияни биринчига ва шу тариқа кетма-кет жойлаштирамиз. У ҳолда қуйидаги жадвални тузиш мумкин бўлади (11.2-жадвал).

11.2-жадвал

Функцияларни устуворлиги бўйича жойлаштириш

Функциялар индекси	5	9	3	1	2	4	6	7,8,10	7,8,10	7,8,10
Устуворлик берилган миқдор	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Манба: Справочник по функционально-стоимостному анализу. М.: Финансы и статистика, 1988, -191 бет.

Ушбу маълумотлар асосида ҳар бир функциянинг моҳиятлилиқ коэффициентини аниқлаш мумкин. Бу кўрсаткич функцияларнинг устуворлик миқдорини унинг йиғиндисига нисбатан олинади. Бу ҳар бир функция устуворлигининг улуши тарзида аниқланади. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$M_k = \Phi_{\text{ус } I \text{ фун.}} / \Phi_{\text{ус жами}};$$

Бунда: M_k - функцияларнинг моҳиятлилиқ коэффициенти;

$\Phi_{\text{ус } I \text{ фун.}}$ - битта функцияга берилган устуворлик;

$\Phi_{\text{ус жами}}$ - мазкур функцияга берилган жами устуворлик.

Ушбу формулани ечиш учун 2-жадвал маълумотларидан фойдаланилади ва қуйидаги жадвал тузилади (11.3-жадвал).

Функцияларнинг моҳиятлилик коэффиценти

Функция- лар индекси	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Моҳият- лилик коэффиц иент	0,1 33	0,1 11	0,1 56	0,0 89	0, 2	0,0 67	0,0 22	0,0 22	0,1 78	0,0 22

Манба: Справочник по функционально-стоимостному анализу. М.: Финансы и статистика, 1988. -191 бет. Ушбу адабиётдаги усулга асосан муаллифларнинг ҳисоб-китоби.

Функцияларнинг устуворлигини белгилаш учун ушбу моҳиятлилик коэффицентида фойдаланиш мумкин. Бунда ҳар бир гуруҳ функциялар сонини моҳиятлилик коэффицентида кўпайтириш мумкин.

Функцияларнинг устуворлигини белгилашда қўлланиладиган моҳиятлилик коэффиценти деганда ҳар бир функциянинг моҳиятчилигини инобатга оладиган, экспертлар томонидан бериладиган баҳолар асосида аниқланадиган коэффицентлар тушунилади. Бу коэффицентни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Ф_{мк} = Ф_{с} \times К_{фм}$$

Бунда: $Ф_{мк}$ - функцияларнинг моҳиятчилигини инобатга олган умумий комплекс миқдори;

$Ф_{с}$ - функцияларнинг сони;

$К_{фм}$ - функцияларнинг моҳиятлилик коэффиценти.

Ушбу формуладан фойдаланиб функцияларнинг комплекс миқдорини аниқлаш мумкин. Бу уларнинг реал устуворлигини таъминлайди. Бу усулдан функцияларни тавсифлашда, уларнинг бош, асосий, ёрдамчи, ноқерак ва зарарли эканликларини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

11.2. Функцияларни техник-иқтисодий баҳолаш ва уни амалга ошириш усуллари

Функцияларни техник-иқтисодий баҳолаш ва уни амалга ошириш учун бир қанча усуллардан фойдаланилади. Чунки ФҚТнинг мазкур босқичида ишлаб чиқилган вариантларнинг энг

самаралиси танлаб олинади. Шу туфайли бунга алоҳида аҳамият беришни талаб қилади.

Албатта ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олдин мулкдор томонидан бизнес-режа тузилади. Аммо ундаги кўпгина кўрсаткичлар ҳали тахминан олинган бўлади. Чунки маҳсулотга кетадиган хом ашёнинг ҳақиқий миқдори, унинг нави, агар металл бўладиган бўлса унинг оғирлиги, қаердан ва қандай транспорт билан ташиб келтириши каби жараёнлар реал бўлмайди. Табиийки, бундай ҳолатда кўпгина тахминларга йўл қўйилади. Буларни бартараф қилиш учун эса, албатта, ФҚТдан фойдаланишни тақозо қилади.

Функцияларни техник-иқтисодий баҳолаш учун функцияларга кетадиган харажатларни аниқлашни тақозо қилади. Ҳар бир функция бўйича харажатларни аниқлаш ва уларнинг миқдорини баҳолаш жараёнида ФҚТнинг бир қанча усулларида фойдаланилади. Бундай усулларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- таркибий харажатдорлик усули;
- элементкоэффициентлилик усули;
- ўлчамли коэффициент усули;
- корреляцияли моделлаштириш усули;
- қисқартирилган норматив калькуляция усули;
- экспертларнинг иқтисодий баҳолаш усули.

Функцияларни техник-иқтисодий баҳолаш учун ушбу усулларни амалга оширишда ФҚТ бирқанча талабларга жавоб бериши лозим. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- янгиликларга жуда сезгирлик билан ёндошиш. Масалан, танланган объектда қандайдир бир ўзгариш кўзда тутилган бўлса уни зудлик билан инobatта олиш имкони бўлиши лозим;

- ёндошувларда универсалликни таъминлаш. Бу функциялар турли бўлиши, яъни оддий ёки мураккаб, кичик ёки катта ва ҳ.к. Аммо ҳамма ҳолларда ҳам усуллардан фойдаланиш мумкин бўлмоғи лозим;

- баҳолашни аниқ амалга ошириш учун функцияларни алоҳида элементлари билан ҳам ўрганадиган бўлиши лозим;

- харажатларнинг иқтисодий табақаланишини таъминлаш имкони бўлсин. Чунки ҳар қандай функция бир хил вақт ёки маблағни талаб қилмайди. Улар алоҳида-алоҳида баҳоланади. Лекин уларни охирида жамлаш имкониятлари ҳам билишини талаб қилади;

- функцияларни ҳисоблаш ва уларни баҳолаш содда ва қулай бўлмоғи лозим. Уларни шундай танлаш лозимки, қайсики ўлчаш

ва баҳолаш имкони бўлсин;

- ҳозирги пайтда ҳар бир функция тўғрисидаги маълумот тезкор тарзда аниқланиши билан бирга компьютерга киритиш ва ҳисоблаш имконига ҳам эга бўлмоғи лозим.

Агар ФҚТда қўлланиладиган усуллар ушбу талаблар ва ҳолатларга жавоб берадиган бўлса, ҳар қандай функцияни техник-иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли баҳолаш мумкин. ФҚТда юқорида келтирилган барча усуллари кўриб чиқишни тақозо қилади.

11.3. Таркибий харажатдорлик усулининг моҳияти.

Таркибий харажатдорлик усулининг моҳияти шундаки, ушбу усулда харажатларнинг турлари бўйича алоҳида алоҳида ҳисобланиб олинади. Бунда танланган объектнинг умумий харажатдорлигини аниқлаш учун унинг ҳар бир детали бўйича кетадиган харажатлар миқдори ҳисоблаб олинади ва битта детали бўйича жамлаб сўнгра улар умумлаштирилади. Ушбу деталга ҳам кетадиган харажатлар алоҳида харажатларнинг турлари бўйича ҳисобланади.

Шундай қилиб, таркибий харажатдорлик усули деганда танланган объектнинг ҳар бир деталига кетадиган харажатларни алоҳида харажат турлари бўйича ҳисоблаб умумлаштириш тушунилади. Масалан, танланган объектнинг битта детали бўйича иш ҳақи, материаллар, хом ашё, электр энергияси ва ҳ.к.лар ҳисобланиб олинади. Олдин шу детал бўйича жамланади ва кейин танланган объектнинг ҳамма деталлари бўйича умумлаштирилади.

Иш ҳақи бўйича харажатларни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\text{Иш 1 д.} = \text{Их ас} + \text{Иш} = + \text{Тт};$$

Бунда: *Их 1 д.* - битта детал бўйича умумий иш ҳақи;

Их ас - шу детал бўйича асосий иш ҳақи;

Их қ - шу детал бўйича қўшимча иш ҳақи;

Тт - ходимларга турли тўловлар.

Материаллар бўйича ҳам харажатлар миқдори аниқланади. Бунда битта деталга турли оғирликдаги бирқанча турдаги материаллар кетиши мумкин. Бунини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Mx \text{ 1 д.} = M_m = + P_m = + Ч_m = + \dots$$

Бунда: $Mx \text{ 1 д.}$ - танланган объектнинг 1 та детали бўйича материалнинг умумий қиймати;

M_m - шу деталга ишлатилган метал материаллари қиймати;

P_m - шу деталга ишлатилган пластмасса материаллари қиймати;

$Ч_m$ - шу деталга ишлатилган чўян материаллари қиймати.

Худди шу тарзда бошқа харажатлар (Bx) бўйича ҳам харажатлар миқдори аниқланади. Ҳамма деталлари бўйича харажатларнинг умумий миқдори аниқланади ва улар жамланиб умумий харажатлар ҳисобланади. Бу учун қуйидаги формулани қўллаш мумкин:

$$Ux \text{ 1 д.} = Иш \text{ 1 д.} + Mx \text{ 1 д.} + Bx + \dots$$

Бунда: $Ux \text{ 1 д.}$ - танлаб олинган объектнинг битта детали бўйича харажатларнинг умумий миқдори.

Танланган объект бўйича умумий харажатларни аниқлаш учун барча деталлар бўйича қилинган харажатлар жамланади. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Ux \text{ т.о.} = Ux \text{ 1 д.1} + Ux \text{ 1 д.2} + Ux \text{ 1 д.3} + \dots + Ux \text{ 1 д.л.}$$

Бунда: $Ux \text{ т.о.}$ — танланган объект бўйича умумий харажатлар;

$Ux \text{ 1 д.1}$ - биринчи детал бўйича харажатларнинг умумий миқдори.

$Ux \text{ 1 д.2}$ - иккинчи детал бўйича харажатларнинг умумий миқдори.

$Ux \text{ 1 д.3}$ - учинчи детал бўйича харажатларнинг умумий миқдори.

$Ux \text{ 1 д.л.}$ - энинчи детал бўйича харажатларнинг умумий миқдори.

Бундан ташқари, танланган объект бўйича харажатларнинг ҳар бир тури учун ҳам уларнинг миқдори аниқланади. Турли йўналишлар бўйича харажатларнинг мавжудлиги улар ҳар бирининг таркибини аниқлаш имконини беради. Бу эса унинг таркибий харажатдорлигини белгилайди.

11.4. Элементли коэффициентлилик усулининг мазмуни.

Элементли коэффициентлилик усулининг мазмуни унинг табиатидан келиб чиқади. Бу усул бевосита таҳлил қилинаётган деталнинг намунавий ёки шунга ўхшаш умумлаштирилган нусхаси мавжуд бўлган деталларнинг таннархини аниқлашда қўлланилади.

Элементли коэффициентлилик усули деганда таҳлил қилинаётган деталнинг унинг мавжуд намунавий нусхасига нисбатан нисбий таннархини ифодаловчи коэффициентни тушунилади.

Ушбу усул танлаб олинган объект деталнинг намунавий нусхаси чизмаларда, лойиҳа графикларида ифода этилган тақдирда қўлланилади. Унда барча функциялар тегишли тарзда ўрганилган, уларга кетадиган харажатлар аниқланган, ҳатто қисман ишлаб чиқарилган ҳам бўлиши мумкин. Бундай шароитда таҳлилчи мазкур таҳлил қилинаётган деталнинг бугунги иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб баҳолайди. Бугунги ҳолат лойиҳада ифода этилган кўрсаткичларга нисбатан фарқ қилиши мумкин. Масалан, нархи ўзгарган, амортизация нормаси ҳам бошқача белгиланадиган, иш ҳақининг миқдори ошган бўлиши мумкин. Бу ҳолатлар албатта маҳсулотнинг таннархига бевосита таъсир қилмасдан қолмайди. Шу туфайли янгидан яратилаётган деталнинг таннархини намунадаги худди шунга ўхшаш деталнинг таннархига солиштирган ҳолда ўрганилади.

Элементли коэффициентлилик усулини қўлаган ҳолда янгидан яратилаётган деталнинг таннархини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$T_n = T_{од ай т} + C_{ом} = + L_x;$$

Бунда: T_n - лойиҳалаштирилаётган деталнинг таннархи;

$T_{од ай т}$ - лойиҳалаштирилаётган деталнинг асос йилидаги таннархи;

$C_{ом}$ - ушбу детални яратиш учун сотиб олинган маҳсулотнинг қиймати;

L_x - ушбу детални лойиҳалаштиришга кетган харажатлар миқдори.

Ушбу формуладаги лойиҳалаштирилаётган деталнинг асос йилидаги таннархини ($T_{од ай т}$) аниқлаш учун шу деталга кирадиган барча элементларининг сонини ($Дэс$) унинг таннархига кўпайтирилади ($Дтн$) ва чиққан натижани шу деталларга мансуб

элементли коэффициентга (K_z) кўпайтирилади ва натижалар жамланиб умумий суммаси аниқланади. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$T_{\text{од ай}} = (D_z \times D_{\text{ти}}) \times K_z.$$

Агар шу иккита формуладан битта формула чиқариш лозим бўлса у қуйидаги ҳолатга эга бўлади:

$$T_n = (D_z \times D_{\text{ти}}) \times K_z + C_{\text{ом}} + L_x.$$

Ушбу усулни муваффақиятли қўллаш учун унинг барча элементларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Бу ерда келтирилган формуладаги барча кўрсаткичларни аниқлаш ва тадқиқот йўли билан олиш мумкин. Аммо шу деталларга мансуб элементли коэффициентни аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун унинг таърифида келтирган қоидага амал қилиб, таҳлил қилинаётган деталнинг мавжуд намунавий нусхасига нисбатан нисбий таннархини ифодаловчи коэффициентини аниқлаб олинади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$K_z = D_{\text{бх}} / D_{\text{них}};$$

Бунда: K_z - таҳлил қилинаётган деталнинг элементли коэффициенти;

$D_{\text{бх}}$ - таҳлил қилинаётган деталнинг бугунги таннархи;

$D_{\text{них}}$ - таҳлил қилинаётган деталнинг намунавий нусхадаги таннархи.

Ушбу формулаларга амалий маълумотларни қўлаб бемалол ФҚТнинг ушбу қисмини амалга ошириш мумкин. Энг муҳими, тежамкорликка эришиш ички имкониятларни ахтариб топиш эвазига, самарадорликка эришиш эса, кўп харажат қилмасдан сафарбарлик эвазига эришилади.

11.5. Таянч иборалар ва муҳим атамаларнинг таърифлари

Функцияларнинг моҳиятини ва уларга кетадиган харажатларни аниқлашда жуда кўп ноаниқликларнинг мавжудлиги туфайли унга асосан ижодий ёндошилади ва илмий-тадқиқот, эксперт, мантиқий таҳлил усулларида кенг фойдаланилади.

Экспертнинг яқка ҳолдаги баҳоси битта эксперт фикрининг инобатга олинганлиги билан белгиланади.

Функцияларни техник-иқтисодий баҳолаш деганда ФҚТ ёрдамида ҳар бир функцияни элементлари бўйича харажатларини техник-иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида истиқболдаги миқдорини аниқлаш ва мазкур функцияни амалга оширишнинг энг самарали вариантини танлаш ва уни асослаш тушунилади.

Функцияларнинг устуворлигини белгилашда қўлланиладиган моҳиятlilik коэффициенти деганда ҳар бир функциянинг моҳиятlilikини инobatта оладиган, экспертлар томонидан бериладиган баҳолар асосида аниқланадиган коэффициентлар тушунилади.

Таркибий харажатдорлик усули деганда танланган объектнинг ҳар бир деталига кетадиган харажатларни aloҳида харажат турлари бўйича ҳисоблаш умумлаштириш тушунилади.

Элементликоэффициентlilik усули деганда таҳлил қилинаётган деталнинг унинг мавжуд намунавий нусхасига нисбатан нисбий таннархини ифодаловчи коэффициенти тушунилади.

11.6. Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича ўзини-ўзи назорат қилиши учун билиши лозим бўлган саволлари

1. Функцияларни амалга ошириш босқичида қанақа ишлар амалга оширилади?
2. Эксперт усуллари неча гуруҳга бўлинади?
3. Эксперт усулларининг гуруҳларига изоҳ беринг.
4. Функцияларни амалга оширишни тадқиқ қилиш босқичининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
5. ФҚТда функцияларни баҳолаш усулларининг мазмуни нималардан иборат?
6. Функцияларнинг моҳиятlilik коэффициенти қандай аниқланади?
7. Функцияларнинг умумий комплекс кўрсаткичи қандай аниқланади?
8. Функцияларни техник-иқтисодий баҳолаш ва уни амалга ошириш усулларининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
9. Функцияларни техник-иқтисодий баҳолашда қандай усуллар қўлланилади?
10. Таркибий харажатдорлик усулининг моҳияти нималардан иборат?
11. Элементли коэффициентlilik усулининг моҳияти нималардан иборат?

12. Ўлчамли коэффициент усулининг моҳияти нималардан иборат?

13. Корреляцияли моделлаштириш усулининг моҳияти нималардан иборат?

14. Қисқартирилган норматив калькуляция усулининг моҳияти нима?

15. Экспертларнинг иқтисодий баҳолаш усулининг моҳияти нима?

16. ФҚТда субъективликка йўл қўймаслик учун нима қилиш керак?

11.7. Ушбу мавзу бўйича амалий масалалар ва топшириқлар

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ёзилган маърузаларни ва чоп этилган адабиётларни тўлиқ ўрганадилар. Билиши лозим бўлган барча саволларга ёзма равишда жавоб ёзадилар ва ушбу мавзу бўйича маълум билимга эга бўладилар.

2. Мазкур мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) уртадан кўргазмали восита тайёрлайдилар. Булар жадвал, чизма, диаграмма, формула каби шаклларда бўлиши мумкин.

3. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда бештадан тест тузадилар.

4. Ўзбекистонда ФҚТ бўйича чоп этилган адабиётлар, мақолалар ва бошқа асарларнинг рўйхатини тузадилар ва уларнинг қисқагина мазмунини ушбу мавзуга тегишли қисмини, унга ўз фикрини билдирган ҳолда ёзиб топширадилар.

11.8. Мавзуларни ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди, масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, калитли сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, агар шу мавзу бўйича янги адабиётлар чоп этилиб қолгудай бўлса конспект қилади ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади. Ушбу мавзу бўйича жорий, оралик ва якуний назоратлар ўтказилади. Назорат шакли ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат кўпинча реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

11.9. Мавзу устида мустақил ишлаш учун саволлар ва уларнинг назорати

Мазкур мавзу устида мустақил ишлаш учун талаба (магистр)лар қуйидаги ишларни бажаришлари лозим:

- мавзу бўйича дарсда қилган конспектини ўрганади;
- мавзу бўйича тарқатма материаллар билан танишиб чиқади;
- мавзу бўйича чоп қилинган адабиётларни ўрганади ва конспект қилади;
- ўқитувчи топшириғига биноан ушбу мавзу бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлайдилар, тестлар тузади, реферат ёзади ва уни ёқлайди;
- ёқлаш жараёни семинар тарзида, фикрлар ҳужумини қўлаган ҳолда кенг баҳс-мунозара шаклида ўтказилади.

Мустақил ишнинг назорати ҳам одатдагидек ёзма, оғзаки ва тест саволлари билан амалга оширилади. Натижа рейтинг асосида 100 баллик тизим билан баҳоланади.

11.10. Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

Мисаков В.С. Функционально-стоимостный анализ в строительстве. М.: Финансы и статистика, 1986, - 144 бет.

Моисеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении. -М.: Машиностроение. - 1987. - 320 бет.

Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001.- 272 бет. 12-Боб. Функционал-қиймат таҳлили методологияси. - 207-233 бетлар.

Пардаев М.Қ., Пардаев И.Р. Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари. Самарқанд. СамДУ, 2004.- 81 бет. 9-савол. Бошқаришда функционал қиймат таҳлилидан фойдаланиш. - 46-75 бетлар.

Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. “Методика функционально-стоимостного анализа” -172-187 бетлар.

Справочник по функционально стоимостному анализу. Под ред. М.Г. Карпунина. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988.- 432 бет.

Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. Проф. А.Д.Шеремета. М.: Прогресс, 1982.- & 3.7. “Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)” -231-236 бетлар.

Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. - Т.: Молия, 2003.- 248 бет. (Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси.- 81-90 бетлар).

Функционально-стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1985.- 472 бет.

12.-Мавзу. Функционал қиймат таҳлилининг ишлаб чиқаришда қўлланилиши

Р Е Ж А :

12.1. Функционал қиймат таҳлилининг ишлаб чиқаришда қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари.

12.2. ИЧТда функционал қиймат таҳлили учун объектни танлаш ва шу объект бўйича маълумотларни тўплаш.

12.3. Ишлаб чиқариш тизими фаолияти сифатини баҳолаш.

А С О С И Й Қ И С М :

12.1. Функционал қиймат таҳлилининг ишлаб чиқаришда қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари.

ФҚТнинг ишлаб чиқаришда қўлланилишини ўрганиш учун уни бир тизим сифатида қарашга тўғри келади. Ишлаб чиқариш тизими (ИЧТ) деганда уни ташкил қилиш, бошқариш ва натижасини баҳолаш билан боғлиқ жараёнлар, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ҳамда тартибга солинишини таъминловчи тадбирлар мажмуаси тушунилади.

ФҚТнинг ИЧТни ўрганишдаги асосий вазифаси уни ташкил қилиш, бошқариш ва натижасини баҳолаш билан боғлиқ жараёнларда мавжуд бўлган ички имкониятларни топиш, унинг фаолиятини барқарор равишда ишлашини таъминлаш каби функцияларнинг сифат таркибини, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ҳамда тартибга солинишини таъминловчи тадбирларни баҳолашдан иборатдир.

ИЧТга ишлаб чиқариш корхонаси, унинг бўлим ва цехлари, алоҳида участкалари ва иш жойлари киради. Агар ишлаб чиқариш корхоналари маълум ассоциацияларга кирадиган бўлса унга кирувчи барча корхоналарни ҳам олиш мумкин. Ҳозирги пайтда ҳудудлар бўйича Савдо - саноат палаталари фаолият кўрсатмоқда. Агар ФҚТ шу тизимда амалга ошириладиган бўлса унга кирувчи барча корхоналарни олиш мумкин. Бундай шароитда ФҚТни ташкил қилиш анча осонлашади ва ундан фойдаланишнинг самарадорлиги ошади. Чунки Савдо-саноат палатаси бўйича битта йирик ФҚТ гуруҳини ташкил қилиш мумкин бўлади.

ФҚТ барча соҳаларга қўллаш мумкинлиги хусусида олдинги параграфларда айтилган эди. Ушбу таҳлил усулининг ишлаб чиқариш тизимида қўлланилиши ўзига хос хусусиятларга эга. Булар қуйидагилардан иборат:

- ўрганилаётган объект ички ва ташқи функцияларининг

моҳиятини очиш, яъни ИЧТни бошқариш бўлса ҳамма тизимга кирувчи объектларни юқоридан пастгача ўрганиш, агар у бир корхонанинг ичида бўлса унинг ҳамма бўлинмаларини макон ва замон нуқтаи назаридан ўрганиш;

- ИЧТда барча функционал ва таркибий тизимларни унинг элементлари бўйича ИЧТни функциялар тизимидан иборат деб қараш;

- ИЧТда функциялар бир бири билан бевосита (функционал) ва билвосита (стахостик) боғлиқлигини инобатга олиб, уларнинг ҳолатини маълум даражада эҳтимолли тарзда ҳам қарашга тўғри келади;

- ИЧТни бир бутун такомиллаштириш лозим бўлса, унинг ҳар бир элементи бўйича такомиллаштиришга эришилиши кўзда тутилади;

- агар зарур бўлса ИЧТнинг ҳар бир бўлинмаси бўйича функциялар алоҳида ўрганилиши, уни бир тизимга киришини мувофиқлаштириш ва таъминлаш мақсадида бир хил ёндашишга эришилишини ҳам тақозо қилади.

ИЧТга ФҚТни қўллаш орқали таҳлилчи қуйидагиларга эришилиши мумкин:

- ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштиришга;
- корхоналарнинг барча бўғинлари ва бўлинмалари бўйича ишнинг самарадорлигини оширишга;
- иш жойларининг ташкил қилинишини такомиллаштиришга;
- ходимлар ишини тўғри ташкил қилишга;
- ноқерат функцияларга кетадиган вақт ва харажатларни тежашга;
- пировардида бутун ИЧТнинг самарадорлигини оширишга.

Кўриниб турибдики, ФҚТ ишлаб чиқариш соҳасида ҳам бошқа соҳалар сингари маълум самара берадиган иқтисодий дастакларандир. Шу туфайли ушбу дастакдан ИЧТда ҳам самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

12.2. ИЧТда функционал қиймат таҳлили учун объектни танлаш ва шу объект бўйича маълумотларни тўплаш.

ИЧТда ҳам ФҚТни ўтказиш босқичлари умум эътироф этилган босқичлардан иборат (4-Боб). Унда энг муҳим босқичлардан бири функционал қиймат таҳлили учун объектни танлашдир. Навбатдаги босқич шу объект бўйича маълумотларни тўплашдан иборат.

ИЧТга кирадиган объектлар ичидан ҳам энг зарурларини

танлаб олиш лозимдир. Бунда нималарга аҳамият берини мумкин:

1. ИЧТга кирадиган объектлар ичида ФҚТ учун зарар билан ишлаётган, маҳсулоти тезда сотилмаётган бўлинма олинади.

2. Маҳсулотининг таркибида брак қисми кўпайиб кетаётган цех ёки участкалар.

3. Ишлаб чиқаришда барқарорликни йўқотган, бир маромда ишламаётган бўлинма ёки цехлар.

4. Кадрлар қўнимсизлиги кўпайиб кетган бўлинмалар.

5. Тузилган шартноманинг шартларини бузаётганлар.

6. Хом ашё ва материалларни ўз вақтида етказиб келишга ўлғурмаётган бўлинмалар.

7. Жуда кўп чиқинди чиқарадиган участка ва цехлар.

8. Руҳий-ахлоқий муҳит бузилган бўлинмалар.

9. Янги технология ўрнатилиши кўзда тутилган цехлар.

10. Кўп энергия, материаллар, қувватлар талаб қиладиган участкалар каби ўнгланиши лозим бўлган бўлинмалар олиниши мумкин.

ИЧТда ФҚТни қўллашдан мақсад уни такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, ишлаб чиқариш технологияларини ўзгартирмаган ҳолда харажатларни камайтириш ва маҳсулот сифатини оширишга эришишдан иборатдир. Бунга ўз вақтида эришиш учун ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича тегишли ахборотларни тўплаш лозимдир.

ИЧТда ФҚТни ўтказиш учун бирқанча маълумотлар керак бўлади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- маҳсулотнинг техник ва иқтисодий тавсифи;
- уни ишлаб чиқарадиган технология ҳақида ахборот;
- унга кетадиган хом ашё ва материалларни олиб келиш, сақлаш ва ўз вақтида қўллаш тўғрисидаги ахборотлар;
- ишлаб чиқариш жараёни ҳақидаги ахборотлар;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг нави ва унга мос хом ашё ва материалларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Тегшли маълумотлар тўплангач, улар статистик ишловдан ўтказилади. Бунда таҳлил қилинаётган объект:

- меҳнат жараёни бўйича (қандай меҳнат предметлари ва меҳнат воситаларини қўллаш кабилар),
- ўлчов бирликлари бўйича (қиймат, натурал, норма-соат каби),
- вақт бўйича (бир кунлик, бир ҳафталик, бир ойлик, бир чораклик, бир йиллик кабилар),
- маҳсулотнинг турлари бўйича (ассортиментининг буюртмаларга тўғри келиши, шартномаларнинг ўз вақтида

товарнинг турлари бўйича бажарилиши кабилар).

Таҳлил натижалари нафақат мутахассисларга балки, барча ундан фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши лозим. Чунки ушбу ахборотлардан шу соҳада фаолият кўрсатаётган барча ходимларнинг фойдаланишлари мумкин. Шу туфайли таҳлил натижалари ҳаммага тушунарли бўладиган жадваллар, графиклар, диаграммалар тарзида берилиши мақсадга мувофиқдир.

ИЧТнинг тақомиллашуви нафақат ички, балки кўп жиҳатдан ташқи омиллارга ҳам жуда боғлиқ. ИЧТнинг ташқи омилларига қуйидагилар киради:

- меҳнат бозори;
- хом ашё етказиб берувчилар;
- ишлаб чиқариш корхонасидаги жиҳозларни таъмирловчилар;
- унга электр энергияси ва газ сингари ёқилғи ва кучлантирувчиларни етказиб берувчилар;
- унга транспорт хизматини кўрсатувчилар;
- унинг фаолиятини назорат қилувчилар;
- юқори ташкилотлар;
- банк ва шу каби мазкур ишлаб чиқариш тизимига ташқи таъсир этувчилар.

Ишлаб чиқариш тизимини ФҚТ килишда мазкур ташқи омиллارнинг таъсирини ҳам инобатга олиш лозим ва муҳимдир. Шу туфайли булар ҳақида ҳам тегишли ахборотларни тўплаш ва уларга ишлов бериб, улар орқали тегишли хулоса чиқариш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

ИЧТ тўғрисида тўғри хулоса чиқариш учун унинг таркибий ва функционал ҳолатини тасвирлашга тўғри келади.

ИЧТнинг таркибий ҳолатини тасвирлаш деганда унинг ишлаб чиқариш ва ташкилий таркибини бир-бири билан боғлиқ ҳолда қандай жойлашгани, таркиби, тузилиш шакли кабиларни бир бутун тасвирлаш тушунилади. Бунда ИЧТга кирувчи ҳар бир бўлинманинг жойланиши, умумий майдони, унда дастгоҳларнинг жойланиши, шу бўлинмага ажратилган асосий майдони, ёрдамчи майдони, бир-бирига ўтиш жойи кабилар тасвирланади.

ИЧТнинг функционал ҳолатини тасвирлаш деганда ўрганилаётган объектнинг бош, асосий, ёрдамчи, ноқерак ва зарарли функцияларини ифодаловчи ишлаб чиқариш тизимининг ҳолатини ички ва ташқи омиллари билан боғлиқ ҳолда тасвирлаш тушунилади. ИЧТнинг ҳолати бевосита унинг ички ва ташқи омилларига боғлиқ. Шу туфайли буларни ўрганишда фақат бир қисми билан чегараланиб қолиш мумкин эмас. Бу эса

ўз навбатида функционал ҳолатни тўғри атрофлича тасвирлашни тақозо қилади.

Ишлаб чиқариш харажатларини (ИЧХ) баҳолаш бир қанча тамойилларга асосланади. Бунда харажатлар функциялар бўйича аниқланади. Ушбу ҳолатни баҳолаш учун «элемент - ҳолат - функция» боғлиқлиги инобатга олинади. Бунинг мазмунини ўрганилаётган объектнинг ҳар бир элементи олинади, ушбу элементлар қандай ҳолатда ва улар қандай функцияларни бажариши аниқланади. Ҳар бир функция атрофлича таҳлил қилиниб, ноқерат ва зарарли функциялар ва уларга сарфланадиган ортиқча қилинадиган харажатлар аниқланади ва уларни камайтириш йўллари ишлаб чиқилади. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш харажатларини баҳолаш деганда, ишлаб чиқаришни элементлари бўйича тақсимлаб, ҳар бир элементнинг ҳолатини атрофлича ўрганиб, уларни функцияларга бўлиб, ҳар бир функцияга кетадиган харажатларни аниқлаб, ноқерат ва зарарли функцияларни ва уларга кетадиган харажатларни бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқиш тушунилади.

Ушбу усул билан ишлаб чиқариш жараёнига кетадиган харажатларнинг реал миқдори аниқланади.

12.3. Ишлаб чиқариш тизими фаолияти сифатини баҳолаш.

Ишлаб чиқариш тизимининг самарадорлиги ва сифати ҳамда уларни баҳолаш мазкур жараёни ташкиллаштиришга ҳам бевосита боғлиқ. Бунда бутун ишлаб чиқариш тизимининг ичидан нуқсонли функциялар аниқлаб олинади ва улар маълум белгилари бўйича таснифланади. Ҳар бир нуқсонли функцияларнинг сабаби ва уларни такомиллаштириш ёки бартараф қилиш йўллари ёзиб чиқилади. Бу жараёндаги муҳим жиҳат - ишлаб чиқариш тизимининг сифатини баҳолашда миқдор кўрсаткичларидан кенг фойдаланилади ва сифат кўрсаткичи миқдорий кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Ишлаб чиқариш тизимининг сифатини баҳолаш учун шу тизимни ташкиллаштириш коэффициентидан фойдаланилади. Ушбу коэффициент қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Кичгг = \frac{(Авқ \times Кас + Аймқ \times Кай) Рх + Ихф \times Кик}{(Авқ + Аймқ) Рр + Ихф}$$

Бунда: *Кичт* - ишлаб чиқариш тизимини ташкиллаштириш коэффиценти; *Авқ* - асосий воситалар қиймати; *Аймқ* - айланма маблағлар қиймати; *Ихф* - иш ҳақи фонди; *Кас*, *Кай*, *Кик* - мос равишда асосий воситалар, айланма маблағлар ва иш кучидан фойдаланиш коэффиценти; *Рх*, *Рр* - мос равишда ишлаб чиқариш фондларининг ҳақиқий ва режадаги рентабеллик даражаси.

Ушбу кўрсаткич ишлаб чиқариш тизимида моддий ва меҳнат ресурсларининг натижаси ва харажатлари нисбатини, яъни самарадорлигини ифодалайди. Шу самарадорлик орқали иқтисодий ишлар натижасининг сифатига баҳо бериш мумкин. Ушбу кўрсаткичларни тўплаш ва аниқлаш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Бу эса уларнинг амалиётда қўлланилиш имкониятини туғдиради.

Бирок, шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги бозор муносабатлари шароитида моддий ва меҳнат ресурсларининг ёнига номоддий активлар ҳам қўшилди. Улар моддий бўлмасида корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ва сифат кўрсаткичларига моддий ресурслар сингари таъсир қилмоқда. Буларни инобатга олиб юқорида келтирилган формулани такомиллаштириш лозимлигини таъкидлаймиз ва қуйидаги такомиллашган вариантини таклиф қиламиз:

$$Кичт = \frac{(Авқ \times Кас + Аймқ \times Кай + Нак \times Кна) Рх + Ихф \times Кик}{(Авқ + Аймқ + Нак) Рр + Ихф}$$

Бунда: *Нак* - номоддий активларнинг қиймати; *Кна* - номоддий активлардан фойдаланиш коэффиценти.

Ушбу формула корхонанинг ишлаб чиқариш тизимида иштироқ этадиган моддий ва меҳнат ресурслари билан бирга номоддий активларнинг самарадорлигини ҳам ўз ичига олади. Булардан амалиётда кенг фойдаланиш мумкин.

12.4. Таянч иборалар ва муҳим атамаларнинг таърифлари

Ишлаб чиқариш тизими (ИЧТ) деганда уни ташкил қилиш, бошқариш ва натижасини баҳолаш билан боғлиқ жараёнлар, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ҳамда тартибга солинишини таъминловчи тадбирлар мажмуаси тушунилади.

ИЧТнинг таркибий ҳолатини тасвирлаш деганда унинг ишлаб чиқариш ва ташкилий таркибини бир-бири билан боғлиқ ҳолда қандай жойлашгани, таркиби, тузилиш шакли кабиларни бир бутун тасвирлаш тушунилади.

ИЧТнинг функционал ҳолатини тасвирлаш деганда ўрганилаётган объектнинг бош, асосий, ёрдамчи, ноқерак ва зарарли функцияларини ифодаловчи ишлаб чиқариш тизимининг ҳолатини ички ва ташқи омиллар билан боғлиқ ҳолда тасвирлаш тушунилади.

Ишлаб чиқариш харажатларини баҳолаш деганда, ишлаб чиқаришни элементлари бўйича тақсимлаб, ҳар бир элементнинг ҳолатини агрофлича ўрганиб, уларни функцияларга бўлиб, ҳар бир функцияга кетадиган харажатларни аниқлаб, ноқерак ва зарарли функцияларни ва уларга кетадиган харажатларни баргараф қилиш йўллариини ишлаб чиқиш тушунилади.

12.5. Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича билиши лозим бўлган ва ўзини-ўзи назорат қилиши учун тавсия қилинган саволлар

1. Функционал қиймат таҳлилининг ишлаб чиқаришда қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. ИЧТга ФҚТни қўллаш орқали таҳлилчи нималарга эришиши мумкин?
3. Ишлаб чиқариш тизими (ИЧТ) деганда нимани тушунилади?
4. ИЧТда функционал қиймат таҳлили учун объект қандай танланади?
5. ИЧТда ФҚТни ўтказиш учун қандай маълумотлар керак бўлади?
6. ИЧТнинг таркибий ҳолатини тасвирлаш деганда нима тушунилади?
7. ИЧТнинг функционал ҳолатини тасвирлаш дегани нима?
8. ИЧТнинг ташқи омилларига нималар киради?
9. Ўрганилаётган объект бўйича маълумотлар қандай тўпланади?
10. Ишлаб чиқариш тизими фаолияти сифати қандай баҳоланади?

12.6. Ушбу мавзу бўйича амалий масалалар ва топшириқлар

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ёзилган маърузаларни ва чоп этилган адабиётларни тўлиқ ўрганадилар. Билиши лозим бўлган барча саволларга ёзма равишда жавоб

ёзадилар ва ушбу мавзу бўйича маълум билимга эга бўладилар.

2. Мазкур мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) учтадан кўргазмали восита тайёрлайдилар. Булар жадвал, чизма, диаграмма, формула каби шаклларда бўлиши мумкин.

3. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда бештадан тест тузадилар.

4. Ушбу мавзу бўйича талабалар (магистрлар) учтадан масала тузадилар ва бир-бирига ечирадилар.

5. Ушбу мавзу бўйича барча билимларини умумлаштириб, уни амалиётга қўллаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қиладилар.

12.7. Мавзуларни ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди, масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, калитли сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, агар шу мавзу бўйича янги адабиётлар чоп этилиб қолгудай бўлса конспект қилади ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади. Ушбу мавзу бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилади. Назорат шакли ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат кўпинча реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

12.8. Мавзу устида мустақил ишлаш учун саволлар ва уларнинг назорати

Мазкур мавзу устида мустақил ишлаш учун талаба (магистр)лар қуйидаги ишларни бажаришлари лозим:

мавзу бўйича дарсда қилган конспектини ўрганади;

мавзу бўйича тарқатма материаллар билан танишиб чиқади;

мавзу бўйича чоп қилинган адабиётларни ўрганади ва конспект қилади;

ўқитувчи топшириғига биноан ушбу мавзу бўйича кўргазмали қуроллар, масалалар тайёрлайдилар, тестлар тузади, реферат ёзади ва уни ёқлайди;

ёқлаш жараёни семинар тарзида, фикрлар ҳужумини қўллаган ҳолда кенг баҳс-мунозара шаклида ўтказилади.

Мустақил ишнинг назорати ҳам одатдагидек ёзма, оғзаки ва тест саволлари билан амалга оширилади. Натижа рейтинг асосида 100 баллик тизим билан баҳоланади.

12.9. Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

Моисеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении. - М.: Машиностроение, - 1987. - 320 бет.

Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001. - 272 бет. 12-Боб. Функционал-қиймат таҳлили методологияси. - 207-233 бетлар.

Пардаев М.Қ., Пардаев И.Р. Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари. Самарқанд. СамДУ, 2004. - 81 бет. 9-савол. Бошқаришда функционал-қиймат таҳлилидан фойдаланиш. - 46-75 бетлар.

Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. - 172-187 бетлар.

Справочник по функционально стоимостному анализу. Под ред. М.Г. Карпунина, Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988. - 432 бет.

Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. Проф. А.Д.Шеремета. М.: Прогресс, 1982. - & 3.7. «Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)» - 231-236 бетлар.

Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. - Т.: Молия, 2003. - 248 бет. (Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси 81-90 бетлар).

Функционально стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1985. - 472 бет.

13.-Мавзу. Функционал қиймат таҳлилининг туризм соҳасида қўлланилиши¹

РЕЖА:

13.1. Мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксалишида туризмнинг роли.

13.2. Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари.

13.3. Туризмни ривожлантиришда ФҚТдан фойдаланиш

АСОСИЙ ҚИСМ:

13.1. Мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксалишида туризмнинг роли.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, туризмни ривожлантириш мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ривожланиши учун асосий омиллардан биридир. Шу туфайли мамлакатимизда ҳам туризмни ривожлантириш учун қатор ижобий ишлар амалга оширилди ва

¹ Ушбу мавзу Р. Атабаев билан ҳаммуаллифликда тайёрланди.

оширилмоқда. Туризмнинг иқтисодиётдаги ўрни унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши ва иш билан банд аҳолининг қанча қисмини ўзида мужассам этганлиги билан белгиланади.

Соҳага бозор муносабатларининг тегишли дастаклари жорий қилинди. Бу соҳада ҳам кўпмулкчиликка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар шаклланди. Хуллас, мамлакатимизда туристик салоҳият етарли, уни ривожлантириш учун ҳамма шарт-шароитлар, уларнинг мамлакатимизга келиши ва қабул қилиб олиш жараёни, муносиб тарзда кузатиш учун эса тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва улар амалга оширилмоқда. Натижада, туризмни ривожлантиришнинг моддий, ташкилий, ҳуқуқий асослари яратилди. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, мамлакатимизнинг географик жиҳатдан Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашганлиги ва унда ҳукм сураётган сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг таъминланганлиги бўлса, иккинчидан, мамлакатимизнинг ноёб диний-тарихий обидаларга, ўзига хос иқлим ва табиий кўркем манзараларга бойлиги, уларнинг туристик объектларга киритилганлигидир. Учинчидан, мамлакатимизда қадимий миллий ҳунармандчилигимизнинг сақланиб қолганлиги ва унинг бугунги кунда ривож топаётганлиги бўлса, тўртинчидан, туристларнинг фойдаланишлари учун тегишли транспорт воситалари ва инфратизимнинг яратилганлигидир. Бешинчидан, соҳани тартибга солувчи қонунлар ва тегишли меъёрий ҳужжатлар яратилди, бу эса ўз навбатида туристларга қулай шароитларнинг яратилиш имконини ҳам берди.

Бироқ, туризм соҳасида ҳали бир қанча салбий омиллар борки, уларни бартараф қилмасдан ушбу соҳани талаб даражасида ривожлантириб бўлмайди. Бугунги кунда мамлакатимизда туризмнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

- туристларни қабул қилиш билан боғлиқ омиллар. Буларга мамлакатимизга келган туристларни божхона қўригидан ўтказишнинг ноқулайлиги, транспорт хизматининг юқори талабларга жавоб бера олмаслиги, хизматларнинг сифати талаб даражасида эмаслиги кабиларни киритиш мумкин:

- меҳмонхоналарда туристларни кутиб олиш учун жойларнинг етарли бўлишига қарамасдан уларда хизматнинг савияси етарли даражада эмаслиги. Туристларга зарур бўлган фитованна, фитобарларнинг йўқлиги, меҳмонларнинг дам олиши учун ресторандаримиздаги шароитларнинг жаҳон талабларига жавоб

бера олмаслиги, сервиснинг барча турларининг ташкил қилинмаганлиги кабиларни мисол келтириш мумкин;

- хизмат сифатининг пастлигига қарамасдан, тарифларнинг қимматлилиги. Самолёт, автомобил ва поездларда хизмат сифатига мос тарифларнинг ўрнатилмаганлиги, меҳмонхоналари-мизнинг қимматлилиги кабиларни таъкидлаш мумкин;

- туристик хизматларнинг баҳосига нисбатан аҳоли даромадининг етарли эмаслиги, жуда кўп хоҳловчилар иқтисодий қийинчилик туфайли туристик саёҳат орқали дам олишни орқага сурадилар.

- туризм соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги. Бу соҳа бўйича мамлакатимизда эндигина туризм соҳасига оид олий маълумотли кадрларни тайёрлаш бошланди. Ҳамон туризм сервиси бўйича кадрлар тайёрланмаяпти. Қайсики, бу соҳа ўта муҳимдир;

- мамлакатимиз туристик объектларининг жаҳон ахборот маконида етарли эмаслиги, халқаро рекламанинг йўқлигини ҳам туризмнинг ривожланиши учун маълум тўсиқлар сирасига киритиш мумкин.

Ушбу камчиликларни бартараф қилиш учун туризм соҳасида ҳам ФҚТдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, ҳозирги пайтларда туристларга хизмат қилиш учун барча ҳаракатлар қилинмоқда. Аммо уларнинг кўпи самарасиз. Хизматларнинг биринчи галда, ўз вақтида ва сифатли бўлишини таъминлаш лозим. Шу туфайли қайси хизматни қачон бажариш ва қандай бажариш масаласини ФҚТни қўллаган ҳолда аниқлаб тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, туризм иқтисодиётнинг энг самарали соҳаларидан биридир. Айрим мамлакатларда экспорт даромадининг сезиларли қисми туризм соҳасига тўғри келади. Масалан, Испания, Австрия, Греция давлатларида туризмдан олинган даромад барча экспортдан олинadиган даромадларнинг 30 фоизидан кўпроғини ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич Португалияда 20 фоизга, Швейцария ва Италияда 10-12 фоизга, Кипрда 52 фоизга, Панамада 55 фоизга, Гаитида 70 фоизга, Ямайкада 30 фоизга тенг.

Бундай ҳолат мамлакатимизда ҳам рўй бериши лозим. Лекин ҳозирча мамлакат яли ички маҳсулотида туризмнинг улуши жуда кам. Бу ҳолат бизнинг мамлакатимиз учун кечирилмайдиган ҳолдир. Зеро, биздаги туристик салоҳият ушбу соҳани чекланмаган миқдорда ривожлантириш учун катта имкониятдир. Буларни инобатга олиб Президентимиз И.А.Каримов: «Чет эл

туризми республика иқтисодиётининг етакчи тармоғига, унинг валюта тушумларини тўлдирадиган муҳим манбага айланиб бормоқда. Шу сабабли шинам меҳмонхоналар, кемпинглар қурилишини бундан буён ҳам амалга оширавериш, туризмнинг ривожланган инфраструктурасини шакллантириш, сайёҳлар борадиган жойларни обод қилиш билан шугулланавериш керак. Миллий-тарихий ва маданият ёдгорликларини таъмирлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу эса ажнабий сайёҳларни жалб этиш учунгина эмас, балки аввало халқ қадриятларини қайта тиклаш, ёш авлодни тарбиялашда ҳам алоҳида аҳамиятга эга». Мамлакат раҳбарининг ушбу кўрсатмасига асосан юртимизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Бироқ, мамлакатимизда туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш бўйича қилинган ишларимиз ҳали талабга тўлиқ жавоб бермайди. Жуда кўп туристик инфратузилмалар қурилди ва қурилмоқда. Аммо уларнинг шакли халқаро талабларга жавоб берсада, унинг мазмуни, ташкил этилган хизматлар савияси ҳали бундай талаблар даражасига етиши учун кўп ишларни амалга оширишни талаб қилади. Ушбу соҳа учун яқингача кадрларнинг тайёрланмаганлиги ҳам унинг ривожига тўсиқ бўладиган омиллардир.

Биз ҳозир туристик бозорда ўз ўрнимизни топишимиз учун ўзбек халқининг шарқона меҳмондўстлигига ғарб мамлакатларининг тажрибаси ва хизмат стандартларини уйғунлаштирган ҳолда иш олиб боришимизни тақозо қилади. Бунга эришишнинг йўлларида бири ушбу соҳага ФҚТни қўллашдан иборатдир.

7.2. Мамлакатимизда туризми ривожлантиришнинг асосий тенденциялари.

Мамлакатимизда туризм мустақиллик йилларида кескин ўсиш суръатига эга бўлди. Бу хорижий туристларнинг мустақил мамлакатимизга қизиқишидан далолат эди. Агар бизда туристларни кутиб олиш ва кузатишда жаҳон андозалари даражасида хизматларни ташкил қилганимизда, эҳтимол уларнинг келиши янада кучайган бўлар эди, деб ўйлаймиз. Биз республикаимизга келган ва жўнатилган туристларнинг сонини охириги 10 йил мобайнида ўзгариш суръатларини таҳлил қилдик (13.1-жадвал).

13.1-жадвал

Ўзбекистонда туристик хизматларнинг 1995-2004 йилларда
ўзгариш тенденцияси

Манба: «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси маълумотлари
асосида.

Йиллар	Туристларнинг сони , минг киши	Асос йилга нисбатан ўсиш суръати, %	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %	1% ўсиш суръатининг мутлақ миқдори, киши
1995	458,4	100.0	100.0	0
1996	550,0	120.0	120.0	4 584
1997	730,4	159.3	132.8	5 500
1998	735,5	160.4	100.7	7 304
1999	751,8	164.0	102.2	7 355
2000	770,2	168.0	102.4	7 518
2001	712,8	155.5	92.5	7 702
2002	709,1	154.7	99.5	7 128
2003	719,9	157.0	101.5	7 091
2004	720,2	157.1	100.0	7 199

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда туристларнинг 1995 йилдан 2000 йилгача мунтазам ўсиш суръатига эга бўлган. Шу даврда унинг миқдори 168.0%га ўсган. 2001 йилдан бошлаб туристларнинг миқдори камайиш тенденциясига эга бўлган. Биргина 2001 йилда 2000 йилга нисбатан 7,5% (100 – 92,5), 2002 йилда 2001 йилга нисбатан 0,5% (100-99,5) камайган. 2003 йилдан бошлаб ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аммо 2004 йилда ҳам 1997 йил даражасига етган эмас.

Ушбу ҳолатнинг умумий сабаблари бор албатта. Лекин шундай сабаблар ҳам борки уларни оддий кузатиш билан аниқлаш қийин. Уларни аниқлаш учун бизнинг фикримизча ФҚТдан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Бунда ФҚТ билан шуғулланадиган ижодий гуруҳ туристларнинг нима учун камайиш сабабларини алоҳида ёзиб чиқади. Шу сабабларни ҳам функцияларга бўлиб ўрганадилар. Буни аниқлашда экспертлар хулосалари бевосита туристлардан олинган анкета орқали тўпланган сабаблар билан бойитилади. Бу ҳолатда ижодий гуруҳ албатта тадқиқот олиб

бориши лозим.

Маълумки туристлар иккига бўлинади: келган туристлар ва кузатиш туристлар. Келадиган туристларнинг ўзгариши бирданча ташқи ва ички омилларга боғлиқ. Лекин жўнатиладиган туристларнинг сони кўпинча ички омиллар билан боғлиқдир. Бу ҳолат мамлакатимизда қандайлиги тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (13.2-жадвал).

13.2-жадвал

Ўзбекистонда туристик хизматларнинг 1995-2004 йилларда келиши ва кетиши бўйича ўзгариш тенденцияси

Йиллар	Туристларнинг умумий сони, минг киши	Асос йилга нисбатан ўсиш суръати, %	Кутиб олинган туристлар		Кузатиш туристлар	
			Умумий сони, минг киши	Асос йилга нисбатан ўсиш суръати, %	Умумий сони, минг киши	Асос йилга нисбатан ўсиш суръати, %
1995	458,4	100.0	392.8	100.0	152.6	100.0
1996	550,0	120.0	368.3	93.8	181.7	119.1
1997	730,4	159.3	484.2	123.3	246.2	161.3
1998	735,5	160.4	488.2	124.3	247.3	162.1
1999	751,8	164.0	549.7	139.9	202.1	132.4
2000	770,2	168.0	552.8	140.7	217.4	142.5
2001	712,8	155.5	529.9	134.9	182.9	119.9
2002	709,1	154.7	445.5	113.4	263.6	172.7
2003	719,9	157.0	471.4	120.0	248.5	162.8
2004	720,2	157.1	470.1	119.7	250.1	163.9

Манба: «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси маълумотлари асосида.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туристларнинг умумий сони шу 10 йил мобайнида 157,1% ўсган бир пайтда, кузатиш, яъни жўнатиш туристларнинг ўсиш суръати 163,9% ўсган. Кутиб олинган туристларнинг сони шу даврда атиги 119,7%ни ташкил қилган. Биздан кетаётган туристларнинг ўсиш суръати биров 1999-2001 йилларда камайган. 2002 йилда энг кўп миқдорни ташкил қилади ва шу йили 1995 йилга нисбатан 172,7% кўп бўлган. Кутиб олинган туристларнинг сони 1999 йилдан буён камайиб келмоқда. Албатта бунга мамлакатимиздаги айрим террористик хуружлар сабаб бўлган. Лекин фақат бутина эмас. Унинг сабабларини тўлиқ ва батафсил ўрганиш учун мазкур соҳага ФҚТни қўллашни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Туризм соҳасидаги ўзгаришларни янада ойдинлаштириш учун қабул қилинган ва кузатилган туристларни таркиби бўйича ҳам ўрганишни тақозо қилади. Буларни ҳозирги пайтда уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: хориждан келган туристлар, МДХ мамлакатларидан келган туристлар, мамлакатимиз ичкарасида бир ҳудуддан иккинчисига келган туристлар. Худди шу тариқа жўнатилган туристлар ҳам бўлинади. Агар туристларни шундай тасниф билан ўрганилса ҳам масала янада ойдинлашади. Мазкур масалани жўнатилган туристлар мисолида кўриб чиқамиз (14.3-жадвал).

14.3-жадвал

Ўзбекистондан жами жўнатилган туристларнинг 1995-2004 йилларда алоҳида мамлакатлар бўйича ўзгариш тенденцияси

Йил- лар	Жами жўнатилган туристлар		Шу жумлаан хорижий мамлакатларга		МДХ мамлакат- ларига		Ўзбекистонга	
	Сони минг киши	ўзгариш суръати, %	Сони, минг киши	ўзгариш суръати, %	Сони, минг киши	ўзгариш суръати, %	Сони, минг киши	ўзгариш суръати, %
1995	152.6	100.0	43.4	100.0	14.6	100.0	94.6	100.0
1996	181.7	119.1	69.3	159.8	34.0	232.9	78.4	82.9
1997	246.2	161.3	94.8	218.4	26.1	178.8	125.3	132.5
1998	247.3	162.1	81.2	187.1	22.4	153.4	143.7	151.9
1999	202.1	132.4	53.4	123.0	9.5	65.1	139.2	147.1
2000	217.4	142.5	49.0	112.9	14.3	97.9	154.1	162.9
2001	182.9	119.9	36.8	84.8	8.8	60.3	137.3	145.1
2002	263.6	172.7	39.3	90.6	21.4	146.6	202.9	214.5
2003	248.5	162.8	53.0	122.1	16.3	111.6	132.2	139.7
2004	250.1	163.9	54.0	124.4	17.0	116.4	179.1	189.3

Манба: «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси маълумотлари асосида.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимиздан жами жўнатилган туристлар таҳлил қилинаётган ўн йил мобайнида 169.3% ўсган, шу жумладан хорижий мамлакатларга жўнатилганлар сони 124.4%га, МДХ мамлакатларига жўнатилганлар эса 116.4%га ўсган ҳолос. Асосий ўсиш тенденцияси мамлакатимизнинг ички туристик ҳаракатларига тўғри келади. Уларнинг ўсиш суръати 189.3%ни ташкил қилади. Жўнатилган туристлар тенденциясидаги ўзгаришлар шу давр ичида бир хил эмас. Хорижга жўнатилган туристлар 1999-2002 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган. МДХ мамлакатларига жўнатилган туристларнинг сони 1997 йилдан бошлаб камайиш тенденциясига эга бўлган. Бу ҳолат

2001 йилгача давом этган. Фақат мамлакатимизда туристларнинг ҳаракати бирмунча барқарор ривожланиб келмоқда. Булардан тўғри хулосалар чиқариш ва хорижлик туристларни жалб қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Бундай ҳолатда ҳам ФҚТдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

13.3. Туризмни ривожлантиришда ФҚТдан фойдаланиш

Ҳар бир соҳани ривожлантиришда ФҚТдан фойдаланиш яхши самара бериши жаҳон амалиётидан маълум. ФҚТдан фойдаланиш туризм соҳасида ҳам самарали дастаклардан бири бўлиб ҳисобланади. Туризмни ривожлантиришда ФҚТдан фойдаланишнинг афзалликлари деганда мазкур соҳада хизматларнинг сони, сифатини ошириш эвазига нархларни камайтириш орқали туристларни мамлакатимизга кўпроқ жалб қилиш тадбирларининг ишлаб чиқилганлиги тушунилади.

Бироқ ФҚТни туризм соҳасида қўллаш бўйича бирорта адабиёт чоң этилмаган. Бундай ҳолат хорижий мамлакатларга ҳам тегишли. Чунки интернетдан ахтариб кўрганимизда ҳам унга киритилган адабиётлар рўйхатида туризмда ФҚТни қўллаш бўйича нашр қилинган адабиётни учратмадик. Шу туфайли мазкур муаммо ўта долзарб ва шу билан бирга жуда мураккаб муаммодир. Аммо ушбу муаммонинг ечими бугунги кунда мамлакатимиз учун жуда муҳимдир. Зеро, туризмни ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиёти учун катта фойда келтириш билан бирга бизнинг тарихимиз ва қадриятларимизни хорижий мамлакатларга танитамиз. Туризм булардан ташқари маданият ва маърифатни етакловчи, уларни бир мамлакатдан иккинчисига ташувчи восита ҳамдир.

Туризмда ФҚТни қўллашни қуйидаги йўналишлар бўйича олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

- хорижий туристларни мамлакатимизга жалб қилиш йўллариини ишлаб чиқиш учун;
- МДҲ мамлакатларидан турли йўللар билан туристларни жалб қилишни такомиллаштириш учун;
- мамлакатимиз ичкарасида уларни фаоллаштириш учун;
- барча туристларга кўрсатиладиган хизматларнинг турларини кўпайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун;
- хизматларнинг сифатини ошириш учун;
- хизматларнинг таннархини камайтириш ва нархини арзонлаштириш эвазига туристларни мамлакатимизга кўпроқ жалб қилиш учун;

- туристик объектларнинг жозибадорлигини ошириш ва уларнинг рекламасини, айниқса, хорижий мамлакатларда яхши йўлга қўйиш учун;

- ҳар бир туристик объеклда турли хизматларни ташкил қилиб хорижий валюта тушумларини имкон қадар кўпайтириш учун каби тадбирларни такомиллаштириш.

ФҚТда шу ҳар бир келтирилган йўналишлар бўйича функциялар аниқланади. Улар одатдагидек таснифланади, яъни бош функция, асосий функция, ёрамчи функция, нокерак функция, зарарли функция. Бажарилаётган нокерак ва зарарли функцияларни бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқилади.

ФҚТни туризм соҳасида қўллашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, мазкур соҳанинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган омиллар ҳам батафсил ўрганилади ва уларни яхшилаш бўйича тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинади. Ушбу омиллар биз юқорида келтирилган йўналишлар ичидаги функцияларга кирмаган бўлишлари ҳам мумкин.

Энг муҳими, ФҚТни ҳар бир йўналиш бўйича қўлашда функцияларни аниқ белгилаб олиш жуда катта аҳамиятга эга. Бунда функциялар аниқ белгиланиб олинishi лозим. Унда такрор ҳам бўлмаслик керак ва чала ифодаланган ҳам бўлмаслиги лозим. Масалан, барча туристларга кўрсатиладиган хизматларнинг турларини кўпайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун қўлланиладиган функцияларни олайлик. Буларнинг ичида туристларни кутиб олиш жараёни билан боғлиқ хизматлар. Уларни қуйидагича номлаш мумкин:

- кутиб олишга кимлар чиқади;
- туристларни нон-туз билан кутиб олади;
- нон-тузни ким ушлаб туради;
- нон-тузни қаердан ва ким сотиб олади;
- кутиб олишга неча киши чиқади;
- самолётдан ёки поезддан божхона постига қандай олиб келинади;
- туристларнинг юкларини кўтаришга кимлар жалб қилинади;
- божхонада расмийлаштириш қандай амалга оширилади;
- меҳмонхонага қандай транспорт билан жўнатилади;
- меҳмонхонага расмийлаштириш қандай амалга оширилади;
- бу ерда кутиб олишда туристларнинг юкларини хоналаргача жойлаштириш лозим бўлса юк кўтарадиганлар борми;
- ушбу хизматларнинг қайсиси пуллик ва қайсиси бепул амалга оширилади;

- пуллик хизматларни туристларга қандай йўллар билан маълум қилинади;

- аэропортдан ёки вокзалдан келгунча гид керакми ёки йўқми;

- гид керак бўлса у қаердан жалб қилинади ва ҳ.к.

Мазкур функцияларнинг эҳтимол туристларни кутиб олиш ва меҳмонхонага олиб келиб жойлаштириши учун айримлари ноқеракдир. Бироқ, туристлар уни талаб қилса ва ушбу хизматлар учун қўшимча хизмат ҳақи тўлайдиган бўлса албатта уларни ташкил қилиш лозим. Талаб қилинадиган қўшимча хизматлар учун меҳмонларни кутиб олиш ва кузатиш жараёнида ёрдам берадиган ходимларнинг шай туришини таъминлаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

ФҚТнинг муҳим талабларидан бири уни амалга оширишда ҳар бир функциянинг маълум маънода ўлчамга эга бўлишлигини таъминлашда. Функцияларнинг ўлчамлилиги уларга кетадиган харажатларнинг миқдорини аниқлаш имконини ҳам беришидадир. Ҳар бир функцияга кетган харажатлар пул миқдорида ёки вақт миқдорида аниқланиши мақсадга мувофиқ. Вақт миқдорида аниқланган кўрсаткичларни пулга айлантириш унчалик қийинчиликларни туғдирмайди. Функцияларнинг пулда ифодаланиши ҳар бир функциянинг қанча туришини, уларнинг сифатга таъсири ва таннархни қандай ўзгартириши мумкинлиги каби масалаларни аниқлашда ҳам қўлланилади.

13.4. «Функционал қиймат таҳлилининг туризм соҳасида қўлланилиши» мавзуси бўйича таянч иборалар ва муҳим атамаларнинг таърифлари

Туризмнинг иқтисодиётдаги ўрни унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши ва иш билан банд аҳолининг қанча қисмини ўзида мужассам этганлиги билан белгиланади.

Туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи ижобий омилларга уни ривожланишини жадаллаштирувчи омиллар киради.

Туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи салбий омилларга мазкур соҳанинг ривожланишига тўсиқ бўладиган омиллар киради.

Мамлакатимизда туризми ривожлантиришнинг асосий тенденциялари деганда туризмнинг алоҳида турлари бўйича маълум бир давр мобайнида қандай ўзгараётганлиги тушунилади.

Туризмни ривожлантиришда ФҚТдан фойдаланишнинг афзалликлари деганда мазкур соҳада хизматларнинг сони, сифатини ошириш эвазига нархларни камайтириш орқали туристларни мамлакатимизга кўпроқ жалб қилиш тадбирларининг ишлаб чиқилганлиги тушунилади.

Туризмда ҳам ФҚТдан фойдаланганда функциялар 5 турга бўлинади: бош функция, асосий функция, ёрдамчи функция, покерак функция ва зарарли функция.

13.5. Талабаларнинг «Функционал қиймат таҳлилининг туризм соҳасида қўлланилиши» мавзуси бўйича билиши лозим бўлган ва ўзини-ўзи назорат қилиши учун мўлжалланган саволлари.

Мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксалишида туризмнинг роли қандай?

Туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи ижобий омиллар нималардан иборат?

Туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи салбий омиллар нималардан иборат?

Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари нималардан иборат?

Туризмнинг умумий ривожланиш тенденциясига тавсиф беринг.

Хорижий туристларнинг мамлакатимизга келиши қандай?

МДҲ мамлакатларидан туристларнинг келиш тенденциясини изоҳлаб беринг.

Туризмни ривожлантиришда ФҚТдан фойдаланишнинг афзалликлари нималардан иборат?

Туризмда ФҚТни қўллашни қайси йўналишлар бўйича олиб бориш мумкин?

Туристларни кутиб олиш жараёни билан боғлиқ функциялар нималардан иборат?

13.6. «Функционал қиймат таҳлилининг туризм соҳасида қўлланилиши» мавзуси бўйича амалий масалалар ва топшириқлар

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ёзилган маърузаларни ва чоп этилган адабиётларни тўлиқ ўрганадилар. Билиши лозим бўлган барча саволларга ёзма равишда жавоб ёзадилар ва ушбу мавзу бўйича маълум билимга эга бўладилар.

2. Мазкур мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) учтадан кўргазмалар восита тайёрлайдилар. Булар жадвал, чизма,

диаграмма, формула каби шаклларда бўлиши мумкин.

3. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда бештадан тест тузади.

4. Ушбу мавзу бўйича талабалар (магистрлар) учтадан масала тузадилар ва бир-бирига ечирадилар.

5. Ушбу мавзу бўйича барча билимларини умумлаштириб, уни амалиётга қўллаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қиладилар.

13.7. «Функционал қиймат таҳлилининг туризм соҳасида қўлланилиши» мавзусини ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди, масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, калитли сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, агар шу мавзу бўйича янги адабиётлар чоп этилиб қолгудай бўлса конспект қилади ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади. Ушбу мавзу бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилади. Назорат шакли ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат кўпинча реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

13.8. «Функционал қиймат таҳлилининг туризм соҳасида қўлланилиши» мавзуси устида талабалар (магистрлар)нинг мустақил ишлаш учун саволлар ва уларни назорат қилиш ва баҳолаш усуллари

Мазкур мавзу устида мустақил ишлаш учун талаба (магистр)лар қуйидаги ишларни бажаришлари лозим:

- мавзу бўйича дарсда қилган конспектини ўрганади;
- мавзу бўйича тарқатма материаллар билан танишиб чиқади;
- мавзу бўйича чоп қилинган адабиётларни ўрганади ва конспект қилади;
- ўқитувчи топшириғига биноан ушбу мавзу бўйича кўргазмали қуроллар, слайдлар, масалалар тайёрлайдилар, тестлар тузади, реферат ёзади ва уни ёқлайди;
- ёқлаш жараёни семинар тарзида, фикрлар хужуми ва эвристик таҳлил усулларини қўллаган ҳолда кенг баҳс-мунозара шаклида ўтказилади.

Мустақил ишнинг назорати ҳам одатдагидек ёзма, оғзаки ва тест саволлари билан амалга оширилади. Натижа рейтинг асосида 100 баллик тизим билан баҳоланади.

13.9. “Функционал қиймат таҳлилининг туризм соҳасида қўлланилиши” мавзуси бўйича фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

Моисеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении. - М.: Машиностроение. - 1987. - 320 бет.

Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001. - 272 бет. 12-Боб. Функционал-қиймат таҳлили методологияси. - 207-233 бетлар.

Пардаев М.Қ., Пардаев И.Р. Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари. Самарқанд. СамДУ, 2004. - 81 бет. 9-савол. Бошқаришда функционал-қиймат таҳлиладан фойдаланиш. - 46-75 бетлар.

Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. «Методика функционально-стоимостного анализа» - 172-187 бетлар.

Справочник по функционально стоимостному анализу. Под ред. М.Г.Карпунина, Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988. - 432 бет.

Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. Проф. А.Д.Щеремета. М.: Прогресс, 1982. - & 3.7. «Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)» - 231-236 бетлар.

Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. - Т.: Молия, 2003. - 248 бет. (Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси 81-90 бетлар).

Функционально стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1985. - 472 бет.

14.-Мавзу. Функционал қиймат таҳлилининг бошқаришда қўлланилиши

Р Е Ж А :

14.1. ФҚТнинг бошқаришдаги вазифалари

14.2. ФҚТни бошқаришда қўлланиладиган усуллари

14.3.Раҳбарнинг бошқарув услуги ва унда ФҚТдан фойдаланиш

А С О С И Й Қ И С М :

14.1. ФҚТнинг бошқаришдаги вазифалари

ФҚТ барча соҳаларда қўлланилади. Шу жумладан, бошқарув соҳасида ҳам муваффақият билан фойдаланишлари мумкин. Бошқариш ФҚТнинг объекти сифатида қабул қилинса, унинг ҳаммаси ёки бир қисми олинishi мумкин. Бошқаришнинг алоҳида қисмларига фаолиятни режалаштириш, ҳисобга олиш,

назорат қилиш, мувофиқлаштириш, таҳлил қилиш, турли тадбирлар ўтказиш кабилар киради. Бундай жараён бошқарувнинг қуйи бўғинида ҳам, юқори бўғинида ҳам содир бўлиши мумкин.

ФҚТнинг бошқаришдаги вазифаси деганда унинг объекти сифатида қабул қилинган предмети ёки жараённинг ҳамма тарафи ёки алоҳида қисмларига, яъни фаолиятни режалаштириш, ҳисобга олиш, назорат қилиш, мувофиқлаштириш, таҳлил қилиш, турли тадбирларни ўтказишга мўлжалланган харажатларни камайтиришга қаратилган ишларни амалга ошириш тушунилади.

Мамлакатимизда 2002 йилдан буён бошқарувни ислоҳ қилиш, ортиқча бўғинларни қисқартириш, барча соҳаларда бошқарув аппарати ходимларини имкони борича оптимал ҳолга келтириш борасида анча ишлар олиб борилмоқда. Бу борада ишларнинг кўлами айниқса 2004-2005 йилларда жуда жадал олиб борилди. Кўриниб турибдики, бу соҳа мамлакатимиз раҳбарияти, хусусан Президентимизнинг диққат марказида турибди.

Буларнинг ҳаммаси бошқарувни доимий равишда такомиллаштиришни тақозо қилади. Бунга эса, фақат ФҚТни жорий қилиш орқали эришилади. Агар бошқарувга ФҚТ жорий қилинса унинг самарадорлиги бир неча бор ошиши тайин. Шулардан келиб чиқиб, ФҚТнинг бошқаришдаги вазифасини қуйидагича белгилаш мумкин бўлади:

- бошқаришда турли ноқерат ва зарарли функцияларни бартараф қилиш эвазига унинг самарадорлигини ошириш;
- бошқаришни такомиллаштириш эвазига бутун ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) самарадорлигини ошириш;
- зарар билан ишлаётган корхоналарга барҳам бериш, зарарнинг оқибатларини чуқур ўрганиш билан бирга, уларни бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқиш;
- бошқаришни такомиллаштириш орқали корхоналар рақобатбардошлигини ошириш;
- маҳсулотнинг сифатини кўтариш орқали унинг ҳам рақобатбардошлигини ошириш;
- маҳсулотнинг экспортга чиқишини кўпайтириш;
- бошқаришга кетадиган харажатларни ва бошқарувда банд бўлган ходимларни муттасил равишда камайтириб бориш;
- бошқаришнинг у ёки бу соҳасини (моддий ва меҳнат ресурсларига кетадиган харажатларни камайтириш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, кадрлар оқимини барқарорлаштириш, демократик тамойилларни жорий қилиш, ўз-ўзини муболағ

билан таъминлаш кабиларни) такомиллаштириш.

ФҚТнинг ушбу вазифаларини бажариш учун албатта ФҚТ билан шуғулланадиган доимий ёки бирорта вазифани бажарининг мўлжалланган муваққат гуруҳни ташкил қилиш лозим. Ушбу гуруҳ таркибида, таъкидланганидек, турли мутахассислар, айниқса қайси соҳа ўрганилаётган бўлса, ўша соҳа ходимлари албатта бўлишлари шарт.

14.2. ФҚТни бошқаришда қўлланиладиган усуллар

Бошқаришда бир қанча бўлинмалар мавжудлигини инобатга олиш лозимдир. Масалан, корхонанинг бўлинмаларини олайлик. Бунга кадрлар бўлими раҳбарияти, иқтисодиёт бўлими раҳбарияти, хўжалик бўлими раҳбарияти, ишлаб чиқариш бўлими раҳбарияти, молия бўлими раҳбарияти, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими раҳбарияти кабиларни киритиш мумкин. Булардан ташқари корхонанинг раҳбари, унинг бир қанча ўринбосарлари ва бевосита унга бўйсинадиган бўлинмалар раҳбарлари ҳам мавжуддир.

Буларнинг фаолиятини баҳолаш, уларнинг ҳар биридан самарали фойдаланиш учун улар бажарадиган функцияларни батафсил ўрганишни тақозо қилади. Мақсад, уларнинг вақти ва кучини оладиган кўпгина ноқерак ва зарарли функцияларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш йўллариини ишлаб чиқиб, тегишли натижаларга эришишдан иборатдир.

ФҚТнинг бошқаришда қўлланиладиган усуллари деганда корхонадек мураккаб организмнинг барча тарафларини режалаштириш, унинг бажарилишини назорат қилиш ва натижани баҳолашда қўлланиладиган усуллар мажмуаси тушунилади.

Буларни ўрганиш учун тегишли ахборотлар, меъёрий ҳужжатлар, техник тавсифлар, таҳлилий усуллар, қонуний ҳужжатлар каби энг керак нарсалар билан таъминланган бўлиши лозим. Бундай ҳужжатлар бошқарувчиларнинг функцияларини аниқлаш ва баҳолаш имконини беради.

Ўрганилаётган объектда бажарилаётган функцияларни таснифлаш учун уларнинг ҳар бирини алоҳида ифодалаб олади. Бу учун қуйидаги жадвални тузиш мумкин (14.1-жадвал)

Корхона раҳбарининг бажарадиган функциялари тавсифи

ТҒр	Функцияларнинг номи		Функциялар- нинг тури	И з о ҳ
	Номи	Нимага қаратилганлиги		
1	Тезкор йирилиш	Умумий топшириқни бериш	А	Бажарилишини раҳбарнинг ўзи назорат қилади
2	Бўлимга раҳбарлари билан алоҳида гаплашиш	Ҳар бир бўлимнинг хусусиятини инobatга олган ҳолда алоҳида топшириқ бериш ва шу бўлимдаги вазиятни баҳолаш	А	Бажарилишини раҳбарнинг ўзи назорат қилади
3	Ишнинг кегишини назорат қилиш	Ишнинг маромийлигини таъминлаш	А	Бажарилишини раҳбарнинг ўзи назорат қилади
4	Телефонда иш юзасидан гаплашиш	Жойида масалани ҳал қилиш	А	Нazorat талаб қилмайди
5	Телефонда ишга алоқаси бўлмаган кишилар билан гаплашиш	Одоб нуқтаи назаридан бошқа кишиларга жавоб бериш, оилавий ва шахсий таъвинулар	Н	Нazorat талаб қилмайди
6	Иш вақтида бекор ўтириш	Ишни илмий жиҳатдан тўғри ташқил қила олмаганлиги	Н	Бу ҳолат баргараф қилинади
7	Корхонага дахли бўлмаган мажлисга бориш	Турли ташқилотлар, маҳаллий ҳокимият билан алоқани бузмаслик	Н	Нazorat талаб қилмайди
8	Корхона фаолиятига дахлдор бўлган мажлисга бориш	Юқори ёки бошқарувчи ташқилотлардан тегишли топшириқларни олиб келиш	Е	Бажарилишини раҳбарнинг ўзи назорат қилади
9	Тушлиқда овқатланиш	Куч тўплаб олиш	Е	Нazorat талаб қилмайди

10	Турли меҳмонларни кутиб олиш	Корхонага керак, локерак меҳмонлар ташриф буюрадиганларнинг мақсадини аниқлаш ва шунга қараб жавоб бериш	Ё	Ўзи иштирок этади
11	Ўзи таклиф қилган меҳмонларни кутиб олиш	Корхона фаолияти учун зарур бўлган меҳмонлар билан ҳамкорлик қилиш	Ё	Ўзи иштирок этади
12	Ташқаридан келган расмий одамларни (журналистлар каби) кутиб олиш	Корхонага ўз мақсадини кўзлаб келган одамларга вақт ажратиш	Н	Ўзи иштирок этади
13	Турли хатларга жавоблар тайёрлаш	Корхонанинг ташқи ҳамкорлари билан алоқани мустаҳкамлаш	А	Ўзи иштирок этади
14	Келган почта билан танишиш ва уни тегишли бўлинмалар бўйича тақсимлаш	Корхонани бошқаришни такомиллаштириш	В	Ўзи иштирок этади

Изоҳ: Раҳбар фаолиятининг бир қисмининг мисол тариқасида олинди. Унинг фаолиятини ушбу мисолда келтирилган функциялар билан чекламаслик лозим.

Ушбу функцияларни ўрганишда таҳлилчи ФҚТда қўлланиладиган барча усуллардан (фикрлар ҳужуми , эвристик таҳлил, эксперт усули, корреляция, регрессия каби усуллар) фойдаланишлари мумкин.

ФҚТни амалга оширишда ҳар бир функциянинг қандай, қачон ва нима учун амалга оширилишини билиш лозимдир. Чунки шуларни билмаса мазкур функцияларни муҳимлиги жиҳатидан тавсифлаб ҳам, таснифлаб ҳам бўлмайди. Бу эса ўз навбатида, бошқаришни такомиллаштириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнини қийинлаштиради.

Бошқариш жараёни бир қарашда жуда оддийдек туюлиши мумкин. Аммо у шундай мураккабки, уларнинг бирорта функциясини бир-биридан айри ҳолда ўрганиш қийин. Шу туфайли барча функциялар яхлит бир тизим деб қаралади ва уларни ўрганиш учун тизимли ёндошилади.

14.3. Раҳбарнинг бошқарув услуби ва унда ФҚТдан фойдаланиш

Корхона, фирма ёки банк ишининг самарадорлиги кўп ҳолларда раҳбарнинг иш услубига боғлиқ. Раҳбар ўзига хос шахс бўлганидек, унинг иш услуби ҳам ўзига хос кўпқирралидир.

Раҳбарнинг иш услубини таҳлил қилганда унинг бошқарув услубини умуман иш услубидан фарқ қилмоқ лозим. Булар қуйидагиларда намоён бўлади.

Услуб деганда ҳар бир кишининг, шу жумладан раҳбарнинг ишлаши, бошқарадиган ўзига хос йўли ёки усули тушунилади. Бошқарув услуби эса бунга нисбатан кенгроқ маънога эга.

Бошқарув услуби деганда раҳбарнинг бошқарув жараёнида келиб чиқадиган турли муомалаларни ҳар хил усуллар билан ҳал қилиш йўллариининг мажмуаси тушунилади. Масалан, банк бошқарувчиси банкни бошқариш жараёнида нақд пул тақчиллигига дуч келди дейлик. Нақд пулга талаб кўп, лекин таклиф оз. Бунда у тезкорлик билан нақд пулни кўпайтириш учун тегишли қарор қабул қилиши лозим. Бу муаммоларни турли бошқарувчилар турлича ўзига хос услубда ҳал қилади.

Иш услуби деганда раҳбарнинг бошқарув функцияларини самарали бажариш учун қўл остидаги ходимларининг аниқ вазифаларни бажаришни таъминлаши тушунилади. Масалан, фирманинг ёки банкнинг умумий ишини самарали бошқариш учун раҳбар томонидан ишлар шундай тақсимланиши керакки, унинг қўл остидаги ходимлардан бирортаси умумий ишдан четда қолиб кетмаслиги лозим. Ишнинг умумий муваффақиятида ҳам, муваффақиятсизлигида ҳам ҳар бир ходимнинг ҳиссаси аниқ билиниб турадиган бўлиши керак. Буни ташкил қилиш раҳбарнинг маҳоратига, билими, савияси ва раҳбарлик тажрибасига боғлиқ. Шу туфайли бу соҳа ҳам жуда кўп қиррали, мураккаб ва турли ечимга эга бўлган соҳадир.

Раҳбарнинг иш услуби деганда бошқарув жараёнида вужудга келган муаммони ўзига хос тарзда ҳал қилиш усули тушунилади. Бунда умумий қоидалар бўлиши мумкин. Аммо ҳар бир раҳбарнинг ўз салоҳиятидан келиб чиқиб ҳал қиладиган иш услублари бор. Булар бир-бирига ўхшамаслиги, бир-бирини такрорламасликлари табиий.

Раҳбар иш услубининг турли бўлишига яна бир сабаб раҳбарлар мавқеи, раҳбарлик кўлами жиҳатидан ҳам турли тоифага, ҳуқуққа эга бўлиши мумкин. Биринчи 100 кишилик жамоани бошқарса, иккинчиси 500 кишилик, учинчиси эса 1000

кишилик жамоани бошқариши мумкин. Табиийки, бундай ҳолда учаласи бир хил бошқарув усулини қўлаб бир хил самарага эриша олмайди. Шу жиҳатдан уларнинг ҳар бирида ўзига хос иш услуби бўлиши лозим.

Иккинчи яна бир йўналишни кўрайлик. Масалан, бир раҳбар 100 киши ишлайдиган банкни бошқаради, иккинчиси 100 киши ишлайдиган ишлаб чиқариш фирмасини бошқарса, учинчи шахс 100 киши ишлайдиган савдо корхонасини бошқариши мумкин. Бу ерда бошқариладиган одамлар сони бир хил. Аммо соҳа ҳар хил бўлганлиги туфайли бу ерда ҳам бир хил иш услуби билан юқори самарадорликка эришиб бўлмайди. Бундан ҳам кўриниб турибдики, ҳар бир раҳбарнинг ўзига хос иш услуби лозим экан.


Раҳбарнинг бошқарув усули ва бошқарув услубини фарқламоқ лозим.

Раҳбарнинг бошқарув усули деганда умум эътироф этилган бошқарув усуллари тушунилади.

Раҳбарнинг бошқарув услуби деганда эса, ҳар бир раҳбарнинг ўзи раҳбарлик қилиб турган объектини ўзига хос тарзда бошқарув усуллари мажмуаси тушунилади.

Буларга мисол қилиб турли транспорт воситаларининг ҳаракатини олиш мумкин. Ҳаммаси ҳаракатланиши учун бир хил ёндошув, уларни ҳайдаш керак. Лекин катта юк машинаси билан енгил машинани, юк машинаси билан юк тракторини, енгил машиналарнинг ҳам турли русумдагиларини ҳайдовчилар ўзига хос услубда ҳаракатлантирадилар. Булар усул ва услубларни ташкил қилиб бир-биридан фарқ қилади.

Раҳбарлар ўз жамоасини бошқаришда турли восита ва дастаклардан фойдаланадилар, уларнинг айримлари қуйидагилардир (14.1-чизма).



14.1 - Чизма. Раҳбарнинг бошқарувда қўлайдиган восита ва дастаклари.

Ушбу дастаклар умумий дастаклардир. Улардан ҳам турлича фойдаланиш мумкин. Масалан, бошқарувнинг иқтисодий усулини қўлаб ишлайдиган раҳбарлар ҳам турлича ёндошишлари мумкин. Бири ходимларни ҳафталик иш натижаси билан рағбатлантирса, иккинчиси ойлик натижа билан, учинчиси йилнинг чораги бўйича рағбатлантириши мумкин. Буларнинг қайси, қачон самара беришига, раҳбар ўз ташкилотининг иқтисодий имкониятига, бутунги вазиятга қараб танлаши лозим.

Булардан битта хулоса, яъни ҳар бир раҳбар ўзича усулларни қўллар экан, уларнинг фаолияти бир-биридан кескин фарқ қилади деган хулосага келинмаслик керак. Раҳбарликнинг умумий қонун-қоидалари ҳам борки, улар ҳаммага хос бўлиб, ундан ҳеч ким узоқлашиб кета олмайди. Масалан, ҳамма раҳбарга хос айрим жиҳатларни келтирамиз. Буларга раҳбарнинг:

- ишчанлиги;
- етақчилиги;
- соҳани билиши;
- тадбиркорлиги;
- ташаббускорлиги;
- интилувчанлиги;

ўз объектини яхшилаш истаги каби жиҳатларни киритиш мумкин. Раҳбарларнинг бу хислатлари ҳаммага дахлдор, ҳаммада бўлиши мумкин бўлган хислатлардир.

Раҳбарларнинг бошқарувда турли усуллардан фойдаланишига сабаб уларнинг инсон сифатидаги табиатига ҳам боғлиқ. Маълумки, фан инсонларни табиатига кўра 4 та гуруҳга бўлган. Буларга:

- сангвиниклар;
- флегматиклар;
- холериклар;
- меланхоликлар киради.


Ушбу инсон табиатининг айрим жиҳатларини келтирамиз. Бу борада М.Шарифхўжаев ва Ё.Абдуллаевларнинг «Менежмент» дарслигида (209-210 бетлар) келтирилган (14.2-қизма).

Раҳбарларнинг табиати турли бўлганлиги туфайли вазияти ҳам илғаб олиши, қарор қабул қилиши, бошқарув услуби ва тезкорлиги ҳам турличадир. Бу эса бошқарилаётган объектда ишнинг самарадорлигига катта таъсир қилади.

Банк бошқарувчиси иш услубининг ўзига хос хусусиятлари бевосита банк фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқади. Ҳозирги шароитда бир қанча банклар пайдо бўлдики, улар

ўртасида рақобат муҳити яратилмоқда. Аммо бу муҳитнинг соғлом ва таъсирчан бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Банк раҳбарлари иш услубининг ўзига хос хусусиятлари ҳам бошқа раҳбарлар сингари 3 гуруҳга бўлинади:



14.2 - Чизма. Раҳбар табиати ва уларнинг таснифи.

Автократик раҳбар.

Либерал раҳбар.

Демократик раҳбар.

Уларнинг иш услублари турличадир. Масалан, жамоа билан тил топишида, уни бошқаришда:

Автократик раҳбар - буйруқ чиқариш, қарор қабул қилиш, ходимларга жазо бериш ёки рағбатлантиришда жамоа фикрини инобатга олмайди, ўзига ишонган бўлади ва ўзини жамоадан устун қўяди.

Либерал раҳбар - буйруқ чиқаришда, қарор қилишда, ходимларга жазо беришда жуда эҳтиёткор, ҳеч бир ходим билан алоқани бузишни хоҳламайди. Иродаси ва ташаббуси суст кишилардир.

Демократик раҳбар - буйруқ чиқаришда, қарорларни қабул қилишда, ходимларга жазо бериш ва рағбатлантиришда жамоа фикрига таянади ва у билан ҳисоблашади. Жамоада ишонч ва ўртоқлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини яратади. Бундай раҳбарлар ўз фаолиятида жуда юқори самарадорликка эришиши мумкин.

Банклар фаолиятини бошқаришда раҳбар айрим жиҳатларда автократик бўлиш билан бирга демократик ҳам бўлиши лозим. Лекин раҳбар қайси масалада қандай бўлиш лозимлигини аниқ билиши лозим. Бу албатта раҳбарлардан юқори малака, билим ва тажриба талаб қилади.

14.4. Таянч иборалар ва муҳим атамаларнинг таърифлари

ФҚТнинг бошқаришдаги вазифаси деганда унинг объекти сифатида қабул қилинган предмети ёки жараённинг ҳамма тарафи ёки алоҳида қисмларига, яъни фаолиятни режалаштириш, ҳисобга олиш, назорат қилиш, мувофиқлаштириш, таҳлил қилиш, турли тадбирларни ўтказишга мўлжалланган харажатларни камайтиришга қаратилган ишларни амалга ошириш тушунилади.

ФҚТнинг бошқаришда қўлланиладиган усуллари деганда корхонадек мураккаб организмнинг барча тарафларини режалаштириш, унинг бажарилишини назорат қилиш ва натижани баҳолашда қўлланиладиган усуллар мажмуаси тушунилади.

Услуб деганда ҳар бир кишининг, шу жумладан раҳбарнинг ишлаши, бошқарадиган ўзига хос йўли ёки усули тушунилади.

Бошқарув услуби деганда раҳбарнинг бошқарув жараёнида келиб чиқадиган турли муомалаларни ҳар хил усуллар билан ҳал қилиш йўлларининг мажмуаси тушунилади.

Иш услуби деганда раҳбарнинг бошқарув функцияларини самарали бажариш учун қўл остидаги ходимларининг аниқ вазифаларни бажаришини таъминлаши тушунилади.

Раҳбарнинг иш услуби деганда бошқарув жараёнида вужудга келган муаммони ўзига хос тарзда ҳал қилиш усули тушунилади..

Раҳбарнинг бошқарув усули деганда умум эътироф этилган бошқарув усуллари тушунилади.

Раҳбарнинг бошқарув услуби деганда эса, ҳар бир раҳбарнинг ўзи раҳбарлик қилиб турган объектини ўзига хос тарзда бошқарув усуллари тушунилади.

Бошқарувининг иқтисодий усули энг самарали усул бўлиб, ходимларнинг моддий манфаатдорлиги бевосита ўзларининг фаолиятига боғлиқ ҳолда ўрнатилган усулдир.

Маъмурий буйруқбозлик усули ходимларнинг фаолияти асосан раҳбарлар буйруғи ва кўрсатмаларини бажаришга қаратилган, ташаббус кўрсатишга қизиқиш уйғотмайдиган самарасизроқ усулдир.

Автократик раҳбар бошқаришни буйруқ чиқариш, қарор қабул қилиш, ходимларга жазо бериш ёки рағбатлантиришда жамоа фикрини инобатга олмайди, ўзига ишонган ва ўзини жамоадан устун қўядиган раҳбардир.

Либерал раҳбар деганда буйруқ чиқаришда, қарор қилишда, ходимларга жазо беришда жуда эҳтиёткор, ҳеч бир ходим билан алоқани бузишни хоҳламайдиган, иродаси ва ташаббуси суст раҳбарлар тушунилади.

Демократик раҳбар буйруқ чиқаришда, қарорларни қабул қилишда, ходимларга жазо бериш ва рағбатлантиришда жамоа фикрига таянадиган ва у билан ҳисоблашадиган ҳамда жамоада ишонч ва ўртоқлик, ҳаморлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини яратадиган раҳбардир.

14.5. Талабаларнинг «Функционал қиймат таҳлилининг бошқаришда қўлланилиши» мавзуси бўйича билиши лозим бўлган ва ўзини-ўзи назорат қилиш учун мўлжалланган саволлари

1. ФҚТнинг бошқаришдаги вазифалари
2. ФҚТни бошқаришда қўлланиладиган усуллари
3. Корхона раҳбарининг бажарадиган функциялари тавсифи
4. Раҳбарнинг бошқарув услуби ва унда ФҚТдан фойдаланиш қандай амалга оширилади?
5. Услуб деганда нима тушунилади?
6. Бошқарув услубини тушунтириб беринг.
7. Иш услуби нима?
8. Раҳбарнинг иш услуби деганда нима тушунилади?
9. Раҳбарнинг бошқарув услуби нима?
10. Бошқарувнинг иқтисодий усули қанақа усул?
11. Маъмурий буйруқбозлик усули қандай усул?
12. Автократик раҳбар қанақа раҳбар?
13. Либерал раҳбар - чи?
14. Демократик раҳбар деганда қандай раҳбар тушунилади?

14.6. «Функционал қиймат таҳлилининг бошқаришда қўлланилиши» мавзуси бўйича амалий масалалар ва топшириқлар

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ёзилган маърузаларни ва chop этилган адабиётларни тўлиқ ўрганадилар. Билиши лозим бўлган барча саволларга ёзма равишда жавоб ёзадилар ва ушбу мавзу бўйича маълум билимга эга бўладилар.

2. Мазкур мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) учтадан кўргазмали восита тайёрлайдилар. Булар жадвал, чизма, диаграмма, формула каби шаклларда бўлиши мумкин.

3. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда бештадан тест тузадилар.

4. Ушбу мавзу бўйича талабалар (магистрлар) учтадан масала тузадилар ва бир-бирига ечдирадилар.

5. Ушбу мавзу бўйича барча билимларини умумлаштириб, уни амалиётга қўллаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қиладилар ва шу қабул қилган қарорини асослаб берадилар.

14.7. «Функционал қиймат таҳлилининг бошқаришда қўлланилиши» мавзусини ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, калитар

сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, агар шу мавзу бўйича янги адабиётлар чоп этилиб қолгудай бўлса конспект қилади ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади. Ушбу мавзу бўйича жорий, оралик ва якуний назоратлар ўтказилади. Назорат шакли ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

14.8. «Функционал қиймат таҳлиlining бошқаришда қўлланилиши» мавзуси устида мустақил ишлаш учун саволлар ва уларнинг назорати

Маъкур мавзу устида мустақил ишлаш учун талаба (магистр)лар қуйидаги ишларни бажаришлари лозим:

- мавзу бўйича дарсда қилган конспектини ўрганади;
- мавзу бўйича тарқатма материаллар билан танишиб чиқади;
- мавзу бўйича чоп қилинган адабиётларни ўрганади ва конспект қилади;

- ўқитувчи топшириғига биноан ушбу мавзу бўйича кўргазмали қуроллар, слайдлар, масалалар тайёрлайдилар, тестлар тузади, реферат ёзади ва уни ёқлайди;

- ёқлаш жараёни семинар тарзида, фикрлар ҳужуми ва эвристик таҳлил усулларини қўллаган ҳолда кенг баҳс-мунозара шаклида ўтказилади.

Мустақил ишнинг назорати ҳам одатдагидек ёзма, оғзаки ва тест саволлари билан амалга оширилади ҳамда берилган топшириқларни қандай бажарганлигига ҳам қаралади. Натижа рейтинг асосида 100 баллик тизим билан баҳоланади.

14.9. «Функционал қиймат таҳлиlining бошқаришда қўлланилиши» мавзуси бўйича фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

Моисеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении.-М.: Машиностроение. - 1987. - 320 бет.

Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001.- 272 бет. 12-Боб. Функционал-қиймат таҳлили методологияси.- 207-233 бетлар.

Пардаев М.Қ., Пардаев И.Р. Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари. Самарқанд. СамДУ, 2004.- 81 бет. 9-савол. Бошқаришда функционал қиймат таҳлилидан фойдаланиш. - 46-75 бетлар.

Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности пред-приятий. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. «Методика функционально-стоимостного анализа» -172-187 бетлар.

Справочник по функционально стоимостному анализу. Под ред.

М.Г.Карлунина, Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988.- 432 бет.

Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. Проф. А.Д.Шеремета. М.: Прогресс, 1982.- § 3.7. «Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)» - 231-236 бетлар.

Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. - Т.: Молия, 2003.-, 248 бет. (Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси 81-90 бетлар).

Функционально-стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1985.- 472 бет.

15.-Мавзу. Функционал қиймат таҳлилини ташкил қилишда кадрларни танлаш ва уларга қўйиладиган талаблар

Р Е Ж А :

15.1. ФҚТ бўлимига танлаб олинadиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари.

15.2. ФҚТ ўтказадиган тадқиқот ишчи гуруҳи раҳбарлигига танлаб олинadиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари.

15.3. ФҚТ ўтказадиган тадқиқот ишчи гуруҳи аъзолигига танлаб олинadиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари.

15.4. ФҚТ учун кадрларни танлаб олиш босқичлари.

А С О С И Й Қ И С М :

15.1. ФҚТ бўлимига танлаб олинadиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида иқтисодий муносабатлар йилдан-йилга эркинлашиб бормоқда. Бу эркинлашиш ўз навбатида мураккаблашиш жараёнини ҳам тақозо қилади. Шундай мураккаб вазиятда иш кўрадиган раҳбар ана шу мураккаб вазиятларнинг, чигал муаммоларнинг ечимини топишлари лозим. Бу эса раҳбардан ўта билимдонлик билан маълум тажрибани ҳам талаб қилади. Лекин шу билан бирга, раҳбар бу кенг қамровли муаммоларнинг ҳамма жиҳатларини қамраб ололмаслиги мумкин. Бундай шароитда улар ФҚТдан кенг фойдаланишлари лозим. Шу жиҳатдан мулқдор замонавий раҳбарларга катта ишонч биддириш билан бирга, унинг меҳнатига яраша, юқори миқдорда иш ҳақи тўлайди. Бу жараён

ҳам бизда аста-секинлик билан тадрижий тарзда амалга оширилмоқда. Ҳозир худди шундай юқори иш ҳақини қўшма корхоналар, хусусий фирмалар тўламоқда.

Ҳозирги раҳбарларга қўйиладиган талаблар ҳам жуда юқори ва кўпқирралидир. Бу борада М.Шарифхўжаев ва Ё.Абдуллаевлар қўйидаларини таъкидлайди: «Раҳбар - бошқарувчи; раҳбар - дипломат; раҳбар - мураббий, тарбиячи; раҳбар - инсон; раҳбар - тадбиркор; раҳбар - инноватор сифатида майдонга чиқади».

Кўриниб турибдики, бугунги раҳбар ҳақиқатда кўп қиррали, ҳар томонлама етук бўлиши лозим. Юқорида келтирилган фазилатларнинг бирортаси бўлмаса ҳам раҳбар тўлақонли бўлиши қийин кечади.

Раҳбар яхши инсон, мураббий, тарбиячи бўлиши мумкин. Аммо бугунги кунда агар у тадбиркор, инноватор бўлмаса ишни барбод қилиши табиий. Худди шундай у тадбиркор, инноватор бўлсаю яхши бошқарувчи, дипломат бўлмаса ҳам иш яхши кетмаслиги, ўзи кўп ишлаб жамоа томошабин бўлиб туриши мумкин. Бу ҳам ҳозирги замонавий раҳбарга етарли эмас. Раҳбар ҳамиша жуда таъсирчан қарорларни қабул қилиши лозим. Бу эса унинг фаолиятида ФҚТдан фойдаланишни тақозо қилади.

Булардан келиб чиқиб нафақат раҳбарнинг, балки ФҚТ билан шуғулланадиган мутахассиснинг фазилати хусусида ҳам тўхталишни лозим деб ҳисоблаймиз.

ФҚТ билан шуғулланадиган ходим, одатда, раҳбар сингари билимдон ва унда мавжуд фазилатларга ҳам эга бўлишлари лозим. Булардаги фазилатларнинг мазмунини очишдан олдин фазилат атамасининг нималигини англаб олиши лозим.

М.Шарифхўжаев ва Ё.Абдуллаевлар: «Фазилат - бу ижобий хислат, яхши сифат ёки хусусиятдир», деб таъкидлайдилар. Бироқ фазилат ушбу тушунчадан кенгроқ маънога эгадек. Бизнинг фикримизча, фазилат инсонга хос ижобий хислат бўлиб, ўз ичига инсоннинг бир қанча қирраларини олади. Масалан, инсондаги юксак ахлоқ, маданият, интизом каби фазилатлар ҳам борки, уларни ҳам фазилатдан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, раҳбар фазилати маълум даражада инсон фазилатидан кўпроқ ва кенгроқ бўлиши мумкин. Чунки оддий инсон яхши одам бўла туриб 20 та яхши фазилатга эга бўлса, раҳбарда ва ФҚТ мутасаддисида унга нисбатан 2-3 баробар масъулият бор. Демак, ундаги ижобий фазилатлар ҳам шунга мос равишда кўп бўлиши лозим.

ФҚТ мутасаддисининг фазилатларини раҳбарнинг фазилатларига тенглаштириш мумкин. Шундай экан уларнинг иккисига

талабчан;

- ҳужжатлаштиришда ҳалоллик, тўғрилиқ, изчилик ва ўз вақтида бажарилишига эришиш;
- ҳамкорлари билан яхши муомала ва муносабатларда ўта зийраклик, ҳуш муомалалик;
- масалани ҳал қилишда ҳомийлик;
- ўз манфаатини жамоа ва давлат манфаатидан устун қўймаслик ва шу ўринда жамоанинг манфаати ва давлат манфаатини уйғун ҳолда тасаввур қилишлиқ.

Буларнинг ҳаммаси мужассам бўлган ходимгина ФҚТ соҳасини яхши билади ва уни тўғри бажара олади. Шундагина, улар томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар юқори самара беришлари мумкин.

Айрим адабиётларда ФҚТ учун танлаб олинадиган кадрларга бир қанча талаблар қўядилар. Бунда унинг ҳақиқий ва эталон баҳоси аниқланади ва солиштирилади. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (15.2-жадвал).

15.2-жадвал.

ФҚТ бўлимига танлаб олинадиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари

№	Кадрларнинг сифат кўрсаткичларининг тахминий рўйхати	Ўзининг баҳоси	Эталон баҳоси	Эксперт баҳоси
I	Кадрнинг назарий ва тадқиқотчилик сифати (H)			
1.1.	Одатдаги нарсаларга ноанъанавий тарзда ёндаша билиш қобилияти	4	4.7	4.5
1.2.	Асосий нарсани ажратиб олиш қобилияти	4	4.66	5.0
1.3.	Техник эрудицияси	4	4.58	4.2
1.4.	Янги ғояларни қабул қилиш ва ривожлантириш қобилияти	4	4.54	4.5
1.5.	Иқтисодий билимдонлик даражаси	4	4.5	4.0
1.6.	Дунёқарашининг кенглиги	4	4.45	3.9
1.7.	Танқидий қарай олиш қобилияти	3	4.4	5.0
1.8.	Илмий-техник қизиқиши	3	4.4	4.5
1.9.	Янги ғояларни кирита олиш қобилияти	3	4.35	4.0
1.10	Илмий-техник сезгирлиги (интуицияси)	4	4.99	4.0
1.11	Мураккаб масалаларни қисм ларга бўла олиш қобилияти	3	4.27	3.8
	Уртача балл	3.64	4.47	4.3

II	Кадрнинг ташкилий ва ишчанлик сифати (II)			
2.1.	Муаммони кўра билиш қобилияти	4	4.79	4.9
2.2.	Корхона фаолияти ва унинг асосий вазифалари хусусида ахборотларга эга бўлишлик	4	4.75	4.5
2.3.	Янгиликларни жорий қилиш қобилияти	4	4.71	5.0
2.4.	Турли бўлинмалар алоқадорлигини мувофиқлаштириш қобилияти	4	4.69	4.5
2.5.	Мақсадга эришишда қатияълилик	4	4.58	4.6
2.6.	Тадқиқотнинг истиқболини аниқлай олиш қобилияти	3	4.5	4.2
2.7.	Одаamlарни жалб қилиш қобилияти	3	4.38	4.0
2.8.	Ижодий муҳитни яратиш қобилияти	3	4.35	4.0
2.9.	Одаamlарни ишонтириш қобилияти	3	4.33	4.5
	Ўртача балл	3.56	4.56	4.47
III	Кадрларнинг ижтимоий-ахлоқий сифатлари			
3.1.	Иамий ҳалоллик	4	4.83	5.0
3.2.	Бошқалар воясига чидамлилиги	4	4.58	4.5
3.3.	Фаоллик	3	4.5	4.5
3.4.	Ўзини тута билишлик, босиқлик	4	4.42	4.0
3.5.	Бошқалар ташаббусини бўрмаслик қобилияти	3	4.42	4.0
3.6.	Бошқаларга ҳурмат	3	4.33	4.2
3.8.	Принциплилик	4	4.29	4.0
	Ўртача балл	3.5	4.45	4.4

Манба: Справочник по функционально-стоимостному анализу.
М.: Финансы и статистика, 1988. - 336-339 бетлар.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ФҚТ гуруҳига қабул қилиш учун ходимдан талаб қилинадиган сифатлар уч гуруҳга бўлинган. Буларга кадрнинг назарий ва тадқиқотчилик сифати (11 та кўрсаткич билан баҳоланган), кадрнинг ташкилий ва ишчанлик сифати (9 та кўрсаткич билан баҳоланган), кадрларнинг ижтимоий-ахлоқий сифатлари (8 та кўрсаткич билан баҳоланган) киради.

Булар ходимларнинг ҳар бир кўрсаткич бўйича ўзининг баҳосини, эталон баҳосини ва эксперт баҳосини ўз ичига олади. Ушбу кўрсаткичлар ходимларни танлаб олиш имкониятини яратади.

ФҚТнинг навбатдаги босқичи, уни ўтказадиган тадқиқот ишчи гуруҳи раҳбарлигига танлаб олинадиган кадрларни ажратиб олишдан иборатдир. Буларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва

уларнинг сифат кўрсаткичларини ҳам кўриб чиқиш лозим. Улар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

15.2. ФҚТ ўтказадиган тадқиқот ишчи гуруҳи раҳбарлигига танлаб олинадиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари

Ходимларнинг ишчанлик ва шахсий сифатлари оддий мутахассисликка нисбатан анча юқори бўлиши лозим. Улар бевосита ижрочилар эмас, балки ижодий ходимлардир. Шу туфайли хорижий мамлакатларда ФҚТ ходимларига энг юқори ставкада ойлик маошини тўлайдилар.

Ходимларни ФҚТга жалб қилиш учун уларнинг инсоний ва ишчанлик сифатларини баҳолаш лозим. Бундай баҳони амалдаги мезонга асосан ходимнинг ўзи ва экспертлар қўйишлари мумкин. Экспертларнинг баҳоси барча экспертларнинг баҳосини қўшиб экспертлар сонига бўлиш орқали топилади. Ходимга баҳо бериш учун уни жуда яхши биладиган, бирга узок йиллар давомида ишлаган кишилардан фойдаланиш мумкин.

Бунда ўзини ўзи баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки айрим одамлар ўзлари ҳеч нарсани билмаса ҳам, ўзларини билимдон, кўп нарса қўлидан келмаса ҳам жуда ишчан қилиб кўрсатадиган ва ўзини ҳақиқатда шундай ҳис қиладиганлар жуда кўп. Маданий савияси юқори, етук инсонлар ҳеч маҳал ўзининг имкониятини жуда юқори баҳоламайди. Ўзини билган одам ўзига тўғри баҳо қўяди. Ўзини билмаган одам бошқа нарсаларни ҳам мукаммал билишни хоҳламайдилар, хоҳласалар ҳам мукаммал била олмайдилар. Бундай шахсларни ФҚТ ўтказадиган тадқиқот гуруҳига қабул қилиб бўлмайди.

ФҚТ ўтказадиган тадқиқот ишчи гуруҳи раҳбарлигига танлаб олинадиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган (15.2-жадвал).

ФҚТ ўтказадиган тадқиқот ишчи гуруҳи раҳбарлигига танлаб олинадиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари

№	Кадрларнинг сифат кўрсаткичларининг тахминий рўйхати	Ўзининг баҳоси	Эталон баҳоси	Эксперт баҳоси
I	Кадрнинг назарий ва тадқиқотчилик сифати (Н)			
1.1.	Одатдаги нарсаларга ноанъанавий тарзда ёндоша билиш қобилияти	4	4.91	5.0
1.2.	Масалани ҳал қилишда комплекс ёндошабилиш қобилияти	4	4.85	5.0
1.3.	Асосий нарсани ажратиб олиш қобилияти	4	4.82	4.5
1.4.	Рационал фикрлаш қобилияти	4	4.41	4.8
1.5.	Янги ғояларни қабул қилиш ва ривожлантириш қобилияти	4	4.77	4.5
1.6.	Умумлаштираолиш қобилияти	4	4.73	5.0
1.7.	Танқидий қарай олиш қобилияти	4	4.69	5.0
1.8.	Техникавий қизиқишлиги	4	4.69	4.8
1.9.	Илмий-техник сезгирлиги (интуицияси)	4	4.67	5.0
1.10.	Мураккаб масалаларни қисмларга бўлаолиш қобилияти	4	4.65	5.0
1.11.	Дунёқарашнинг кенглиги	4	4.62	5.0
	Ўртача балл	4	4.75	4.87
II	Кадрнинг ташкилий ва ишчанлик сифати (И)			
2.1.	Жамоада ижодий муҳитни яратиш қобилияти	4	5.0	5.0
2.2.	Муаммони кўра билиш қобилияти	4	5.0	5.0
2.3.	Тадқиқотнинг истиқболлини аниқлай олиш қобилияти	3	4.85	4.8
2.4.	Корхона фаолияти ва унинг асосий вазифалари хусусида ахборотларга эга бўлишлик	4	4.77	4.5
2.5.	Техник вазифаларни тушунтира билиш қобилияти	4	4.75	5.0
2.6.	Одамларни жалб қилиш қобилияти	4	4.77	5.0
2.7.	қийинчиликлар туғилганда ёрдам бериш қобилияти	4	4.63	5.0
2.8.	Нутқининг тушунёрлилиги ва мантикийлиги	4	4.58	4.5
2.9.	Одамларни ишонтириш қобилияти	4	4.54	4.5

2.10.	Бир ишдан иккинчисига зудлик билан мослаша олиш қобилияти	3	4.50	5.0
2.11.	Мақсадга эришишда қатъиятлик	4	4.50	5.0
	Ўртача балл	3.82	4.71	4.85
III	Кадрларнинг ижтимоий-ахлоқий сифатлари			
3.1.	Хурматлилиги	3	4.83	5.0
3.2.	Илмий ҳалолик	4	4.79	5.0
3.3.	Бошқалар ташаббусини бўғмаслик қобилияти	4	4.79	5.0
3.4.	Бошқаларга ҳурмат	4	4.75	4.5
3.5.	Бошқалар ғоясига чидамлилиги	4	4.71	5.0
3.6.	Киришувчанлик	4	4.67	5.0
3.7.	Юморни ҳис қилишлик	3	4.67	4.0
3.8.	Принциплилик	4	4.65	5.0
3.9.	Ўзини тута билишлик, босиқлик	4	4.58	4.5
3.10.	Фаоллик	4	4.46	5.0
3.11.	Танқидни тўғри қабул қилаолиш қобилияти	4	4.38	4.5
3.12.	Ўз-ўзини танқид қила олишлик	4	4.33	4.0
	Ўртача балл	3.85	4.65	4.7

Манба: Справочник по функционально-стоимостному анализу. М.: Финансы и статистика, 1988. - 336-339 бетлар.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ФҚТ ишчи гуруҳи раҳбарлигига ҳам танлаб олиш учун ходимдан талаб қилинадиган сифатлар уч гуруҳга бўлинган. Буларга кадрнинг назарий ва тадқиқотчилик сифати (11 та кўрсаткич билан баҳоланган), кадрнинг ташкилий ва ишчанлик сифати (11 та кўрсаткич билан баҳоланган), кадрларнинг ижтимоий-ахлоқий сифатлари (12 та кўрсаткич билан баҳоланган) киради. Мазкур мезонлар албатта жуда мураккаб мезонлардир. Аммо инсон табиатини белгилловчи ушбу кўрсаткичлар ҳали уни тўлиқ баҳолаш учун етарли эмас. Амалиёт учун қандай кўрсаткичлар муҳим бўлса шунга мос равишда уларнинг таркибини ҳам, моҳиятлилигини ҳам ўзгартиравериши мумкин.

Кадрларни танлашда шунини инобатга олиш лозимки, унга берилган баҳолар, яъни энг аввало, экспертларнинг баҳоси билан эталон баҳосининг миқдори солиштирилади. Агар улар ўртасида катта фарқ бўлмаса бундай кадрларни белгиланган ишга қабул қилиш мумкин.

Агар экспертлар баҳоси ходимнинг ўзи қўйган баҳодан юқори бўлса, экспертлар унинг қобилиятини, ишчанлигини, одабий-

лигини яхши билади. Акс ҳолда, яъни ўзи қўйган баҳо экспертлар қўйган баҳога нисбатан юқори бўлса, билингки, бундай кишилар ўзларига жуда катта баҳо берадилар. Улардан юқори самарадорликни кутиш қийин.

Чунки ўзига юқори баҳо бериб юрадиган одамлар салгина иш қилиб қўйса ҳам жуда катта иш қилгандек ўзини ҳис қилади. Аслида унинг бу иши ҳали арзимаган бўлиши мумкин. Бундай кадрлардан қочиш керак.

ФҚТда тадқиқот ўтказадиган ишчи гуруҳи раҳбари юқорида таъкидланганлар билан биргаликда яна қуйидаги хислатларни ҳам ўзида мужассам этишлари керак. Буларга қуйидагилар киради:

- юқори даражадаги фаоллик;
- мақсадга эришиш йўлида қатъиятлик;
- одамларни сўзи ва фаолияти билан ишонтира билиш;
- босиқлик ва чидамлик;
- тарбияланганлик, ҳушёрлик ва сезгирлик;
- бошқаларнинг ташаббусига ҳурмат билан қараш ва унинг муҳим жиҳатларига танқидий ёндошиб, уни тубдан, янада такомиллаштириш бўйича бош қотира олишлик.

8.3. ФҚТ ўтказадиган тадқиқот ишчи гуруҳи аъзолигига танлаб олинадиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари

ФҚТда ўтказиладиган тадқиқот ишлари учун ишчи гуруҳи ташкил қилиниши табиий. Аммо унинг аъзолигига ҳам дуч келган одамни қабул қилавермайди. Мазкур гуруҳ аъзолигига танлаб олинадиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари ҳам олдингиларидек, уч гуруҳга бўлинади. Буларга:

- кадрнинг назарий ва тадқиқотчилик сифати;
- кадрнинг ташкилий ва ишчанлик сифати;
- кадрларнинг ижтимоий-ахлоқий сифатлари.

Ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлар маълум мезонлар билан ўлчанади. Ушбу ўлчовларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш бутунги кунда жуда муҳимдир. Зеро, иш яхши йўлга қўйилган жойда муваффақият, иш яхши қўйилмаса, ўша жойда барбод, беқарорлик, иқтисодий инқироз ва ҳ.к. Шу туфайли кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйишлик нафақат мазкур меҳнат жамоаси ёки мулкдор, балки барча субъектлар, хусусан давлат, жамият ҳам маълум маънода ютадилар.

Булардан кўриниб турибдики, иқтисодий ФҚТнинг қўлали барча манфаатлар муштараклигини таъминлаш билан ФҚТ ўтказадиган тадқиқот ишчи гуруҳи аъзоларига таналб олинадиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари мазкур жадвалда келтирилган (15.3 жадвал)

15.3 жадвал

ФҚТ ўтказадиган тадқиқот ишчи гуруҳи аъзоларига таналб олинадиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари

№	Кадрларнинг сифат кўрсаткичларининг тахминий рўйхати	Ўзининг баҳоси	Эталон баҳоси	Эксперт баҳоси
I	Кадрнинг назарий ва тадқиқотчилик сифати (Н)			
1.1.	Одатдаги нарсаларга ноанъанавий тарзда ёндоша билиш қобилияти	3	4.82	4.6
1.2.	Янги рояларни киритиш қобилияти	4	4.75	4.8
1.3.	Ижодий фантазияга эгалиги	3	4.69	5.0
1.4.	Масалаларни ҳал қилишга комплекс ёндошиш қобилияти	3	4.67	4.8
1.5.	Янги рояларни қабул қилиш ва ривожлантириш қобилияти	3	4.64	5.0
1.6.	Зудлик билан тафаккур қилиш қобилияти	3	4.60	4.8
1.7.	Танқидий қарай олиш қобилияти	3	4.55	4.0
1.8.	Илмий-техник сезгирлиги (интуицияси)	3	4.50	4.0
1.9.	Илаҳаб олишмаллиги	3	4.46	4.0
	Ўртача балл	3.1	4.61	4.55
II	Кадрнинг ташкилий ва ишчанлик сифати (И)			
2.1.	Муаммони кўра билиш қобилияти	4	4.57	4.50
2.2.	Бир ишдан иккинчисига зудлик билан мослашиш қобилияти	4	4.46	4.00
2.3.	Мақсадга эришишда қатъиятмаллик	3	4.33	4.00
2.4.	Корхона фаолияти ва унинг асосий вазифалари хусусида ахборотларга эга бўлишлик	4	4.18	4.5

2.5.	Нутқининг тушунарлилиги ва мантиқийлиги	4	4.04	3.0
2.6.	Техник вазифаларни тушунтира билиш қобилияти	4	4.00	4.0
	Ўртача балл	3.83	4.26	4.00
III	Кадрларнинг ижтимоий-ахлоқий сифатлари (А)			
3.1.	Илмий ҳалоллик	4	4.83	4.0
3.2.	Бошқаларга ҳурмат	4	4.63	3.0
3.3.	Танқидни қабул қилиш қобилияти	4	4.62	2.0
3.4.	Бошқалар ғоясига чидамлилиги	4	4.58	2.0
3.5.	Фаоллик	4	4.46	4.0
3.6.	Ўзига танқидий қараш қобилияти	4	4.41	3.0
3.7.	Принциплилик	4	4.25	3.0
3.8.	Ўзини тутта билишлик, босиқлик	4	4.16	3.0
3.9.	Тарбияланганлик даражаси ва одоби	4	4.08	3.0
3.10.	Кирушувчанлик қобилияти	4	4.08	3.0
	Ўртача балл	4.03	4.39	3.0

Манба: Справочник по функционально-стоимостному анализу. М.: Финансы и статистика, 1988. - 336-339 бетлар.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ФҚТ ўтказадиган тадқиқот ишчи гуруҳи аъзоларига танлаб олинадиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари ҳам анча жиддий мезонларни ўз ичига олади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу мисолимизда кадрнинг назарий ва тадқиқотчилик сифати бўйича кадрнинг ўзига ўзи қўйган баҳоси ўртача 3.1 бални ташкил қилади, экспертлар баҳоси эса 4.55 бални. Демак бу кўрсаткичлар бўйича мазкур кадрни ижобий баҳолаш мумкин. Кадрнинг ташкилий ва ишчанлик сифати ҳам ўзининг ўзига қўйган баҳосидан экспертлар қўйган баҳоси юқори. Мос равишда, 3.83 ва 4.0 бални ташкил қилади. Аммо кадрларнинг ижтимоий-ахлоқий сифатлари бўйича мазкур ходимни ушбу гуруҳга қабул қилиб бўлмайди, чунки у ўзини ўзи 4.0 балл билан баҳолаган бир пайтда экспертларнинг ўртача баҳоси 3.0 бални ташкил қилади. Айниқса, танқидни қабул қилиш қобилиятини у ўзича 4 балл билан баҳолаган. Бироқ, экспертлар баҳоси атиги 2.0 бални ташкил қилади. Шунингдек, бошқалар ғоясига чидамлилигини

ҳам ўзи 4.0 балл билан баҳолаган, аммо экспертларнинг баҳоси бунда ҳам жуда паст, яъни 2.0 бални ташкил қилган. ФҚТда иштироқ этадиган ходимлар учун бу икки сифат ҳам муҳим. Шу туфайли уни мазкур гуруҳга қўшиш мақсадга мувофиқ эмас.

Мазкур мисолимизда кадр ўзининг назарий ва тадқиқотчилик сифатига паст баҳо қўйган. Бу ҳолатни, бошқа гуруҳлар бўйича таҳлил қилиб кўсаткичларни солиштирганда, уни камтарлигига йўйиб бўлмайди. Бу мазкур кадрнинг ўзига, ишончсизлигидан далолат беради. Демак, унинг бу жиҳати ҳам уни мазкур гуруҳга олишни мақсадга мувофиқ эмас, деб топиш учун асос бўлади.

Кадрларнинг бир-бирига бўлган муносабатини аниқлаш учун ҳам матрица тузиш мумкин. Ушбу матрица орқали кимларнинг кимлар билан ишлаш ёки ишламаслигини билиб олиш мумкин бўлади. Бунинг учун, масалан 10 нафар ходим олинади ва уларга кимлар билан ишлаши сўралади. У кимлар билан ишлашни хоҳласа унинг олдида «+» белгисини қўйиб чиқади, агар хоҳламаса «0» белгисини қўяди. У ҳолда матрицанинг кўриниши қуйидагича бўлади (15.4-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, юқоридаги устуларда ходимларнинг кимлар билан ишлай олиши кўрсатилган. Жадвалнинг чап тарафида ходимлар рўйхати келтирилган. Уларнинг тўғрисида у билан ким ишлай олиши ифода этилган. Масалан, 2-х катакдаги ходим шу 9 нафар кишидан фақат 5 нафари билан ишлай олишини кўрсатган. Аммо бу ходим билан бошқалардан фақат 3 кишигина ишлай олиш истагини билдирган. Шундай қилиб ушбу жадвал бўйича хулоса қилинадиган бўлса, 4-х катакдаги ходим ҳамма 9 нафар киши билан ҳам ишлай олиш истагини билдирган. У билан эса 8 нафар ходим ишлаш истагини билдирган. Яна бир диққатга сазовор фактни келтиришни хоҳлар эдик. Масалан, 1-х катакда жойлашган ходим билан ҳамма 9 нафар киши ишлашни хоҳлаганлар. Аммо унинг ўзи фақат 6 нафар киши билан ишлай олишини кўрсатган. Демак, у ҳаммага, ҳатто ўзи яхши кўрмаса ҳам, яхшилик қилади. Бу жуда яхши хислат. Масаланинг яна иккинчи жиҳати, бу ходим айрим кишилар билан кейин тил топиб кетишига ишончи йўқ ҳам бўлиши мумкин.

Кадрларнинг ўзаро муносабатларини белгиловчи матрицаси

	1-х	2-х	3-х	4-х	5-х	6-х	7-х	8-х	9-х	10-х
1-х	Ж	Қ	Қ	Қ	Қ	Қ	Қ	Қ	Қ	Қ
2-х	Қ	Ж	0	Қ	0	Қ	0	0	0	0
3-х	Қ	0	Ж	Қ	0	Қ	Қ	0	Қ	Қ
4-х	Қ	Қ	Қ	Ж	0	Қ	Қ	Қ	Қ	Қ
5-х	0	0	Қ	Қ	Ж	0	Қ	0	Қ	Қ
6-х	Қ	0	Қ	Қ	Қ	Ж	Қ	0	Қ	0
7-х	Қ	Қ	0	Қ	Қ	Қ	Ж	Қ	0	Қ
8-х	0	0	Қ	Қ	Қ	Қ	Қ	Ж	Қ	Қ
9-х	0	Қ	Қ	Қ	0	Қ	Қ	Қ	Ж	0
10-х	Қ	Қ	0	Қ	Қ	0	Қ	0	Қ	Ж
Жами	6	5	6	9	5	7	8	4	7	6

Ушбу матрица шу ходимлар ичидан раҳбарларни танлаб олиш имкониятини туғдиради. Масалан, раҳбарликка биринчи номзод 4-х катакда жойлашган ходим бўлиши мумкин. Ундан кейин 7-х катакда жойлашган ходимга тўхталиш мумкин. Агар шу ходимлар ичида демократик йўл билан овозга қўйилса 1-х ходимни сайлашлари мумкин. Унинг ўзи хоҳламаса ҳам жамоа унинг раҳбар бўлишини хоҳлайдилар.

15.4. ФҚТ учун кадрларни танлаб олиш босқичлари.

ФҚТни ўтказиш учун кадрларни танлаб олиш уларни тўлиқ ўрганиб чиқилгандан кейин амалга оширилади. Бу учун кадрларнинг ҳар бири бўйича тегишли мезонлари, кўрсаткичлари аниқланиши, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар матрицаси тузилиши лозим. Ҳамма масалалар ҳал бўлгач энди номзодлар ичидан ФҚТ учун кадрлар танлаб олиш жараёни бошланади. Бу икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич - кадрларни дастлабки танлаб олиниши. ФҚТнинг техник бўлимига кадрлар бўлими ёки масъул мутасадди шахслар томонидан танлаб олинади. Бу босқичда мазкур соҳага номзодлар рўйхати тузилади. Рўйхатга киритилиши учун ходимлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

- юқори малака ва мутахассисликка эга бўлиши, иқтисодчи, муҳандис каби мутахассисликларга оид дипломга эга бўлиши лозим;

- бирқанча малака ошириш курсларини ўтаган бўлиши лозим;
- ихтирочилик ва рационализаторлик хислатларига эга бўлиши, бу борада сертификат (гувоҳнома)ларга эга бўлса, айтиш мумкин;
- ташкилий ишда тажрибага эга бўлишлиги;
- илмий-техник конференция ва симпозиумларда иштирок этганлиги;
- ижодий жамоаларда иштирок этиши, бўйича тажрибага эга эканлиги;
- ходимнинг ижтимоий фаоллиги, ташаббускорлиги;
- ходимнинг ишчанлиги ва шахсий сифатларига бериладиган тавсифномаларнинг ижобийлиги.

Ходимга бериладиган ушбу маълумотларнинг ҳаммаси ижобий бўлса уни ФҚТ гуруҳига қабул қилиш мумкин, агарда ушбу гуруҳ бўйича тегишли кадрлар шакллантирилган бўлса уларни захирага олиб қўйилиши ҳам мумкин.

ФҚТга кадрларни қабул қилишда у ҳақдаги ўзининг хулосаси, экспертлар фикри, эталон кўрсаткичлар ва юқорида келтирилган хислатлар ва ҳужжатлар тўлиқ ўрганилгандан кейин мутасадди шахс номзодларнинг ҳар бири билан суҳбатлашниш учун қандай саволларни бериб, шубҳалироқ жиҳатларини атрофлича очиш учун тахминий саволларни ҳам тузиб қўядилар. Сўнгра, ушбу саволларни аниқловчи ва охириги хулосага келувчи суҳбат ўтказилади. Бу ерда субъективликка йўл қўйилмаслиги учун суҳбат чоғида бирқанча мутасадди кишилар иштирок этишлари мумкин.

Иккинчи босқич, бевосита кадрнинг шахсий ва ишчанлик қобилиятлари ва сифатларини аниқлашга қаратилган. Бу учун асос қилиб экспертларнинг шу ходим бўйича берган баҳоси инобатга олинади.

Кадрларни танлаб олиш учун экспертлар гуруҳига 5-7 киши киритилади. Булар одатда ходимларни жуда яхши биладиган, раҳбарлардан, жамоат ташкилотларидан, бирга тенг ҳолатда ишлайдиган ходимлардан вакиллар бўлишлари шарт. Баъзи одамлар ўзларини раҳбарларга жуда яқин кўрсатишга ва улар олдида ўзини жуда ишчан, кўп ишларни қилаётган ходим сифатида кўрсатишга ҳаракат қилади. Аммо унинг ҳақиқий қиёфасини ўзи билан бирга ишлаётган ходимлар жуда яхши билишади.

Айримлар борки ўзлари билан ишлайдиган ходимлар билан жуда яхши муносабатда бўлишлари мумкин. Аммо раҳбарлар билан чиқиша олмасликлари ҳам мумкин. Бундай ҳолларда

иҷтимоӣ ташкилот-ларнинг вакиллари ҳулоаси масаланинг ҳал бўлишига асос бўлади. Бундай кишилар одатда ўзларига ишонадиган кишилар бўлади. Бундай кадрларни тарбиялаш мумкин.

Ушбу босқич ҳам анча мураккаб босқичлардан. Шу туфайли унда иштирок этадиган экспертларга қўйиладиган талаблар ҳам жиддий. Хусусан;

- улар номзодларни бирга фаолият кўрсатган ходимлар сифатида жуда яхши билишлари лозим;

- маъмурий ҳолатда улар бир-бирига боғлиқ бўлмаган бўлишлари шарт, яъни баҳоловчи баҳолаётган номзодига тобе ёки унинг тескарисси бўлмасликлари лозим;

- масалага принципиал ёндашадиган, ҳалол, объектив, ғоявий босиқ бўлишлари лозим;

- тажанг, бахил, кўра олмайдиган бўлмасликлари жуда муҳим;

- кадрга ёндашганда ўз манфаатини эмас, балки жамоа ва жамият манфаатини кўпроқ ўйлашлари ва ўз манфаатини шу манфаатлар билан уйғун ҳолда ҳис қилишлари лозим.

Шундай экспертларгина ходимларга тўғри ва одилona баҳо бера олади. Экспертлар ҳар бир номзодга баҳо берганда бир-биридан мустасно равишда махфий тарзда баҳо берадилар. Уларда номзодлар тўғрисида маслаҳатлашиш имконияти бўлмаслиги лозим. Ҳамманинг баҳоси ойдинлашгандан кейин кўпидан озчиликни танлаб олишда маслаҳатлашишлари мумкин.

Шундай қилиб, ФҚТ бўйича кадрлар шаклланади. Улар ФҚТни ўз ишлари билан бирга олиб боришлари ҳам мумкин. Агар корхона ёки компания жуда йирик бўлса доимий фаолият кўрсатадиган ФҚТ гуруҳи ҳам тузилиши мумкин. Ҳар қандай вазиятда ФҚТ билан шуғулланадиган мутахассислар жамоанинг энг билимдон, етакчи аъзоларидан таркиб топади. ФҚТ ижодий, масъулиятли ва мураккаб бўлганлиги туфайли уларга шартнома асосида юқори иш ҳақи тўлашни тақозо қилади.

15.5. «Функционал қиймат таҳлилинини ташкил қилишда кадрларни танлаш ва уларга қўйиладиган талаблар» мавзуси бўйича таянч иборалар ва муҳим атамаларнинг таърифлари

ФҚТга раҳбарлик қиладиган мутасаддида мавжуд бўладиган хислатлар қуйидагилардан иборат: қаноатлилик, давюраклилик, сабрлилик, яхши ниятлилик, соғлом шубҳалилик, камтарлик, самимий ҳуш муомалалик, раҳмдиллик, ҳуш ҳуқлиқ.

Кадрларни танлашда уларнинг сифат кўрсаткичлари қуйидаги уч гуруҳга бўлинади. Буларга: кадрнинг назарий ва тадқиқотчилик сифати; кадрнинг ташкилий ва ишчанлик сифати; кадрларнинг ижтимоий-ахлоқий сифатлари киради.

Номзодлар ичидан ФҚТ учун кадрлар танлаб олиш жараёни икки босқичда амалга оширилади.

Бугунги кун раҳбари. – бошқарувчи, дипломат, мураббий, тарбиячи, инсон, тадбиркор, инноватор сифатида майдонга чиқадиган жасур шахс бўлмоғи лозим.

Кадрларнинг бир-бирига бўлган муносабатини аниқлаш учун матрица тузилади ва улар орқали кимларнинг кимлар билан ишлаш ёки ишламаслигини, яъни келиша олишдиги ёки келиша олмаслигини билиб олиш мумкин бўлади.

ФҚТда иштирок этадиган экспертларга жуда жиддий талаб қўйилади.

15.6. Талабаларнинг «Функционал қиймат таҳлилни ташкил қилишда кадрларни танлаш ва уларга қўйиладиган талаблар» мавзуси бўйича билиши лозим бўлган ва ўзини-ўзи назорат қилиш учун белгиланган саволлари.

1. ФҚТ бўлимига танлаб олинadиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари.

2. Кадрнинг назарий ва тадқиқотчилик сифатини белгиловчи кўрсаткичларга қандай кўрсаткичлар киради?

3. Кадрнинг ташкилий ва ишчанлик сифатини белгиловчи кўрсаткичларга қандай кўрсаткичлар киради?

4. Кадрларнинг ижтимоий-ахлоқий сифатларини белгиловчи кўрсаткичларга қандай кўрсаткичлар киради?

5. ФҚТ ўтказадиган тадқиқот ишчи гуруҳи раҳбарлигига танлаб олинadиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичларини айтиб беринг.

6. Кадрнинг ўзига ўзи қўйган баҳоси нима учун керак?

7. Кадрларга қўйиладиган эталон баҳо нимани англатади?

8. Кадрга қўйиладиган экспертларнинг баҳоси нимани англатади ва уларнинг ўртача миқдори қандай аниқланади?

9. ФҚТ ўтказадиган тадқиқот ишчи гуруҳи аъзолигига танлаб олинadиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари.

10. Кадрлар матрицаси нима ва у нима учун керак?

11. ФҚТ учун кадрларни танлаб олиш босқичлари нималардан иборат?

12. Биринчи ва иккинчи босқичларнинг мақсад ва мазмуни нималардан иборат?

15.7. «Функционал қиймат таҳлилини ташкил қилишда кадрларни танлаш ва уларга қўйиладиган талаблар» мавзуси бўйича амалий масалалар ва топшириқлар

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ёзилган маърузаларни ва чоп этилган адабиётларни тўлиқ ўрганадилар. Билиши лозим бўлган барча саволларга ёзма равишда жавоб ёзадилар ва ушбу мавзу бўйича маълум билимга эга бўладилар.

2. Мазкур мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) учтадан кўргазмали восита тайёрлайдилар. Булар жадвал, чизма, диаграмма, формула каби шаклларда бўлиши мумкин.

3. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда бештадан тест тузадилар.

4. Ушбу мавзу бўйича талабалар (магистрлар) учтадан масала тузадилар ва бир-бирига ечирадилар.

5. Ушбу мавзу бўйича барча билимларини умумлаштириб, уни амалиётга қўллаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қиладилар.

15.8. «Функционал қиймат таҳлилини ташкил қилишда кадрларни танлаш ва уларга қўйиладиган талаблар» мавзусини ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди, масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, калитли сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, агар шу мавзу бўйича янги адабиётлар чоп этилиб қолгудай бўлса конспект қиладди ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади. Ушбу мавзу бўйича жорий, оралик ва якуний назоратлар ўтказилади. Назорат шакли ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат кўпинча реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

15.9. «Функционал қиймат таҳлилини ташкил қилишда кадрларни танлаш ва уларга қўйиладиган талаблар» мавзуси устида мустақил ишлаш учун саволлар ва уларнинг назорати

Мазкур мавзу устида мустақил ишлаш учун талаба (магистр)лар қуйидаги ишларни бажаришлари лозим:

мавзу бўйича дарсда қилган конспектини ўрганади;
мавзу бўйича тарқатма материаллар ва слайдлар билан танишиб чиқади;

мавзу бўйича чоп қилинган адабиётларни ўрганади ва конспект қилади;

ўқитувчи топшириғига биноан ушбу мавзу бўйича кўргазмали қуроллар ва бирқанча масалалар тайёрлайдилар, тестлар тузади, реферат ёзади ва уни ёқлайди;

ёқлаш жараёни семинар тарзида, фикрлар ҳужумини ва эвристик таҳлил усулларини қўлмаган ҳолда кенг баҳс-мунозара шаклида ўтказилади.

Мустақил ишнинг назорати ҳам одатдагидек ёзма, оғзаки ва тест саволлари билан амалга оширилади ҳамда берилган топшириқларни қандай бажарганлигига ҳам қаралади. Натижа рейтинг асосида 100 баллик тизим билан баҳоланади.

15.10. «Функционал қиймат таҳлилини ташкил қилишда кадрларни танлаш ва уларга қўйиладиган талаблар» мавзуси бўйича фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

Моисеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении. - М.: Машиностроение. - 1987. - 320 бет.

Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001. - 272 бет. 12-Боб. Функционал қиймат таҳлили методологияси. - 207-233 бетлар.

Пардаев М.Қ., Пардаев И.Р. Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари. Самарқанд. СамДУ, 2004. - 81 бет. 9-савол. Бошқаришда функционал-қиймат таҳлилидан фойдаланиш. - 46-75 бетлар.

Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. «Методика функционально-стоимостного анализа» - 172-187 бетлар.

Справочник по функционально стоимостному анализу. Под ред. М.Г.Карпунина, Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988. - 432 бет.

Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. проф. А.Д.Шеремета. М.: Прогресс, 1982. - & 3.7. «Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)» - 231-236 бетлар

Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. Т.: Молия, 2003. - 248 бет. (Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси 81-90 бетлар).

Функционально стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1985. - 472 бет.

16.-Мавзу. Функционал қиймат таҳлилининг самарадорлиги ва уни баҳолаш усуллари

Р Е Ж А :

16.1. ФҚТ самарадорлиги тушунчаси ва уни баҳолаш мезонлари

16.2. ФҚТ самарадорлигини баҳолаш концепцияси.

16.3.ФҚТ самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган чизмалар.

А С О С И Й Қ И С М :

16.1. ФҚТ самарадорлиги тушунчаси ва уни баҳолаш мезонлари

Ушбу тушунчани тўлиқ англаб етиш учун энг аввало, «самара», «самарадор», «самарадорлик» атамаларнинг мазмунига тўхталамиз. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да (Москва, «Русский язык» нашриёти, 1981. 17 бет) «самара» сўзига қуйидагича изоҳ берилган. «Самара» натижа, оқибат; мева. «Самарадор» сўзини кутилганича ёки ундан ҳам ортиқ самара берадиган; самарали, сермахсул деб изоҳлаган. «Самарадор меҳнат»ни унга мисол тариқасида келтириб қўйган. «Самарадорлик» атамасини самарадор сўзининг изоҳига киришини кўрсатиб, иқтисодий самарадорлик, меҳнат самарадорлигини оширмақ каби сўзлар билан изоҳланганлар.

Ҳақиқатда ушбу атамаларга изоҳ беришда номи зикр этилган изоҳли луғатда иқтисодиёт нуқтаи назаридан келиб чиқилган. Лекин ушбу тушунчаларни иқтисодиётга тадбиқ қилиш учун уларга янада аниқлик киритиш лозим.

«Самара»: деганда иқтисодиёт нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бирорта иқтисодий жараёнда эришилган натижа тушунилади. Ёки бирорта иқтисодий фаолият натижасини ҳам самара сифатида қабул қилиш мумкин. Шунингдек, асосий воситалар, айланма маблағлар ёки меҳнатнинг ишлатилишидан олинадиган натижани ҳам самара сифатида ифодалаш мумкин. Масалан, ишлаб чиқаришда эришилган натижа тайёр маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш, савдода товар айланмаси ҳажмига эришиш, хизмат соҳасида эришилган натижа - маълум нафар одамларга хизмат қилиш, ишнинг натижаси - шунча ишни бажариш ва ҳ.к. Демак, бирор онгли фаолиятнинг маълум натижага эришиши бу самара деб айтилар экан.

«Самарадор» атамаси бирор фаолият ёки предметни ишлатишнинг серунумлилигини англатади. Масалан, олий

маълумотли малакали кишининг меҳнати оддий малакасиз кишининг меҳнатига нисбатан самарадор, серунум. Бироқ у «самарадорлик» атамаси билан, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да таъкидланганидек, синоним сўзлар эмас. Самарадор сўзи, кўп ҳолларда келгуси замон маъносида ишлатилади. Самарадорлик эса содир бўлган жараёнини ифодалайди, яъни ўтган замон маъносида ишлатилади.

«Самарадорлик» - бу том маънода натижавийликдир. Бирорта содир бўлган иқтисодий жараённинг қандай натижа билан якунланганлигини ифодалайдиган тушунча. Самара ва самарадор сўзлари иқтисодиётда асосан мутлоқ кўрсаткичлар билан ифодаланса, самарадорлик сўзи нисбий кўрсаткичлар билан ифодаланади. Масалан, нон ишлаб чиқариш соҳасини олайлик. У бир ойда 600,0 минг нон ишлаб чиқарди деб фараз қиламиз. Бу кўрсаткич нон ишлаб чиқарувчи корхонанинг самараси. Лекин шу миқдордаги нонни неча киши ишлаб чиқарди? Фараз қиламиз 10 киши. Демак, ҳар бир киши бир ойда 60,0 минг ($600,0 : 10$) донадан нон ишлаб чиқарибди. Бу ерда 60,0 минг ушбу нон ишлаб чиқарувчи корхонадаги бир кишининг меҳнат самарадорлиги ёки меҳнатнинг натижавийлигини ифодалайди.

Ушбу корхона оддий учта тандир билан 600,0 мингта нон ишлаб чиққан, иккинчи бир шундай корхонада битта электр қувватига мослаштирилган печ билан 700,0 мингта нон ишлаб чиқилган деб фараз қиламиз. Биринчисида, таъкидланганидек, ўн киши ишлаган бўлса, иккинчисида тўрт киши ишлаши мўлжалланган. Энди савол туғиладики қайси корхона самарадор? Албатта электр қувватига мослаштирилган печга эга бўлган корхона ҳар томонлама самарадор. Чунки унда биринчидан, одам сони кам, иккинчидан эса, кўп маҳсулот етиштириб беради.

Энди ушбу тушунчаларни бевосита ФҚТга тадбиқ қиладиган бўлсак қуйидагича хулосаларни қилиш мумкин.

ФҚТ самараси деганда маълум вақт бирлигида (кун, ой, чорак, йил) эришилган натижа билан ифодаланган кўрсаткич тушунилади. Масалан, ФҚТнинг самараси ишлаб чиқариш соҳасида яратилган тайёр маҳсулот, даромадлар ёки фойда кўрсаткичларида ифодаланиши мумкин. Савдо соҳасида товар айланмаси (оборот), яъни даромад ва фойда билан ифодаланса, нақлиёт соҳасида юк айланмаси (оборот) каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

ФҚТ самарадорлиги деганда унинг натижавийлиги, яъни маълум вақт бирлигида ФҚТни қўллаш орқали эришилган натижа билан ўлчанади. Масалан, ишлаб чиқаришда ФҚТни

қўллаш натижасида кўпайтирилган тайёр маҳсулот ҳажми, даромад ёки фойда каби кўрсаткичларни киритиш мумкин. Савдо соҳасида ҳам худди шундай ҳолатни айтиш мумкин. Масалан, тайёр маҳсулот ўрнига бу ерда товар айланиши (обороти) олинади, қолган кўрсаткичлар номи бир-бирига тўғри келади.

Кўриниб турибдики ФҚТнинг самараси бу мутлоқ кўрсаткич, унинг самарадорлиги эса нисбий кўрсаткичларда ўз ифодасини топган.

Шу туфайли ФҚТ самарадорлиги тўғрисида тўлиқ ва батафсил ҳулоса қилиш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан (системасидан) фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Аммо кўрсаткичлар тизимида тақрибан ёндашиш, улар таркибига нима тўғри келса киритавериш мумкин эмас. Шу туфайли ФҚТ самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш ва аниқлаш мезонини ишлаб чиқиш лозим. Бунда ФҚТга кетадиган харажатларни ҳам инобатга олиш лозим, чунки бозор иқтисодиёти кўп ва сифатли маҳсулот яратиш билан бирга унинг тежамли бўлишини ҳам тақозо қилади.

Бозор муносабатлари шароитида ФҚТдан самарали фойдаланиш давр талаби. Бу ҳеч эскирмайдиган муаммодир, чунки ундан самарали фойдаланиш мулкнинг ёки ижтимоий тузумнинг қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, ҳамisha долзарбдир.

Шу боисдан ҳам бу масала ҳамisha олимлар ва мутахассислар диққат-эътиборида бўлиб келмоқда ва бутунги бозор муносабатлари шароитида ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. ФҚТдан самарали фойдаланиш республикамиз учун, бугунги кунда, айниқса муҳимдир.

Бу муаммони ҳал қилиш учун унинг баъзи назарий томонларини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Кўп адабиётларда самарадорликни аниқлаш мезони ва кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ ҳақида аниқ тушунча берилмайди. Биз ушбу ишда ФҚТ самарадорлигини аниқлаш мезонига, уни бозор муносабатлари тамойилларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Самарадорлик мезонини унинг кўрсаткичларидан фарқ қилмоқ лозим. Самарадорлик мезони - бу моҳияти жиҳатидан ишлаб чиқарувчи, мулк эгаси ва давлатнинг моддий манфаатдорлигини ифодаловчи объектив баҳо берадиган ўлчов бирлигидан иборат бўлган иқтисодий категориядир.

Ҳар бир объект ёки жараённинг, жумладан ФҚТ самарадорлигининг мезонини аниқлашда, ҳозирги бозор

муносабатлари шароитида, энг аввало, мулк эгасининг, яъни ФҚТни қўллаётган субъектнинг моддий манфатдорлиги нуқтаи назаридан қараш лозим. Мулкдор ФҚТни қўллаш имкониятини ишлаб чиқаришда ёки бошқа соҳаларда фойдаланиши, шунчаки уларни қўллаш заруриятидан эмас, балки қандай манфаатдор эканлигидан келиб чиқади. Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлса, ФҚТнинг самарадорлик мезони мулкдорга қанча моддий манфаат (фойда) келтирилиши билан ифодаланиши лозим.

Агарда ФҚТ самарадорлиги мезонини ишлаб чиқарувчилар (ишчилар) нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, унда шу ФҚТни қўллаётган кишига қандай манфаат бераётганлиги, келтираётганлиги билан аниқлаш мумкин. Унда самарадорлик мезони бир иш вақти бирлигида ходимга қандай манфаат келтириши билан ифодаланади. Шу сабабли ҳам ФҚТ самарадорлигини оширишда манфаатдорликнинг муштараклигини таъминлаш лозим. Агар уларнинг ишлатилишидан фақат мулкдор манфаатдор бўлса, меҳнаткашларнинг меҳнат қилишга қизиқиши бўлмайди. Агарда ФҚТдан фойдаланишга фақат ишчиларнинг манфаати кўзда тутилган бўлса, унда мулк эгаси ундан фойдаланмайди ва қўлламайди.

Ҳозирги пайтда жуда кўп соҳаларда корхоналарнинг асосий қисми давлат тасарруфидан чиқарилди. Бу жуда тўғри тадбир бўлди, чунки ишчи ва ходимлар энди олдингидек фақат мулк эгаси - давлат нуқтаи назаридан эмас, балки ўзларининг шахсий манфаати нуқтаи назаридан қарайдиган бўлди. Зеро энди меҳнаткаш бир вақтнинг ўзида ҳам мулк, ҳам иш кучи ва унинг натижасига эгалик қиладиган бўлди. Натижада бу мавжуд моддий - техника базасининг тез ва аёвсиз ишлатилиши, муддатидан олдин ишдан чиқиши ва барбод бўлишининг олди олинадиган бўлди. Энди самарадорликнинг шундай мезонини топиш керакки, у бир вақтнинг ўзида ҳам мулкдор, ҳам меҳнаткаш, ҳам давлат манфаатини тўлиқ ифодаласин.

Ҳозирги пайтда кўплаб хусусий корхоналар, жамоат мулкига асосланган акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган корхоналар очилмоқда ва фаолият кўрсатмоқда. Бундай корхоналарнинг иш ҳажми қисқа, фақат шу мулк эгаларининг иш кучига асосланган.

Бу ҳолда мулк ва иш кучи эгаси - меҳнаткашнинг манфаати бир-бири билан узвий ва бевосита боғлиқ. Бу шаклдаги ишлаб чиқариш ёки савдо корхонасида ФҚТ самарадорлигидан

манфаатдорлик мулк эгаси учун муҳимдир. У ҳолда ФҚТдан узоқ муддат самарали фойдаланишини кўзлаб кўплаб фойда олишга иштироб иш кўради. Бу ҳолда ФҚТ самарадорлиги мезонини уни қўллаган мулкдорга маълум вақт бирлигида қанча фойда келтириши билан ифодалаш мумкин.

Бироқ давлат мулкига асосланган корхоналарда мулк эгаси ва меҳнаткашнинг моддий қизиқиши ҳар хил. Давлат мавжуд жараёндан самарали фойдаланиб кўпроқ манфаатдор бўлишни хоҳласа, меҳнаткашлар эса давлат корхонасидаги моддий техника базасини ишлатиб кўпроқ фойда олишни кўзлаб ишлайдилар.

Бундай шароитда, шу икки томоннинг манфаатини ифодаладиган самарадорлик мезонини топиш жуда мушкул. Бизнинг фикримизча, ФҚТ самарадорлиги мезонини аниқлашда унинг шаклидан келиб чиқиш лозим. Бу эса ўз навбатида, глобал ва локал шакллarga бўлинади.

Самарадорликнинг глобал мезонини аниқлашда давлат манфаати нуқтаи назаридан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Давлатимизнинг ҳозирги сиёсати манфаатлар муштараклигини таъминлашга қаратилган. Ҳар бир қилинган иш давлатимиз учун ҳам, мулкдор учун ҳам, меҳнаткаш учун ҳам фойдали бўлиши лозим.

Давлатимиз ФҚТдан самарали фойдаланишда фақат ўзининг кўпроқ фойда олишини кўзлаб эмас, балки меҳнаткашларнинг фаровонлигини, турмуш даражасини яхшилашни кўзлаб иш кўрмоқда.

Шундай қилиб, ФҚТ самарадорлиги мезонини аниқлашда шу давлат, жамият нуқтаи назаридан ҳам қараш лозим экан. Бундан ФҚТ энг аввало, шу усулни қўллаганларга ва иккинчидан давлатга фойда келтириши лозим, деган тушунча келиб чиқади. Бу ҳозирги бозор муносабатлари шароитида жуда муҳимдир, чунки ФҚТ самарадорлигини ошириш билан биргаликда унинг доимий равишда такомилланиб боришини ҳам таъминлаш лозимдир.

ФҚТ самарадорлигининг локал мезони бевосита мулк эгаси ва ишлаб чиқарувчилар манфаатининг муштараклигидан келиб чиқади. Самарадорликнинг глобал мезонида ишлаб чиқарилган ялпи миллий маҳсулотнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши орқали мақсадга эришилса, бу локал мезонда миллий даромаднинг қуйи бўғинларидаги тақсимланиши орқали эришилади.

Бу бевосита ФҚТга маълум вақт бирлигида сарф қилинган меҳнат ва шу даврда олинadиган иш ҳақининг ҳажмида ўт

ифодасини топади. Бунда ФҚТнинг самарадорлигини ошириш эвазига иш ҳақини кўпайтириш лозим.

ФҚТ самарадорлигининг ошириш моддий-техника базасининг қайси мулкка мансуб бўлишидан қатъий назар, унинг ҳам самарадорлиги таъминланади. Демак, бу ерда мулк эгасининг манфаатдорлиги ҳам ўз ифодасини топади. Иш ҳақининг ошиши эса иш кучи эгаси, ишчи ва хизматчилар манфаатдорлигини таъминлайди. Бу ерда давлатнинг манфаатдорлиги ҳам бор. ФҚТнинг самарадорлигини ошириш эвазига корхонанинг даромади (фойдаси) кўпаяди, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ошади. Бу икки кўрсаткич қанча кўп бўлса давлатга тўланадиган солиқ ҳам шунча кўп бўлади. Бу билан манфаатлар муштараклиги таъминланади. Бу муштараклик ФҚТ самарадорлигини оширишнинг объектив иқтисодий асоси бўлиб хизмат қилади.

16.2. ФҚТ самарадорлигини баҳолаш концепцияси.

ФҚТ самарадорлигини аниқлашда ҳам самарадорликнинг умумий методологиясидан келиб чиққан ҳолда натижанинг харажатларга нисбати билан ўлчанишини инобатга олиш лозим. Бу ҳолда ФҚТ самарадорлигини аниқлаш концепциясини қуйидаги математик моделда ифодалаш мумкин:

$$K_{icj} = \frac{\sum_{i=1}^n H_{ij}}{\sum_{i=1}^n X_{ij}} \quad - \geq \text{мас}$$

Бунда K_{icj} - ФҚТ нинг j - объектдаги иқтисодий самарадорлик коэффициенти;

i - натижа ёки харажатларнинг тартиб сони ($i=1, n$);

j - ФҚТ ўтказилаётган j - объектнинг тартиб сони ($j=1, m$);

n - натижа ёки харажатнинг умумий сони;

m - ФҚТ ўтказилаётган объектнинг умумий сони;

H_{ij} - i - натижанинг j - объектдаги номи;

X_{ij} - i - харажатнинг j - объектдаги номи;

$\geq$ - жамлаш белгиси.

ФҚТ самарадорлигини аниқлаш концепцияси деғанда ФҚТ

қўлланилаётган объектда шунинг натижасида эришилган натижавий кўрсаткичнинг доимий равишда қўнайиб бориши ва унга кетган харажатларнинг нисбатан камайиб бориши эвазига эришиладиган нисбий кўрсаткичнинг ошиб бориши тушунилади.

Одатда ФҚТ дан фойдаланиш фақат унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш билан чекланади. Бироқ ФҚТдан фойдаланиш катта ижтимоий самара (K_{cc}) ва юқори сифат даражасига (K_c) эришиш учун ҳам асосий бўлиб ҳисобланади. ФҚТ иқтисодий самарадорлиқни оширишда қўлланиладиган муҳим иқтисодий дастаклардан биридир. У мунтазам равишда харажатларни камайтириш эвазига юқори самарадорликка эришиш имконини ҳам беради. Буларнинг боғлиқлигини назарий жиҳатдан қуйидаги математик модель билан ифодалаш мумкин:

$$K_{kc} = K_{kcj} \cdot K_{ccj} \cdot K_{cj} - \sum \text{мас.}$$

бунда K_{kc} - ФҚТ ни қўлашда эришиладиган самарадорлиқнинг комплекс кўрсаткичи;

K_{kcj} - ФҚТ нинг j - объектдаги иқтисодий самарадорлик коэффициенти;

K_{ccj} - ФҚТдан фойдаланишнинг ижтимоий самарадорлигини ифодаловчи коэффициенти;

K_{cj} - ФҚТдан фойдаланиш натижасида эришилган сифат даражаси.

Ушбу нинда ФҚТ нинг фақат иқтисодий самарадорлиги ҳақида гап юритилади. ФҚТ ни жорий қилганда унинг самарадорлиги ҳар хил бўлиши мумкин. Фараз қиламиз, ҳар бир сўм харажат бир сўм натижа беради. Буни бирқанча вариантларда кўриб чиқамиз.

16.3. ФҚТ самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган чизмалар.

ФҚТнинг самарадорлиги ҳам, юқорида кўрганимиз ва таъкидлаганимиздек, умумий самарадорлик мезонларидан келиб чиқади. Бунда натижа билан харажатлар ўртасидаги мусбат олинади.

ФҚТга кетган харажатлар ҳам, одатдагидек, икки турга, яъни ўзгарувчи ($\bar{Y}_o$) ва ўзгармас ($\bar{Y}_{\text{эм}}$) харажатларга бўлинади. Бундан келиб чиқиб, ФҚТнинг самарадорлигини аниқлаш учун унинг фойдаланиш нуқтасини аниқлаб олишни тақозо қилади.

Корхонанинг ФҚТ бўйича фойдаланиш нуқтасини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Phi\text{ҚТфн} = \Phi\text{ҚТўз} + \Phi\text{ҚТўзм}$$

Бунда: $\Phi\text{ҚТфн}$ - $\Phi\text{ҚТни}$ қўлаш бўйича фойдаланиш нуқтаси;

$\Phi\text{ҚТўз}$ - $\Phi\text{ҚТ}$ бўйича ўзгарувчи харажатлар;


$\Phi\text{ҚТўзм}$ - $\Phi\text{ҚТ}$ бўйича ўзгармас харажатлар.

Мазку формулада келтирилган концессиядан келиб чиқиб, $\Phi\text{ҚТдан}$ фойдаланиш самарадорлигининг бирқанча вариантларини ва уларнинг чизмаларда ифодаланишини кўриб чиқамиз.

I - вариант. Харажатлар (X) ва натижа (H) бир бирига мос равишда ўсган. Харажатлар 10 дан 50 гача бир хил ўсиб бориши билан натижа ҳам шунга мос равишда ўсиб боради. Бунинг чизмаси қуйидагича бўлади (I-чизма).

I - В А Р И А Н Т .
ХАРАЖАТЛАР ВА НАТИЖАЛАРНИНГ ЎСИШ СУРЪАТИ
БИР ХИЛ БЎЛГАНДА.


H	10	20	30	40	50	...
X	10	20	30	40	50	...



II - вариант. "H"нинг ўсиш суръати "X" ўсиш суръатига нисбатан юқори бўлса $H_{yc} > X_{yc}$ ёки $X_{yc} > H_{yc}$ у ҳолда кўзланган натижага харажатларни тежаш мумкин бўлиши мумкин. Ушбу вариантда I вариантга нисбатан тежамкорлик (T) 30 дан 50 гача масофага, яъни воқеанинг олди кўниги масофа тўғри келадиган майдонга тенг: $T_{kyc} = 0.6$

II - В А Р И А Н Т.
ХАРАЖАТЛАР ЎСИШ СУРЪАТИГА НИСБАТАН НАТИЖА ЎСИШ
СУРЪАТИ ЮҚОРИ БЎЛСА


натижа	10	20	30	40	50	...
Харажат	10	20	30	40	50	...



III- вариант. “X”нинг ўсиш суръати (X_{yc}) “H”нинг ўсиш суръатига нисбатан катта бўлганда $X_{yc} > H_{yc}$ ёки $H_{yc} > X_{yc}$ маълум белгиланган харажат тегишли натижани бермайди. Бу ҳолда I - вариантга нисбатан қилинган харажатнинг самарасизлиги (cc) рўй беради. Бунинг ҳажми ав нинг вс га кўпайтмасига тенг: $CC = av \cdot вс$

III - В А Р И А Н Т.
ХАРАЖАТЛАР ЎСИШ СУРЪАТИГА НИСБАТАН НАТИЖА ЎСИШ
СУРЪАТИ ПАСТ БЎЛСА


H	10	15	20	25	30	...
X	10	20	30	40	50	...



IV - вариант. ФҚТ ни жорий қилиш натижасида бир хил натижани (Н) "Х"нинг ўсиш суръатини ўзлуксиз камайтирган ҳолда ҳам эришиш мумкин: $X_{yc} \rightarrow \min$ қ $H \rightarrow 40$. У ҳолда ушбу жараённинг фойдалилик майдони авс бурчақдан (авсi) ўзлуксиз равишда ас чизиқ сари кенгайиб боради. Фойдалилик майдонини геометрик йўл билан тўғри бурчакли учбурчакнинг юзаси аниқлаш формуласини қўлаб ечиш мумкин:

IV - В А Р И А Н Т.
ХАРАЖАТЛАРНИ КАМАЙТИРГАН ҲОЛДА НАТИЖАНИ БИР ХИЛ
ДАРАЖАДА САҚЛАБ ТУРГАНДА

Натижа	40	40	40	40	40	...
Ҳаражат	50	40	30	20	10	...




V - вариант. Бунда ФҚТ натижасида “Х”нинг ўзлуксиз камайиб боришига ($X_{\min}$) ва “Н”нинг ошиб боришига ($H_{\max}$) эришиш мумкин:

$X_{yc} \rightarrow \min = H_{yc} \rightarrow \max$. Бу ҳолда фаолиятнинг бошланиши анча зарарли бўлади, чунки 50 сўм харажат 50 сўм натижа бериши керак эди. Аммо бу ерда 50 сўм харажат фақат 30 сўм натижа берди ҳалос. Бироқ, ФҚТ ни жорий қилиш эвазига харажатларни энг кам миқдорга (10) натижани энг кўп миқдорига (50) олиб келинди. Бу вариантда харажат қанча камайиб бориши билан натижа ҳам шунча ошиб борди. Фойдалилик майдони бу ҳолда иккита тўғри бурчакли учбурчак йиғиндисига тенг бўлади ёки уни тўртбурчакнинг юзасини аниқлаш йўли билан ҳам топиш мумкин: $\Phi = \phi d \cdot dv$.

V - В А Р И А Н Т.

ХАРАЖАТЛАРНИ ЎЗЛУКСИЗ КАМАЙТИРИШ БИЛАН БИРГА
НАТИЖАНИНГ ЎЗЛУКСИЗ ОШИБ БОРИШИ ТАЪМИНЛАНГАНДА


Натижа	30	35	40	45	50	...
Харажат	50	40	30	20	10	...



VI - вариант. ФҚТ натижасида харажатларни ўзгартмасдан натижанинг вертикал кўпайишига эришилди деб фараз қиламиз. У ҳолда фаолият зарар билан бошланади. Аммо маълум даврдан сўнг у кескин фойда олишга эришилади. Бу ҳолда унинг фойдалилик майдони (Φ) “ав”нинг “вс” чизиги кўпайтмасига тенг бўлади: $\Phi = av \cdot bc$.

VI - В А Р И А Н Т.
ХАРАЖАТНИ ЎЗГАРТИРМАСДАН ТУРИБ НАТИЖАНИ ВЕРТИКАЛ
РАВИЩДА ОШИРГАН ТАҚДИРДА

Натижа	10	20	30	40	50	...
Харажат	30	30	30	30	30	...



Ушбу чизмаларда ФҚТ ни қўллаш натижасида содир бўлиши мумкин бўлган айрим вариантларни кўрдик, холос. Булар таҳлиlining ушбу шаклини методологик жиҳатдан ўзлаштириш учун келтирилган мисоллардир. Амалиётда эса қанча иқтисодий жараён бўлса ўшанча вариант бўлиши табиий. Шу тўғрисида ФҚТ ни амалиётга қўллашда чегара йўқ.

16.4. «Функционал қиймат таҳлиlining самарадорлиги ва уни баҳолаш усуллари» бўйича таянч иборалар ва муҳим атамаларнинг таърифлари

«Самара» деганда иқтисодиёт нуқтаи назаридан, бирорта онгли ва мақсадли фаолиятнинг маълум натижага эришиши тушунилади.

«Самарадор» атамаси бирор фаолият ёки предметни ишлатишнинг сермахсуллигини ва серушумлигини англатади.

«Самарадорлик» деганда том маънода натижавийлик тушунилади, яъни бирорта содир бўлган иқтисодий жараённинг қандай натижа билан якунланганлигини ифодаладиган тушунчадир.

“Самара” ва “Самарадор” атамаларининг ўлчови мутлоқ кўрсаткичларда ифодаланади, “Самарадорлик” атамасининг ўлчови нисбий кўрсаткичларда ифодаланади.

Самарадорлик мезони - бу моҳияти жиҳатидан ишлаб чиқарувчи, мулк эгаси ва давлатнинг моддий манфаатдорлигини ифодаловчи объектив баҳр берадиган ўлчов бирлигидан иборат бўлган иқтисодий категориядир.

ФҚТ самарадорлиги мезонини аниқлашда унинг қўлланилиш доирасидан келиб чиқиб, уларни глобал ва локал шаклларга бўлиш лозимдир.

ФҚТ самарадорлигининг глобал мезонини аниқлашда давлат манфаати нуқтаи назаридан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

ФҚТ самарадорлигининг локал мезони бевосита мулк эгаси ва ишлаб чиқарувчилар манфаатини ифодалайди ва уларнинг муштараклигини таъминлайди.

ФҚТ самарадорлигини аниқлаш концепцияси деганда ФҚТ қўлланилаётган объектда шунинг натижасида эришилган натижавий кўрсаткичнинг доимий равишда кўпайиб бориши ва унга кетган харажатларнинг нисбатан камйиб бориши эвазига эришиладиган нисбий кўрсаткичнинг ошиб бориши тушунилади.

Самарадорликини аниқлаш учун фаолият ёки жараёнлар натижасини шу фаолият ёки жараёнларни амалга оширишга кетган харажатларга нисбат аниқланади.

16.5. Талабаларнинг ушбу “Функционал қиймат таҳлилининг самарадорлиги ва уни баҳолаш усуллари” мавзуси бўйича билиши лозим бўлган ва ўзинки-ўзи назорат қилиш учун белгиланган саволлар

1. ФҚТ самарадорлиги тушунчаси ва уни баҳолаш мезонлари
2. “Самара” деганда нима тушунилади?
3. “Самарадор” атамасини қандай тушунасиз?
4. “Самарадорлик” деганда нима тушунилади?
5. “Самара”, “Самарадор” ва “Самарадорлик” атамаларининг ўлчови қандай кўрсаткичларда ифодаланади?
6. ФҚТ самарадорлигининг глобал мезони
7. ФҚТ самарадорлигининг локал мезони

8. ФҚТ самарадорлигини баҳолаш концепцияси.
9. ФҚТ самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган чизмаларни изоҳлаб бёринг.
10. Самарадорликнинг мумтоз таърифини айтиб беринг.

16.6. «Функционал қиймат таҳлилининг самарадорлиги ва уни баҳолаш усуллари» мавзуси бўйича амалий масалалар ва топшириқлар

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ёзилган маърузаларни ва chop этилган адабиётларни тўлиқ ўрганадилар. Билиши лозим бўлган барча саволларга ёзма равишда жавоб ёзадилар ва ушбу мавзу бўйича маълум билимга эга бўладилар.

2. Мазкур мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) учтадан кўргазмалар восита тайёрлайдилар. Булар жадвал, чизма, диаграмма, формула каби шаклларда бўлиши мумкин.

3. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда бештадан тест тузадилар.

4. Ушбу мавзу бўйича талабалар (магистрлар) учтадан масала тузадилар ва бир-бирига ечирадилар.

5. Ушбу мавзу бўйича барча билимларини умумлаштириб, уни амалиётга қўллаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қиладилар.

16.7. «Функционал қиймат таҳлилининг самарадорлиги ва уни баҳолаш усуллари» мавзусини ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди, масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, калитли сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, агар шу мавзу бўйича янги адабиётлар chop этилиб қолгудай бўлса конспект қилади ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади. Ушбу мавзу бўйича жорий, оралик, ва якуний назоратлар ўтказилади. Назорат шакли ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат кўпинча реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

16.8. «Функционал қиймат таҳлилининг самарадорлиги ва уни баҳолаш усуллари» мавзуси устида мустақил ишлаш учун саволлар ва уларнинг назорати

Мазкур мавзу устида мустақил ишлаш учун талаба (магистр)лар қуйидаги ишларни бажаришлари лозим:

- мавзу бўйича дарсда қилган конспектини ўрганади;

- мавзу бўйича тарқатма материаллар билан танишиб чиқади;
- мавзу бўйича чоп қилинган адабиётларни ўрганади ва конспект қилади;

- ўқитувчи топшириғига биноан ушбу мавзу бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлайдилар, тестлар тузади, реферат ёзади ва уни ёқлайди;

- ёқлаш жараёни семинар тарзида, фикрлар хужумини қўллаган ҳолда кенг баҳс-мунозара шаклида ўтказилади.

Мустақил ишнинг назорати ҳам одатдагидек ёзма, оғзаки ва тест саволлари билан амалга оширилади. Натижа рейтинг асосида 100 баллик тизим билан баҳоланади.

16.9. «Функционал қиймат таҳлилининг самарадорлиги ва уни баҳолаш усуллари» мавзуси бўйича фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

Мойсеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении. - М.: Машиностроение. - 1987. - 320 бет.

Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001. - 272 бет. 12-Боб. Функционал-қиймат таҳлили методологияси. - 207-233 бетлар.

Пардаев М.Қ., Пардаев И.Р. Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари. Самарқанд. СамДУ, 2004. - 81 бет. 9-савол. Бошқаришда функционал қиймат таҳлилидан фойдаланиш. - 46-75 бетлар.

Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. «Методика функционально-стоимостного анализа» - 172-187 бетлар.

Справочник по функционально стоимостному анализу. Под ред. М.Г.Карпунина, Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988. - 432 бет.

Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. проф. А.Д.Шеремета. М.: Прогресс, 1982. - & 3.7. «Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)» - 231-236 бетлар.

Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. - Т.: Молия, 2003. - 248 бет. (Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси 81-90 бетлар).

Функционально стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика. 1985. - 472 бет.

**17.-Мавзу. Функционал қиймат таҳлилини режалаштириш ва
унга кетадиган харажатларни
баҳолаш усуллари**

Р Е Ж А :

- 17.1. ФҚТни режалаштириш
- 17.2. ФҚТга кетадиган харажатларнинг ҳисоби
- 17.3. ФҚТ орқали таннархни таҳлил қилиш.

А С О С И Й Қ И С М :

17.1. ФҚТни режалаштириш

ФҚТни режалаштиришда кўзда тутиладиган жиҳатлар қуйидагилар:

- ФҚТ амалга ошириладиган объект, элемент;
- ФҚТни жорий қилиш учун кетадиган харажатлар;
- ФҚТдан фойдаланиш эвазига эришиладиган тежамкорлик;
- ФҚТни қўлашдан олинадиган фойда.

Шундай қилиб, ФҚТни режалаштириш деганда уни амалга оширадиган объект, элемент, жорий қилиш учун кетадиган харажатлар ва улардан фойдаланиш учун эришиладиган тежамкорлик ҳамда ФҚТни қўлашдан олинадиган фойдани олдиндан белгилаб олиш жараёни тушунилади.

ФҚТни режалаштириш жараёнида ушбу бандларнинг ҳар бири бўйича ҳисоб-китоблар қилинади ва улар тегишли тарзда ўрганилиб тасдиқланади. Бу шу корхона учун қонун ҳисобланади. Бозор муносабатлари шароитида корхона ўзи режалаштириб ўзи бажариши лозим бўлган нарсалар шу жамоа учун қонун кучига эга бўлсагина у бажарилади ва уни амалга ошириш учун тегишли кураш олиб борилади.

ФҚТни қўлашнинг нафақат иқтисодий самарадорлиги, балки унинг мақсулот сифатига, кўринишига, мустаҳкамлигига, баҳосига ва техник-иқтисодий кўрсаткичларига ҳам таъсирини ўрганилиш мақсадга мувофиқ.

Бунга эришиш учун ҳар бир функцияни ким, қачон ва қандай бажариши ҳам кўзда тутилади. Бунда материаллар тежами, электр энергия тежами, иш ҳақи, ходимлар тежамкорлиги каби жиҳатлар ҳам кўзда тутилади.

ФҚТни амалга ошириш учун қилинадиган тадбирларни тизимлаштириш учун уларни маълум гуруҳларга бўлиш лозим. Булар қуйидагилардир:

1. Ишлаб чиқариш жараёнлари технологиясини такомиллаштиришга қаратилган функциялар ва тадбирлар;

2. Маҳсулотнинг техник ва конструкторлик маълумотларининг ўзгариши;


3. Ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкиллаштиришни такомиллаштириш.

Тузилган режа асосида ижрочиларга белгиланган топшириқни бажариш учун буюртма берилади. Ижрочилар ушбу буюртма асосида ҳамма топшириқларни барча элементлари бўйича бажаришга мажбурдирлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ФҚТни қўллаш доимий ва мажбурий иш эмас. Ҳар қандай нарсанинг чегараси бўлганидек сифатнинг ҳам, баҳонинг ҳам, тежамкорликнинг ҳам чегаралари мавжуд. Шу ҳолатга етгандан кейин ва у мазкур объектда одатий ҳолга айлангандан кейин ФҚТни қўллашга ҳожат қолмайди. Шу туфайли бундай ҳолда ФҚТдан бошқа мақсадлар учун фойдаланишлари мумкин.

Шу туфайли ФҚТни режалаштириш бир хил услубиётга асосланмайди. Ҳар сафар ижодий гуруҳ томонидан ФҚТни жорий қилиш режаси шу жараён ёки объект учун алоҳида тузилади.

ФҚТни режалаштиришнинг муҳим жиҳатларидан бири шулки, режалаштирилаётган ҳар бир функцияни қимлар бажариши, қандай бажариши, унинг натижасида нималарга эришиши кўзда тутилади. Бу эса ФҚТнинг корхона иқтисодиётини ривожлантириши учун мукамал усул эканлигидан далолат бериб турибди. Буни қуйидаги чизмада тасвирлаш мумкин (17.1-чизма).



17.1-чизма. ФҚТни режалаштиришда кўзда тутиладиган кўрсаткичлар.

Ушбу чизмадан ҳам кўриниб турибдики, ФҚТда барча жараёнлар бошдан охиригача бўлган ҳамма босқичларни ўз ичига оладилар. Бу ҳолат бажариладиган ишни олдиндан режалаштириш билан бирга, натижасининг ҳам нима билан туташин олдиндан аниқ бўлади. Энг муҳими, унинг амалга оширилиши учун барча мутасадди шахслар олдиндан маълум жавобгарлик белгиланган бўлади. Бу эса мазкур режалаштирилган жараённинг бажарилиш эҳтимоли жуда катта эканлигидан ҳам далолат беради.

17.2. ФҚТга кетадиган харажатларнинг ҳисоби

ФҚТни амалга ошириш маълум даражада харажатларни талаб қилади. Бу харажатлар ҳам ташкилот ва корхоналарнинг бошқа харажатлари сингари бухгалтерия ҳисобида ўз аксини топмоғи лозим. ФҚТга кетган харажатлар жорий харажатлар таркибига киради. Агар ФҚТ маълум, жараённи амалга ошириш учун бир марта қўлланилса бунга кетган харажатлар бир марталик харажатлар таркибига киради.

ФҚТни қўллаш бўйича жорий харажатларга қуйидагилар киради:

- ФҚТда иштирок этадиган ходимларга иш ҳақи;
- уларга бериладиган мукофотлар;
- социал суғуртага ажратмалар;
- ФҚТ ходимларининг хизмат сафари харажатлари;
- илмий-тадқиқот харажатлари;
- малака ошириш ва ўқиш билан боғлиқ харажатлар;
- ФҚТ билан боғлиқ идоравий, почта ва телеграф харажатлари.

Ушбу харажатларни ҳисобга олиш учун махсус счёти очиш мумкин. Бу счётининг номи «ФҚТ бўйича харажатлар счёти» деб юритилади. Харажатларнинг ҳар бир тури бўйича аналитик (бошқарув) счёти очилади. Бу счётлар тахминан қуйидагича номланиши мумкин: «ФҚТда иштирок этадиган ходимларнинг асосий иш ҳақи», «Ходимларга бериладиган мукофотлар», «Социал суғуртага ажратмалар», «2ФҚТ ходимларининг хизмат сафари харажатлари», «Илмий-тадқиқот харажатлари», «Малака ошириш ва ўқиш билан боғлиқ харажатлар», «ФҚТ билан боғлиқ идоравий, почта ва телеграф харажатлари».

ФҚТ билан боғлиқ бўлган бир марталик харажатларга алоҳида объектни такомиллаштириш, сифатини ошириш, нархини пасайтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради. Бунда ФҚТ билан шуғулланадиган махсус доимий ишлайдиган гуруҳ бўлмасдан, маълум вазифани бажариш учун бир марта ташкил бўладиган гуруҳ тузилади. Ушбу гуруҳ аъзоларига бир марта бериладиган иш ҳақи, идора харажатлари кабилар киради.

Бир марталик харажатлар танлаб олинган объектнинг қийматига, сотилиш нархига киради. Агар танлаб олинган объект йирик бўлса, ФҚТни қўллаш муддати бир ойдан ва бир чорақдан кўпроқ вақтни талаб қилса у ҳолда бир марталик харажат ойма-ой бўлиб маҳсулот таннархига киритилиб борилади. ФҚТга кетган харажатлар унинг босқичлари бўйича алоҳида-алоҳида

ҳисобланиб борилади.

ФҚТга кетадиган харажатлар кредит эвазига амалга оширилса ушбу суммалар алоҳида ҳисобда юритилади. Агар ФҚТ учун мақсадли кредит олинган бўлса бунинг ҳисоби ҳам алоҳида амалга оширилади.

ФҚТ бўйича корхонада махсус гуруҳ ташкил қилинган бўлса, улар ФҚТни бир вақтнинг ўзида бирқанча объектларда амалга оширса харажатлар ҳар бир объект бўйича алоҳида бўлиб ҳисобланади. Харажатларни бўлишда ҳар бир объектнинг таннархи асос қилиб олинади ва уларга мувофиқ равишда тақсимланади.

ФҚТни қўллаб бирорта маҳсулотнинг намунавий нусхасини ишлаб чиққан бўлса, унга кетган харажатлар алоҳида аналитик (бошқарув) ҳисобида олиб борилади. Бу харажатлар аста секинлик билан ёпилиб борилади. Буни қандай манбадан ёпиш йўллари корхонанинг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган бўлади. қайси манбадан ёпилса шунга мос равишда бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади. ФҚТ бўйича харажатларни алоҳида ҳисобга олиб бориш учун махсус қайднома тузилади ва унда барча харажатлар йўналишлари бўйича ёзиб борилади.

17.3. ФҚТ орқали таннархни таҳлил қилиш.

ФҚТда ҳам харажатлар таҳлили одатдагидек солиштириш орқали амалга оширилади. Таҳлил жараёнида харажатларнинг ҳақиқий миқдори унинг ФҚТ бўйича аниқланган миқдори билан солиштирилади. ФҚТ бўйича ҳамма функциялар, уларга кетадиган харажатлар олдиндан реал имкониятлардан келиб чиқиб ҳисобланган бўлади. Ҳақиқатда фарқ қилса бу фарқ жуда синчиковлик билан ўрганилади. Бунда иккита нарсага аҳамият берилади. Биринчидан, ФҚТда белгиланган функция ва харажатларга амал қилинганми ёки йўқми? Бу саволга жавоб ахтарилади. Иккинчидан эса, харажатларнинг ўзгаришига баҳонинг, тарифларнинг ўзгариши ҳам таъсир қилиши мумкинлиги ва ортиқча нокерак функцияларнинг қўшимча равишда бажариб юборилганлиги ҳам аниқланади. Агар бундай ҳол рўй берган бўлса, буларнинг нима эвазига содир бўлганлиги аниқланиб, ушбу нокерак функцияларни бартараф қилиш бўйича зудлик билан тегишли чора тадбирлар ишлаб чиқилади.

ФҚТга кетган харажатларнинг умумий миқдорини аниқлаш учун танланган объектда функциялар сони ҳар бир функцияга тўғри келадиган ўртача харажатлар миқдorigа кўпайтирилади ва

баҳо индексига бўлинади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$X_{фқт} = (\Phi_c \times \Phi_{кх}) : I_p$$

Бунда: $X_{фқт}$ - $\Phi_{қтга}$ кетган харажатларнинг умумий миқдори;

Φ_c - танланган объектда функциялар сони;

$\Phi_{кх}$ - ҳар бир функцияга тўғри келадиган ўртача харажатлар миқдори;

I_p - баҳо индекси.

Ушбу усул билан аниқланган миқдор таққосланадиган ҳолатга келтирилган бўлади. Ушбу формулага асосан $\Phi_{қтга}$ кетган харажатларнинг умумий миқдорига танланган объектдаги функциялар сони, ҳар бир функцияга тўғри келадиган ўртача харажатлар миқдори ва баҳо индекси каби омилларнинг таъсирини ҳисоблаш мумкин.

Буни амалга оширишда иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларида занжирли алмаштириш, индекс, интеграл, фарқли каби усуллардан фойдаланиш мумкин. Ушбу формулага занжирли алмаштириш усулини ҳамда амалий маълумотларни қўллаб омиллар таъсирини аниқлаш лозим бўлса, қуйидаги амалларни бажариш мумкин:

1. $\Phi_{қтга}$ кетган харажатларнинг умумий миқдорининг ўзгаришига биринчи омилнинг, яъни танланган объектдаги функциялар сони ўзгаришининг таъсирини ($X_{фқт. \Phi_c}$) аниқлаш учун ушбу кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдори олинади ($\Phi_{с.х}$) ва қолган кўрсаткичларнинг режадаги миқдорлари ($\Phi_{кх.р} : I_{р.р}$) олиниб ундан мазкур кўрсаткичнинг режадаги миқдори $\{ (\Phi_{с.р} \times \Phi_{кх.р}) : I_{р.р} \}$ айрилади:

$$X_{фқт. \Phi_c} = \{ (\Phi_{с.х} \times \Phi_{кх.р}) : I_{р.р} \} - \{ (\Phi_{с.р} \times \Phi_{кх.р}) : I_{р.р} \} ;$$

2. $\Phi_{қтга}$ кетган харажатларнинг умумий миқдорининг ўзгаришига иккинчи омилнинг, яъни танланган объектдаги функцияларга кетган харажатлар ўзгаришининг таъсирини ($X_{фқт. \Phi_{кх}}$) аниқлаш учун ушбу кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган қисми олинади $\{ (\Phi_{с.х} \times \Phi_{кх.х}) : I_{р.р} \}$ ва ундан биринчи омилнинг ўзгариши билан ҳисобланган миқдори $\{ (\Phi_{с.х} \times \Phi_{кх.р}) : I_{р.р} \}$ айрилади:

$$X_{фқт. \Phi_{кх}} = \{ (\Phi_{с.х} \times \Phi_{кх.х}) : I_{р.р} \} - \{ (\Phi_{с.х} \times \Phi_{кх.р}) : I_{р.р} \} ;$$

3. ФҚТга кетган харажатларнинг умумий миқдорининг ўзгаришига учинчи омилнинг, яъни баҳо индекси ўзгаришининг таъсирини $\{X_{фқт. Ip}\}$ аниқлаш учун ушбу кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган қисми олинади $\{(Фс.х \times Фкх.х) : Ip.х\}$ ва ундан биринчи ва иккинчи омилларнинг ўзгариши билан ҳисобланган миқдори $\{(Фс.х \times Фкх.х) : Ip.p\}$ айрилади:

$$X_{фқт. Ip} = \{(Фс.х \times Фкх.х) : Ip.х\} - \{(Фс.х \times Фкх.х) : Ip.p\};$$

Одатдагидек, барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$X_{фқт} = X_{фқт. Фс} + X_{фқт. Фкх} + X_{фқт. Ip};$$

Ушбу формулаларга тегишли маълумотларни қўллаб ечадиган бўлсак, ФҚТга кетадиган харажатларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти тувилади. Бундай таҳлилни амалга ошириш учун эса тегишли малака керак бўлади.

Таҳлил қилинаётган объектни тўлиқ ва батафсил ўрганиш, ундаги аҳволга тўғри баҳо бериш учун ҳақиқий ҳолатни режадаги, меъёردаги, бошқа объект кўрсаткичлари миқдорлари билан солиштириш мумкин. Бунинг учун қуйидаги ҳисоб-китобни амалга оширишни тавсия қиламиз (17.2-жадвал).

17.2-жадвал

Таҳлил қилинаётган корхона кўрсаткичларини таққосланадиган ҳолатга келтириш усуллари

Маҳсулот- нинг турлари	РЕЖАДА			ҲАҚИҚАТДА			Сумма- сининг фарқи
	Сони	Баҳо- си	Сум- масы	Сони	Баҳо- си	Сум- масы	
А маҳсулот	Ас р	Аб р	Ақ р	Ас ҳ	Аб ҳ	Ақ ҳ	—Ақ
Б маҳсулот	Бс р	Бб р	Бқ р	Бс ҳ	Бб ҳ	Бқ ҳ	—Бқ

Бунда: $Ас р$ - А маҳсулот сонининг режадаги миқдори;
 $Аб р$ - А маҳсулот баҳосининг режадаги миқдори;
 $Ақ р$ - А маҳсулот қийматининг режадаги миқдори;
 $Ас ҳ$ - А маҳсулот сонининг ҳақиқий миқдори;

$Aб\ x$ - A маҳсулот баҳосининг ҳақиқий миқдори;
 $Aқ\ x$ - A маҳсулот қийматининг ҳақиқий миқдори;
 $Aқ$ - A маҳсулотнинг ҳисобот йилидаги фарқи;
 $Бс\ p$ - B маҳсулот сонининг режадаги миқдори;
 $Бб\ p$ - B маҳсулот баҳосининг режадаги миқдори;
 $Бқ\ p$ - B маҳсулот қийматининг режадаги миқдори;
 $Бс\ x$ - B маҳсулот сонининг ҳақиқий миқдори;
 $Бб\ x$ - B маҳсулот баҳосининг ҳақиқий миқдори;
 $Бқ\ x$ - B маҳсулот қийматининг ҳақиқий миқдори;
 $Бқ$ - B маҳсулотнинг ҳисобот йилидаги фарқи;

Ушбу жадвал маълумотларига асосан ҳар бир маҳсулотни алоҳида ва иккала маҳсулотни бир бири билан ҳам таққосланадиган ҳолатга келтириш мумкин. A маҳсулотни таққосланадиган ҳолатга келтириш учун қуйидаги ҳисоб-китобни амалга ошириш мумкин:

$$Aқ\ тақ = Aс\ x \times Аб\ p ;$$

Бунда: $Aқ\ тақ$ - A маҳсулотнинг қийсланадиган миқдори.

Энди B маҳсулотнинг таққосланадиган қийматини ($Бқ\ тақ$) аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун B маҳсулотнинг ҳақиқий сонини B маҳсулотнинг режадаги баҳоси билан ҳисоблаб олинади.

$$Бқ\ тақ\ p = Бс\ x \times Бб\ p ;$$

Ушбу ҳисоб-китоблар амалга оширилгач уларни солиштириш мумкин. Мазкур ҳисоб-китоблар ФҚТда тегишли хулосаларни чиқариш учун асосий ахборот воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу формулаларга амалий маълумотларни қўлаб ечадиган бўлсак бемалол бошқарув қарорларини аниқ маълумотлар асосида қабул қилиш мумкин.

Ушбу кўрсаткичлар таннархнинг ҳақиқий таққосланадиган миқдорини ($Бтн\ тм$) аниқлаш имконини беради. Бунинг учун қуйида келтирилган формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Бтн\ тм = Бтн \cdot \{Бқ\ p - (Бс\ x \times Бб\ p)\} ;$$

Бунда: $Бтн$ - B маҳсулотнинг тўла таннархи.

Худди шундай таҳлилни бевосита таннархнинг ҳар бир моддалари бўйича ҳам амалга ошириш мумкин.

17.4. “Функционал қиймат таҳлилини режалаштириш ва унга кетадиган харажатларни баҳолаш усуллари” мавзуси бўйича таянч иборалар ва муҳим атамаларнинг таърифлари

ФҚТни режалаштириш деганда уни амалга оширадиган объект, элемент, жорий қилиш учун кетадиган харажатлар ва улардан фойдаланиш учун эришилладиган тежамкорлик ҳамда ФҚТни қўллашдан олинладиган фойдани олдиндан белгилаб олиш жараёни тушунилади.

ФҚТни режалаштириш турли услубиётга асосланиб, ҳар сафар ижодий гуруҳ тамонидан ФҚТни жорий қилиш режаси шу жараён ёки объект учун алоҳида тузилади.

ФҚТни қўллаш бўйича жорий харажатларга ФҚТда иштирок этадиган ходимларнинг иш ҳақи, уларга бериладиган мукофотлар, социал суғурта ажратмалари, ФҚТ ходимларининг хизмат сафари харажатлари, илмий-тадқиқот харажатлари, малака ошириш ва ФҚТ усуллариини ўрганиш ва ўқиш билан боғлиқ харажатлар, ФҚТ билан боғлиқ идоравий, почта ва телеграф харажатлари киради.

ФҚТ билан боғлиқ бўлган бир марталик харажатларга алоҳида объектни такомиллаштириш, сифатини ошириш, нархини пасайтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради.

ФҚТ бўйича корхонада махсус гуруҳ ташкил қилинган бўлса, улар ФҚТни бир вақтнинг ўзида бир қанча объектларда амалга оширса ҳар бир объект бўйича объектнинг таянч асос қилиб олинган ҳолда харажатлар уларга мувофиқ равишда тақсимланади.

ФҚТга кетган харажатларнинг умумий қийматини аниқлаш учун танланган объектда функциялар сони ҳар бир функцияга тўғри келадиган ўртача харажатлар миқдорига кўпайтирилади ва баҳо индексига бўлинади.

Маҳсулотни таққосладиган ҳолатга келтириш учун унинг ҳақиқий миқдорини режадаги баҳосига кўпайтириб олиш лозим.

Бир маҳсулотнинг иккинчи маҳсулот билан таққосладиган миқдорини аниқлаш учун иккала маҳсулот бўйича ҳам уларнинг ҳақиқий сонини шу маҳсулотнинг режадаги баҳоси билан ҳисобланиб олинади.

17.5. Талабаларнинг «Функционал қиймат таҳлилини режалаштириш ва унга кетадиган харажатларни баҳолаш усуллари» мавзуси бўйича билиши лозим бўлган ва ўзини-ўзи назорат қилиши учун белгиланган саволлар

1. ФҚТни режалаштириш қандай амалга оширилади?
2. ФҚТни режалаштиришда кўзда тутиладиган жиҳатлар нималардан иборат?
3. ФҚТни қўллаш бўйича жорий харажатларга қандай харажатлар киради?
4. ФҚТ билан боғлиқ бўлган бир марталик харажатларга қандай харажатлар киради?
5. ФҚТга кетган харажатларнинг умумий миқдори қандай аниқланади?
6. ФҚТга кетадиган харажатлар ҳисобига тавсиф беринг.
7. ФҚТга кетган харажатларнинг умумий миқдорига қандай омиллар таъсир қилади?
8. ФҚТ орқали таннархни таҳлил қилиш қандай амалга оширилади?
9. Маҳсулотнинг таққосланадиган қиймати қандай аниқланади?
10. Таннархнинг ҳақиқий таққосланадиган миқдори қандай аниқланади?

17.6. «Функционал қиймат таҳлилини режалаштириш ва унга кетадиган харажатларни баҳолаш усуллари» мавзуси бўйича амалий масалалар ва топшириқлар

1. Талабалар (магистрлар) ушбу мавзу бўйича ёзилган маърузаларни ва чоп этилган адабиётларни тўлиқ ўрганадилар. Билиши лозим бўлган барча саволларга ёзма равишда жавоб ёзадилар ва ушбу мавзу бўйича маълум билимга эга бўладилар.

2. Мазкур мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) учтадан кўргазмали восита тайёрлайдилар. Булар жадвал, чизма, диаграмма, формула каби шаклларда бўлиши мумкин.

3. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир талаба (магистр) мустақил равишда бештадан тест тузадилар.

4. Ушбу мавзу бўйича талабалар (магистрлар) учтадан масала тузадилар ва бир-бирига ечирадилар.

5. Ушбу мавзу бўйича барча билимларини умумлаштириб, уни амалиётга қўллаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қиладилар.

17.7. «Функционал қиймат таҳлилини режалаштириш ва унга кетадиган харажатларни баҳолаш усуллари» мавзусини ўзлаштириш ва назорат қилиш шакллари

Талаба мазкур мавзунини ўзлаштириш учун маъруза тинглайди, масалалар ечади, амалий топшириқларни бажаради, калитли сўзлар, иборалар ва муҳим атамаларни ёдлайди, агар шу мавзу бўйича янги адабиётлар чоп этилиб қолгудай бўлса конспект қилади ва муаллиф қарашлари бўйича ўз фикрини ифода этади. Ушбу мавзу бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилади. Назорат шакли ёзма, оғзаки ва тест шаклларида амалга оширилади. Ёзма назорат реферат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

17.8. «Функционал қиймат таҳлилини режалаштириш ва унга кетадиган харажатларни баҳолаш усуллари» мавзуси устида мустақил ишлаш учун саволлар ва уларнинг назорати

Мазкур мавзу устида мустақил ишлаш учун талаба (магистр)лар қуйидаги ишларни бажаришлари лозим:

- мавзу бўйича дарсда қилган конспектини ўрганади;
- мавзу бўйича таркатма материаллар билан танишиб чиқади;
- мавзу бўйича чоп қилинган адабиётларни ўрганади ва конспект қилади;
- ўқитувчи топшириғига биноан ушбу мавзу бўйича кўргазмали куруллар тайёрлайдилар, тестлар тузади, реферат ёзади ва уни ёқлайди;
- ёқлаш жараёни семинар тарзида, фикрлар ҳужумини қўлаган ҳолда кенг баҳс-мунозара шаклида ўтказилади.

Мустақил ишнинг назорати ҳам одатдагидек ёзма, оғзаки ва тест саволлари билан амалга оширилади. Натижа рейтинг асосида 100 баллик тизим билан баҳоланади.

17.9. «Функционал қиймат таҳлилини режалаштириш ва унга кетадиган харажатларни баҳолаш усуллари» мавзуси бўйича фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

Монсеева Н.К. Функционально стоимостной анализ в машиностроении. - М.: Машиностроение. - 1987. - 320 бет.

Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001. - 272 бет. 12-Боб. Функционал-қиймат таҳлили методологияси. - 207-233 бетлар.

Пардаев М.Қ., Пардаев И.Р. Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари. Самарқанд: СамДУ, 2004. - 81 бет. 9-савол. Бошқаришда

функционал қиймат таҳлилидан фойдаланиш. - 46-75 бетлар.

Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. Минск: ООО «Новое знание», 2000. Гл. 9. "Методика функционально-стоимостного анализа" -172-187 бетлар.

Справочник по функционально стоимостному анализу. Под ред. М.Г.Карпунина, Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1988.- 432 бет.

Теория экономического анализа хозяйственной деятельности. Под ред. проф. А.Д.Шеремета. М.: Прогресс, 1982.- & 3.7. "Функционально-стоимостной анализ (анализ затрат на основе потребительной стоимости)" -231-236 бетлар.

Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. - Т.: Молия, 2003.- 248 бет. (Функционал қиймат таҳлили - бошқарув ҳисобининг самарали воситаси 81-90 бетлар).

Функционально стоимостной анализ издержек производства. Под ред. Б.И.Майданчика. М.: Финансы и статистика, 1985.- 472 бет.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Функционал қиймат таҳлиlining бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг самарадорлигини оширишдаги зарурлиги ва вазифалари.....	5
1.1. Функционал қиймат таҳлиlining бозор муносабатлари шароитида объектив зарурлиги.....	5
1.2. Функционал қиймат таҳлиlining бозор муносабатлари шароитида корхоналар самарадорлигини оширишдаги роли.....	6
1.3. Функционал қиймат таҳлиlining бозор муносабатлари шароитидаги вазифалари.....	8
Функционал қиймат таҳлиlining шаклланиш ва ривожланиш тарихи.....	14
2.1. Функционал қиймат таҳлиlining шаклланиш тарихи.....	14
2.2. Функционал қиймат таҳлиlining жаҳон амалиётида вужудга келиш тарихи.....	16
2.3. Функционал қиймат таҳлиlining Ўзбекистонда яратилиш тарихи.....	18
Функционал қиймат таҳлиlining иқтисодий таҳли тизимидаги ўрни, ўзига хос хусусиятлари ва унда қўлланиладиган тамойиллар.....	22
3.1. Функционал қиймат таҳли иқтисодий таҳлининг шакли эканлиги.....	22
3.2. Функционал қиймат таҳлиlining ўзига хос хусусиятлари.....	23
3.3. Функционал қиймат таҳлида қўлланиладиган тамойиллар.....	25
4. Функционал қиймат таҳлини амалга ошириш босқичлари.....	31
4.1. Функционал қиймат таҳлини амалга ошириш шароитлари ва босқичларининг кетма-кетлиги.....	31
4.2. Функционал қиймат таҳли ҳар бир босқичининг қисқача таснифи.....	33
5. Функционал қиймат таҳлига тайёргарлик кўриш босқичи...	41
5.1. Функционал қиймат таҳлига тегишли объектларни танлашдаги ёндошувлар ва мезонлар.....	41
5.2. Функционал қиймат таҳлига танланган объектларни таҳлига тайёрлаш.....	44
5.3. Функционал қиймат таҳлини ўтказадиган гуруҳларни тузиш тартиби.....	47
6. Функционал қиймат таҳлида ахборотларни тўплаш босқичи.....	51
6.1. ФҚТда қўлланиладиган ахборотларни тўплаш ва уларни	

маълум тартибга келтириш.....	51
6.2. ФҚТда қўлланиладиган ахборотлар тизими.....	54
7. Функционал қиймат таҳлилда масаланинг моҳиятини ўрганиш босқичи.....	64
7.1. Ўрганилаётган объектда мавжуд функцияларни аниқлаш, таснифлаш ва тавсифлаш.....	64
7.2. Ўрганилаётган объектнинг ташқи муҳит билан боғлиқ функциялари.....	68
7.3. Ўрганилаётган объектда ички муҳит билан боғлиқ функциялари.....	69
7.4. Функцияларни таҳлил қилиш босқичи ва йўллари	70
7.5. ФҚТда харажатларни қолқуляцияси бўйича туркумлаш ва уларни функциялар бўйича тақсимлаш.....	73
8. Функционал қиймат таҳлилда ижодий босқич.....	78
8.1. Ижодий босқичнинг ўзига хос хусусиятлари.....	78
8.2. Ижодий босқичнинг турлари ва таснифи.....	80
9. Функционал қиймат таҳлилда қўлланиладиган эвристик усуллар.....	86
9.1. Функционал қиймат таҳлилда қўлланиладиган эвристик усулларнинг турлари.....	86
9.2. Функционал қиймат таҳлилда қўлланиладиган эвристик усулларнинг тавсифи.....	87
10. Функционал қиймат таҳлилда қўлланиладиган «Фикрлар ҳужуми» ва бошқа ижодий усуллар.....	93
10.1. Функционал қиймат таҳлилда қўлланиладиган «Фикрлар Ҳужуми» усулининг моҳияти ва унинг алоҳида турлари.....	93
10.2. Функционал қиймат таҳлилда қўлланиладиган «Фикрлар ҳужуми» усулининг тавсифи.....	95
11. Функционал қиймат таҳлилда тадқиқот босқичи.....	100
11.1. Функцияларни амалга оширишни тадқиқ қилиш ва уларни баҳолаш усуллари.....	100
11.2. Функцияларни техник-иқтисодий баҳолаш ва уни амалга ошириш усуллари.....	104
11.3. Таркибий харажатдорлик усулининг моҳияти.....	106
11.4. Элементар коэффицентлилик усулининг мазмуни.....	108
12. Функционал қиймат таҳлилининг ишлаб чиқаришда қўлланилиши.....	113
12.1. Функционал қиймат таҳлилининг ишлаб чиқаришда қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари.....	113
12.2. ИЧТда Функционал қиймат таҳлили учун объектни танлаш ва шу объект бўйича маълумотларни тўплаш.....	114
12.3. Ишлаб чиқариш тизими фаолияти сифатини баҳолаш.....	117
13. Функционал қиймат таҳлилининг хизмат соҳасида қўлланилиши.....	121
13.1. Мамакат иқтисодий салоҳиятининг юксалишида	

туризмнинг роли.....	121
13.2. Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари.....	124
13.3. Туризмни ривожлантиришда ФҚТдан фойдаланиш.....	128
14. Функционал қиймат таҳлилининг бошқаришда қўлланилиши.....	133
14.1. ФҚТнинг бошқаришдаги вазифалари.....	133
14.2. ФҚТни бошқаришда қўлланиладиган усуллари.....	135
14.3. Раҳбарнинг бошқарув услуби ва унда ФҚТдан фойдаланиш.....	138
15. Функционал қиймат таҳлилини ташкил қилишда кадрларни танлаш ва уларга қўйиладиган талаблар.....	146
15.1. ФҚТ бўлимига танлаб олинладиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари.....	146
15.2. ФҚТ ўтказадиган тадқиқот ишчи гуруҳи раҳбарлигига танлаб олинладиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари.....	151
15.3. ФҚТ ўтказадиган тадқиқот ишчи гуруҳи аъзолигига танлаб олинладиган кадрларга қўйиладиган талаблар, мезонлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари.....	154
15.4. ФҚТ учун кадрларни танлаб олиш босқичлари.....	158
16. Функционал қиймат таҳлилининг самарадорлиги ва уни баҳолаш усуллари.....	164
16.1. ФҚТ самарадорлиги тушунчаси ва уни баҳолаш мезонлари.....	164
16.2. ФҚТ самарадорлигини баҳолаш концепцияси.....	169
16.3. ФҚТ самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган чизмалар.....	170
17. Функционал қиймат таҳлилини режалаштириш ва унга кетадиган харажатларни баҳолаш усуллари.....	179
17.1. ФҚТни режалаштириш.....	179
17.2. ФҚТга кетадиган харажатларнинг ҳисоби.....	181
17.3. ФҚТ орқали таннархни таҳлил қилиш.....	182

ИЗОҲ УЧУН

Теришга берилди 21.09.2006й.
Босишга рухсат этилди 20.02.2007 й.
Қоғоз бичими 84 х 60 1/16. Ризография усулида,
70 гр/ м2. Ҳисоб-нашриёт 10,86 шартли босма табоқ.
Адади 400 нусха.

Жиззах шаҳри, «*SjT*» босмахонаси, Қ. Имомов кўчаси
Тел: 8 (372) 22222-34

20 000

22.169

22.169